

Ўткир ҲОШИМОВ

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

(қисса)

Кайта нашр

«MERIYUS»
ТОШКЕНТ – 2015

821.512.133-31-Произв. пис.

УДК 94 (575)

ББК: 63.3(5У)5

Х71

Узб-иЯ

Хошимов, Уткир.

Х71 Дунёнинг ишлари: кисса /У.Хошимов; мас.муҳаррир: А.Самад — Т:
«Meriyus» ХНМК, 2015. — 272 6.

Масъул мухаррир ва сўнгисузв муаллифи:

Асрор САМАД

Тақризчи:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

филология фанлари доктори. профессор

ББК: 63.3(5У)5

Х71

Alisher Navoiy

2016/102 nomidagi

4737 O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-395-45-9

© “Meriyus” ХНМК

© Уткир Хошимов.



Бұ қисса қатта-қинек новеллалардан иборат.

Бирок үләрнің бағысса да мен үңци
ені азиз одам – онам ештеси бор.
Дүндаш одамларнің ұлтасини ұз
күзим билан күрінман. Фақат баъзи-
ларнің иеми ұзғарды, холос. Бұ
одамларнің қисмати ұлт қайсаудың
жіхати билан онамда болғанған.

Дүнедаш ұлтта онадағ фарзандың
түнөсабат бөбиға биғ-биғша жұға ұж-
таңды. Бас, түндай әкан, бұ асағ сиз-
ларға бағыланади азиз Онажонлағ!

Мұалымғұл



Эдтимол, сизда ҳам шундай ҳоллар бүлгандир: тун ярмидан окканда бирдан уйғониб кетасиз. Шифтга тикилиб ётаверасиз, ётаверасиз... Аввалига чиқиллаб турған соат ҳам бора-бора тиниб қолғандек бүлади. Уй жимжит, дераза жимжит, қоронғы осмон жимжит. Ҳатто шамол ҳам қылт этмайди. Шу қадар оғир сукуннат чүкадики, кулоқларингиз шанғиллаб кетади. Зилдек юк устингизга ёпирилиб, вужудингизни ерга михлаб ташлайди; танҳо, ожиз бир нарсага айланиб қоласиз. Гүё бутун дунё бир тарафу сиз үзингиз бир тараф... Шундай пайтда менинг күз үнгимда түсатдан онам пайдо бүлади. Қоронғы хонанинг бир бурчидан чиқиб келади-да, маъюс жилмайған күйи бошим устига эгилади. Йиллар захматидан дағал торған бармоқлари билан пешонамни силагандек бүлади... Үпкам түлиб, үзимни туттолмайман. Бирдан туш каби узук-юлук хотиралар ёпирилади, юрагим гурсиллаганча үрнимдан туриб кетаман.

ОҚ, ОЙДИН КЕЧАЛАР

Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари кўз олдимга келади. Ҳовлимизда бир туп бодом бўларди. Эрта баҳорда қийғос гуллардию ҳеч мева тугмасди. Онам: “Бодом ёлғиз бўлгани учун мева қилмайди”, деб тушунирарди. Шу бодом тагида супа бор эди. Кун ботиши билан онам ҳовлига кўлоблатиб сув сепар, кун бўйи офтобда қизиган ер ҳиди супа олдидағирайхонлар исига қўшилиб ажаб бир тароват таратар, атроф жимжит бўлиб қолар эди.

Кейин йирик-йирик юлдузлар билан тўлган осмонга тиллақошдек ингичка ой суэиб чиқарди. Ойим ойга тикилиб туриб оҳиста пичирлар эди:

*Оймомахон хулла,
Қанотлари тилла.
Субҳоналло сизга,
Умр берсин бизга...*

Шундай деб бошимни силарди. Оймома эса бу сехорли қўшиқни яна бир эшиттиси келгандек, муаллақ тўхтаб қолар, юлдузлар ўйчан кўзларини тикиб, мулоим бокиб туришар, онам эртак айтар эди.

Тошлиар орасига кириб ғойиб бўлган бахтсиз қизча йиглаб-йиглаб қўшиқ айтарди:

*Очил-очил, оқ тошлиар-а,
Мен онамни кўрайин-а,
Дийдорига тўяйин-а.*

Ўтқир ҲОШИМОВ

— Мен осмондан юлдузимни танладим. Қаранг, ойи,
Етти оғайни орасидаги энг ёруғ юлдуз — меники...

— Майли, ўғлим. Ўша юлдуз сеники. Анови тўр-
тинчиси — меники.

— Нега, ойи, тўртинчиси энг кичкина юлдуз-ку!

— Шунинг учун ҳам меники... Тўртинчи юлдуз —
етимча юлдуз. Кўрдингми, яхши ўсмай қолган. Етим-
ларга раҳм қилиш керак.

Юлдузлар сирли кўз қисишар, тиллақошдек ингичка
ой сирли мўралар, шабада сирли шивирлар, садарайҳон
билин тупроқ сирли ҳид таратар, осмон ҳам, ер ҳам
сирларга тўла эди.

Гоҳо-гоҳо осмонда бирдан юлдуз учиб қоларди. Ҳозир-
гина ёниб турган юлдуз тўсатдан лоп этаорию ингичка,
нурли из қолдириб юйиб бўларди. Онам чўчиб тушарди:

— Эсиз... Бир бечоранинг жони узилди-я...

Юрагим шув этиб, онамнинг пинжига кирадим.
Ишқилиб, бошқа юлдуз учмасин!

... Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари кўз олдимга
келади. Билмадим, эҳтимол ўша оқ, ойдин кечаларда
онам илк бор қулимга қалам тутқаэгандир.

Юлдуз тўла осмонга тикиламан. Эҳтимол, осмондаги
энг ёрқин юлдузлар оналарнинг жонидир. Эҳтимол, она-
ларнинг сўнган юлдузлари бирлашиб қуёшга айланган-
дир. Офтобни она дейишлари, эҳтимол, шундандир.

ТАСАЛЛИ

Қабристон жимжит. Фақат йўлакнинг икки четида
саф торган мирзатераклар қабр устига бош эгган
фарзандлардек онага ором тилаб алла айтади. Уларнинг
мунгли шивирлаши тиловат садоларига қўшилиб, юракни

эзувчи оҳангга айланади... Оқ сурп яктак кийган, мosh-
гуруч соқоли ўзига ярашган гўрков юзига фотиха тор-
тиб ўрнидан туради:

— Бўлди энди, болам! Бунақада ўзингизни олдириб
қўясиз. Дунёнинг ишлари шу экан, илож қанча? — У
бир зум индамай қолади-да, қўшиб қўяди: — Волидаи
мехроибонингиз хўп ярлақаган одам эканлар. Тўшакда
ётмабдилар, бирорга зориқмабдилар... Бунақа беозор
ўлим ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Нами қуриб улгурмаган тупроқ уюмига тикилганча
ўйлайман.

Эҳтимол шундайлир. Онам бу дунёда камсуқумгина
яшарди. Ҳеч кимга озор бермасди. Ҳеч ким билан ҳеч
нимани талашмасди. Эҳтимол, табиатнинг энг шафқат-
сиз элчиси билан ҳам олишиб ўтиришни хоҳламагандир.
Эҳтимол...

— Кўрдингизми, — дейди қария ўйчан оҳангда, —
ўша куни кечаси билан жала қуиб чиқди. То қабрга
қўйгунимизча тинмади. Қўйишимиз билан чараклаб оғ-
тоб чиқди. Бунақа руҳи пок одамлар кам бўлади, болам,
мен била-манку.

Эҳтимол шундай ҳамдир. Балки, одамларнинг дардига
шерик бўлавериб кўникиб кетган бу нуроний қария керак-
ли пайтда ҳар кимга ана шундай тасалли сўзини айтар.
Рахмат сенга, отахон. Эртами-кечми ҳар кимнинг иши ту-
шадиган мана шу қўлларинг учун раҳмат. Ўртаниб турган
юракка сув сепа биладиган мана шу ҳамдард қалбинг учун
раҳмат. Фақат... Ҳамма гап ёмғирда бўлса, яна ақалли уч
кунгина онамнинг умри чўзилсаю кейин ёмғир эмас, мут-
тасил тош ёғса ҳам рози эдим...

Бир ҳафта бўлдики, дўстларим, таниш-нотанишлар
эшикдан маъюс кириб келишади. Дўстларим жимгина

Ўтқир ҲОШИМОВ

ўтириб, жимгина чиқиб кетишади. Бошқалар охиста сүрайдилар:

— Неча ёшда әдилар?

Мен айтаман... Айтаману ўйлайман: онанинг ёш-қариси бўладими? Мехронинг ёш-қариси бўладими? Шафқатнинг-чи? Садоқатнинг-чи?

Илгарилари бир ҳақиқатни билардим. Она учун боланинг катта-кичиги бўлмайди. Энди яна бир ҳақиқатни англадим: бола учун ҳам онанинг катта-кичиги бўлмас экан. Она — она экан. Унга бошқа сифат керакмас.

ТУШ

Туш кўрсам, онам чироқ кўтариб юрганмиш. Юзини аниқ кўрмасмишману, аммо қўлидаги чироқ хира нур сочиб турганмиш. “Кўзингта қара, болам, чукур бор”, дермиш нукул. Карасам, чукур йўқ. Уйғонсанм, онам ҳам йўқ...

Баъзан иш билан, баъзан мажлислар билан, гоҳида улфатчилик билан уйга кеч қайтардим. Бир куни Намангандан меҳмонлар келиб қолишиди. Уйга боришга кўнмай, ўзимни ресторанга судрашди. Ярим кечагача қолиб кетдим. Уйга қайтганимда кайфим бор эди. Дарвозани онам очди. Совукда муштдеккина бўлиб дилдираб турибди.

— Шу вақтгача ухламадингизми! — дедим зарда қилиб. — Эшик очишга сиздан бошқа одам йўқми?

Онам маъюс жилмайди:

— Уйқу катта, болам? Ў-ўтирибман.

Эртасига редакцияда навбатчилик чўзилиб кетди. Карасам, яна онамнинг чироги ёник.

— Нега ухламадингиз?

Онам яна маъюс жилмайди:

— Биласан-ку, жон болам, камуйқу бўлиб қолганман.

Мен нодон, онамнинг камуйқу бўлиб қолганига, ярим кечагача юраманми, тонготар қайтаманми, онамниг чироғи муттасил липиллаб туришига хўп кўниkkeккан эканман.

Қайси куни ишдан кейин москвалик меҳмонларни аэропортга кузатиб қўядиган бўлдим. Самолёт кечикиб учди. Ярим кечада уйга қайтсам... ҳаммаёқ жимжит. Ҳамма ўз ороми билан...

Тушимда онам чироқ кўтариб юрганиши.

ҲАҚҚУШ

Дўстларим: “Жуда сикилиб кетдингиз, айланиб келамиз”, деб тоққа судрашди. Алла-паллагача ўттан-кеттандан гаплашиб ўтиродик. Қизиқ, ҳар гал бош устига босиб тушгудек мағрур қад кериб турган тоғларни, улкан новвот парчасидек қиррадор қояларни кўрганда ҳаёт абадий эмаслигини ўйлайман. Коронги осмонда яна ҳам қорароқ соядек қилт этмай турган бу қоялар бизга ўжшаганларнинг неча-нечасини кўрди экан?.. Факат уларнинг тили йўқ...

Кечаси тунаган жойимиз совуқ эди. Анчагача ухлай олмадим. Ташқарида тераклар шитирлайди. Қаердадир, яқин жойда дарё шовиллайди. Бир маҳал қулогимга дилни орзиқтирувчи мунгли товуш чалинди: “Ҳақ-қу, ҳақ-қу...” Бир зум сукунат тушди-да, анча олисдан яна ўша товуш такрорланди: “Ҳақ-қу, ҳақ-қу...”

Бола эдим, гўдак эдим. Онам ака-укалар ҳакида ғалати бир чўпчак айтиб берган эди. Эмишки, бир замонлар икки ака-ука яшаган экан. Бирининг оти Илҳақ, иккинчисини-ки Исҳоқ экан. Иккаласи бир-бирини кўтарга кўзи йўқ, жуда ноаҳил экан. Уларнинг кўнглини оламан, деб икки ўртада оналари адойи тамом бўлти. Щунда қодир Худонинг қаҳро келибдию икковининг ҳам кўзини кўр қилиб,

Үткір ҲОШИМОВ

қүшга айлантириб қүйибди. Шундагина ака-ука бир-бирини күрмаса туролмаслғитини, бир-бирига керак эканынгити-ни тушунибди. Үшандан бери иккаласи кечалари бүзлаб бир-бирини чакириб чиқашармашу тополмас эмиш...

Ташқариде ҳамон терак барглари шитирлайди. Дарё шовуллайди. Мана шу шовуллаган суқунат ичида дилни титратадиган изтиробли нидо янграйди: “Илхак! Исхок!..”

Бечора онам! Үша изтиробли афсонани айтаёттаг-нингда инидан мұралаган қалдирғоч боласидек күрпа-дан бosh чиқарып ёттан беш боланг бир-бири билан иноқ бүлишини шунчалик ҳоҳлаганмидинг!

...Оналар фарзандлари ҳамиша бирга бүлишини ис-тайдалар. Қисмет эса, уларни қанот чиқариши билан ҳар ёққа учирив кетади. Ҳаёт лоқал шу масалада ҳам она-ларга шағқат қылмайди.

КАРЗ

Бир куни гапдан-гап чиқиб, ака-укалар ойимга ҳаз-иллашдык:

— Ҳар ой пенсия оласиз. Шунча пулни қаёққа қүйяпсыз? Сандиққа босяпсызми?

— Сандиқ қатта, болам? — деб кулди онам. — Қарзларим бор. Үшанга бераман-да.

Акамнинг қовоғи осилди:

— Қарз? Ҳали бирордан қарз ҳам оласизми?

— Э, сенга нима, болам! Менинг ишимга аралашып нима қиласан?

Кейин гап бошқа ёққа айланиб кетди. Бу сұхбатни бутунлай унугиб юборған әдим. Қайси куни әрталаб ҳовлида айланиб юрсам, құшнимизнинг етти яшар қиз-часи Нилуфар чиқиб қолди. Оппоқ бантик тақиб, атлас қўйлак кийиб олибди.

- Ха, Нишу, ясаниб олибсан, меҳмонга кетяпсанми?
- дедим эркалаб.
- Бугун ман туғилдим, — деди у қоп-қора күэлари-ни пириратиб жилмаяркан.
- Ия, юбиляр экансан-да, шошмай тур-чи, ҳозир...
- Уйдан бир ҳовуч конфет олиб чиқдим.
- Мана, ўртоқларинг билан е.
- Нишуфар катталардек жиддий бош чайқади:
- Мен ишқалад емайман. Тишим тушган. — Кейин яна ўша жиддий оҳангда қўшиб қўйди: — Бултур пош-ша бувим менга туфли олиб берувдилар. Туғилганимда.
- Қизча ўйланиб қолди. — Кейин-чи, Баҳога уч оёқли велосипед, Баҳтига кўйлак...
- Кўлимдан конфет тушиб кетди.

ИККИ АФСОНА

Газетачининг иши бир томондан улоқчи отга, иккичи томондан омоч тортадиган отга ўхшайди. Улоқчи отек манзилга югурадию ер ҳайдайдиган отек ҳар куни омоч тортади...

Навбатчи эдим. Ҳонада ёлғиз ишлаб ўтирсам, фаррош кампир Вера хола кирди.

— Шу стол сизникими? — деди негадир қовогини солиб.

- Шу.
- Чекасиэмси?
- Чекаман.
- Нега кулни полга ташлайсиз? Кулдонингиз бўлмаса, айтинг, уйдан обкеб берай!

Мулзам бўлдим. Йўқ, йўлакнинг деворида “Фаррош меҳнатини ҳурмат қилинг” деган ёзув илиб қўйилгани

Ўткир ҲОШИМОВ

учунгина эмас. Гап шундаки, фаррошнинг иши қанақа бўлишини яхши биламан, ўзимнинг бошимдан ўтган.

Ойим фаррош эди. Шундоқ ҳовлимизнинг ёнида пионер лагери бўларди. Ойим кун чиқмасдан туриб йўлкаларни супуради. Биз ака-укалар сув сепамиз. Аслида сув сепиш унчалик қийин эмас. Йулка четидаги ариқчага тушиб ола-сизу алюмин тогорача билан сепиб ташлайверасиз. Кейин ойим бандига узун таёқ боғланган бурган супурги билан супуриб кетаверади. Эрталаб сув муздек бўлгани учун оёфингиз совқотиб “кесилиб” кетади. Аммо гап бунда ҳам эмас. Ҳаммасидан ёмони — тонг отмасдан туриш. Ўзи ярим кечагача “куча санғиб” роса ҳолдан тоямиз. Энди ширин ухлаб ётганда ойим секин туртади:

— Бўла қол, ўғлим, ҳали-замон кун ёйилиб кетади.

Ўзинг тенги болалар лагерь палаткаларида маза қилиб ухлаб ётганида сен сув сепиб йўлка супуришинг... Нима десам экан... Сал алам қилади кишига. Шунданими, вақти-вақти билан “шайтонлик” қиласман. Гоҳ бoshim оғриб қолади, гоҳ оёғим... Ойим негадир кўпроқ мени авайлайди. Ўрнимга ўзим билан бир кўрпада тепишиб ётадиган Абдувоҳид деган ўртоғимми, акамми туриб кетади. Баъзан дадамнинг жаҳли чиқади. “Нима, бунингни бошида шохи борми, ишласин-да”, дейди...

Катта акам институтга кирганида бешинчими-олтинчили синфда ўқир эдим. Акам студент бўлганидан кейин ойим-нинг касби унга ёқмай қолди. Охири очиғини айтди:

— Ойи, қўйинг энди шу ишингизни...

Ойим ўйга толди.

— Нима, ор қиляпсанми? — деди бир муддат хомуш ўтиргач. — Мен ўғирлик қилаётганим йўқ-ку, болам. Мехнатнинг айби борми?

Дадамдан ҳам, акаларимдан ҳам садо чиқмади.

Нимагалигини билмайману, ўша куни негадир қайтадан гўдак болага айланиб қолгандек бўлдим. Кичкин-тойлик пайтимда онам бир ёнига укамнинг бешигини қўйиб, бир ёнида мени олиб ётарди.

Киш кечалари сандалга тиқилиб ётарканман, ялиноман:

— Ойи, чўпчак айтиб беринг.

— Ухла, болам, чарчаганман.

— Айта қоли-и-инг.

— Хўп, қўзингни юмиб ётгин-да, эшиит... Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда...

Гап қаёққа қараб кетаётганини дарров биламан.

— Яна обкашми?

— Йўқ, офтоб...

— Униям айтгансиз-ку.

— Бошқасини билмайман-да...

— Майли, айта қолинг.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда офтоб бўлган экан.

— Шу ўзимизнинг офтобми?

— Ҳа, ўзимизнинг офтоб. Шундай қилиб, офтоб бор экан. Лекин ер юзиға сира чиққиси келмас экан. Ҳар куни эрталаб Ҳудога нола қиларкан. Ер юзида ифлос нарсалар кўп, ҳеч кўргим келмайди, дер экан. Тангри уни овутаркан. Сен чиқавергин, ер юзини ифлос нарсалардан тозалайдиган одамлар бор, дер экан. Шунинг учун ким ер юзини тозаласа, ўша энг яхши одам бўларкан.

— Сиз яхсисиз-а? Доим кўчаларни супурасиз-ку.

— Қулоқ сол, ўғлим... Офтоб ҳар куни яна Ҳудога нола қиларкан. Ер юзида ёмон одамлар бор. Уларниям кўргим келмайди, дер экан. Тангри уни овутаркан. Сен чиқавергин, қанча кўп нур сочсанг, ер юзида ёмон одамлар шунча камаяди, дер экан.

Ўткир ҲОШИМОВ

- Ойи, акам ёмон-а?
- Нега, жиннивой?
- Ҳали ясаган қорбобомни тепиб бузиб ташлади-ку!
- Йўқ, аканг яхши... Ёмонлар бошқача бўлади.
- Қанақа бўлади?
- Катта бўлганингда тушунасан. Бўлди, энди ухла.
Еттинчи лампанинг пилиги пасайтириб қўйилган, уй ичини танчадан чиқдан кўмир ҳиди, лампамой иси тутган... Нимқоронги. Ҳеч ҳам уйқум келмайди.
- Ойи, обкашниям айтинг.
- Бўлди, ухла...
- Айта қо-ли-и-инг.
- Майли, эшит. Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир йигит бўлган экан. Ўзи яхши йигит экану, бир куни онасини хафа қилиб қўйибди.
- Нима қипти?
- Ишқилиб, хафа қилиб қўйибди-да. Эрталаб кўчага чиқса, қўшни кампир икки букилиб обкашда сув олиб кетаётганмиш.

Йигит югуриб бориб кампирнинг қўлидан обкашни олмоқчи бўлибди. Кампир бўлса, раҳмат ўрнига йигитнинг елкасига обкаш билан роса урибди.

- Оғрибдими?
- Ойим жим қолади.
- Нима оғрийди? — дейди анчадан кейин.
- Ўша йигитнинг елкаси-да.
- Оғрибди. — Ойим кулади. Кейин хўрсинади. — “Сен, — дебди кампир йигитга, — бирорнинг кўнглини овлашдан олдин ўз онангнинг кўнглини оғритмасликни ўрган”.
- Ўша бола кейин онасини хафа қилмабдими?

— Йўқ, ҳечам хафа қилмабди. — Ойим узоқ жимиб қолади, кейин секин давом этади. — Кўрдингми, одам энг аввало ўзининг яқинларини яхши кўриши керак. Дунёда яхши одамлар кўп. Жудаям кўп. Аммо сен адангни, опангни, акаларингни яхши кўрмасанг...

— Сизниям, — дейман унинг гапини бўлиб.

— Мениям... — дейди онам кулиб. — Мениям яхши кўрмасанг, дунёда ҳеч кимни яхши кўролмайдиган бўлиб қоласан.

— Уйимизниям, — дейман маҳмадоналик қилиб.

Ойимни жаҳли чиқмайди.

— Уйимизниям, — дейди маъқуллаб. — Ўз уйимизни яхши кўрмасанг, юз қаватли уйларниям яхши кўролмайсан.

— Энди чакка ўтмайдими, ойи?

— Томданми? Аданг тузатиб тушдилар-ку. Энди ўтмайди.

Сукунат чўкади. Ҳаёл сурман. Юз қаватли уй қанақа бўлишини ўйлайману сира кўз ўнгимга келтиrolмайман.

— Ойи, — дейман секин. — Тошкентда юз қаватли уй борми?

— Йўқ.

— Тошкент энг катта шаҳарми?

— Энг катта шаҳар.

— Ундан каттаси йўқми?

— Бўлса бордир. Сен ўша шаҳарларни яхши кўриш учун Тошкентни яхши кўришинг керак. Тошкентни яхши кўриш учун ўзимизнинг Дўмбрободни яхши кўргин, хўлми?

— Хўп. Нега?

— Катта бўлганингда тушунасан. — Ойим пешонамни силайди. Негадир хўрсинади.

Бутунлай уйқум ўчиб кетади.

ҮТКИР ҲОШИМОВ

— Ойи, — дейман яна. — Дарё каттами, денгизми?

— Денгиз.

— Дарё-чи?

— Уям катта.

— Ўзимизнинг Конқусдан ҳам каттами?

— Катта.

— Ҳўжа айтадики, Чирчиқда дарё бормиш...

Ойим кулади.

— Энди ухла, болам.

Уйқу қаёқда? Нуқул дарёларни ўйлайман.

— Ёзда-чи, — дейман эсимга тушиб, — Вали Конқусда оқиб кетай деган. Акам олиб чиқсан!

— Барибир, — дейди ойим ўйчан оҳангда. — Конқусниям яхши кўргин.

— Нега?

— Нега деганда, Конқус ўзимизнинг анҳор. Ундан ўзимиз сув ичамиз.

— Ўшанақа қилсам, бошқа дарёларниям яхши кўриб қоламан-а?

Ойим тағин кулади.

— Албатта.

— Кучугимниям яхши кўрай-а?

— Яхши кўргин, ўғлим.

— Ойи, Адҳам жинни-а?

— Нега?

— Кечачи, мушукни муз билан урди. Мушук чўлоқ булиб қолди.

— Жониворларга озор бериб бўлмайди, болам. Бўлди, энди ухлаймиз.

— Ҳўп... Катта бўлсам, ка-а-атта шаҳарларга борамми?

— Борасан, ўғлим, борасан. — Ойим секин-секин мудраб кетади.

Нимкоронги шифтта тикилиб ётганча хаёл сурман. Гоҳ катта шаҳарларга бориб қоламан, гоҳ дарёларда сузман. Бешик гичирлайди. Укам йиглай бошлайди. Ойим дарров уйғонади. Бешикни охиста тебратиб, алла айтади. Ойим укамга алла айтадио оҳангига мен ухлаб қоламан...

Ҳақиқат ҳавога ўхшайди. Нафас олиб турасизу ўзини кўрмайсиз. Ўйлаб қарасам, ойим гўдаклигимда қайта-қайта айтиб берган мана шу икки афсона ҳаётдек оддий, ҳаётдек чуқур ҳақиқат экан.

ГИЛАМ ПАЙПОҚ

Ҳар иили дам олишга борганимда онамга гилам пайпок олиб келаман. Кавказ томонда кўп бўлади. Жуба дейишади, жураби дейишади. Ойим худди ноёб нарсага эга бўлгандек, узундан-узоқ дуо қилади. Шундоқ меҳрибон ўғли борлигини айтиб қўшниларга мақтанаиди. Унинг оёғи ка-сал. Салқин тушиши билан шишиб кетади, оғрийди.

Қуни-қўшнилар ахвол сўраса, уларният, ўзиниям юпатади.

— Ҳа, энди кексалик-да, ўргилай.

Лекин онамнинг оёқ оғриғи факат кексалиқдан эмас. Буни бошқалар билмаса ҳам, мен биламан. Яхши биламан.

Болалигимда кўп касал бўлардим: қизамиқ, кўйиғутал, безгак... Шунинг учун ошхонадаги михда кўк қарғанинг патидан тортиб, гултоҷиҳурозгача илиғлик турарди... Айниқса, томоқ оғриғи ёмон қийнайди. Оёғим заҳга тегиши билан томомгим оғришга тушади. Оёқ билан томоқниг нима алоқаси борлигини ҳалиям тушунолмайман...

Үткір ҲОШИМОВ

Ұшанда неча ёшлигим әсимдә йүқ. Бирок жуда кичкина әдим. Бир куни ақаларим билан яхмалак үйнаб терлаб кетдім. Терлаб туриб муз едім. Кечқурун иситма құтарилди. Қув-қув йұталаман. Ойим томогимни аччиқтош билан чайиб құрди, бұлмади, туршак қайнатиб сувини ичиреди, бұлмади... Охири томогим хиппа бұғилиб қолди. Оғриқни сезмайману нафас олишга қийналаман. Ҳушимдан кета бошлаганимни эс-эс биламан. Қулогим остида онамнинг чирқиллаб үйрекшесінде, ҳадеб бир гапни қайтараётгани әшитилади:

— Вой, әнди нима қиласын! Вой, болам үлиб қолади!

Кейин мени шоша-пиша құрпачага үради. Бир маҳал онамнинг құлида кетаётганим әсимдә бор. Гупиллатиб қор ёғаётганини ҳис этиб турардиму, бирок юзимга қор тушмас әди. Онамнинг иссик нафаси урилиб турар, у сирғаниб-сирғаниб борар, оғир ҳансирар әди.

Хира чироқ милтираб турған аллақандай уйға кирдик. Құз үңгім яна қоронғилашиб кетди. Ойим ҳамон чирқиллайди.

— Үлиб қолади! Болагинам үлиб қолади!

— Вахима құлманг, пошша, дардни берган Ҳудо да-восиниям беради.

Бу Ҳожи бувининг овози эканини гира-шира идрок этдім.

Ҳожи буви бошимни тиззасига қўйиб чалқанча қилиб ётқизди. Дока үралган бармогини оғзимга тиқди. Қўнглим ағдарилиб, типирчилаганча үйрелар, аммо Ҳожи бувининг құлидан чиқиб кетолмасдим. У томогимга нимадир қиласын! Дод солиб құлинни тишлиб олдим. Қизик, бирпасдан кейин ахволим енгиллашди. Қўзимни очсам, Ҳожи буви жилмайиб турибди.

— Нега тишлисан, кучуквой? — деди бошимни силаб.

Кейин тепамга ойим энгашди. У ҳамон ҳансирап, сочлари тўзиб кетган, юзи жиққа ҳўл эди.

Бирпасдан кейин қадимни ростлаб, танчага оёғимни тиқиб ўтирдим. Ҳожи буви аллақандай тахир суюқлик ичирди. Кейин ойимга қарадио бирдан хитоб қилди.

— Вой пошиша-а-а! Нима қилиб қўйдингиз, тамом бўпсиз-ку!

Ойим талмовсираб, гоҳ менга, гоҳ Ҳожи бувига қарап эди.

— Оёғингиздан айрилибсиз-ку! — деди Ҳожи буви бошини чайқаб. — Шу аҳволда қандоқ келдингиз?

Кавшандозда турган ойимнинг калишини энди кўрдим. Калишнинг ичи қорга тўла эди.

— Сарпойчан келавердингизми?! — деди Ҳожи буви ҳамон ўша вахимали оҳангда. — Энди нима қиласиз? Қарғанинг миясини чақиб сурмасангиз, чўлоқ бўлиб қоласиз.

Ойим танчадан оёғини чиқарди. Иккала оёғи қип-қизил гўшт бўлиб кетган эди.

— Совуқ егани йўқ, — деди секин. — Қайтага исиб кетди. Корда ўзи исиб кетаркан.

Ҳожи буви унинг оёғини уқалаб кўрди.

— Сезяпсизми?

— Нимани? — деди ойим оёғига эмас, менга қараб.

— Қўлимни сезяпсизми?

Ойим индамай бош чайқади-да, пиқиллаб йиглаб юборди.

... Эртасига у ётиб қолди. Узоқ ётди. Дадам бир жойдан қарға отиб келди. Ҳожи буви қўлидан келганча доридормон қилди... Кейин ойим тузалди. Бироқ салқин тушибши билан оёқлари шишиб, азоб берадиган бўлиб қолди...

Ҳар йили дам олишга борганимда онамга гилам пай-поқ олиб келардим. У худди ноёб нарсага эга бўлгандек,

Ўткір ХОШИМОВ

уэоқ дуо қиласы, бирпасда ҳамма құшниларға күз-күз қилиб чиқады, шундок «мехрибон» ўғли борлигини айтиб мақтанады. Шунда қор гупиллаб ёғиб турған мудхиш кече, онамнинг қип-қиэзил гүштта айланиб кеттган оёқлары күз ўңгимга келадио индамай чиқиб кетаман.

ЭҢГ ОҒИР ГУНОХ

Күз кирганини қишлоқ боласининг қулидан билса бұлади. Еңғоқ хали “пакқа” бўлиб ажралмасдан туриб, дарахтга тармашиб кетамиз. Ҳом ёнғоқнинг пустини тозалаш осон эмас. Ғадир-ғудир ғишт топиб, ишқалайверасиз, ишқалайверасиз. Охири сап-сариқ ёнғоқ ажралиб чиқади. Аммо қулингиз ҳам хина қўйгандек сарфайиб кетади. Лой билан минг марта ишқалаб ювсангиз ҳам фойдаси йўқ. Пишмаган ёнғоқнинг битта яхши томони бор: оғир бўлади. Учи билан дум томонини яхшилаб ишқалаб ёвласангиз, золдирдек сип-силиқ соққага айланади. Ана ундан кейин “соққа қувар” ўйнайверасиз. Соққа қанча кичкина бўлса, шунча яхши. Манаман деган ёнғоққа қарс этиб уриладио ўзига унча-мунча ёнғоқ тегмайди. Тупроқ орасига яшириниб ётаверади. Ўйин-ку ўз йўлига. Енғоқнинг яна битта фазилати бор: қоринни тўқ тутади. Тўрттасини еб олсангиз, ярим кун кекириб юрасиз.

... Энди ўйлаб қарасам, ўша, уруш энди тугаб, оғирчиликнинг заҳри кетмаган йилларда яхшиям мева-чева бўлган экан. Одамларнинг жонига шу ора кирган эканда. Эрта кўкламда сумалак, кетидан исмалоқ, кейин қарабсизки, тут пишади. Эрмон буванинг тути! Майиз дейсизми, шинни дейсизми, ҳаммаси тутдан бўлади. Бундан кейин олма, узум, кузда ёнғоқ. Ҳам овқат, ҳам ўйин.

Бир куни **Хўжа**, Той, Вали тўртовлашиб роса соққа қувар ўйнадик. Жимитдеккина соққам билан бир дўппи ёнроқни ютиб олдим. Ўйинга жўрабошимиз **ҳам** аралашган эди, уям бир чўнтак ёнроғидан айрилди.

Кечкурун оғзим қулоғимга етгудек бўлиб бир дўппи ёнроқ кўтариб келдим. **Қарасам**, ошхона томондан гуп-гуп эттан товуш келяпти: ойим ўғирда толқон қиляпти.

Нима учундир онам тез-тез толқон қиларди. Сабабини кейин тушунганман. Нон кўплиги учун эмас, камлиги учун толқон қилишаркан. Толқон тўйимли бўлади. Икки қошиқ еб, устидан олма чой ичсангиз, дарров нафсингиз қонади.

Ёнроқни кўтариб ошхонага кирдиму дўппини узатдим.

- **Қаёқдан олдинг?** — деди ойим кўзимга тикилиб.
- Ютдим. Манг, толқонга солинг.

Биламан, ёнроқли толқоннинг таъми бошқача бўлади. Еф мазаси келиб туради.

Онам дўппи тўла ёнроқни қўлимдан олиб, елкамга қоқди:

— Бор, сабр қилиб тургин, ҳозир ёнроқ толқон қилиб бераман.

Супадаги хонтахта олдига бориб ўтирдим. Дастурхонда тўнкариб қўйилган иккита пиёла билан чойнайдан бўлак нарса йўқ эди. Зум ўтмай ойим бояги товоқда толқон кўтариб келди. Бир қошиқ толқон ейишм билан тўсатдан соққам эсимга тушиб қолди. У чўнтағимни қарайман — йўқ, бу чўнтағимни қарайман — йўқ.

— Нима бўлди? — деди ойим типирчилаётганимни қўриб.

- Соққам қани?
- Қанақа соққа?

Ўтқир ҲОШИМОВ

— Ютадиган сокқам!

Бирдан күнглимга ғулғула тушди. Ойим сокқамниям қүшиб чакиб қўйган бўлса-я!

Оғзимда толқон билан ошхонага югурдим. Бир чеккада яримта фишт, ёнида теша ётибди. Пўчоқлар орасини титкилаб, ютадиган сокқамнинг ялтироқ пўчорини топдим. Аламимдан чинқириб юбордим:

— Сокқамни нима қилиб қўйдингиз?

Супа томондан онамнинг овози келди:

— Нима бўлти?

— Нима қилдингиз? — дедим аlam билан. — Сокқамни нима қилиб қўйдингиз?

Ойим секин тепамга келди.

— Мана, — дедим пўчоқни кўрсатиб. — Сокқамни қакиб қўйибсиз-ку!

Ойим негадир қулди:

— Каёқдан биламан. Қўй, болам, аканг бошқасини топиб берар.

Ойимнинг кулиши баттар аlam қилди.

— Керакмас, керакмас! — дедим оёғимни типирлатиб. — Ютадиган сокқам эди.

Ойим бошимни силади.

— Билмабман-да, ўғлим. Ўзинг дўпписи билан бердинг. Юр, чойингин ич! — У қўлимдан тутиб яна супага олиб чиқди. Оддимга толқонли товоқни сурив қўйди. — Ўтир, овқатланиб ол. Қорнинг очиб кетди-ку!

Товоқни нари сурдим.

— Емайман!

Ойим товоқни яна мен томонга сурди.

— Ол, болам, ширин бўлти.

— Керакмас! Керакмас! Керакмас! — Товоқни қўлим билан бир урган эдим, учиб аввал супага, ундан ерга

тушди. Толқон ер билан битта бўлиб сочилди-да, тупроқка қоришиб кетди.

Бирдан ойимнинг кўзида разаб чақнади. Шапалогини ёзиб қулоқ-чаккамга яқин келтирди. Кўркувдан кўзимни юмиб олдим. Йўқ, урмади. Бироқ лаби титраб пичиорлади:

— Нон-ку, бу, аҳмок! Гуноҳ бўлади-ку!

У секин ерга тушди. Сочилган толқонни кафти билан сидирган эди, тупроқ аралашиб чиқди. Онам бошини кўтариб менга қаради. Кўзларида алам, таъна бор эди.

Бирпасдан кейин опам, акаларим дастурхон атрофида йиғилишди. Ҳар биттасига ярим қошиқдан толқон ё тегди, ё тегмади. Кейин дадам келди, ойим ошхонадан буғи чиқиб турган бир лаган лавлаги кўтариб чиқди. Лавлаги ширин нарсаю ҳар куни егандан кейин жонга тегади. Барibir нон эмас.

— Толқон қилмадингми? — деди дадам бир бўлак лавлагини пулфлаб-пулфлаб ер экан.

Кўркув ичидагимга қарадим.

— Қилувдим, — деди у секин.

— Колмадими?

— Ўғир ўлгур ағдарилиб кетди, — деди онам айбдор оҳангда.

— Нима? — дадам лавлаги бўлгини кўли утганча жаҳл билан онамга қаради.

— Тўкилиб кетди, — деди ойим бошини кўйи солиб.

— Падарингга лаънат! — деди дадам сени, аммо таҳдидли оҳангда. — Кап-катта хотин увсаб ўтиранг. Билиб қўй, нон кўр қиласи сени! — билан ўринидан турди-да, бир ҳатлаб супадан ту сиз-тез юриб кўчага чиқиб кетди.

Мен ойимга қарадим. У бўлса ҳамон бош кўтармай ўтирас, кўзларида изтироб бор эди.

БОЛА ЙИФИСИ

Онамнинг жаҳли чиққанини камдан-кам кўрадим. Аммо бу гал жуда қаттиқ аччиқланди. Опамниига кетаётган эдик. Тор қўчага бурилишимиз билан йиғи овози эшитилди. Қўча четида уч ёшлардаги бола ерга думалаб тажанглик билан чинқирав, оппоқ кўйлаги, иштончаси қора тупроққа беланганди.

— Машинани тўхтат, ўғлим, — деди онам хира тортган кўзларини ўша томонга тикиб.

— Нима эди?

— Тўхтата қол, болам, — дея онам маъюс жилмайди. Иккиланиброқ тўхтатдим.

Онам инқиллаб-синқиллаб эшикни очиб тушди. Увишган оёқларини уқалаганча оқсоқлана-оқсоқлана орқага, бола йиғлаётган томонга қараб кетди. Мен ҳам беихтиёр эргашдим. Бола ҳамон ерга думалар, ҳар думалаганда қулоқни тешиб юборгудек чинқирав эди. Унинг тепасида ўзи ҳам ўпкасини аранг босиб турган ёшгина жувонга энди зътибор бердим.

— Жинни булиб қолган бу, — деди жувон йиғламоқдан бери булиб. — Морожний обер, деди. Олиб берсам, бунака қиляпти.

Бола ҳамон чинқириб йиғлар, хархаша қилар эди:

— Иссиқ манож! Иссиқ манож оберинг!

— Унақасини қаёқдан топаман! — Жувоннинг тоқати тоқ бўлди шекилли, думалаётган ўрлинни ердан юлқиб кўтарди. Орқасига бир-икки шапатилади.

— Ҳой, қизим, бола-я бу, бола-я! — Онам чумчукдек чирқиллаб жувонга ёпишди. — Кел, жоним, — деди болани бағрига босиб. — Кела қол, ўзим сенга иссиқ морожний олиб бераман.

Бола йигидан тұхтамади. Аммо аввалгидек типирчиламасди. Унинг шунчалик жаҳлини чиқарған “совук ма-нож” оқиб күйлакчасининг олдини шалаббо қылган, бошдан-оёғигача лой әди.

— Нимага қараб турибсан? — деди онам менга тұсатдан. — Е сен ҳам боламисан? Бор, олиб кел машинангни. Ҳозир у-утага борамиэ. Ди-дитта тушамиз-а?

Ростини айтсам, болани шу ахволда машинага үтқазгим келмади. Чет әлдан келтирилган янги паролон филоф олган әдим. Ҳаммасини расво қилиб юборади энди. Ноилож машинани тислантириб олиб келдим, қовоғымдан қор ёғаёттанини үзим ҳам сезиб турардим.

Онам ёнига үтирган жувонга тушунтириди:

— Бунақада бола хүйли бўлиб қолади, қизим. Алдаб-сулдаб овутинг-да. Ана, ди-дитта тушдик.

Бола энди йигламас, аммо үпкаси тұлиб тұхтовсиз хиқиллар әди.

— Қаёққа кетаётган эдинглар, үргилай? — деди онам аёлни ҳам юпатувчи оҳангда.

Мени она-боланинг қаёққа бориши әмас, үриндиқни-нг қанча жойи лойга белангани күпроқ үйлантираоди.

Аёл чимирилиб үтирганимни сезди шекилли, хижолат чекиб шоша-пиша қўл силтади.

— Мана, келдик. Раҳмат. Шу ерда троллейбусга чиқамиз. — У овуниб қолган үғилчасини қўтариб шоша-пиша машинадан тушди. — Катта раҳмат, барака топинглар.

Қарасам, худди үзим үйлагандек: үриндиқнинг ярми лойга беланибди.

— Қизиқсиз, — дедим жаҳлимни босолмай, — ҳамманинг ишига аралашаверасизми?

— Нима ҳамманинг иши?

Ўткир ҲОШИМОВ

— Бироннинг боласи бўлса... Йигласа, сизга нима? Йиглаб-йиглаб овунади.

— Нимага бироннинг боласи бўларкан! — Тўсатдан онамнинг жаҳли чиқиб кетди. — Йиглаб турган боланинг бегонаси бўладими? Уялмайсанми шунаقا дегани? Йиглаб турган норасидага раҳми келмаган одам — одамми?

Индамадим. Аммо бари бир ўшанда онамни ноҳақ хисоблаган эдим. Йўқ, чамамда, оналарнинг биз тушунмайдиган, бизнинг ўлчовимизга сифмайдиган ўз олами борга ўхшайди.

ХИЁНАТ

Ҳали мактабга қатнамасдим. Махалламиэдан икки чақиримча нарида аллақандай болалар уйи бор эди. Катта болаларнинг айтишига қараганда, ўша ерда тез-тез кино бўлиб тураркан. Бир куни акаларим қўшни болалар билан пичир-пичир қилишаётганини әшитиб қолдим:

— Эшиздингларми, бугун кино келармиш.

— Уруш кино экан.

Акаларим кинога борса, мен қараб туармидим.

— Мен ҳам бораман, — дедим қайсалик билан.

— Бўлти, борасан. Айтган ишларимизни ҳаммасини қилсанг, оборамиз.

Шу куни нима юмуш буюришса, оёғим олти, қўлим етти бўлиб югуриб юрдим. Ёнғокқа боғлаб қўйилган эчкини икки марта сугордим, ҳовлидаги супага тўшалган бўйра устига ёйилган туршакларни қуш таламасин деб қўриқлаб ўтиредим... Ҳатто рогаткамнинг резинкасини узиб, укамга иштонбоғ қилиш учун бердим.

Кечқурун қулогимни динг қилиб турган эдим, қўчада қўшни болалар чақириб қолишибди. Акаларимга эргашиб

югурдим. Акамнинг Дамин деган ўртоғи мени кўриб сўради:

- Сен қаёқка?
- Кинога! — дедим ишонч билан.
- Дамин ўйланиб қолди.
- Бўлмаса, ботинканги кийиб чиқ, — деди оёғимга қараб.

Ҳаммамиз ялангоёқ эдик.

- Ботинкани нима қиласман?
- Девордан ошиб тушамиз, билдингми! — Бирдан Даминнинг жаҳли чиқиб кетди. — Қоровул қувласа, янтоқзордан қоча оласанми? Чоп, кийиб чиқ! Биз кутиб турамиз.

Отилиб ҳовлига кирдим.

Ойим чўнқайиб ўтириб, эчки соғаёттан экан. Ўтирган жойида шу саратонда ботинка нимага керак бўлиб қолганини сурошиди.

— Керак! Керак! — дедим нафасим тиқилиб. Ойимнинг жавобини ҳам кутмай бостирмаға югурдим. Эски лаш-лушлар қалашиб ётган сандиқни кавлаштириб, пошнаси қийшайиб кетган ботинкамнинг бир пойини топдим. Аксига олиб иккинчиси йўқ эди. Ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташладим. Мана, ниҳоят иккинчиси ҳам топилди. Икки пой ботинкани икки қўлимда ушлаганча кўчага чопдим. Чиқсан... Акаларим ҳам, болалар ҳам йўқ. Мени кутишга ваъда берган Дамин ҳаммани бошлаб кетганини тушундим. Ялангоёқ тупроқ сачратганча катта кўчага югурдим. Йўқ, ҳаммаёқ жимжит эди...

Ҳовлига қайтиб кирдиму ботинкаларни ерга улоқтирганча йифлаб юбордим. Илгари ҳеч қачон бунақа алам билан йифламаган бўлсам керак, ойим қўрқиб кетди.

- Нима бўлди? — деди тепамга келиб.

Ўткир ҲОШИМОВ

- Мени алдаши!
- Ким, нимага?
- Алдаши! Алдаши! — Бошқа гап айтолмасдан нуқул шу сўзларни қайтарар, ер тепиниб йиглар эдим. — Алдаши! Алдаши!

Ойим сут ҳиди анқиб турган қўллари билан пешонамни силади.

- Қўявер, ўслим. Баъзан шунақаси ҳам бўп туради.
- У бир зум жимиб қолди-да, секин қўшиб қўйди: — Фақат ўзинг бунақа қилмагин, ҳўтми?

...Тўртингчи синфда ўқиётганимда яна бир воқеа бўлди. Бир синфда ўқийдиган, бир партада ўтирадиган ўртоғим бор эди. Унинг дадаси урушдан қаҳрамон бўлиб келган, ўзининг оти ҳам Қаҳрамон эди. Отаси қаҳрамон бўлгани учунми, ўқитувчилар уни яхши кўришаоди. Мактабимиз ҳовлисида ёнғоқ кўп бўларди. Катта танаффусда ўқитувчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, ёнғоқ қоқардик. Фақат иссиқхона ёнидаги ёнғоқка кесак отишга ҳеч ким журъат қилмас, ойна синса, оқибати яхши бўлмаслигини билардик. Бир куни катта танаффусда Қаҳрамон ўша ёкка бошлаб қолди.

- Қўйсанг-чи, — дедим унинг қўлидан тортиб. — Теплицанинг ойнаси синади.

— Шунақа қўрқоқмисан! — Қаҳрамон кулди. — Бундай қиламиз. Сен қараб турасан. Мен қоқаман. Ўқитувчи кўриниб қолса, ҳуштак чаласан.

Ёнғоқ, ҳеч қоқилмагани учун бўлса керак, фуж-фуж бўлиб ётарди. Қаҳрамон бир кесак отгандәёқ ўнтачаси дув этиб тўкилди. У икки чўнтагини тўлдириб олди-да, каттароқ кесакни олиб, яна отди. Бу сафар мўлжали хато кетди шекилли, қарс этган товуш эшитилди. Теплица ойнаси чил-чил синди. Нима бўлганини англаб

етгунимча, Қаҳрамон лип этиб ғойиб бўлди. Шу пайт бирор қўлимдан маҳкам ушлаб тортди. Қарасам, синф раҳбаримиз. Мактабдаги энг баджаҳл ўқитувчи шу эди. Қўрқиб кетдим.

- Нима қилдинг? — деб сўради у дарғазаб бўлиб.
- Ҳеч нима, — дедим товушим титраб.

У қўлимни қўйиб юбормай, судраб кетди. Ўқитувчилар хонасига олиб борса керак, деб баттар қўрқиб кетдим. Бироқ у идорага эмас, синфимиизга етаклаб кирди. Қий-чув қилаётган болалар бир зумда жимиб қолишиди. Ўқитувчи парталар орасидан етаклаб ўтиб мени доска олдига турғазиб қўйди. Секин Қаҳрамонга қарадим. Бегуноҳгина бўлиб деразага қараб ўтирибди.

- Ўртоқларингни олдида айт! — деди синф раҳбаримиз дона-дона қилиб. — Ҳозир нима қилдинг?

- Ҳеч нима, — дедим ерга қараб.
- Теплицани ким синдириди?
- Билмайман.
- Билмайсанми? — Ўқитувчи қаҳр билан овозини баландлатди. — Бўлмаса, Пушкин тош отдими?

Томонимга бир нима тиқилиб туар, гапирсам йиғлаб юборишимни билар эдим.

- Ким?! — деди ўқитувчи баттар ғазабланиб.

Лабимни тишлаганча бош чайқадим.

- Мана бу, — деди у бармоғини менга нуқиб, — қилирилиқни қилиб қўйиб, тоняпти. — Унинг овози бирдан пасайди. — Болалар, унинг ёнғоқка тош отганини ҳеч ким кўрмадими?

Илтижо билан ўртоқларимга қарадим. Ҳамма жимжит эди.

Ўтқир ҲОШИМОВ

— Сен-чи? — деди ўқитувчи овози товланиб. — Сен ҳам кўрмадингми, Қаҳрамон?

Қаҳрамон секин ўридан турди.

— Кўрдим, — деди минғиллаб. — Ўзи отди.

Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Унинг нима деяёттанини яхши эшитмасдим. Фақат битта гап қулогим остида жаранглаб турарди: “Кўрдим, ўзи отди”.

— Хайрият! — ўқитувчи бош силкиди. — Орангларда ҳеч бўлмаса битта мард бор экан. Ўтири, Қаҳроамон. — У менга юзланиб давом этди. — Сен ёлғончисан! Ёлғончи бўлганинг учун қўрқоқсан. Дадангга бориб айт, ҳозироқ ойнани жойига келтириб қўйсин.

Қўзимга ёш қўйилиб келар, бутун синфга, бутун мактабга эшиттириб ҳайқиргим келарди: “Мен эмас, ўзи отди, ўзи синдири! Ишонмасанглар чўнтагини қаранглар!” Шундай дегим келардию негадир овозим чиқмасди. Синфдан отилиб чиқиб кетдим. Кўчага чиқкандан кейингина йиглаб юбордим. Уйга келиб энтика-энтика ҳаммасини ойимга айтиб бердим. Ойим бошимни сила-ганча, оҳиста юпатди:

— Қуявер, ўғлим. Баъзан шунақаси ҳам бўлади. Фақат ўзинг унақа қилма. Кўрдингми, ёлғон гапиргани учун ўртоғингни ёмон кўряпсан. Агар ёлғон гапирсанг, сениям ҳамма ёмон кўриб қолади.

...Студент эдим. Фариштадек гўзал, фариштадек по-киза бир қизни севиб қолдим. Ой сутдек ёруғ нур сочган оқшомлари узоқ сайр қиласардик. Бизнинг “ўз” хиёбонимиз, “ўз” анхоримиз, “ўз” скамейкамиз бор эди. Кейин... негадир у мендан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Ҳаёл суради, қўзини яширади...

Айбим нималигини билолмасдим. Ҳасратимни энг яқин дўстимга айтардим. Дўстим билан танаффус пайтлари

тўрт тийинлик гўммани бўлишиб ердик. Пахтага, ҳашарга чиқсанда, бир косада шўрва ичардик, бизникига келганида бир кўрпада ётардик. Дўстим онамни “оий” деб атар эди. Ойим ҳам уни “бешинчи ўғлим”, дерди. Шундай қилиб, ҳамма сирларимни шу дўстимга айтардим. Дўстим ишнинг кўзини биладиган йигит эди. “Кўяверинг, — дерди у юпатиб, — қизларнинг шунақа ноз-фироғи бўлади. Нимага ноз қиласётганини ўзиям билмайди. Сиз индамай юраверинг, бир куни ўзи бош эгиб келади...” Дўстим тўғри айтарди. Мен энди оқшом сайллари ўрнига кутубхонада ўтирадиган бўлдим.

Имтиҳонлар яқинлашиб қолган эди. Бир куни қироатхона ёпилгунча ўтирадим. Кўчага чиқдиму ўша ўзимизнинг хиёбондан ўттим келди. Илиқ ёз оқшоми эди. Осмонда тўлин ой покиза нур сочар, юлдузлар хушчақчақ порлар, боғ устида шабада шодон шивирлар эди. Сув бўйидаги ўзимизнинг скамейкага яқин келдим. Келдиму жуда таниш, жуда жарангдор кулгини эшитиб, таққа тўхтадим. Бу кулгини бир чақирим наридан ҳам танир эдим. Ичимда бир нима узилиб кетгандек бўлди. Худди ўша жойда, яқиндагина мен билан ўтирган скамейкада ўша қиз ўтиради. Менинг ўрнимда эса... дўстим ўтирас, қизнинг елкасидан қучиб, кўксига тортар, қиз эса ундан ўзини олиб қочгандек бўлар, менинг бағримда қандай эркаланган бўлса, унинг қучорида ҳам шундай ғамза билан жилланглар эди... Одам бир йўла ҳам муҳаббатидан, ҳам дўстидан айрилиб қолса оғир бўларкан... Уйга қайтдиму ҳовли ўртасидаги супага мук тушиб ётиб олдим. Ҳозир ҳеч кимни, ҳатто онамни ҳам кўришга кўзим йўқ эди. Анча ётдим. Бир маҳал кўча эшик томонда дўстимнинг овози келди:

— Ассалому алайкум, оий!

Ўтқир ҲОШИМОВ

Ғазабдан бутун вужудим қалтиар, аммо ўрнимдан туролмас, оймнинг у билан айланиб-ўргилиб кўришганини эшитиб ётар эдим.

Кейин унинг хушчакчақ товуши эшитилди:

— Ия, бизнинг ўртокка нима бўлди?

Билмайман, сакраб туриб башарасига мушт туширдими ё устимга эгилганида уриб юбордимми... Шуниси эсимдаки, у сўлаги сачраб кетган лабини артиб қандайдир файритабиий, беҳаё илжайди-да, индамасдан чиқиб кетди. Нарироқда ойим карахт бўлиб турарди. Негадир мадорим куриб яна ётиб олдим. Осмонда хоин ой кезар, беҳаё илжайганча ҳаром нурини сочар, хиёнаткор юлдузлар хоинларча кўз қисишар, хиёнаткор шамол хоинона қиқир-қиқир кулар эди.

Бир маҳал тепамга онам келди. Ўзимни ухлаётганга солиб кўэимни чирт юмиб олдим. У анчагача ёнимда ўтириди-ўтириди-да, секин пичирлади:

— Кўявер, ўғлим, баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради. Фақат сен...

Гапининг давомини эшитмадим. Эшитишни хоҳламасдим ҳам. “Нима мен?! — дедим хаёлан хитоб қилиб. — Мен нима қилас? У кўзинг бу кўзингни ўйман деса, энг сирдош кишиларинг хиёнат қилса, дўстинг хиёнат қилса, нима қилиш керак?! Бирор хиёнатни шунчаки касбга айлантириб олгани учун, бирор ишини битириб олиш учун, бирор ҳасад қилгани учун хиёнат қилаверадими? Шунинг учун бу дунёни ёлғончи дунё дейишадими? Ундаи бўлса, яшашнинг нима маъниси қолди?! Қани айтинг, нимага ишониш керак, кимга ишониш керак?”

Юрагим гурсиллаб урганча хаёлан шундай деб хайқирдим. Бироқ вужудимни ўртаган саволларга жавоб тополмасдим. Онам эса жимгина пешонамни силаб ўти-

рар, құллари билинар-билинмас титраёттанини сезиб турардим. Шунда түсатдан яна ёш болага айланиб қолдим. Үшанды акамнинг ўртоғи алдаб кеттанида, синф-дош ўртоғим тухмат қылганда... онамнинг юпатишларига овунгандек... Калбимнинг зулмат босган қайси дир бурчагида ожиз, аммо ишончли бир нур йилт этди. “Онангчи, онанг ҳеч қачон хиёнат қылдими сенга! Бирон марта, ақалли бир марта хиёнат қылдими? Ҳар ким ҳар кимниң күзига чүп солиши мумкин, ҳар ким ҳар кимга хиёнат қилиши мумкин. Фақат она ўз боласига ҳеч қачон хиёнат қылмайди. Эхтимол, инсон ҳаётининг шунча йиллардан бүён давом этиб келаёттани шундандир”.

Онамнинг билинар-билинмас титраб турған құлларини тутдыму секин лабимга босдим.

СУРАТ

Дунёнинг ишлари доим шошилинч. Одатдагидек тик турғанча нонушта қилаёттан әдим. Онам одатдагидек қистарди:

- Ўтиранг-чи, болам. Бирпас ўтиргин.
- Бұлди, кетдим.
- Шошма, болам. — Онам күзимга одатдагидан бошқача, қандайдыр мунг билан термилди. — Гап бор.

Типирчилаб соатта қарадим: ҳали бензин олиш керак, ишга бориш керак, кейин нашриётта ўтиш...

- Нима эди?

Онам күзимга ҳамон маъюс термилиб ўтиради.

- Суратта тушайлик, — деди түсатдан.

Ажабландым.

- Нега?

— Яқинда мен үламан.

Онам бу гапни худди: “Күшниникига чиқиб келаман”, дегандек оҳангда айтди. Кулиб юбордим.

— Кўйсангиз-чи, ойи.

Шундай дедим-да, чиқдим кетдим.

Орадан икки ҳафта үтдию... Кечалари уйғониб кетаман, ўйлайман. Ўйлайман: сен номард, сен ахмоқ, нимага, нимага ўшанда кулдинг? Суратга тушишга вақтинг йўқмиди? Керак бўлса топасан-ку! Китоб учун, журнал учун, иш устида, боғда, кўчада... Нима, сен киноюлдузмисан? Жаҳоншумул шахсмисан? Ана, бир даста суратинг ётибди. Ҳар хил. Ҳар ерда... Фақат... Онанг билан тушган суратинг йўқ!

КИТОБ

Бутун китобим чиқди.

Ҳар гал янги китобим чиқиши билан биринчи нусхасини онамга атар эдим. Ҳар гал бир хил сўз ёзиб берардим: «Биринчи ўқитувчим — онамга!» Онам китобни қўриши билан қўзлари қувончдан порлаб кетар, узундан-узоқ дуо қилас, пешонамдан үтиб, яккаш битта гапни такрорлар эди:

— Сен менинг суюнган тогимсан, ўғлим...

Кейин худди бирор олиб қўядигандек, китобни ёстифинг тагига яширади. Шунда мен китобим чиққани учун ўзимдан кўпроқ онам қувонганини билиб турадим.

Бир куни маҳалланинг нариги чеккасида турадиган нонвойникига кириб қолдим. (Нима юмуш билан борганим эсимда йўқ.) Карасам, ёғоч сўрида китобим ётибди. Варақлари титилган, офтобда сарғайиб кетган. Қизиқиб қўлимга олдим. Ўқисам, ўзимнинг дастхатим: «Биринчи ўқитувчим — онамга!»

Ўшанда нима учун бундай ахволга тушганимни билмайман. Худди бирор мени масхара қилаётгандек бўлиб кетди. Келиб онамга тўнғилладим:

— Китобни етти маҳалла нарига ташлаб келинг, деб берганмидим сизга!

Онам айбдор қиёфада маъюс жилмайди.

— Мавлу ҳеч қўймади-да, болам. “Битта ўқиб бераман”, деди.

— Мавлудагача яна мингта қўлдан ўтгани кўриниб туриби, — дедим зарда билан. — Мактангансиз.

— Ўзингни сикма, жон болам. Ҳозир олиб келаман.

Чиндан ҳам, ўша куни китоб қайтиб келди...

Ҳар гал китобим чиқса, онам бир гапни айтарди:

— Сен менинг суяңган торимсан, ўғлим...

Билмаган эканман, мен онамнинг эмас, онам менинг суяңган тогим экан. Тогим тўсатдан қулаб тушиди.

Бугун янги китобим чиқди. Биринчи нусхасини эмас, битта нусхасини эмас, олтмиш минг китобнинг ҳаммасини онамга бағишладим. Лекин...

МАҲАЛЛАНИНГ “ШАЙХИ”

Қачондир унинг исми бўлса бўлгандир. Бироқ маҳаллада ҳеч ким унинг отини билмайди. Ҳамма Шайх деб чақиради.

Айтишларича, уруш пайтида бир бева хотин беш-олти ёшлардаги боласи билан шу ерга келиб қолган. Инсофли одамлар бевага чойхона ёнбошидаги пастак ҳужрани ажратиб беришган. Бола барибир бола-да. Баҳорда ҳужранинг томига чиқиб варрак учираётган экан, варрак ҳаволаган сайин қизиқиб кетиб, итни торта-торта тисарилиб борибдию томдан чалқанчасига йиқилиб тушиб-

Ўтқир ҲОШИМОВ

ди. Шўрлик онанинг дод-фарёдига чойхўрлар ёпирилиб чиқишига, боланинг боши ёрилиб, қонга беланиб ётганмиш. Ҳожи буви унинг бошига кигиз куйдириб босибди, қоракуя сурнибди, ҳайтовур, бола тузалиб кетибди. Фақат эси айниброқ қолибди. Ушандан буён ҳеч ким унинг бирон марта йиглаганини кўрмаган. Качон қарасангиз, илжайиб туради. Илжайганда ҳам тилининг учи оғзига сифмай доим чиқиб туради. Шундан бўлса керак, онда-сонда устара тегадиган дўрдоқ лабининг икки чети оқариб ётади. Урушдан кейин онаси вафот этадио Шайх ёлғиз қолди. Эски чойхона бузилганида уларнинг хужрасидан ҳам ном-нишон қолмади. Бироқ Шайх кўчада қолгани ўйқ. Махалладаги ҳамма уй Шайхники. Унинг учун ҳамма эшик очиқ. У бизниги ҳам тез-тез келиб туради. Онам билан узоқ-узоқ гаплашганини кўрадиму онам бу девона билан нимани гаплашишига ақлим етмасди.

Жамики тўй, жамики маърака Шайхсиз ўтмайди. Унинг ўз вазифаси бор: самовар қўяди. Хотиношида маҳалла отини, никоҳу базмларда тўйбоши эркаклар Шайхнинг хизматига мухтоҷ.

— Шайх, тўрт чойнак чой! Уч чойнак фамил, бир чойнак кўкидан бўлсин.

— Ҳодэир...

Шайх ғалати гапиради, “з”ни айтолмайди, “дз” дейди, “с” деёлмайди, аллақандай “тс” қилиб айтади.

— Шайх теэрок! Нозик меҳмонлар келиб қолди.

Шайх шошилмайди. Ишини билиб қиласди.

— Тсекин. Нодзик бўтса, ўдзига, — дейди илжайиб.

Одамлар ранжимайди. Шайхнинг пухталигини билишади. Шунча йилдан бери биронта тўйда чойнак дарз кетмаган, бирон меҳмон чойсиз қолмаган.

У факат пиво ичади. Кўп эмас, икки шишагина. Тўй эгалари Шайхнинг улушкини алоҳида ажратиб қўйишиди. Тўй тарқаши олдида, хизматини қилиб бўлгандан кейин Шайх шишани оғзига қўйиб пиво ичиб олади-да, бирдан ўйинга тушади. Ёқавайрон бўлиб, оғзидан кўпик сачратиб хўп ўйнайди.

Одамлар қарсак чалган сайин баландроқ сакрайди:

- Бўш келма, Шайх!
- Маладес, Шайх! Орангутан бўп кет-э!

Бундай “мақтоворлар” Шайхни баттар жазавага солади. Ҳар тепингандага ер зириллаб кетади.

Баъзан ҳангоматалаб йигитлар Шайхни ўртага олиб колишади.

- Бу... тўйни қачон бошлаймиз, Шайх?
- Шайх тилини чиқариб илжайиб қўяди.
- Сенга ҳам хотин олиб берайлик бундоқ.
- Хотинмас, қидэ...
- А?.. Вой кўнглингнинг кўчасидан ўргилдим! Сени кўрган қиз инфаркт бўлиб “Грудной хирургия”га тушади-ку!

Шайх хафа бўлмайди. Умуман, хафа бўлишни билмайди. Илжаяди.

Онамнинг йигирмаси бўлаётган эди. Гира-шира тонг отаётганда эшиқдан кўйлакчан Шайх лапанглаб кириб келди.

— Ия, ана, Шайх келиб қолди! — деди аллаким тантгана билан. — Қани, самоварга ўзинг қарай қол.

Аммо Шайх ҳовли бурчагида турган самоварлар томонга юрмади. Ҳеч кимга қарамай бир ҳатлаб айвон зинасидан чиқдию ойимнинг хонасига йўналди.

— Ҳой, Шайх ўлгур, қаёқка? — аёллардан бири унинг йўлини тусди. — У ерда қариялар ўтиради.

Ўтқир ҲОШИМОВ

— Коч! — деди Шайх кўзини олайтириб. Кейин онамнинг хонасига кирди-ю, тўсатдан ўзини ерга отди.

— Ойи! — деди хириллаб. — Ойи-и-и!

Ёқасига чанг солиб бир тортган эди, кир кўйлаги шир этиб йиртилди-да, қоп-қора, бақувват елкалари титраганча оғзидан кўпик сачратиб ҳайқорди:

— Ойи! Ойи!

У ҳар “ойи” деганда бошини ерга урар, ерни муштлар эди.

Бирпасда пешонаси моматалоқ булиб кетди.

— Ойи! Қаёкка кетдидз, ойи!

Умрида йифламаган Шайхнинг ноласи ҳаммани каракт қилиб қўйган эди. Кимдир кўтармоқчи бўлган эди, Шайх силтаб юборди.

— Тегманглар! — деди аллаким пицирлаб. — Майли, йиглаб олсин.

Анчадан кейин у гандираклаб ўрнидан турди. Ҳеч кимга қарамай ҳовлига тушдию индамай чиқиб кетди.

“ТОЙ”

Бултур баҳорда эшигимиз олдидағи гулларни суғораётган эдим, яп-янги “Москвич” келиб тұхтади. Машина эшиги очилиб, забардаст гавдали йигит тушиб келди. Таний олмадим.

— Ҳорманг, дәхқончилик катта-ку! — деди нотаниш йигит дүріллаган овоз билан.

Шунда ҳайратдан бақириб юбордим:

— Ия, Тоймисан?

Ҳа, худди ұша Тойнинг ўзи. Фақат шунча бўй, бунака узун қўл-оёқларни қаёқдан олди экан! Яқиндагина булоқдек оқиб турадиган бурнини эплолмай мاشаққат чекадиган бола эди.

— Пошиша ойимларни кўргани келдим! — деди баҳайбат қоматига унча мос келмайдиган алпозда мулоийм жилмайиб. Узун оёқларини катта-катта босиб ҳовлига кирдию онамга дуч келди.

Кизиқ, онам уни дарров таниди.

— Вой, ўзимнинг тойчоқ ўғлимдан айланай! Вой, ўзимнинг ўғлим келиб қолибди-ку!

Онам пешонасидан ўпаётганда Той икки букилиб турди.

— Машина тегувди, — деди яна илжайиб. — Сиздан фотиҳа олгани келдим. Юринг, бир айлантириб келай.

Той онамни олдинги ўриндиқка ўтқизди. Ярим соатча айлантириб келди.

Онамнинг ёш боладек бирорнинг машинасига тушиб “катаиса” қилиши менга эриш туюлди. Аммо онам хурсанд эди.

— Нордек йигит бўлти, — деди қувониб. — Исталовойда шепповар экан. Ҳудоё умридан барака топсин.

Той кейин ҳам ўтган-кетганда бизниги тез-тез кириб турадиган бўлди.

Уни ҳар кўрганимда болалигимни эслайман. Кичкинага лигимизда орамизда энг бўш-баёв бола шу эди. Уйимизнинг орқасида каттагина майдонча бўларди. Узоқ-яқиндан мол боқишига келган болалар шу ерда йиғилиб шовқинсурон солиб ўйнародик. Той ҳаммадан узоқдан — Бешкўрғондан ўзига ўхшаш ювош, шохсиз сигирини олдига солиб келарди.

Ҳар фаслнинг ўз ўйини бор: эрта баҳорда чиллак, варрак, ёзда футбол, кеч кузда ланка тепиш... Фақат иккита бола ўйинга кўп қўшилмасди. Биттаси — кўзлари доим жавдираб турадиган Ҳўжа, яна бири — Той. Ҳўжанинг

Ўтқир ҲОШИМОВ

ўзи ўйинга унча қизиқмас, Тойнинг эса ўз юмуши бор эди. Нега деганда зиммасида мол боқиши вазифаси бор. Бироннинг дайди сигири, бироннинг шайтонга дарс берадиган эчкиси зум ўтмай экин оралаб кетади. Шунда мўйлови қорайиб, дўриллаб қолган жўрабошимиз буюради:

- Той! Галинг келди, эчкини қайтар!
- Сигирга қара, Той, сигирга!
- Той! Қўй картишкага оралаб кетди-ку!

Негадир Тойнинг навбати ҳамманикidan тез келаверади. Сигири худди ўргатиб қўйгандек эгасидан нари кетмайди. Аммо бошқаларнинг молига ҳам кимдир қарashi керак-ку. Той бурнини тортиб қўяди-да, индамай полизга қараб югуради. Диконглаб сакраётган такани қайтариб келгунча бирон буқача думини хода қилиб жийдазорга юргилаб қолади... Ўйнаб-ўйнаб чарчаганимиздан кейин ҳаммамиз тол соясида дам оламиз. Жўрабошимиз дадаси уруйдан олиб келган шинелни ўтга ёйиб, устига ёнбошлайди-да, маза қилиб эснайди:

— Той, биз чарчадик. Бир мизғиб олмасак бўлмайди.
Сен дежурсан, молларга қараб турасан.

Той бурнини жаҳл билан тортадию индамайди.

Бир куни у астойдил ялинди:

— Мени Той деманглар. Ўзимнинг отим бор —
Тойир.

Жўрабошимиз қувлик билан ҳаммага бир-бир қараб қўйди.

— Бўпти! — деди дўриллаб. — Сенга уч кун мухлат. Уч кунгача ҳамманинг молини яхшилаб боқсанг, Той отингни ўзгартирамиз. Аммо кечқурун сигиримнинг елини тирсиллаб турсин, билдингми?

Чиндан ҳам Той уч кунгача сидқидилдан хизмат қилди. Биз маза қилиб футбол тепдик. Тўртинчи куни жўрабошимиз “мажлис” тўплади.

— Болалар, — деди тантана билан. — Энди Тойни ҳеч ким Той демасин. Бугундан бошлаб унинг оти — Ҳүтиқ. Яна бир йил ҳаракат қиласанг, ўсиб эшак бўласан.

Ҳаммамиз хаҳолаб кулиб юбордик. Той болаларга бирма-бир қараб чиқди-да, бурнини тортди. Индамай ер чизиб ўтираверди.

Чиллак ўйинининг шафқатсиэроқ бир қоидаси бор: ютқазган бола зувлаб нафаси етмай қолса, бир оёқда ҳаккалайди. Қокилиб кетсами, иккинчи оёғи ерга тегсами, тамом! Тағин таёқ билан чиллакни уриб саналади-да, яна чиллак отилади. Чиллак бориб тушган жойдан қайтадан зувлаш шарт.

Бир гал Тойни салкам ярим чақирим жойдан зувлашга мажбур қилдим. Турган гапки, нафаси етмади.

— Лўкилла! — дедим бақириб.

У чап оёғини кўтарганча ҳаккалаб сакрай бошлади. Аммо ўн қадам ҳам юролмади. Ҳар сакраганда бурни булоқдек қайнайди. Қайта-қайта артгани билан фойдаси йўқ. Болалар хаҳолайди. Айниқса, мен ҳузур қилиб куламан. Охири бўлмади — Той ийқилиб тушди.

— Бўлди! Қайтадан зувлайсан.

— Зувламайман!

— Зувлайсан!

— Зувламайман! Зувламайман! — Той тўсатдан жававаси тутиб ерони муштлаганча йиглаб юборди. — Ҳаммангни ёмон кўраман! Айниқса, сен ёмонсан!

Шовқин-сурон билан бўлиб онамнинг чақирганини эшиitmай қолибман. Бир маҳал қарасам, тепамда онам турибди...

— Тур, болам, — онам Тойнинг бошини силади. Этагини кўтариб, унинг бурнини артди. — Вой, онанг

Ўткир ҲОШИМОВ

ўргилсин, қўй, йиглама, болам. — Кейин мени четта имлади. — Бу ёкка юр-чи!

Нарироққа бордим.

— Нега укангни йиглатасан? — деди қаҳро билан.

— Қайси укамни?

— Уша укангни!

— Той-ку! Қанақасига укам бўлсин? — дедим илжайиб.

— Шунақасига! Нега қийнайсан бола бечорани?

Ёрочнинг бўшини курт емай ўлсин.

— Фирромлик қилмасин-да, бўлмаса! — дедим чийиллаб. — Нега зувламайди?

— Ўлиб қолдингми шу билан?..

Ўшандан кейин кўп ўтмай Тойлар кўчиб кетишиди.

Қаёқкалигини болалар суриштиришмади ҳам.

Той... ўша ўзимишнинг Той шундай йигит бўлганига ҳамон ҳайрон эдим.

Онам вафот этганда Той онаси Нисо холани бошлаб келди. Кейин ҳам кўп елиб-югурди. Кунора келади.

“Бизга хизмат борми?” — деб машинасини тўрилаб туради.

Қайси куни ишдан келсам, эшик олдида яна Тойнинг машинаси турибди. Қарасам, айвонда Той билан Нисо хола ўтиришибди. Сочлари оқариб кетган Нисо хола мен билан айланиб-ўргилиб кўришибди.

— Пошша опамни туш кўрибман, — деди кўзига ёш олиб. — Тойиржонни етаклаб юрган эмишлар. Шунга бир хабар олай, деб келдим. — У бир зум индамай қолдида, овози товланиб давом этди: — Пошша опам қандоқ эдилар-а! Тойиржонни қандоқ яхши кўрадилар-а!..

Нисо хола кўзимга тикилиб оҳиста сўради:

— Биласиз-а?

— Биламан, жуда яхши кўрадилар, — дедим болаликдаги ўша воқеаларни эслаб.

Нисо хола кўзимга яна диққат билан тикилди.

— Айтган бўлсалар керак?

— Нимани?

— Айтмаганмилар?

— Нимани айтадилар? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ия, Тойиржон сизнинг укангиз-ку! — Нисо хола астойдил ажабланди. Кейин маъюс тортиб жимиб қолди-да, ҳўрсинди. — Ўшандা сиз талпинчоқ бўлиб қолган эдингиз. Тойиржоннинг чилласи чиқмаган... Худонинг ҳам бандаларига атаган азоби кўп экан. Бир кечада касалга чалиниб қолдим. Кўкрагимга ёмон яра чиқиб, қирқ кун “ол кет, ол қўй” бўлиб ётибман дeng... Айни қаҳатчилик, уруш, биров бировга ҳолинг нима кечди, дейиши маҳол... Ўзим-ку, майли, болам ўлиб қолади, дейман. Докага ангишвонадек ёғми, нонми ўраб чақалоқнинг оғзига солиб қўйишади. Шунда дeng, бир куни Пошша опам келиб қолдилар. Айланиб-ўргилиб, Тойиржонни бағриларига босиб эмиэдилар. Шу ердан Бешқўрғонга саратонда куйиб, ҳар куни уч марта қатнайдилар. Қирқ кун шундай қилдилар. Бир кўкрагини сиз эмасиз, биттасини — Тойиржон. — Нисо хола ҳиқиллаб қолди. Ёш филтиллаган кўзини рўмолининг учи билан артди. — Қандоқ хотин эдилар-а! Нима билан рози қилишимни билмайман. Сўрасам, уришиб бердилар. “Вой, гапингиз қурмасин, овсин, она сутиям сотиладими”, дейдилар. “Бирорга яхшилик қилиб, кетидан тама қилган одамнинг савоби гуноҳга айланади”, дейдилар... Қандоқ эдилар-а!

Нисо хола рўмолининг учини фижимлаганча ўйга толди. Мен ҳам, шу пайтгача ўзим билмаган кўкалтош

Ўтқиро ҲОШИМОВ

укам Тойиржон ҳам бир нұқтага тикилиб қолған әдик. Ҳар қайсизмиз үз үйимиз билан банд әдик, бироқ ҳаммамиз бир одамни — онамни үйлардик.

ҚАНОАТ

Отамнинг жаҳли ёмон эди. Баджаҳл бўлиб ака-укалардан, биронтамизни чертган эмас. Бироқ онам: «Хой, эҳтиёт бўл, адангнинг жаҳллари ёмон», деб шунчалик уқтириб қўйганки, отамиэн кўришимиз билан ҳаммамиз ювош тортиб қолардик.

Гириклилик важидан бўлса керак, отам кечалари соат тузатарди. Кўуни-қўшни, махалла-кўйда кимнинг соати бузилса, бизникига олиб келар, отамнинг ҳужрасида катта-кичик соатлар муттасил чиқиллаб турар эди. Онам бизни бу ҳужрага ҳеч йўлатмасди. Бир куни укам иккаламиз у ерга кирсак, стол устида кичикроқ пиёланинг оғзиdek келадиган занжирили чўнтак соати ётибди. Қопқоғи, ойнаси очилган, мурватлари бир чеккага тартиб билан териб қўйилган. Ака-ука ўзимизча “устачилик” қилдик. Соатнинг юришидан дарак йўқ. Бир махал нариги уйда онамнинг шарпасини сезиб қолдигу секингина сирғалиб чиқиб кетдик.

Кечқурун отам ҳужрага кириши билан хуноб бўлиб қичқирди:

- Соатга ким тегди?
- Ҳеч ким киргани йўқ-ку! — деди онам ҳайрон бўлиб.
- Ҳаммасини сочиб ташлабди-ку! — отам жаҳл билан чиқиб келди. Қўлида биз “тузатган” соат. — Мили йўқ. Эгасига нима дейман!

Укам иккаламиз чурқ этмай мўлтираб ўтирибмиз. Ях-

ши ҳамки акаларимиз кўчада, бўлмаса, ҳамма айб ўшаларга тушиши аниқ.

Кўп ўтмай овқат келди. Укамга ёғоч қошиқ, менга темир қошиқ тегди. Иккаламиз қошиқ талашиб қолдик. Укам у ёққа торгади, мен бу ёққа. Икки орада коса думалаб, дастурхонга шўрва тўкилди. Бояги хунобгарчилик устига буниси ҳам қўшилдию биз бир ёқда қолиб отам онамни тушириб қолди. Ака-ука пилдирпис бўлиб, ин-инимизга кириб кетдик. Онам шўрликнинг қовоғи кўкариб чиқди. Ачиндик. Аммо начора?..

Эрталаб турсам, отам ишга кеттан, ҳовли томондан аёл кишининг шанғиллагани эшитиляпти. Овозидан танидим: қўшнимиз Мўмин аканинг хотини. Мўмин ака — кетмончи. Узи ҳам мўмингина одам. Хотини бошқачароқ. Каттаю-кичик ҳамма уни Келинойи деб чақиради. Келинойининг қизиқ одати бор. Ичидагап ётмайди. Уйида қайси шолчага хокандоздан чўф тушиб, қанча жойи куйгани, қайси ўғли шолғомни ёмон кўриши, қайси қизининг сочига сирка оралагани — ҳаммасини бирпасда маҳаллага ёйиб чиқади.

— Кетаман! — деди у овозини баралла қўйиб. — У қўймаса, мана ман қўйдим! Кетаман! Кетгандаям уйини вайрон килиб кетаман!

Тушундим. Бундан чиқди, Келинойи эри билан уришган. Уйида сал жанжал чиқса, албатта ойисиникига “кетадиган” бўлиб қолади. Томоша кўриш учун аста мўраладим.

— Нима бўлди ўзи, овсинжон? — деди онам секингина.

— Кеча мани шундоқ сўқди, шундоқ сўқди, йигиттина ўлгуру! — Келинойи икки қўли билан шарақлатиб сонига шапатилади. — Онамни сўқди-я, бўйгинанг гўрда чиригур.

Үткір ҲОШИМОВ

— Қүйинг, хафа бұлманг, — деб онам уни юпатишга уринди.

— Нимага хафа бұлмас әканман? — Келинойи яна ҳам қаттиқоқ шанғиллай бошлади. — Кечқурун үсма әзіб құювдим. Шу савил қуриб қолмасин, деб қошимга құя қолувдим. Ҳа, мошкичири жиндак тагига олиб, қотиб кетибди. Шунгаям ота гүри қозихонами? “Пардоз-андоз қылғандан күра овқатингта қарасанг үласанми!” дейди-я, гүрсұхта! Ҳа, пардоз қылсан, үйнашимга қипманми, қирчинингдан қийилгур! Қирмочми, баломи, захорингга еявермайсанми, ергина юттур! Ҳа, онамни сүккан тилларинг танглайнингга ёпишгур! Тарин нима дейди, денг? Айбни менга тұңқайди: тилинг бир қарич, дейди. Вой, тилимни гапирған тилларинг жодида қийма-қийма бұлсин-а. Елдек келиб, селдек олмаса асло розимасман!

— Қүйинг, овсинжон, — онам маъюс жилмайди. — Ошсиз уй бор, уришсиз уй йүк... Қарғаманг бечорани.

— Вой нега қарғамас әканман? Оғзи-бурнингдан лахта-лахта қонинг келгурни нега қарғамас әканман? Кетаман!

— Олти бола билан қаёққа борасиз, овсинжон? — деди онам кулимсираб. — Жұжабирдек жонсиз. Шуларнинг шуқурини қылсангиз-чи.

— Э, олтита боламни ойдинда оёғим билан боқиб оламан. Ойигинамнинг тор қорнига сикқан кенг уйига сифмайманми? Бирор мани құқрагимдан итармас. Мана шу ажалнинг тири парронига учрагур билан турғандан күра... — Келинойи бирдан жимиб қолди. Киприклари-ни оғир-оғир пирпиратиб онамга узоқ тикилдию овози пасайди. — Вой, юзингизга нима қылди?

— Үтін тегиб кетди, — деди онам секингина. — Қарасам, үтін үлгур қолмабди. Болалар үқища, адаси

ишдалар. Кўэлироқ саржин экан, теша билан урганимни биламан... — Онам қовоғини силаб қўйди. — Адаси ишдан келиб жуда хафа бўлдилар. “Бирпас сабр қилмайсанми, ўзим ёриб бермайманми”, дедилар.

Мен турган жойимда қотиб қолдим. Онам ёлғон гапиради. Ёлғон гапирадиу негадир бу менга жуда ёқар эди...

— Ана! — Келинойи тағин шанғиллади. — Сизнинг эрингиз ўтинингизгача ёриб беради. Маники бўлса, бир пакир сув олиб келмайди, қўлгинанг синиб акашак бўлгур. Уйим-жойим деб бўйини эгмайди, бўйнигинанг кесилгур, эшшак! Худоё бўйнигинанг ҳазрати Алининг қиличидаги кесилмаса, у дунё-бу дунё розимасман-а!

Ортиқ қараб туролмадим. Негадир йиғлагим келди.

...Хозир ҳам эри сал қовоғини солса, “мелиса” билан қўрқитиб, “ўн беш суткани” пеш қиласиган баъзи хотинларни кўрсам, онамнинг қаноатини, Келинойининг қаришларини эслайман.

СОВЧИЛАР

Ишдан чарчаб қайтдим. Биламанки, бунақа пайтда телевизор рўпарасига ўтирангиз, тамом! Баҳона ўзидан ўзи топилаверади. Бош қурғур толиккани, янги фильм бошлангани...

Яхшиси, кабинетта кириб ишлаш керак. Жеч бўлмаса китоб ўқиши... Журналнинг янги сонини вараклаб ўтирасам, эшик тақиллаб, қассоб қўшнимизнинг қизи — Гули кириб келди.

— Кел, Гули, — дедим журналдан бош кўта май. — Яхшимисан?

Гули эшик олдида туриб қолди.

Үткір ҲОШИМОВ

— Энциклопедия керак эди, — деди негадир қовоғини солиб.

— Ана, хоҳлаган томингни олавер.

Шундай дедиму яна журнални үқишига тушдим.

Күп үтмай Гули ишини битирди шекилли, эшик олдига борди. Аммо чиқиб кетмади.

— Менга қаранг, — деди эшик тутқичини ушлаб. — Сиэ ҳаёттій проблемаларгаям аралашасиәми ё нұқул китоб ёзверасиәми?

Ростини айтсам, эсанкираб қолдим.

Бу қызниң фалсафа факультетидә үқиётганини эшитгандым, махалладаги энг “модний” қызлардан эканини, жинси шим кийиб юришини билардиму кечагина күчада черта үйнаб юрган қызалоқдан бунчалик илмокли савол күтмаган әдім. Беихтиёр журнални бир чеккага суреб қўйиб унга тикилиб қолдим. Аввалгидек сансирашни ҳам, сизлашни ҳам билмасдим.

— Нима бўлди? — дедим довдираброқ.

Гули креслога үтираракан, қошини чимириди.

— Мана, сизлар эскилик сарқитини йўқотиш керак, у-бу деб ёзасиз, тўғрими?

Индамай бош силкидим.

— Унақа бўлса нимага кўзингизнинг олдида бўп турган сарқитга қарши қурашмайсиз?

Кўрдимки, рўпарамда черта үйнаб юрган қызалоқ эмас, жиддий одам үтирибди.

— Кечирасиз, — дедим сизсираб. — Нима бўлди ўзи?

— Совчи деган гап қаёқдан чиққан? — Гули жаҳл билан қўл силтади. — Ҳали униси келади қийшайиб, ҳали буниси келади, тутунини осилтириб!

“Э, бўлди, гап бўёқда экан-да!”

Кулиб юбормаслик учун лабимни тишлаб, уни юпатган бўлдим.

— Кизлик уй — бозор! Келади-да харидорлар! Яхши қиз экансиэки, совчилар келади.

— Нима, бозор бўлиб мен эчкиманми! — Жаҳли чикканидан Гулининг юзи қизариб, чиройли киприклари пирпирраб кетди.

— Ҳеч ким сизни сотиб юбораётгани йўқ-ку, — дедим кулиб. — Шунақа бўлади-да таомили!

— Китобда бошқа гапларни ёзасиз-ку! — Гули жаҳл билан қўл силтади. — Умримда кўрмаган ўғлини мактайди. Уқитувчи дейди. Бошимга ураманми!

— Балки ўғли ростдан ҳам яхши боладир...

— Мард бўлса, ўзи гаплашсин! Онасини элчи қилишга бало борми? Жинимдан ёмон кўраман шунақа латтачайнар йигитларни!

Билдимки, Гулининг ўз “йигити” бор. Яна юпатдим.

— Совчи дегани келади. Сўрайди, суриштиради...

— Сўрамасаям ҳаммасини билади.

— Ўзингиз ходлаган йигитнинг онасиям келади-да бир кун.

У “келиб-келиб сенга маслаҳат соламанми”, дегандек ҳафсаласи пир бўлиб чиқиб кетди. Ҳона жимжит бўлиб қолди. Шунда ғалати хаёлларга бордим. Совчи деса мунча ҳуркмаса бу қиз! Ахир, ота-онаси оёқ-қулини боғлаб бирорга бериб юборадиган замон эмас-ку ҳозир! Шуни ўйладиму бир вақтлар совчилар бизнинг ҳам эшигимиэнинг “турмини бузгани” ёдимга тушди.

* * *

Эрта баҳор эди. Кунлар илиб қолган, аммо ердан ҳали қишининг заҳри кетмаган, унда-мунда ёввойи са-

римсөкілар ниш урган, тол новдалари сарыш ранг олиб, ҳуштак ясашга яроқлы бўлиб қолган... Опам ишда, ака-ларим мактабда. Бир үзим зерикканимдан дарвоза олдида чўзилиб ётган харига миниб олганча, бурнимни тортиб-тортиб акамнинг қаламтарошида ҳуштак ясаб ўтирадим. Қучугим оёғим остида үзини офтобга тоблаб ётар, ора-чора итпашшаларни кувиб, думини тишлар, аммо пашшалар тутқич бермай учеб кетар, зум ўтмай, яна қўниб ғашига тегарди.

Бир маҳал кучугим дик этиб турдию акиллаганча юргилаб қолди. Эллик қадамча нарида келаётган икки хотинни кўрдим. Бирни паранжи ёпиниб олган, паст бўйли, қўлида ҳасса-таёқ, оқсоқоланиб қадам ташлайди. Яна бирни ёшроқ, бошига фижим рўмол ўраган, атлас қўйлагининг устидан баҳмал нимча кийган. Ҳар иккаласининг қўлида тутун борлигини кўрдиму дарвозадан бакириб кирдим.

— Ойи! Опамга совчилар келяпти!

Совчи хотинларни узоқданоқ танийдиган бўлиб қолганман. Албатта қўлида тугуни бўлади. Кейинги пайтда уйимизга бунақа хотинлар серқатнов бўлиб қолган: кун ора ҳар хили келиб кетади.

Ойим айвонда чўккараб ўтирганча ун элаётган экан.

— Вой үлай, — дедиyo илдам ўрнидан турди. Элакни супрага ўраб, ҳужрага юурди. Зум ўтмай қўлинни ювиб чиқди-да, меҳмонларни кутиб олиш учун шошилди. Ойимдан олдинроқ мен етиб бордим. Меҳмонлар дарвазага яқин келиб қолишган, кучугим уларнинг атрофида гир айланиб вовуллар, гоҳ унисига, гоҳ бунисига “ҳужум” қиласар эди. Аёллар итта қараб-қараб секин юриб келишарди. Қучугимга пакана хотин хунукроқ кўринди шекилли, паранжисининг этагига ёпишди.

— Ёт! — дедим ўдағайлаб.

Кучук бўлса мени кўриб руҳланиб кетди, пакана хотинга коптоқдек отилди. Аммо хотин, пакана бўлсаям бало экан! Ҳассаси билан мўлжаллаб бир туширган эди, кучук оқсоқланганча ангиллаб қочиб қолди. Анча нарига бориб, орқа оёгини ялади.

— Вой ўргилайлар! — деди онам эски қадрдонларини кўргандек қувониб. — Хуш кепсизлар!

У ҳар иккала аёл билан қучоқлашиб кўришди. Гижим рўмолли аёл кўришаёттганда нима учундир ойимниг сочини ҳидлагандек бўлди. Онам пакана хотиннинг паранжисини қўлга олди. Айланиб-ўргилиб уйга бошлиди. Атлас кўйлаклиги эса негадир лип этиб ошхонага кириб кетди. Зум ўтмай чехраси ёришиб чиқиб келди.

Акамнинг қаламтарошини жойига қўйиш баҳонасида секингина сирғалиб уйга кирдим. Ойим яқинда кўмилган танча ўрнига қўйилган хонтахта атрофига дарров кўрпача ёэди. Токчадан патнис олди. Патнисда нималар борлигини аниқ биламан: туршак, чақилган ёнғоқ, жийда, олтига зовора нон, битта ликопчада майдалаб қирқилган каллақанд. Қанд танқис бўлса ҳам ойим бу — меҳмонларга аталган, деб кўп тайинлагани учун биз — болалар тегмасдик. Меҳмонлар фотиха ўкишди. Ойим чой куйиб узатди.

— Энди, ўргилай, — деб гап бошлиди атлас кўйлакли хотин, узоқ ҳол-аҳвол сўрашганидан кейин, — агар тақдир қўшган бўлса қариндош бўлармиз, деган умидда эшигингизни супургани келдик.

Ойим индамади.

— Олиб ўтиринглар, — деди анчадан кейин дастурхонга имо қилиб.

— Эшигдик, ўзим ўргилай, — деди пакана хотин, — таг-зотли одамлар экансиз. Болалар катта бўлгандан

Ўткир ҲОШИМОВ

кейин ота-она зиммасидаги қарзини узгиси келиб қоларкан. Бизнинг ўғлимиз ҳам яхши, мүмин-қобил йигит. Муаллим...

У “энди сиз гапиринг”, дегандек атлас кўйлакли аёлга секин бурилиб қараган эди, сочининг учига тақилган сўлкавойлари жиринглаб кетди.

— Бизлар ҳам ҳурмат кўрган одамлармиз, — атлас кўйлакли хотин қалин билагузук тақсан қўллари билан ўзи келтирган тугуннинг боғичини еча бошлади.

— Овора бўлманг, айланай, — деди ойим унинг қўлидан оҳиста тутиб. — Насиб этса, ҳали кўп бориш-келиш киламиз.

Ойим ҳеч қайси совчининг дилини оғритмас, аммо совчилар тугиб келган нонни синдиришга йўл ҳам қўймасди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

— Майли, сизлар ҳам сўранг, суриштиринг, — деди пакана хотин чой ҳўплаб. — Қаънида турамиз. Шундок гузар олдидаги қўшқават дарвоза. Одилхўжа десангиз, ҳамма билади. Маҳмуд букурнинг ёнидаги ҳовли.

— Овсиним куёв бўлмишнинг оналари! — Атлас кўйлакли аёл жилмайди. — Муборак чевар десангиз ҳамма танийди. “Зингер” машиналари бор.

Мени Одилхўжаю Маҳмуд букур ҳам, Муборак чевару “Зингер” машинаси ҳам қизиктирилмас, икки кўзим қандда эди. Ўзимнинг борлигимни билдириб қўйиш учун қаламтарошни қўлимдан тушириб юбордим. Ойим ялт этиб қардию пастки лабини тишлиб, билинар-билинмас бош чайқаб қўиди. Бу — “утят бўлади, чиқиб кет”, дегани эди. Қанддан умидимни узиб чиқиб кетишдан бўлак чoram қолмади. Ярим соатдан кейин совчилар кетишли. Кучугумнинг алами ичига қолган экан шекилли, ойимнинг ҳайҳайлашига қарамай, совчиларни анча жойгача “кузатиб” келди.

Уч кундан кейин совчилар тағин келишди. Сочининг учиға сўлқавой таққан паранжили хотин билан яна ўша новчароги. Бу сафар новча хотин қарғашойи кўйлак кийган, бўйнига дур осиб олган эди. Ошхонада овқат қилаётган опам дарвозадан кириб келаётган меҳмонларга кўзи тушиши билан томорқага қочиб кетди. Бу сафар совчилар узоқроқ ўтиришди, ойим уларни мошхўрда билан меҳмон қилди. Кечки овқатдан кейин опам идиш-товоқни ювиш учун ошхонага чиқиб кетганида ойим дадамга қайси куниги совчилар тағин келишганини айтди.

— Яхши, таг-зоти кўрган одамларга ўхшайди. Ўрлиям муаллим эмиш. Унингиз йўқ, бунингиз йўқ деб ўтирамаймиз, борига барака қилиб тўй қиласерамиз дейишяпти.

Дадам анчагача индамади.

— Суриштириб кўриш керак, — деди охири. — Бу — умр савдоси. — Кейин шиша носқовоғини олиб, нос отди. — Кизингни кўнглиниям билиш керак.

Шу билан гап бошқа ёққа айланиб кетди. Дадам эски паҳталигини кийиб, кечқурунги сменага ишга жўнади. Биз — ака-укаларга жон кирди. “Кушим боши” ўйнадик, ўрта бармоқни топиш ўйнадик. Охири ўйндан ўқ чиқди. “Ошхўракам капитар” ўйнаётганимиэда акамнинг боши укамнинг бошига қаттироқ урилиб кетди шекилли, укам ариллаб йифлай бошлади. Ойим билан опам койиб-койиб, жой солиб беришди. Ҳамма ухлаб қолди. Мен бўлсам анчагача ухлолмай ётдим. Бир маҳал ташқарида чақмоқ чақди. Кетидан момақалдироқ гулдуради. Шариллаб жала қуиб юборди.

— Ўлсин, — деди ойим ўрнидан туриб. — Чакка ўтияпти.

Опам икковлари токчадан товоқларни олиб чакка ўтадиган жойга қўйишиди. Кўзимни юмиб ётсам ҳам

Ўткир ҲОШИМОВ

қаердан ўтишини биламан. Бурчакда, сандиқнинг олди-дан, кейин кавшандоз яқинидан ўтади.

Опам билан онам яна жойларига келиб ётишди. Опам дераза тагига, ойим — укамнинг ёнига. Мен бўлсам чаккага қулоқ солиб ётибман. “Чак-тик-пук”, “чак-тик-пук...” Чакиллайверади, чакиллайверади, худди соатта ўхшайди. Фақат оҳанги ҳар хил: “чак-тик-пук...”

Энди қўзим илинган экан, опамнинг хўрсинганини эшишиб яна ўйғониб кетдим.

— Нимага келишаверади, ойи!

— Совчими? — деди ойим. — Келади-да, қизим. Қиалик уй — бозор. Шоҳ ҳам келади, гадо ҳам. Биронниг эшигига умид билан келган одамни хафа қилиш гуноҳ.

Ойимнинг уйқуси ўчиб кетди шекилли, овозини анча баландлатиб гапира бошлади.

— Қадим замонда бир саҳоба ўтган экан. Ой деса ойдай, кун деса кундай, яккаю-ягона қизи бор экан. Бир куни уч жойдан уч совчи кепти. Саҳоба совчиларнинг дили оғримасин, деб учаласигаям розилик бериб юборибди. Кейин нима қилишни билмай, Худога нола қипти. Ўзи биттаю-битта қизим бўлса, уч жойга сўз бериб қўйган бўлсам, энди нима қиласман, деб йиглабди. Шунда Худонинг раҳми келиб бир кечада саҳобанинг сигири билан эчкисиниям қиз қилиб қўйибди. Учала қиз бир хил эмиш. Уч совчи уч қизини тўй-томушалар билан олиб кетибди. Шунда саҳоба Худога яна нола қипти. Қайси бири ўзимнинг қизим эканини энди қаёқдан биламан, дебди. Худодан нидо кепти: эшикдан кириб борганингда салом бериб кутиб оладиган, эрини, қайнота-қайноасини, қайнин-бўйинларини ҳурмат қиласиган қиз — ўзингнинг қизинг. Ҳеч кимни ҳурмат қиласиган оғзи шалоқ қиз — эчкинг бўлади

дебди. Ҳар хил хотинлар ўшандан тарқалган эмиш. Бири если-хушли, чаққон, бири — шалтоқ, бири адабсиз...

— Кеннойига ўхшаганми? — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бу шундай кутилмаганда бўлдики, ойимнинг чўтчаги шартта кесилиб қолди. Кейин опам икковлари шарақлаб кулиб юбориши.

— Вой шайтон, ухламаганмидинг?! — деди опам қаддини ростлаб. Ўрнидан турди-да, пилиги пасайтирилган лампали токча олдидан ўтиб келиб, мени қучоқлади. У юзимдан, бу юзимдан ўпди. Опам уришиб беради, деб қўрқиб тургандим. Ўпгани учун жудаям яхши қўриб кетдим...

Эртасига чойдан кейин ойимнинг маҳси кияётганини кўриб, меҳмонга отланайтганини сездиму дарров эргашдим.

— Менам, менам бораман!

— Мехмонга кетаётганим йўқ, — деди ойим бош чайқаб. — Ишим бор.

— Бораман, оборасиз!

Онам бир зум иккиланиб турди-да, рози бўлди.

— Майли, аммо чарчадим демайсан.

Она-бала йўлга тушдик. Ёмир кечаси тиниб қолган, аммо ер ҳамон кўпчиб ётиби. Оёқ боссангиз, бир ботмон лой ёпишади. Аввал жийдаэордан, кейин Конкус устига ташланган яккачўпдан ўтдик. Лопиллаб турган яккачўпдан ўтаётганда қўрқдиму ўтиб олгандан кейин шундоқ сув бўйида ўсиб ётган самбиттолларга анграйиб қолдим. Самбиттол зўр! Ҳуштак ясаса ҳам бўлади, “от” қилиб ўйнаса ҳам...

— Юр, тезроқ, — деди ойим қўлимдан тутиб...

Ниҳоят гузарга етиб келдик. Чойхонада одам йўқ ҳисоб, эски намат ташланган сўрида бир чол офтобда мудраб ўтириби, ёнида тумшуғи чегаланган чойнак,

Ўтқир ҲОШИМОВ

сопол пиёла... Кейин деворлари нураб кетган отхона олдидан ўтдик. Қовурғаси саналиб қолган учта от думи билан пашша қўриб, чарчоқ қиёфада бошини солинтирганча мудрайди. Отхона ҳовлисининг бурчагига уйиб қўйилган гўнгдан ҳовур кўтарилади.

— Қаёққа кетяпмиз, ойи?

— Келдик шекилли, — деди онам атрофга аланглаб. —

Қуриб кетсин, сўрайдиган одам ҳам йўқ.

Икки бетида толлар, тераклар ўсиб ётган лой кўчадан яна озгина юрган эдик, обкашда сув кўтариб келаётган семиз хотин қўринди.

— Ҳой эгачи, шу ерликмисиз? — деди ойим, яқинроқ бориб.

Семиз хотин обкашни елкасидан олди. Устига чамбарак ташланган икки пақир сувни ерга қўйди. Ҳарсиллаб ойим билан қўришди.

— Маҳмуд букурнинг уйлари қайси, ўргилай? — деди онам семиз хотинга илтижоли термилиб.

Семиз хотиннинг ранги учиб кетди.

— Букур бўлса, Ҳудо қилган! — деди ҳарсиллаб. — Тавба денг!

Шундай дедию шарақ-шуруқ қилиб илгакни илганча обкашни кўтарди. Шартта бурилиб кетди. Сирғалиб-сирғалиб бораркан, обкаши билан қўшилишиб орқага бурилди.

— Таъна таги тайроқ, — деди ҳарсиллаб. — Бетамиз!

Ойим ҳанг-манг бўлиб қолган, оғир-օғир киприк қоқар, ҳозир йиглаб юборадиган алпозда эди.

— Вой, шўрим! — деди пичирлаб. — Келиб-келиб хотинидан сўрабман шекилли.

У ҳамон сирғангандан обкашини лапанглатиб кетаётган аёлга анчагача қараб турди-да, қўлимдан тутди.

— Юр, кета қолайлик.

Бу ерга нима учун келганимиэни тушунгандек бўлдим.

Кечак дадам “суриштириб кўриш керак” деган эди. Бундан чиқди ойим совчиларни қўни-қўшнисидан билиб олмоқчи.

Чойхона рўпарасида пастак томига қора қороз ташланган, деразасининг қўзига ялтироқ хитой қофоз ёпиширилган сартарошона бор экан. Ичкарида ким борлигини билмадиму, бироқ дўкон эшиги олдидаги ёроч харакат бўш эди. Уч-тўрт қадам юргандан кейин ойим тўхтаб қолди.

— Сочингни олдирамизми? — деди тусатдан.

Иккиланиб қолдим. Сочимни олдириб борсам, акаларим, жўрабоши албатта бошимга шапатилаб “устара ҳаки” олишади.

— Юрса қол, — ойим елкамга қоқди. — Сочинг ўсиб рангингни сиқиб юборибди.

Очиқ эшикдан секин мўраладим. Ичкарида мижозлар йўқ, олдига кир пешбанд таққан сартарош девор томонга қараб чой ичиб ўтирган экан. Кечаги ёмғирда бу ердан ҳам чакка ўтган шекилли, ҳужранинг хомсувоқ қилинган деворига узун-узун заҳкаш из тушиб қолган. Ойим эшикдан мўралаб секин йўталди.

Сартарош елкаси оша бурилиб қаради. Мўйлови текис қайчилangan қисиқоқ кўзли киши экан.

— Жияннинг сочини оламизми? — деди ўрнидан туриб. Шундагина унинг битта оёфи ёроч эканини кўрдим. Носранг галифе шимининг ёроч оёфидаги почасини қайириб қўйибди. У тахталарининг ораси очилиб

Ўтқир ҲОШИМОВ

ётган полни дўпиллатиб яқин келди. — Ўтири, жиян, — деди эски курсига имо қилиб.

Деворга тираб қўйилган хира тошойна рўпарасига ўтиридим. Ойим бошимдан дўппимни ечди-да, боя сартарош ўтирган курсига жойлашди.

— Устарада оламизми, машинадами? — Сартарош стол устида ётган, соч толалари ёпишган матони қоқиб-қоқиб бўйнимга соларкан, онамга юзланди.

— Машинада ола қолинг, — деди ойим.

Сартарош кутичадан ялтироқ машинасини олди. Чаккамга машинани тираб шиқ-шиқ қилганча сочимни олишга тушди.

— Нега ихрайсан? — Сартарош бошимни беш бармоғи билан чангллаганча дашном берди. — Солдат ҳамма нарсага чидаши керак. За Родину, деб атакага борсанг ҳам ихрайсанми?

Ойимдан паноҳ кутиб, аксини ойнада кўриш умидида мўраладим. Бироқ кўзгу шунақанги хира эдики, ўзимнинг юзимни зўрға кўрардим.

— Сиз шу ерликмисиз? — деди онам бир маҳал.

— Шўтликмиз, — сартарош ишини давом эттирапкан, онамга бурилиб қаради. — Нимайди?

— Мен бир хайрли юмуш билан келувдим, — деди ойим осойишта оҳангда. — Одилхўжа деганин танийсизми? Аёллари чевар экан. Муборак чевар.

— Нега танимас эканман! — Сартарош тантана билан овозини баландлатди. — Шундоқ Махмуд букур билан қўшни туради-да, отхонадан ўтсангиз тўртинчи дарвоза!

— Бир нарсани билмоқчийдик, — ойим бир зум жимиб қолди-да, давом этди. — Ҳудойлигингиизни айт-

сангиз: қанақа одамлар ўзи, таг-зоти қанақа, асли шу ерликми ё бошқа жойдан келишганми?

— *Ха-а-а!* Бундоқ демайсизми? — Сартарош онамнинг мақсадини тушунди шекилли, бош ирради. — Таг-зоти тоза одамлар! Қадимдан шу ерда туришади. Ота-бобоси боғбон ўтган. Катта узумзори бўларди. Шибилрони дейсизми, шакарангур дейсизми, эчкиэмари — ҳаммаси шу боғда бўларди. Ана узуму мана узум! Урушнинг касофати билан кўплари йўқ бўп кетди. *Қўли қисқалик қип қолди бечораларни!*

Сартарош гапирган сайин файратга кирав, файратга кирган сайин машинани тезроқ шикирлатар, унга сайин сочим кўпроқ юлинар эди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди.

— Авлодида ёмон одамлар чиқмаганми? — деди онам. — *Қиморбоз, ўғри, нашаванд* дегандай...

— *Йўқ!* — деди сартарош қатъият билан. — *Ҳаммаси яхши одамлар.*

Онам енгил тортиб, хўрсиниб қўйди.

Энди сочимнинг орқасини олишга навбат келди. Сартарош кафтини ботириб, нуқул бошимни пастга эгади. Бошим эгилган сайин пайдарпай бурнимни тортаман.

— *Ўрли-чи?* — деди ойим асосий мақсадга ўтиб. — Тўлаганхўжа деган ўғли бор эмиш...

— *Во!* — Сартарош машина бандига тиқилган бош бармоғини диккайтириб кўрсатди. — Меравой бола! Маълим! Мактабда маълимлик қиласди.

— Урушга бормаганми?

— *Йўқ,* — сартарош қитиғимни келтириб тарин бўйнимга машина солди. Шилт этиб бурнимни тортдим.

— Маълимларни урушга олишмаган. Аммо меравой бола! Нима, қуда бўлмоқчимисизлар?

Үткір ҲОШИМОВ

— Қайдам, — деди ойим секин. — Тақдир қүшган бұлса...

— Аммо оғиз солишган бұлса шу боладан қолманглар. Таг-зоти күрган, бунинг устига кимсан, маълимни күёв қиласизу жон демайсизми, сингил! Ўзингиз кимнинг оиласи бұласиз?

Ойим ҳаммасини батафсил айтди. Дадамни, асли қаердан келиб чикқанимизни...

— Юлдузинглар ўлдузларингта түғри кепти! — деди сартарош машинани пулфлаб-пулфлаб тозалар экан. — Худо хоҳласа, ош ер эканмиз-да!

Кутулганимга шукур қилиб, дик этиб ўрнимдан турдим.

Онам дүппимни бошимга кийгазиб, сартарошга пул берди.

— Ие, қудалардан пул олсак қандоқ бўларкин? — Сартарош пулни шимининг киссасига тиқаркан, тайинлади. — Шулардан қолманг, яхши одамлар.

Үйга қайтишимиз билан бир бурда зөзорани олдиму күчага югурдим. Майдончада ўйнаб юрган Той, Вали, жұрабоши — ҳаммаси пайсалга солмай “устара ҳақи” олишиди. Айниқса, жұрабоши ўрта бармоғи билан чертганда бошим оғриди. Лекин чидаб турдим. Ўзим олиб келган янгилик билан ҳаммани қойил қолдирмоқчи әдим.

— Яқында бизницида түй бўлади! — дедим мақтаниб.
— Опамнинг түйида роса ош еймиэ! Кейин қуда буви менга кўйлак тикиб беради. “Зингер” машинаси бор!

...Лекин түй бўлмади. Бир ойдан кейин ҳам, бир йилдан кейин ҳам... Бир-икки марта опам, “керакмас”, деб йиғлаганини, ойим, “кўнглингдагини айт бўлмаса”, деганини эшитиб қолдим.

Таниш совчилар ҳамон тез-тез келиб туришар әди.

Бир куни эрталаб турсам, ойим йўқ. Тушга яқин хомушроқ қайтди. Эртасига опам ишга кетганида, нонушта устида дадамга қизиқ гап айтди.

— Пишмайдиган савдога ўхшайди. Ургифа жинни бор экан. Гўлаганхўжанинг катта амакиси уч-тўрт марта жиннихонага тушган экан.

— Бўлмайди! — деди дадам кескин қўл силтаб. — Совчилар яна келса, жавобини бериб юбор.

Бир нарсани ҳеч тушунмасдим. Ўшанда онам совчиларнинг келиб чиқиши қаерданлигию авлодида ёмон отлиқ одамлар бор-йўқлигини, касб-кори нимаю қариндошларида касаллар бор-йўқлигини нима учун бунчалик суриштирганига ҳеч ақлим бовар қиласди.

Бу савдолар, бу саволлар бора-бора ёдимдан чиқиб кетди. Бироқ кунлардан бирида ғалати воқеа бўлди. Редакцияда ишлаб ўтирсан, эгнидаги кийимидан тортиб тақинчоқларигача жуда ярашган қўхлик аёл кириб келди.

Анчагача гапни нимадан бошлишни билолмай уялиб ўтириди-ўтириди-да, охири дардини очди.

— Икром акам иккаламиз бир-биримизни яхши кўрамиз. Аммо ажрашмасак бўлмайди.

Худо ҳакқи, бунақа масалаларга аралашибни жинимдан ёмон кўраман.

Кўхлик жувонга тўғрисини айтдим, ўз ҳаётингизни ўзингиз ҳал қилинг, дедим.

Аёл бир зум ерга қараб турди-да, илтимос қилди.

— Икром акам билан бир гаплашиб кўрсангиз...

Куёв йигит келишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Уч кундан кейин эшиқдан ҳар жихатдан мукаммал йигит кириб келиб, ўзини таништирганида ҳайрон қолдим. Икковлари бир-бирига шу қадар муносиб эди-ки, шундек оиланинг ажрашмоқчи эканига ачиниб кетдим.

Гапни нимадан бошлашни билмай гарантсиб турган эдим, күёвнинг ўзи муддаога ўтди.

— Хотиним мени, мен хотинимни севаман. Боламиз йўқлигига хафаман. Аммо чорамиз ҳам йўқ!

— Ҳозирги замон медицинаси учун шуям проблема бўлтими, — дедим уни юпатиб. — Учрашиб кўринглар, ахир.

Куёв маъюс жилмайди.

— Ўзим врачман. Врач бўлганим учун хотинимнинг тувишини ҳоҳламайман.

Бутунлай эсанкираб қолдим.

— Нега ахир? Бир-бирларингни севсангиз. Муносиб бўлсангиз...

— Мен врачман, — деди йигит яна бўғиқ овозда. — Генетикани яхши биламан. Хотинимнинг ўғил тувишидан қўрқаман. — У яна хўрсинди. — Қўрқаман. Умуман, ҳаммасига ўзим айборман. Назирани севардим. Худбинлик қилдим. Бошида айтишим керак эди.

У ниманидир, жуда муҳим нарсани айтишга иккиланар эди.

— Майли, — деди ниҳоят. — Ростки сизга юрагими очдимми, бу ёғиниям айтишим керак. Менинг бувам — дадамнинг отаси ШЭ бўлган.

— Нима у ШЭ? — дедим дафъатан тушунолмай.

— Шезофрения касаллиги. Рухий хасталикни медицинада шунаقا дейилади. Бу — наслга ўтадиган дард. Ота авлодида бўлса ўғилгами, неварагами, хуллас, кимгадир ўтади.

— Қизиқ экансиз, — дедим уни юпатиб. — Врачлар вахимачироқ бўлади ўзи! Ўтмаса-чи!

— Ўтса-чи! — йигит маҳзун қиёфада бошини қуий солди. — Мен-ку майли, Назирада нима айб? Рухий хаста бола билан умрбод эзилиб юрадими?

Яна алланималар деб күнглини күтарган бўлдим.
Йигит маҳзунлик билан жилмайиб ўтири-ўтирида-да,
инدامай чиқиб кетди.

...Шунда чакка ўтган ўша кеча, эрта баҳорда ойим
билан лой кечиб, Қаънига борганимиз, фронтовик сарта-
рош, яна кўп нарсалар ёдимга тушди. Онамни қўмсаш
аралаш соғинч туйғуси вужудимни сирқиратиб юборди.
Шу пайтгача ўзим тушунмай юрган кўп ҳақиқатларни
англагандек бўлдим.

...Қайси куни метро станцияси олдида Гулини кўриб
қолдим. Ёнида баланд бўйли, жингалак сочли йигит.
Мўйлови ўзига хўп ярашган. У Гулининг жажжи сум-
качасини кўтариб олган. Гули уни қўлтиқлаб келар, йи-
гит хушчақчақ бўлса керак, алланималарни гапирав, Гули
хандон отиб кулар эди.

Уч кундан кейин Гулини кўчада учратдим.

- Яхши болага ўхшайди, — дедим ўша йигитни эслаб.
- Ким?
- Ўша кунги йигит. Тўй қачон?

Гули қизарди. Аммо қувончини яшира олмади.

- Фарҳод акам ёқдими сизга? — деди жилмайиб.
- Ёқди, — дедим ростини айтиб. — Касби нима?
- Ошпаз, — Гули яна жилмайди. — Шефповар.
- Қариндошларинг эмасми?

Гули “йўқ” дегандек бош чайқади.

- Қаерлик экан ўзи?

Гули ҳайрон қолиб чиройли киприкларини пирпиратди.

- Бунинг нима аҳамияти бор?
- Мабодо авлодидан ўғрими, нашавандми чиқмаганми?
- Беихтиёр оғзимдан онамнинг саволи чиқиб кетди.
- Гули бирдан жиддий тортди. Кошини чимирди.
- Нима деганингиз бу?

— Жинни-чи? Мабодо қариндош-урұғларыда руҳий касаллар йўқми? Суриштириб кўринг.

Гули кўзимга тикилиб турди-да, секин-секин орқа-сига тисарила бошлади. Нарироққа бориб бирдан югуриб кетди. Чамаси мени эсдан оғиб қолган деб ўйлади.

ЭРМОН БУВАНИНГ ТИЛАГИ

Агар дунёда иккита беозор одам бўлса, биттаси Эрмон бува. Агар дунёда иккита беозор одам бўлса, яна биттаси Эрмон буванинг кампири — Ҳабиба буви. Мабодо дунёда иккита ювош сигир бўлса, биттаси Эрмон буванинг ола сигири. Агар шунақа сигир дунёда битта бўлса, шу сигирнинг ўзи.

Эрмон буванинг чап оёғи оқсоқ: ҳасса билан юради. Сигирининг ўнг шохи синган. Ола сигирнинг шохи қандоқ синганини ҳеч ким билмайди. Аммо Эрмон буванинг оёғи нега оқсоқлигини ҳамма билади. Биладиую ҳамма ҳар хил гапиради. Ойимнинг айтишига қараганда, Эрмон буванинг оёғи босмачилар билан урушда синган эмиш. Дадам бўлса бошқача тушунтирган. Қишлоқни босмачи босганида Эрмон бува дaraohтга чиқиб кетаётганда йиқилиб, оёғи чўлоқ бўп қолганмиш.

Хуллас, нима бўлгандаям у оқсоқланиб юради. Баҳор пайтлари ола сигирини етаклаб келиб қолади. Қўлида ҳасса, сигирининг бутун шохига тугунча илиб қўйилган. Утлокқа етганидан кейин сигирнинг шохидаги тугунчани олади-да, ўзини қўйиб юборади. Белидаги қийиқчасини тол соясига ташлаб “бисмиллоҳу раЖмонур раЖим” деб майса устига ёнбошлайди. Ола сигир шундоқкина унинг ёнида поезддек пишиллаб ўтлашга тушади. Ора-чора шу

ишим маъқулми, дегандек эгасига қараб-қараб қўяди. Шунақа ювош сигирки, болалар тагига кириб эмса ҳам ҳой, нима қиляпсан, деб қайрилиб қарамайди. Бироқ болалар Эрмон бувани ҳам, сигирини ҳам қаттиқ ҳурмат қилишади. Ҳатто жўрабошимиз ҳам бувани кўриши билан ювош тортиб қолади, икки қўлини кўксига қўйиб:

- Ассалому алайкум, буважон, — деб салом беради.
- Ваалайкум ассалом, мулло бўлинг, тасаддуқ, — дейди Эрмон бува салмоқлаб. Барибир унинг овози салмоқли чиқмайди: хотинларникидек ингичка, аммо ниҳоятда меҳоибон.

Уни ҳар кўрганда ойим айтиб берган Хизр эсимга тушади. Нега деганда Эрмон буванинг сочи ҳам, соқоли ҳам, ҳатто қўзига қайрилиб тушган ўсиқ қошлирагача оппоқ. Оппоқ яктак, лозим кийиб юради. Ҳабиба буви кийимини доим топ-тоза қилиб ювиб, даэмллаб беради. Якtagининг очик ёқасидан кўриниб турган кўкрагидаги туклариям оппоқ. Фақат икки юзи қип-қизил. Ойимнинг айтишига қараганда, фариштали одамнинг юзидан нур томиб туармиш. Фариштанинг қанақа бўлишини билмайману, аммо Эрмон бувани яхши кўраман. Жудаям яхши кўраман.

У ёнбошлаб ётганича якtagининг чўнтағидан носқоворини чиқариб бир отим носни тили тагига ташлайди, кўзларини қисиб баҳор офтобига тикилганча ҳассасини чертиб хиргойи қиласди:

Толда чумчук сайрайди,
Кўрсам кўнглим яйрайди...

Шунда энди йўлга кирган укам иштончан чопқиллаганча унинг ёнига келади. Эрмон бува хиргойисини

Үткір ҲОШИМОВ

тұхтатади. Укамнинг бути орасига құл чүзіб ҳазиллашади:

— Носдан беринг, отам, носдан беринг.

Укам қитиғи келиб қиқирлаб кулади. Эрмон бува тирноқлари қийшайиб кеттән бармоқларини ҳидлаган бұлади-да, атайлаб акса уради.

— Ап-ап-ап-шу! Вой-бұ! Носингиз зүр экан-ку, отам!

Укам ҳузур қилиб қиқирлайды. Нарирокқа қочиб боради-да, тағин бувасига “нос бергиси” келиб қолади. Қайтиб келади. Кейин ҳаммаси янгитдан бошланади.

Бир маҳал ойим майдон чеккасида туриб мени имлаб чақираётганини күраману югураман. Ойим құлидаги обдастани узатади.

— Ма, буванғта обориб бер.

Биламан, обдастада илиқ сув бор. Бир құлым билан обдастанинг бандидан, иккінчи құлым билан жұмрагидан тутиб ҳаллослаб чопиб келаман.

— Манг, бува!

Эрмон бува ҳайрон бұлғандек қараб туради-да, мамнун жилмаяди:

— Пешин бұп қолди дeng, қоравой? Баракалла! Умрингиздан барака топинг, Пошиша қизим сизларнинг роҳатингизни курсинлар.

Шундай дейди-да, бир құлида ҳасса, бир құлида обдаста, панага үтади. Бир оздан сүңг юз-құлини артиб қайтиб келади. Қийиқчани жойнамоз қилиб үт устига ташлайди-да, пичирлаб узоқ намоз үқыйди. Болалар жимиб қолишади. Нихоят, у чүккалаб үтирганча овозини чиқаради.

— Илохи оми-чин! Юртимиз тинч бұлсин, у дунёю бу дунё қирғинбарот бұлмасин, оллоху акбар.

Болалару қызлар чувиллашиб баравар салом бериша-

ди. Эрмон бува алик олади-да, чордана қуриб ўтиради. Бояги тутунни шошилмасдан ечади.

— Кани қоравойлар! Кани попуклар, — дейди қандайдир тантанавор оҳангда. — Дастурхонга марҳамат. Уялманглар, тасаддуқлар!

Дастурхонда зофора нонми, арпа нонми бўлган куни ҳаммамизга байрам. Қўпинча унисиям бўлмайди, буни-сиям. Бироқ тутмайиз албатта бўлади. Тутмайизни еб олсангиз дарров қорнингиз тўяди. Шунақа ширин, шунақа мазали! Мен бир кафт майизни оғзимга ташлайману уйга фириллайман. Ойим албатта чой дамлаб қўйган бўлади. Олма чойми, бошқами, ишқилиб чой-да! Шундоқ қилиб ҳаммамиз биргалашиб овқатланамиз. Охирида Эрмон бува дастурхонга фотиҳа ўқийди.

— Яратган неъматингга шукур! — дейди ингичка овозда. — Илоҳи оми-ин! Юртимиз тинч бўлсин, у дунёю бу дунё қирғинбарот бўлмасин, олмоҳу акбар!

Ана ундан кейин Олтмишвойнинг таърифи бошланиди. Олтмишвой Эрмон буванинг ўғли. Ҳабиба буви кўп туққан. Ҳаммаси чилласи чиқмасдан ўлиб кетган. Аммо Олтмишвой бошқача йигит-да! Биттаям касал бўлмаган. Мендай пайтида отни эгарлаб ўзи чоптирган. Жўрабошимиздай бўлганида кетмон билан бир таноб ерни ҳаш-паш дегунча афдариб ташлаган. Олтмишвой ана шунақа йигит!

Аввалига Ҳабиба буви олтмишта туккани учун Олтмишвойнинг оти шунақа деб ўйлаган эдим. Йўқ, кейин тушундим. Олтмишвой Эрмон бува олтмишга кирганда түғилган экан.

— Менинг Олтмишвойимдақа йигит дунёда йўқ, — дейди Эрмон бува ҳар кунги гапини қайтариб. — Бунақа йигитни Ҳудо битта яратгану қолипини синдириб ташла-

Ўткир ҲОШИМОВ

ган! — У ўзининг ҳикоясидан ўзи завқланиб кетади. Носковоғидан кафтига мўлроқ солиб тилининг тагига ташлайди. — Мана, ҳозир немиснинг додини бериб юрибди. Ўзиям Аэоб денгиз деганча бор-да, тасаддуқ! Бир шамол турса борми, ҳар сув кўтариладики тоғдек келади. Аммо менинг Олтмишвойим азобдан қўрқмайди. Рона савалаяпти пашист демаганни! Командири мазаси йўқ бола экан! Олтмишвой гирой бўлиб ўлди, деб ёзибди... — Эрмон бува бирдан жимиб қолади. Оппюқ қуюқ қошининг тагидаги кўзлари негадир йилтираб кетади. Куладими, йиғлайдими, ҳеч ким билмайди. — Мана, мени айтди дерсизлар, — дейди овози титраб. — Эрта-индин кириб келади. Қўша-қўша ордин тақиб кириб келади. Ўшанда камандиринга хат ёзаман. Олтмишвойга айтиб тураман, ўзи ёзади. Сен бола, дийман, мазаси йўқ бола экансан, дийман. Мана, Олтмишвойим келди-ку, гирой бўлиб кириб келдию, дийман.

Эрмон бува сукутга чўкади. Болалар ҳам, қизалоқлар ҳам жимиб қолишади. Эрмон бува носини тупуради. Кафтининг орқасига лабини артиб сигирига қараб қўяди.

— Олтмишвойим келса сигирни сотиб тўй қиласиз, — дейди орзумандлик билан. Кейин ҳассасини чертиб хиргойи қиласди:

*Толда чумчук сайрайди,
Кўрсам кўнглим яйрайди...*

Эрмон бува қўшиқ айтади. Мен бўлсан уникига ойим билан борганим, Олтмишвойнинг суратини кўрганимни эслаб кетаман. Аслида Эрмон буванинг уйи ҳаммамизники. Айниқса тут оқариши билан қишлоқ-

нинг ҳамма боласи Эрмон буваникига кўчиб боради. Унинг девори жуда паст. Эшак миниб ўтсангиз, ҳовлиси кўриниб туради. Лекин бу ҳовлига деворнинг керагиям йўқ. Эшик доим очиқ туради. Кириб боришингиз билан дока рўмолини у ёқка ташлаган, бу ёққа ташлаган Ҳабиба буви пешвоз чиқади.

— Вой уйингга буғдой тўлгулар, вой қўпайгулар, кела қолинглар, — дейди овози товланиб. Ўша заҳоти болалар тутга тармашади. Тут ҳам эгасига ўхшаган. Ҳовлининг ярмини эгаллаб ётади, аммо тик ўсганмас. Шохлари тарвакайлаб кетган. Бемалол осилиб чиқаверасиз. Шундоқ бўлсаям, Ҳабиба буви болаларни тутга чиқармайди.

— Ҳой қўпайгур, осилма! — дейди чирқиллаб. — Йиқилиб кетасан. Ҳозир бувангни чақираман!

Зум ўтмай айвон ёнбошидаги пастак ҳужрадан ҳассасига таяниб Эрмон бува чиқади.

— Ие-ие, қоравойлар, кеп қопсизлар-да! — дейди қувониб. — Кани, кампир, чодирни опчиқ.

Ҳабиба буви қирқ ямоқ бўлиб кетган чодирни олиб чиқади. Камида ўттизта бола қалдироҷдек тизилиб чодирнинг тўрт тарафидан ушлаб туради. Эрмон бува оқсоқланганча тут тагига боради-да, инқиллаб-синқиллаб шохга минади. Ҳабиба буви пастдан туриб узун таёқ узатади. Эрмон бува “бисмилло” деб таёқни бир уриши билан дув этиб тут ёғилади. Тут бўлгандаям шунақсанги тутки, ҳар биттаси пилладек келади. Болалар чодирни қўйиб юборганча қий-чув қилиб ўртага тармашади. Юқорида Эрмон буванинг ингичка товуши келади.

— Шошманлар, попуклар, шошманлар, қоравойлар, яна беш-үн марта қоқай, ҳаммаларингта етади.

Қарабасизки, ҳаммамиз тутга тўйиб оламиз. Айвонда

Үткір ҲОШИМОВ

эса учта каттакон хум қаторлашиб туради. Ҳар биттаси мендек келади. Ҳабиба буви шинни пишириб шу хұмларга тұлдириб құяды. Қишлоғанда қочон келсангиз, шиннинга түясіз.

Шундай қилиб, Эрмон бува ҳар қочон Олтмишвойни гапирганида ойимга әргашиб уларникига борғаним әсімга тушади. Айни тут пишиғи эди. Эрмон бува тут қоқиб берди. Ҳабиба буви ювиб тозалаб сопол лаганга тұлдириб келди. Маза қилиб едик. Кейин Ҳабиба буви куюнчаклик билан тушунтироди.

— Тут юракни үртаб юборади, күпайгурлар. Юринглар, чой ичамиз.

Олдинма-кейин тиэилишиб пастак ҳужрага кирдик. Токчаларга әски баркашлар безак қилиб қўйилган хонага киришим билан әнг аввал нонга кўзим тушди. Бунаканги чиройли нонни биринчи кўришим эди. Устига седана сепилган, қип-қизил патир нон. Қизиқ, нонни негадир деворга михлаб қўйишибди. Бир чеккаси кемтик.

— Ойи-и, нон! — дедим ялиниб.

Ойим ярқ этиб қарадио лабини тишлаб, бош чайқади. Билдимки, онам уяляпти. Энди Ҳабиба бувига тармашдим. Биламан, дунёда Ҳабиба бувидан сахий одам йўқ.

— Буви, нон, — дедим яна үша оҳангда. Девордаги нонни кўрсатдим. — Буви, но-о-он!

Қизиқ, негадир Ҳабиба буви бу сафар сахийлик қилмади.

— Бу нонга тегиб бўлмайди, күпайгур, — деди бoshимни силаб. — Корнингни қорачиғидан айланай, тегиб бўлмайди. Бу нон Олтмишвой акангники. Кўрдингми, бир четини тишлаб кетган. Келганида яна битта тиш-

лайди-да, қолганини сенга бераман. Ана, Олтмишвой аканг ҳам сенга қараб турибди.

Қарасам, нонда чиндан ҳам Олтмишвой аканинг тишлаган изи кўриниб турибди. Ноннинг тагида эса ўзининг сурати. Сурат негадир сарфайиб кетган. (Ҳабиба бувининг кўз ёши томавериб сарфайиб кетганини кейин тушунганман.) Суратда денгизчиларнинг кокилдор шапкасини кийган қоп-қора йигит жилмайиб турибди.

— Қурут ейсанми? — деди Ҳабиба буви яна бошимни силаб.

Ойимга қарасам, қовоғини солиб турибди. Индамай қўя қолдим. Ташқарига чиққанимиэдан кейин онам дашном берди.

— Уятга ўлдирдинг-ку, болам. Нонни Олтмишвой акангта атаб қўйишибди, билдингми? Олтмишвой акандан қорахат келган, тушундингми?

Нимани тушундим, нимани тушунмадим, билмайману, аммо Эрмон буванинг гапларига ишонгим келади. Эрта-индин Олтмишвой ака гирой бўлиб келади. Эрмон бува унинг командирига хат ёэдиради. Сен яхши боламас экансан, дейди. Мана, Олтмишвойим гирой бўп келди-ку, сен бўлсанг уни ўлди деяпсан, дейди... Кейин ола сигирни сотиб тўй қилишади.

Эрмон бува Олтмишвой аканинг таърифини роса келтирганидан кейин ҳар куни айтадиган афсонасини бошлайди. Шу чўпчаги менга ҳеч ёқмайди: қўрқаман. Аммо ҳадеб қайтаравергани учун ёдимда қолган. Қизиқ, негадир жўрабошимиз худди шу чўпчакни яхши кўради.

— Бува, — дейди ялиниб. — У юрт билан бу юртни айтиб беринг.

Эрмон бува жон деб рози бўлади.

— Бўлти, қоравойлар, попуклар, якинроқ келинглар.

Ўтқир ҲОШИМОВ

Айтмоқчи, Эрмон бува ҳеч қайсимиэнинг отимизни билмайди. Ўғил болаларнинг ҳаммаси унинг учун қоравой, қизларнинг ҳаммаси — попук. Бундан ташқари ҳеч кимни сен демайди, ҳаммани сизлаб гапиради.

У носни яна отиб олади-да, афсонасини бошлайди:

— Бир бор экан, бир йўқ экан... Бир-бири билан қўшни турадиган иккита юрт бор экан. — Эрмон бува бирдан жимиб қолади-да, қизлардан бирига дашном беради. — Ҳой попук, укангизни бурнини артиб қўйинг, тасаддуқ!

“Попук” бироннинг укаси бўлсаям, этагини қайириб ёнида ўтирган боланинг бурнини артишга мажбур бўлади.

— Баракалла! — дейди Эрмон бува мамнун бўлиб.
— Шундоқ қилиб десангиз, у юртдагилар ҳам, бу юртдагилар ҳам тинчгина буғдойни сепиб, молини боқиб юараркан. Аммо-лекин тасаддуқлар, ғаламис дегани ўша замонлардаям бор экан-да! Ўртага ғаламис аралашив икки юртнинг орасини бузибди. У юртнинг ичиқора одамлари ўз подшосини йўлдан урибди. “Бу юртда шунақанги яйловлар борки, от миниб уч кун чоптирангиз у бошидан бу бошига етолмайсиз”, дебди. “Босиб олсангиз хазинангиз олтинга тўлади”, дебди. Бу юртнинг ичиқора одамлариям ўз подшосини қўнглига фулгула солибди. “У юртда шунақанги боф-роғлар борки, жаннатга ўжшайди”, дебди. “Босиб олсангиз хазинангиз олтинга тўлади”, дебди.

Эрмон бува носини тупуриб бирдан Тойга кўзи тушиб қолади.

— Ия, қоравой, сизниям бурнингиз оқиб кетдию, артиб олинг, тасаддуқ!

— Қўяверинг, бува! — дейди жўрабошимиз билағон-

лик қилиб. — Артгани билан фойдаси йўқ. Буники қайнаб чиқаверади.

Той жаҳл билан “шилқ” этиб бурнини тортади. Зум ўтмай яна оқиб кетганига парво қилмайди. Эрмон бува бўлса берилиб ҳикоя қиласди.

— Шундоқ қилиб, у юртнинг подшоси ҳам, бу юртнинг подшоси ҳам лашкар тўплашга киришибди. Тағин қанақа лашкар денг! Ҳар биттаси менинг Олтмишвойимга ўхшаган норғул йигитлар эмиш. Йигитларнинг мўйсафид оталари, кекса оналари ғамбода бўлиб қолишибди. Урушдан кимга фойдаю кимга зиён, дейишибди. Уруш қилиб хазинасини бойитадиган подшолару, боламиэни ажалнинг оғзига юборадиган бизми, дейишибди. Аммо камбағалнинг додини ким эшитарди, тасаддуқлар! У юртнинг лашкари бу юртнига от суребди. Бу юртнинг лашкари у юрт устига бостириб борибди. Шундоқ қилиб десангиз, қирғинбарот бошланибди. Не-не ойдек қизлар оёқости бўлти, бешикдаги болалар онасидан, оналар боласидан айрилибди. Попукдай қизлар, нозанингай жувонлар, норасида болалар Худога нола қилишибди. “Подшолар бир-бирининг юртини босиб оламан деса, бизда нима гуноҳ”, дейишибди. “Нимага бизни онамиздан жудо қиласан, акамиздан айирасан?” дейишибди. Лекин уларнинг ноласи Худога етиб бормабди.

Эрмон бува жимиб қолади. Хазинасини олтинга тўлдираман деб уруш очган у юртнинг подшосини ҳам, бу юртнинг подшосини ҳам ёмон қўриб кетаман. Оналарни боласидан, болаларни онасидан жудо қилган у юртнинг ғаламис одамларини ҳам, бу юртнинг ғаламис одамларини ҳам йўқ қилиб ташлагим келади.

— Ия, коравой, иштонни кўтаринг, иштонни, — дейди у кулимсираб. — Булбулингиз қўриниб кетди-ку, тасаддуқ.

Үткір ҲОШИМОВ

Шоша-пиша иштонни күтараман.

— Баракалла, тасаддуқ! — дейди Эрмон бува жилмайиб. — Умрингиздан барака топинг... Шундоқ қилиб, қирқ йил қирғин бўлиди. У юрт ҳам, бу юрт ҳам вайронага айланиди. Ё тавбангдан кетай, тасаддуқлар, не-не дарёлар қуриб, не-не боғлар култепага айланиди. Бориңки, йилт этган битта гиёҳ қолмабди. Тиккайган битта дарахт қолмабди. Жамики паррандалару даррандаларга қирон кепти. Охири дарахтлару ўт-ўланлар, дарёлару қушлар Худога нола қипти: “Урушни қиласидиган-ку одамлар, бизда нима гуноҳ”, дебди. “Сен биэни одамлар учун яраттан эдинг-ку, нимага одамзод бизга қирон келтиради”, дебди. “Одамзоднинг феъли шунақа ёмон бўлса, биз нима қилайлик”, деб йиғлашибди. Ана ўшандада Оллойи таолонинг қаттиқ қаҳри кепти. У юртни ҳам, бу юртни ҳам чўл-биёбонга айлантириб ташлабди. У юртда ҳам, бу юртда ҳам биронта қимиirlаган жон, на битта дарахт, на битта ўт-ўлан, на бир томчи сув — ҳеч нима қолмабди. Ўшандан буён офтоб ҳам шу юртларни четлаб ўтармиш. Шамол яқинига бормасмиш. Куш учмасмиш. У юрт ҳам, бу юрт ҳам зимистонга айланиб қолган эмиш.

Эрмон бува носини тупуриб чуқур хўрсинади. “Ана шунақа гаплар”, дегандек маънодор бош чайқаб қўяди.

— Мана, тасаддуқлар, пашист деганиям жазосини олди-ку. Мени Олтмишвойим ҳам пашистни жазосини бераман, деб қилич ўйнатиб юрибди-да. Бўлмаса Азоб денгизда сузиш осонми! — У менга қараб кўзини қисиб қўяди. — Олтмиш акангизни-чи, қиличи бор. Алномишникига ўхшаб қирқ газ келади. Қайтиб келгандан кейин ўша қилични сизга бераман.

...Эрмон бува ваъда қилган Олтмишвой аканинг қирқ газли қиличи менга насиб этмади. Унинг ўзи ҳам,

киличи ҳам урушдан қайтмади. Ўша йили биринчи қор тушган куни Эрмон бува яна битта афсона айтиб берди. Бу чўпчакни атиги бир марта айтган бўлса ҳам негадир хотирамда сақланиб қолди.

Кечкурун Эрмон буванинг айвонига тўпландик. Ташқаридаги гупиллаб йўрик-йирик қор ёғар, айвон олдига ўзимиз тут қоқиб еган қирқ ямоқ чодир тутиб қўйилган, совуқ эди. Ҳаммамиз сандалга оёқ тиқиб ўтирибмиз. Оёқ илигани билан бадандан муз ўтиб кетган. Сандал устига бир қоп кўсак уюб ташланган. Эрмон буванинг айтишига қараганда ўн пуд кўсакни чувиш зиммамизга тушган эмиш. Эртагача чувиб бўлмасак, бригадир Ҳайдар шамол хафа бўлармиш. Кўраклар совуқда музлаб колган, ушласангиз қўлингизни узаман дейди. Иккита токчага биттадан лип-лип чироқ қўйилган. Чироқларнинг пилиги липиллаган сайин хотинларнинг девордаги баҳайбат соялари ҳам афсонавий девлардек сақраб-сақраб кетади. Хотин-халаж индамай қурак чувийди. Бир қопи тугаши билан Эрмон бува иккинчи қопни эски дастурхонга афдаради... Қўлим акашак бўлиб қолди. Бунинг устига қурек тикандек қотиб қолган. Пахтасини суфуриб олгунча тирнофингиз орасига кириб қонатиб юборади. Эрмон бува менга қараб-қараб қўяди.

— Қўлни иситиб олинг-да, коравой!

Охири онамнинг ҳам тоқати тоқ бўлди.

— Пахтасиям ўлсин! — деди зорланиб. — Қўлимда қўл қолмади-я!

Эрмон бува сокин бош чайқади.

— Унақа деманг, Пошша қизим, — деди ингичка овоз билан. — Гуноҳ бўлади. Пахта жаннатдан чиқсан, тасаддуқ!

У қишида ҳам ёқаси очиқ юрадиган яктагининг чўн-

Ўткир ҲОШИМОВ

тагини узоқ кавлаштириб носқовоғини топди. Тагига учтұрт уриб нос отди.

— Пахта жаннатдан чиккан, — деди ишонч билан. — Мен сизларга бир ҳикматни айтиб берай, тасаддуқлар.

Шундай деб мен эшитмаган афсонани айтиб берди.

— Қадим замонда бир юртни ёв босибди. Одамлар қалъа ичига беркиниб олишибди. Ёв шаҳарни үраб олиб кутаверибди, кутаверибди. Охири қалъа ичидагилар ҳам, ёв ҳам ҳолдан тойибди. Қамалда қолганларнинг очликдан силласи қурибди. Одамлар оқсоқол олдига бориб, бұлды әнди, шаҳарнинг дарвозасини очиб берамиз, дейишибди. Үзимиз оч, болаларимиз яланғоч, отларга ем йүқ, үтін йүқ, деб нолишибди. Аммо оқсоқол доно киши экан. — Эрмон бува тантана билан қаддини керіб құяди. — Бир құжрага йигиб қүйған аллақанча ғұзапояни опчиқибди. Пахта дегани жаннатдан чиккан, менга ишонинглар, тасаддуқлар, дебди. Буни қарангки, чол айттан гап тұғри чикибди. Пахтанинг момифини аскар болаларнинг ярасига босишибди. Толасини йигириб бұз түкишибди, кийим тикишибди, чақалоқларга йүргак қилишибди, чигитни ёғини эритиб гүшт қовуришибди. Кунжарасини отларга беришибди. Ғұзапояни ёқиб уйларни иситишибди. — Эрмон бува овозини янаям баландлатади. — Қарабсизки, ёвнинг ҳоли танг. Сичқоннинг ини минг танга бұлиб кетибди. — Эрмон бува наматни қайириб носни тупуради. Томогини тақиллатади. — Ана күрдингларми пахтанинг хосиятини, тасаддуқлар. Қани, кампир, шиннидан опке. Бир маза қилайлик!

Ҳабиба буви илдам үрнідан туриб хумга сопол пиёләни ботиради. Яна бир марта... Кейин яна бир марта. Бирпасда айвонни тут шиннининг иси тутиб кетади...

...Ўша биринчи қор тушган куни Ҳабиба бувини охирги марта кўраётганимни билмаган эканман. Ҳали янги йил келмасидан кетма-кет қор ёғиб қаҳратон совуқ бошланди. Шундай кунлардан бирида эрталабки чойдан кейин онам тўсатдан сўраб қолди.

— Эрмон бувангикига бориб келамиэми?

Қувониб кетдим. Эрмон буваникига бўладиую йўқ дейманми!

— Шинни ейишгами? — дедим ҳовлиқиб.

Онам оҳиста бош чайқади.

— Йўқ. Ҳабиба буви зотилжам бўп қопти. Утини йўқмиш. Кўмир обориб берамиз.

Бултур ўзимизнинг утинимиз қолмаганида қанақа ахволга тушганимиз эсимдан чиққанмас. Шунинг учун бўлса керак, бу йил дадам кўмирни яхшилаб ғамлаб кўйган эди.

— Менам обораман! — дедим ирғишлиб. — Қопда обораман!

— Бўлти, — ойим бошимни силади. — Сен қоп кўтаролмайсан, челяқда оборасан.

Дадам ишда, акаларим мактабда. Опам эчки сутини сотиши учун шаҳарга кетган. Уйда ойим, укам қолган. Укамни амаллаб бешикка тиқдик. Ойим алдаб-сулдаб ухлатди. Ошхонага кириб қопга кўмир солдик. Мен оғзини очиб турдим, ойим хокандоз билан солди. Сандалга йирик кўмир бўлмайди. Албатта кукунидан солиш керак. Тез чўғ олади, узоқ туради. Онам ҳар гал хокандозни бўшатганида қоп-қора чанг кўтарилади. Бир зумда ойимнинг ҳам, менинг ҳам оғиз-бурнимиз қорайиб кетди. Кейин кичикроқ пақирга мен кўмир тўлдирдим. Иккаламиэ йўлга тушдик. Онам бурни ерга теккудек бўлиб энкайганча қорда чуқур-чуқур из қолди-

Ўтқир ҲОШИМОВ

риб юриб кетди. Кетидан мен эргашдим. Кичкинагина че^{лак} аввалига енгил туюлган эди. Эллик қадамча юрмасимдан жуда оғирлашиб кетди. У құлымдан бу құлымга оламан, бу құлымдан у құлымга оламан, сирғаниб-сирғаниб кетаман. Бу ҳам етмагандек, құлым музлаб кетди. Пақирнинг банди кафти^мга чиппа ёпишиб қолған. Ўнг құлымдан чап құлымга олаётганимда теримни шилиб олаётгандек бүлади.

— Ойи, құлым музлаб қолди, — дейман йифламсираб.

Онам менга ачиниб қараб құядио тұхтамайды.

— Юра қол, жон болам, яқин қолди.

Қопнинг тагини ҳам сичқон тешган экан: кор устида бора борганча қоп-қора из тушиб борди.

Нихоят Эрмон буванинг очиқ эшиги олдига келдик.

— Сен кирмай құя қол, — деди онам ҳарсиллаб. — Мен ҳозир. — Шундай дедио икки букилганча ҳовлига кириб кетди, зум ўтмай қайтиб чиқиб пақирни ҳам олиб кирди.

— Ала^хлаб ётибди бечора! — деди қайтиб чиқиб. — Буванг тепасида дуо үқиб үтирибди.

Бу сафар буванинг шиннисига умид боғламадим. Ойим иккаламиз дарров изими^зга қайтдик. Ойимнинг құлида пақир, пақир ичидә бүшаган қоп...

Қорда тушган күмир изини дадам құрибди шекилли, кечқурун ойимдан сұради:

— Кимга күмир бердинг?

Ойим айбдор қиёфада ерга қараб турди-да, ростини айтди.

— Ҳабиба буви шамоллаб қопти. Күмири йүқ экан, обориб бердим.

Дадам ойимни уришмади.

— Чатоқ бўпти, — деди секин. — Ачинскага хабар бериш керак.

Онам бош чайқади.

— Жудаям зарилмас шекилли. Мана, уйи исиб қолди. Ажабмас, эрта-индин тузалиб кетса...

Лекин Ҳабиба буви тузалмади... Индини эрталаб ишга кетган дадам ярим йўлдан қайтиб келди. Укамни тиззасига ўтқазиб чой ичираётган ойим ҳайрон бўлиб дадамга қаради:

— Тинчликми?

Дадам негадир кўзини яширди:

— Одамзоднинг ахволи шу экан-да, — деди хўрсаниб. — Ҳабиба буви омонатини топширибди.

— Вой... Вой бечора! — Ойимнинг ранги қув ўчганча шундай инграб юбордики, қўрқиб кетган укам бир зум олазарак бўлиб турди-да, чириллаб йиғлай бошлади. — Кеча борганимда тузалиб қолувди-ку! — Ойимнинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Укамни силтаб кўрпачага ўтқаздию икки кафти билан юзини тўсганча ўкириб юборди.

— Начора, куни битган-да, — деди дадам томоғини бўрган кўз ёшидан овози хириллаб. — Ким билиби шунақа бўлишини!

Дадам, унинг кетидан укамни кўтарған ойим, унинг кетидан мен Эрмон буваникига югурдик. Бирпасда тумонат одам тўпланибди. Зеби хола у ёқдан-бу ёқка югурган. Исроил мўйлов ҳовлидаги қорни кураган, Сепкилли хола билан Келинойи “вой онамлаб” йиғлашган...

Эрмон бува кимни кўрса жавдираб қарайди. Яктағининг очиқ ёқасидан кўриниб турган оппоқ тук босган кўксига муштлаганча овози янаем ингичкалашиб, нуқул битта гапни қайтаради:

Ўткир ҲОШИМОВ

— Биттагина боласини кўролмай кетди-я! Олтмишвойнинг дийдорига түёлмай кетди-я!

Йўқ. У йиғламайди. Факат инграйди. Титраб-ти经贸
инграйди. Бош яланг бўлиб олган. Оппоқ соchlари, оппоқ соқоли, оппоқ кўксини муздай қор зарралари қоплаган.

Доим одамларга буйруқ бериб ўрганиб қолган бригадир Ҳайдар шамол ҳам тут тагида чўккалаб ўтирганча пешонасига муштлаб йиғлайди.

— Вой онам-а! Рўшнолик кўрмаган онам-а!

Устига паранжи ёпилган тобутни ҳовлига опчиқиши ганида айниқса қиёмат бўлди. Ойим додлаганча тобутга ёпишди.

— Онажон! Ёлғизини кўролмай кетган онажоним!

Эркаклар тобутни кўтаришганида ойим беш-олти қадам югардию калиши сирғаниб кетиб чалқанчасига ийқилди.

— Ойи, ойи! — дедим унинг устига эгилиб. Йиғлаб юбордим. Онамнинг кўзи олайиб кетган, чамаси мени танимас эди.

— Вой онажон-а! — деди инграб. — Кун кўриб, куни рўшнолик кўрмаган онам-а!

Ўша кундан бошлаб онам ғалати бўлиб қолди. Бир нуқтага тикилиб ўтираверади, ўтираверади. Бирор гапироса эшитмайди. Факат укам йиғлаганида ҳуши жойига келади... У Ҳабиба бувининг кир ювдиси, еттисида елиб-югуриб хизмат қилди. Маъракага борганида оёғи олти, қўли етти бўлиб юрадиу уйга келганда яна ғалати бўлиб қолади.

Ҳабиба бувининг йигирмасига Эрмон бува сигирини сотди. Дадамнинг айтишига қараганда, Ҳайдар шамол ўртага тушиб, шу ишни қилманг, деса ҳам Эрмон бува кўнмапти. “Кампирим бечора дунёга келиб нима кўрди.

Хеч бўлмаса ўзи кўрмаганни арвоҳи кўрсинг, Олтмишвойим келганида амаллаб бошқа сигир олармиз”, дебди. Сигирни Далавой сув текинга сотиб олганмиш...

Ўшандан кейин онам сал ўнглангандек бўлди. Ҳар куни Эрмон буваникига қатнайди, гоҳ яктагини ювиб, сандал устида қуритиб беради, гоҳ лавлаги шарбатига ҳолвайтар пиширади... Нукул битта гапни қайтаради: “Бувангта жабр бўлди, болам, бувангта жабр бўлди...”

Бир куни дадам янги гап топиб келди. Эрмон бува кампирининг қирқида ҳам юртга ош берармиш. Одамлар ўртага тушиб йўлдан қайтармоқчи бўлган экан, кўнмапти. “Қирқ деган хотинларнинг маъракаси бўлади. Кампиримнинг арвоҳи шод бўлсин”, дебди.

Мўлжалланган маъракадан уч кунми-тўрт кун илгари ғалати воқеа бўлди. Якшанба бўлса керак, дадам ҳам, акаларим ҳам уйда эди. Ҳовли томонда гуржи кучутим бир-икки акилладию негадир жимиб қолди. Тўсатдан эшик очилди. Остонада яктак кийиб олган Эрмон бува пайдо бўлди. Ташқарида қор ёғаётган бўлса керак, унинг яланг боши, яктагининг елкаси қорга кўмилган эди. Қизиқ, қўлида ҳасса йўқ. У остона ҳатлаб чиққанидан кейингина оёқ яланг эканини кўрдим. Унинг катта-катта оёқлари қип-қизил гўшт бўлиб кетган, негадир лозимининг почасини қайириб олган, тўпигигача қопланган тукларига кир қор ёпишиб қолган эди. Дадам билан акаларим ҳам, ойим билан мен ҳам ҳайратдан қотиб қолдик.

— Олтмишвойим келди, — деди Эрмон бува илжайиб. — Келди! Кампирим ҳам келди. Икковлари мозор бошига кетишиди.

Ойимнинг юзига бир зум табассум қалқидио кейин даҳшат ичидага дадамга қаради.

Үткір ҲОШИМОВ

— Келди, — деди Эрмон бува тағин ғалати илжайиб. Кейин үнг құли билан чап құлинни дутор қилиб черта бошлади. — Толда чумчук сایрайди, күрсам күнглим яйрайди... — У тұsatдан жимиб қолди. Бирдан менга құзи тушдию файритабиій, ингичка овозда кулиб юборди. — Ия, сизам шу ердамисиз, қоравой! Олтмишвой акангиз келди. Келди... — деди овозини пасайтириб. Кейин тұsatдан хахолаб кула бошлади. Унинг бунақанги бор овоз билан кулганини ҳеч қачон эшитган эмасдим. Гүшти чиқиб кетган оёқларини гурсиллатиб ерга урганча яна құшиқ айтди. — Толда чумчук сайрайди, күрсам күнглим яйрайди.

Ҳаммамиз сеҳоланғандек қотиб қолған әдик. Эрмон бува хұп үйнади! Яланг оёғининг болдирига ёпишган лой аралаш қорлар наматта сачраб кетди. Кейин у чарчаб, чүккалаб қолди. Қавшандоз томонга қараб юзига фотиха тортди.

— Илохи оми-и-ин! Юртимиз тинч бұлсин, иллобилло қирғинбарот бұлмасин. Оллоху акбар!

Әртасига уни жиннихонага олиб кетишиди. Ҳайдар шамол билан дадам биргалашып оборишиди. Дадамнинг айтишига қараганда, Эрмон бува жиннихонанинг эшигидан кираётганды ҳам қибла томонни қидириб чүккалаб олғанмиш. Осмонга қараб илтижо қылғанмиш.

— Илохи оми-и-ин! Илло-билло қирғинбарот бұлмасин, оллоху акбар! — деганмиш.

МЕНИНГ АЧА ХОЛАМ

Ойим одамсиз туролмасди. Құшни келинчаклар, етти маҳалла нарида турадиган кампирлар — ҳаммаси йиғилишиб гангир-гунгир суҳбатлашиб үтиришарди. Шунча

гап қаёқдан топилишига баъзан ҳайрон қоламан. Ҳар куни эрталаб газета олиб келадиган почтачи — татар хотин эшикдан қайта қолмайди. Албатта ойимнинг олдига киради.

— Исанмисиз? — деб сўрашади ўасратини тўкиб солади. — Китти, сволиш! Опять уйнашига китти, паразит.

Ойим ҳар галгидек уни юпатади:

— Қўйинг, жон болам, сабр қилинг. Эрингиз ёмон боламас.

— Разводға бирам! Алиментға дабитса итам!

— Унақа деманг, ўргилай, болангизни тирик етим қилманг.

— Ай, ни бўлса бўлар! Судға бирам.

Ойим ишонч билан тушунтириди:

— Мана, мени айтди дерсиз. Эрингиз сизни жонидан яхши кўради. Кўнглим сезиб турибди. Бугун-эрта апоқ-чапоқ бўлиб кетасизлар.

Почтачи кетиши билан оқсоқланиб қўшни кампир кириб келади.

— Жигар-жигар, дигар-дигар экан, ўргилай, — дейди йиғламсираб. — Раҳматуллага айтувдим-а тоғангнинг қизини ол, от тепкиси отга ўтмайди деб. Йўқ, қулоқ солмади. Үламан саттор, мана шу қирчангини оламан, деб туриб олди. Мана, охири нима бўлди... Кеча итни кунини бошимга солди, айланай! Хотин олгандан кейин она керак бўлмай қоларкан. Шуни олдию ўғлим ҳам айниди-қолди, қоқиндиқ.

— Унақа деманг, овсинжон. — Ойим осойишта оҳангда юпатади. — Келинингиз ёмон боламас, қайси куни кўчада кўриб қолдим. Оғзидан бол томиб сизни мақтади боёқиши.

Үткір ҲОШИМОВ

— Вой, тилемінде бұлмай тиллари кесілсін. Сиз унинг тилини билмайсіз, ўргилай!

— Мана, мени айтди дерсіз, — ойим қандайдыр ички ишонч билан тушунтиради. — Келинингиз сизни ўз онам деб этагингиздан туттан. Құнглым сезиб турибди...

Ойимнинг «сезгир құнгли» қызық. Ҳамиша яхшиликни «каромат» қиласы.

Ҳар гал шунақа гапларни эшитганимда болалигимда рүй берган воқеани әслайман.

Уруш тугаган пайтлар әди. Ұшанды гүдак тасаввуримга сиғмаган нарсани кейин тушунғанман: уруш битиб одамларнинг яраси янгиланған дамлар әкан. Бирорнинг эшигіда сурнай, бирорницида аза товуши эшитиларди...

Бир куни акам әшиқдан бақириб кирди.

— Ой! Лұли келяпти, лұли!

Турған жойимда тарракдек қотиб қолдым. Лұллар ҳақида шунақа гаплар эшитган әдіккі, номи қулоғимизга чалиниши билан сичқоннинг ини минг танға бўлиб кетар әди. Лұли күчада юрган болани қопига солиб кетармиш. Уйда катталар бўлмаса, болаларни бўғиб ўлдирағимиш-да, ҳамма нарсани шип-шийдон қилиб фойиб бўлармиш.

Акам билан кетма-кет худди қувлагандек, қоп-қора лўли хотин кириб келди. Узун, исқирт күйлагининг устидан нимча кийган, шокиласи осилиб ётган құш кўзли хуржунини елкасидан ошириб ташлаб олган, соchlарининг учига сўлкавой таққан, оёғида эски қизил этик... Даҳшат ичида ойимнинг пинжига тиқилдим. Уйда дадам йўқ-ку, энди нима қиласи? Ҳовлининг аллақайси бурчагида ётган мушукдеккина гуржи кучугимиз ғазаб билан акиллаганча лўлига қараб югорди. Лұли хотин бир

лаҳза тўхтадию қийшиқ таёfinи итга ўқталди. Саросима ичида ойимга қарадим: тезроқ ҳайдаб юборса-чи!

Ойим лўлига дикқат билан қараб турди-да, бирдан юзи ёришди.

— Вой, Ача хола-ку! — деди эски қадрдонини кўргандек қувониб. — Келинг, айланай.

У лўли томон юра бошлаган эди, қўлидан ушлаб жонҳолатда орқага тортдим.

— Борманг! — дедим йигфамсираб.

— Қўрқма, жиннивой, Ача холанг-ку бу! — Ойим айвондан илдам тушди. Ҳовлининг ўртасига келиб қолган лўли билан айланиб-ўргилиб қўришди.

Гуржи кучугимиз ҳамон тўхтовсиз акиллар, лўлининг атрофида гир айланар эди.

— Қани, кела қолинг, — деди ойим айвон томонга юриб.

— Йўқ, манго шу ер яхши! — Лўли хуржунини ерга — бодом соясига ташлади-да, устига ўтироди. Иссиклаб кеттанидан кенг кўйлагининг ёқасиниғ фижимлаб елпинган эди, бўйнидаги икки шода мунчоқ маржон қўриниб кетди. Қулоғидаги тилла ойбалдоғини кўрдиму негадир «ўтирлаб олган» деган хаёлга бордим. Тағин қўрқиб кетдим. Ҳозир бошлайди. Акаларим қулоғимга қуйгандек, «поли келди-поли келди», деб фол оча бошлайди-да, авраб-авраб ҳаммамизни ўлдириб кетади.

— Ойи-и-и! — дедим чинқириб.

Лўли менга қайрилиб ҳам қарамади. Қоп-қора қўлларини кенг ёйди.

— Овмин! Қадам етту бало етмасун! Пирлар мададкор бўлсун. Душманинг хору зор бўлсун, бачам!

Ойим ҳам ерга чўккалаганча унга қўшилиб фотиха ўқиди.

Ўткир ҲОШИМОВ

Акам хабар берган бўлса керак, бир зумда ҳовлига Ҳожи буви, уч ҳовли нарида турадиган келинчак Ҳайри опа кириб келишиди.

— Уйингда амол бо-ор! — деди лўли чўзиб. — Фаниминг бо-ор!

Вужудимни яна қўрқув босди. Аммо нима учундир ойим хотиржам эди.

— Амал нима қилади, холажон, — деди секин. — Акамдан хавотирдаман. Минг еримга пичоқ урса бир еримдан қон чиқмайди. Ҳамма қайтяпти, акам бечорадан дарак йўқ.

Ойим урушга кетган тоғамни кўп гапирарди. Дадамни касаллиги туфайли урушга олишмаган, аммо ойим ҳар икки гапнинг бирида акасини эслаб йиғларди. Ҳозир ҳам шуни гапирди. Тушундим, фол очирмоқчи.

— Бор, болам, ўйнаб кел, — деди ойим менинг ҳамон қўрқиб турганимни кўриб. Бироқ мен сеҳрлангандек ўрнимдан жилолмай қолдим.

Лўли шошилмасдан хуржунига қўл суқди. Кирлигидан гули билинмай кетган тутунча олди. Ҳожи буви билан Ҳайри опа ҳам ойимнинг икки томонига жимгина чўккалашди.

— Ача холамнинг роми доим тўғри чиқади, — деди ойим қўшниларга мақтаниб. — Кўп синаганман.

Ача хола парво ҳам қилмади. Қоп-қора бармоқлари билан тугунчасини ечган эди, бир ҳовуч тош чиқди. Қўшни қизалоқлар сопалак ўйнайдиган майда тошларнинг ўзи. Фақат ранги ҳар хил: оқ, қора, қўқимтири... У тошларни тўда-тўда қилиб қўйди-да, қўзларини юмиб алланималарни пичирлай бошлади. Унинг юмуқ киприклиари пирпираб-пирпираб қўяр, шунда юзидағи қўқимтири холигача қимиirlаб кетганга ўхшар эди. Энди қўрқув

ўрнини аллақандай қизиқиши эгалладио анграйиб қолдим. Ҳаммамиз худди мұйжиза күттандек қотиб қолғандик. Ҳозир алланима бўлиши, нимадир рўй бериши керакдек эди.

— Аканг тирек! — деди лўли тўсатдан. Кафтининг орқаси билан бир туртган эди, тўдаланиб турган тошлар ҳар ёққа сочилиб кетди. Оппоқ бир тош думалаб ойимнинг оёғи олдига келди. — Аканг келаду! — деди ойимнинг кўзига тик қараб. — Йўлга чиқк-о-он!

— Оғзингиздан айланай, холажон! — ойим дик этиб ўрнидан турди-да, уйга югорди. Бисотимиизда битта ялтироқ қошиқ бор эди. Ойим уни кумуш қошиқ, деб мақтарди. — Мана, оз бўлса, кўп ўрнида кўрасиз. Акам эсон-омон келса бош-оёқ кийим қилиб бераман. — У қошикни Ача холага узатди. Лўли қошикни шоша-пиша хуржунига яширишини кутиб турардим. Аммо у шошилмади. Қошикни бир чеккага қўйиб, Ҳожи бувига юзланди.

— Болагинамни кўрармикинман? — деди Ҳожи буви овози титраб. — Елғиэгинамни кўриб ўлсан, армоним йўқ эди.

Бу сафар лўли нимчасининг чўнтагини узоқ кавлаштириди. Кейин ёнғоқдек келадиган олти қиррали тош олди.

— Мухра билан очарканлар, — деди ойим пичирлаб.

Лўли хеч нимани эшитмагандек, ташнинг у ёғини айлантириди, бу ёғини айлантириди. Унинг қоп-қора қўли билинар-билинмас титрар, аллақандай чизитлар тортилган тошга тикилиб тўхтовсиз пичирлар эди.

— Бачангни йўли тўсулгон! — деди у н... г.

Ҳожи бувининг кўзларида, ҳамиша маъюс бокувчи кўзларида чўғ яраклаб кеттандек бўлди.

— Ўзи тирикми ахир? — у инграгудек оҳангда лўли

Үткір ҲОШИМОВ

томон талпинди. — Уч йилдан буён на үлигини биламан, на тиригини. Жони омонми ишқилиб?

— Амон! Бачанг амон. Кутасан. Аńчо кутасан.

Боядан бери нафасини ичига ютиб үтирган Хайри опа энди чидаб туролмади шекилли, ҳайқириб юборди:

— Асқар акам-чи? Асқар акам қачон келади? Жон хола, бир күринг! Асқар акамга нима бұлган? Госпиталдан бир хат келдио дараксиз кетди. Жон хола, бир күринг...

Лұли унга синовчан қараб қўйди-да, тағин шошил-масдан хуржунини кавлаштириб, кафтдек кўзгу олди.

— Ушла буне! — деди ойнани Хайри опанинг қулига тутқазиб. — Қараб ўтер!

Хайри опа ойнага тикилиб чўккалаганча қотиб қолди. Лўли бошқа бир ойнача олди.

— Ешини айт! — деди қатъий оҳангда.

— Асқар акамми? — Хайри опа тусатдан уйғониб кеттандек чўчиб лўлига қаради. — Йигирма иккида. Агар... агар... — У нимадир демоқчи бўлдию тутилиб қолди. — Йигирма иккида, — деди шошилиб. — Ҳозир йигирма иккига кирган. — У бир зум жимиб қолди-да, охиста қўшиб қўйди. — Чилламиз чиқмасидан кетган.

Лўли ўзининг қўлидаги кўзгуга тикилиб пичирлаган-ча бошини бир маромда тебратса бошлади. Хайри опа кўзгуга қараб қотиб қолган, гўё қимир этса фожиа рўй берадигандек эди. Нихоят, Ача хола ўзи тутиб турган кўзгуни этагига артиб хуржунига тиқди.

— Нима? — деди Хайри опа пичирлаб. — Нима? Асқар акам...

— Куёвинг амон... — Ача хола унинг юзига қарамасдан қўлидан кўзгуни олди. — Кўзимга кўринде. Куёвинг касал бўлгон.

— Қачон, қачон кўраман? — Хайри опа Ача хола-

нинг қўлига ёпишди. — Айтинг, нима кўрдингиз? Қа-
чон кўраман?

Ача хола ўйланиб қолди:

— Йўл кўрдем, йўл! Куёвинг келаду. Ой тўлганда,
ухламай осмонга қаро. Кўрасон!

— Нафасингиздан айланай, холажон! — деди Ҳайри
опа илтижо қилиб. — Тилингиздан айланай. Куёвингиз
келса, мана шу билагузугим сизники. — У гапининг
ростлигига ишонтиromoқчи бўлгандек тилла билагузуги-
ни қўлидан ечиб кўрсатди. — Асқар акам менга бош-
қасини олиб берадилар.

Ўша куни уйимизда байрам бўлди. Тўрт хотин ўти-
ришиб олма чой ичишди. Ойим эрталаб ёпган зорора
нонини, Ҳайри опа толқонини, Ҳожи буви бир ҳовуч тут
майизини ўргага қўйди.

Ўша куни яна бир сирни билиб олдим. Бир ҳафта-
дан кейин ой тўлади. Уч қўшни ойга тикилиб Ача
холанинг ромини амалда синаб кўришади.

Кутилган кечада Ҳожи буви билан Ҳайри опа биз-
никига чиқишидди. Дадам ишда эди. Анчагача у ёқ-бу
ёқдан гаплашиб ўтиришибди. Кейин болаларга супага жой
солиб беришибди. Акаларим ухлаб қолишибди. Мен эса
нима бўлишини кутиб пойлаб ётар эдим.

Нихоят, уч аёл бодом тагидан яйдоқ жойга бориб,
тизилишиб ўтиришибди. Чигирткалар чириллар, осойишта
осмонда тўлин ой сутдек майнин, сутдек илиқ нур сочар
эди. Ойим, Ҳожи буви, Ҳайри опа ойга тикилганча
қотиб қолишган, ҳеч қайсиси чурқ этмас, чамаси ҳар
бири ўзи излаган одамни ойдан топгиси келар, ойдан
топишига умид қиласар, ишонар эди. Орадан анча вақт
ўтди. Ҳамон чигирткалар чириллар, аллақаерда калтаке-
сак чирқиллаб қолар, ҳовли бурчагида ора-чора эчки, маъ-

Ўтқир ҲОШИМОВ

раб құяр, фақат ой, сеҳрли ой жимгина нур сочар, уч аёл эса унсиз қотиб қолишган, үзи ҳам, сояси ҳам қылт этмас, учови ҳам шу үтиришда ойга тикилғанча ҳайкалга айла-ниб қолғандек әди. Етиб-әтиб зерикдим. Бошимни кү-тараў десам ойимдан құрқаман. Энди құзим илинаёт-ган экан ҳаяжонли ҳайқириқдан чүчиб кетдим.

— Ана! Ана! Құрдим!

Бошимни күтардиму икки құлини ой томонга чүзган-ча илтижо қилаётган Ҳайри опага құзим тушди.

— Ана! Асқар акам! Асқар акам! — Ҳайри опа нафаси қайтғандек салғынан үрнидан турди. — Ана қа-ранглар, бошини боғлаб олибди. Дока билан бошини боғлаб олибди!

Бошини боғлаб олган Асқар акани қуриш умидида жон-холатда ойга қарадим. Йүқ, оймомо ҳамон муаллақ қотиб турар, нимқора дөғлардан бошқа нарса күрінмес әди.

— Вой, қани, қани? — ойим билан Ҳожи буви ҳам туриб кетишиди. — Қани, биз құрмаяпміз-ку?

— Вой, ана-ку! Кулиб турибдилар. — Ҳайри опа холдан тойғандек күксини чангаллади. — Худога шу-кур, тирик экансиз. — У бирдан ҳиқиллаб үйғлаб юбор-ди. — Вой құрдим-а, аниқ-таниқ құрдим-а...

— Айтмадимми? — деди ойим қувониб. — Ача холанинг фоли түғри чиқади демаганмидим. Насиб этса, Асқаржон келса, шунақа түйлар қилингки...

Ҳайри опанинг үсма тортилған қошлари, рангсиз чех-раси чиройли, жуда чиройли эканини биринчи марта пайқадим. У нұқул кулар, үйғлаб туриб кулар, ҳадеб бир гапни қайтарар әди.

— Вой құрдим-а! Аниқ-таниқ құрдим-а.

...Уч аёл янгитдан чой қүйишиди. Ача холани мақтаб-мақтаб гангур-гунгур сұхбатлашишиди.

Чиндан ҳам Ача холанинг фоли тўғри чиқди. Биттаси тўғри чиқди. Кор тушган куни тоғам келди. Кўлтиқтаёғини дўқиллатиб кириб келди...

Хожи буви Ача хола айтганидек ўғлини кутди. Йигирма йилча кутди. Анча ойдин кечалар ўтди. Кейин... уни маҳалла кўмди. Ойдин кечада Хайри опа аниқ-тиник кўрган Асқар aka ҳам келмади... Лекин нима учундир Ача холани ҳеч ким айбламади. Тоғам эсон-омон келганида ойим бош-оёқ сарпо қилолмагани учун Ача хола ҳам оғринмади. У онда-сонда хуржунини кўтариб келиб қолар, ойим айланаб-ўргилиб кутиб олар эди. Негаки, ойимнинг ўзи одамсиз туролмас, ҳар доим хонаси гавжум бўлар эди. Эшикдан ким кириб келмасин, унинг кўнгли доим яхшиликни сезиб турган бўларди.

Бир галгиси айниқса ошиб тушди. Ўзим билан бир синфда ўқиган бола прораб бўлиб, маҳалланинг бойвач-часига айланди-қолди. Шайтон йўлдан оэздирдими, бошқами, ишқилиб, босар-тусарини билолмай қолди. Кўша-кўша иморатлар солди. Охири лоп этиб қамалиб кетди. Бир куни ишга кетаётсам, шу йигитнинг онаси ойимнинг олдида ўтириб ҳасрат қиляпти.

— Тўхтавоим тухматта учради, ўргилай. Болагинамнинг хусуматта ўлиққанига қандоқ чидайман! Ўзимниг қон босимим бор. Эрта-индин ўлиб кетсан, тепкилаб кўмадиганимдан айрилиб қолдим, айланай.

— Вой унақа деманг, овсинжон. — Ойим уни оҳиста юпатди. — Яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришта омин дейди. Насиб этса ҳали ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасиз. — У овозини пасайтириди. — Кўнглим сезиб турибди. Тўхтавоий эрта-индин келиб қолади. Тўхтавоингиз қандоқ яхши болаки! Мана, мени айтди дерсиз. Эрта-индин эшиқдан кириб келади.

Ўткир ҲОШИМОВ

- Вой, оғзингиздан ўргилай, овсинжон! Кошкийди!
- Тұхтавойнинг онаси йиғламсираб фотиха тортди.
- Илоё, айтганингиз келсин!

Ойимнинг ҳамма «каромат»ларига чидасам ҳам, бунисига чидолмадим. Кечқурун ишдан келганимда шундан гап очилган эди, койиб бердим.

— Сизга ҳам Ача холадан юқкан шекилли, — дедим ярим ҳазил, ярим киноя қилиб. — Нима, фол очяпсизми? Күпчиликнинг ҳақыга хиёнат қылган қаллобни мақтаб үтирибсиз.

Ойим күзимга дикқат билан тикилиб қолди.

— Қаҳоринг шунақа қаттиқми? — деди анчадан кейин.

— Қаҳоронинг нима дахли бор? — дедим қайсаңык билан. — Қылғиликни қылғандан кейин жазосини олсин-да. Қадамини үйлаб босадиган бұлади.

— Албатта, сенлар үқимишлисан, ҳамма нарсани биласан... — Ойим бир зум жимиб қолди-да, үзига-үзи гапираётгандек секин қүшиб қўйди. — Онасида нима гуноҳ? Кон босими бўлса, эртага пух этиб думалаб кетса, шунга суюнасанми? Она-ку бу... Шунақа қаҳоринг қаттиқми?

Орага ноқулай сукунат чўқди. Негадир Ача холани, ўша ойдин кечани, ўша олма чойни эсладим...

ИЙМОН

«Домимиз»нинг биринчи қаватида Клава хола деган кампир туради. Ҳеч ким уни отасининг исмини қўшиб «Клавдия Фалончиевна» деб атамайди. Клава хола — ҳамма учун Клава хола. Бечора ҳәётда омади юришмаган хотин. Заводда ўттиз йил ишлаган. Ёшлигиде бева қолган. Ёлғиз ўғлини деб умрини ўтказган.

Айтишларига қараганда, ўғлини режим билан овқатлантириб, режим билан ухлатиб ўстирган экан. Битта фарзанддан ҳам буюрмади. Ўғли уйланиши билан хотининикига кўчич бетди. Шундан кейин Клава хола асабийроқ бўлиб қолди. Эшик тагида ўтириб, уззукун ҳаммага дашном бергани-берган.

— Ҳой пиёниста, эрталабдан заҳарингга барматуха ичгандан кўра болангга икки пакет сут оберсанг бўлмайдими?

— Ҳой олифта, машинангни подъезд тагига қўйма, бу ер сенга гаражмас!

Баъзан кичкина қизалогим эшикдан ҳасрат қилиб кириб келади.

— Клава хола мени дурочка деди.

— Нима қилувдинг?

— Самокатни тез учирганмишман.

— Ҳа, энди, ўзинг ҳам тез учирмагин-да...

Клава холанинг овози бир кун чиқмай қолган эди, дарров билинди. Суриштирсам, касалхонага тушибди. Буйраги хаста экан. Бечоранинг ҳаммага дашном бериб ўтиришиям бир давлат экан. Бутун «дом» зерикаб қолди. Икки ҳафтача ўтгандан кейин Клава хола билан ёнма-ён турадиган қўшнимиз эшик тақиллатиб келди.

— Юз сўм қарз бериб туриңг, — деди илтимос қилиб. — Клава холага уч юз сўм керак бўлиб қопти. Икки юзини қўшнилардан йифдик.

— Нимага керак бўлти?

— Анигини билмайман, — қўшним елкасини қисди. — Аммо жудаям зарурмиш.

Бердим. Орадан бир ойча ўтгач, Клава хола қайтиб келди. Подъезд тагидаги скамейкада шумшайиб ўти-

Үткір ҲОШИМОВ

риби. Ранги бир ҳолатда. Одамларга дашном беради-
ган ҳолиям үйк.

— Вой-бү, ёшарыб кетибсиз-ку! — дедим күнглини
күтариш учун.

Клава хола инқиллаб үрнидан турди.

— Раҳмат, үғлим, — деди негадир таъзим қилиб. —
Катта ёрдам бердинг. Пулингни қайтараман. Пенсиям-
дан бераман. Йигиб-йигиб.

Шундоқ шаддод кампирнинг таъзим қилиб туриши
фалати таъсир қилиб кетди.

— Қизиқмисиз, мен сизга пулни гапираётганим үйк-
ку. Тузукмисиз, үзи?

— Операциядан яхши чиқдим, — Клава хола маъюс
жилмайди. — Пул бермасам бўлмади.

Ҳайрон бўлдим.

— Кимга?

— Ким бўларди, врачга!

Беихтиёр ёнига үтириб қолдим.

— Кимга дейсиз?

— Врачга! — Клава хола менинг соддалигимдан
афсуслангандек оҳиста бош чайқади. — Уч юз сўм
бермасам бўлмасди. Операция қилмасди. Қилсаям, ярим
йилдан кейин үладиган қилиб кесарди.

Ростини айтсан, товонимдаги жоним ҳиқилдоғимга
келди.

— Нима, хирург сиздан пул талаб қилдими? Ким
ўша врач? Фамилияси нима?

— Э, болам, қўйсанг-чи! — Клава хола қўл силтади. —
Фамилиясини айтганим билан нима ўзгаради?

Гарангсиб қолдим.

— Нима, врач сиздан ростдан ҳам пул сўрадими?

— Ой сынок, сынок! — Клава хола оғир бош чайқа-

ди. — Сўрагани йўқ, сўрагани йўқ. Фақат сешанба куни операция қиласиз, дейди-да, жумага қолдиради, жума куни операция қиласиз дейди-да, сешанбага қолдиради. Одаммисан, демайди. Охири палатадаги касаллар ўргатишиди. 300 сўм берсангиз, дарров столга олади, дейишди. Пул беришим билан муомаласиям ўзгарди, ўзиям бошқача бўп қолди. — Клава хола маҳзун кулиб қўйди. — Нимаям дердим. Врач ҳам одам. Ундаям нафс бор. Бир оғиз раҳмат деган сўзингта мухтожми. Болнищага ётишга ордер оламан, десанг, қўлингта қараб туради-ку. Бу-ку бутун бошли операция.

Дунёда ҳар хил абллаҳлик бор. Лекин беморни даволаш учун пора олиш...

Орадан икки ҳафтами, уч ҳафтами ўтгач, жиянимнинг тўйи бўлди. Невропатолог бўлиб ишлайдиган узоқ қариндошим билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Клава хола эсимга тушди. Қариндошимга бор гапни айтиб бердим. Мен унинг тутақиб кетишини кутиб турардим. Қизиқ, қариндошим тутақмади. Хотиржам елка қисиб қўя қолди.

— Аввалбоши сен айтгандақа врачлар кўпмас. Шоли курмаксиз бўлмайди. Колаверса, докторларга ҳам қийин. Ўн олти йил эшакдек ўқиб, 140 сўм олади. На кечаси тинчлик бор, на кундузи. Ўша 140 сўм савил қолгурни савдо ходими бир кунда топади. — Қариндошим кулимсиради. — Яшаш ҳам керак-ку, акаси бўйидан. Ундан кейин... Қулидан тутмагунча нима дейсан? Пора бердим, деб қайси мард айтади. Айтса ўзи қия бўп кетади-ку.

Бутунлай эсанкираб қолдим. Наҳотки олий маълумотли врач ўзини чайковчи билан тенглаштиrsa! Ахир давлат уни ўн олти йил бекорга ўқитдими, бекорга

Үткір ҲОШИМОВ

стипендия бердими? Унақа бұлса, ана, хадатини ечиб ташласин-да чайқовчилік қылсın!

Йүқ, мен бу гапларни айтганим йүқ. Бирок, қариндошим қизариб-бұзарыб кеттанимдан ҳаммасини тушунди.

— Масалан, мен унақа врачесман, — деди елкамга қоқиб. — Арзимаган нарсаларға бунақа тажанглик қилаверсанг, невростения бұлиб қоласан. — У күзимга синчиклаб қаради. — Мабодо юрагинг санчимайдими? Яхшиси, эртага олдимга бор. Бир обследование қила-миз.

Кариндошим яна бир марта мулойим жилмайиб қўйди. Қадаҳдаги конъякни ичиб, лимон билан газак қылди. Шунда беихтиёр тағин болалик хотиралари ёпирилиб келди. Ачинска деган дўхтир лоп этиб ёдимга тушди.

Доим оппоқ халат кийиб юрадиган, оппоқ сийрак соchlари нуроний юзига қандайдир файз бағишлиб турадиган бу одамнинг асл фамилияси Ачинский эканини кейин билганман. Уни биринчи марта кўрганда роса қўркканман. Кичкина эдим, ҳали мактабга қатна-масдим. Кузда елкамга яра чиқди. Ойим қизил пиёзни қўрга кўмиб босди. Не азоб билан яра ёрилдию ёнидан яна иккитаси чиқди. Энди пиёз ҳам, хамиртуруш ҳам ёрдам бермай қўйди. Бутун баданимни яра босиб кетди. Тағин ҳар биттаси тухумдек келади. Охири дадам ойимга “Ачинскага опчиқмасанг бўлмайди”, деди. Эртасига ойим мени етаклаб дўхтиро-нага оборди. Акаларим: “Ачинска мана бундоқ нина билан укол қиласди», деб қўрқитиб қўйгани учунми, ка-талақдек хонага кирдиму дори ҳидини сезиб ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Хонадаги курсиларда бири йўтал-ган, бири шилпиқ кўзини ҳадеб кир қийиқчанинг учига

артаётган касаллар тизилиб ўтиришарди. Ҳар ким мени ўзича юпатар, мен бўлсам баттар йиглардим. Шу пайт эшигига парда тутилган ичкари хонадан сочи оппоқ, юпқа кўзойнак таққан оқ халатли киши чиқиб келди.

— Ким йиглайди? — деди у ўзбекчани бузиброк талаффуз қилиб.

Ачинска дегани шу эканини билдиму баттар қўрқиб кетдим. Ойимнинг пинжига тиқилдим. Шилпиқ кўэли киши ўринидан турган эди, дўхтир қўли билан имо қилиб тұхтатди.

— Очеред балага, — деди-да, негадир жилмайди. Шунда кўзойнак ортидаги кўм-кўк кўзларида қандайдир эркаловчи табассум пайдо бўлди. — Ай-яй-яй! — деди бош чайқаб. — Угил бала йигламайди. — У яна жилмайди. — Ох какой якши бала!

Ачинска қўлимдан тутган эди, беихтиёр эргашдим. Деразасига өппоқ парда тутилган хонага кирдик. Ойим кўйлагимни ечди. Дўхтир ҳозир укол қиласи деб, капалагим учиб кетди. Бироқ у укол қилмади. Бармоғи билан яраларни авайлаб, пайпаслаб кўрди. Кейин аллақандай жигарранг сассиқ дори сурди. Агар шундаям тузалмаса қон қуямиз, деб ойимга тушунтириди. Чиқиб кетаётгани-мизда яна бир жилмайиб қўйди.

— Якши бала. Маладес бала!

...Кишида шу одам бизга яна бир яхшилик қилди. Эсимда, ўша йили қиши жуда қаттиқ келди. Билмадим, эҳтимол, ўтин-кўмиримиз бўлмагани учун шундай туюлгандир. Ҳарқалай, дераза у ёқда турсин, эшигу деворларни ҳам қиоров босиб ётар, ҳаммамиз чопон, телпак кийиб ухлардик. Танчага оёқ тиққан билан бефойда: сандал писиллайди. Кўрпа теккан жойини чаёндек чақади.

Ўткир ҲОШИМОВ

Ичидан иссиқ ўрнига совуқ чиқаётгандек. Устига-устак бир куни кичик акам кўчадан ҳаммаёғи шалаббо бўлиб келди. Болалар билан Конқусда яхмалак учайдан экан, сирғаниб музнинг ёриғидан анҳорга тушиб кетибди. Ўртоқлари амаллаб тортиб олишибди югуриб уйга етиб келгунча кийимлари тарашадек музлаб қопти. Ойим дарров уни кўрпага ўради. Тоголча билан туршак қайнатиб ичирди. Аммо кечқурунга бориб, акамнинг иситмаси кўтарилиб кетди. Ҳадеб ўтгалади.

Кечаси унинг алаҳлашидан мен ҳам уйғониб кетдим. У нуқул ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлар, «олов ёниб кетди, оловни ўчиринг», деб типирчилар эди.

Эртасига эрталаб дадам аррани эговлади. Катта акамни эргаштириб, ташқарига чиқиб кетди. Мен ҳам таги кўчган этигимни кийиб уларнинг кетидан югурам. Кун совуқ, осмондан заҳардек аччиқ зарралар ёғилар эди. Дадам билан акам қалин қорни фарч-фурч босиб томорқага чиқишиди. Шундоқ девор ёнида ўсган, ярми қуриган қайраоч тагига боришиди. Қор устига қоп ёзиб, чўккалаб ўтирганча қайраочга арра солишиди. Дарахт шохидаги қорлар дув этиб тўкилди. Бироқ қайраочнинг пўсти музлаб қолган — арра ҳадеб сирғаниб кетади. Ҳеч из тушмайди. Унга сайин дадамнинг жаҳли чиқади. Арра бир оз ботганидан кейин иш яна қийинлашди. Акам ҳар арра тортганида, бутун гавдаси билан нари бориб, бери келади. Арра ҳадеб камалакдек қийшяди. «Жинг-жинг» деб овоз чиқаради. Дадам яккаш дашном беради:

— Аррани силтаб тортма. Жон борми, ўзи!

Акам шўрлик бирпасда терлаб кетди. Ўзи терлаб кетгану қули совқотади. Дам-бадам кух-кухлаб, кафтини иситади. Бурнини тортади... Нихоят, қайраоч гурсиллаб

иикилди. Тарвақайлаб ўсган шохлар ерга урилиши билан атрофга қор сачраб кетди. Ана энди менгаям иштопилди. Майды шохларни теша билан чопа бошладим. Иш айни қизиганда, кутилмаган воқеа рўй берди. Бироқ, иккинчиси қизғиши жийрон от бурнидан буғчиқариб, тепамизда гижинглаб турар, бошини силтаб-силтаб, сувлигини шиқирлатарди. Нотаниш одамлар келганини пайқамай қолган гуржи кучугим аллақаердан пайдо бўлдию айбини оқлаш учун бўлса керак, қор ичида бир кўриниб, бир кўринмай пилдираганча отлар атрофини айланиб акиллай бошлади. Отлар итга кўзини олайтириб қараб қўяр, пишқириб, пашша кўригандек думини силкитарди.

Жийрон мингандар минган чарм пальтоли Далавойни дарров танидим. Уни ҳамма танир, ҳамма қўрқарди. У ҳали налугчи бўлмаган, лекин одамлар уни «нозик» жойда ишлайди дейишарди. Оқ отли киши эса почапўстин кийган, тулки телпагини бостириб олган, қовоғи солиқ эди.

— Ишлар катта-ку! — деди Далавой отдан тушмасдан.

Негадир дадамнинг ранги ўчиб кетди. Аппа қўлидан тушиб қорга кўмилиб қолди.

— Келинглар, меҳмонлар, — деди эсанкираб.

Аввал Даравой билан, кейин почапўстинли киши билан қўшқуллаб кўришди. Икковлари ҳам эгарда ўтирганча, истар-истамас қўл чўзиши.

— Қани уйга, — деди дадам қўлинин кўксига қўйиб. — Бир пиёла чойимиз бор.

Даравой ингичка сарғиши мўйловини чимчилаб дадамга бир қараб қўидиу меҳмонга юзланди.

— Нима қилдик, ўртоқ Тошев? Бориб турган жиноят-ку бу!

Дадам бутунлай довдираб қолди.

Үткір ҲОШИМОВ

— Нима гуноҳ қилдим, укам, — деди Далавойга. — Айбим бўлса айтинг, бенавотман.

— Тағин ўзини гўлликка солади-я! — Далавой тиши орасидан чирт этиб тупурди. — Рухсатингиз борми? — деди овози темирдек жаранглаб.

— Нимага? — Дадам мадад куттандек энди меҳмонга юзланди. — Нимага ружсат олишим керак, ўртоқ Тошиб?

— Дарахт кесишга! — Далавой шиддат билан отдан сакраб тушди. — Кани қорозингиз?

— Қанақа қоғоз? — Дадам гоҳ Далавойга, гоҳ почапўстинли меҳмонга жавдираб қарай бошлади. — Ахир... Ахир бу ўзимнинг томорқамдаги дарахт-ку. Мана қаранг, қуриб қолган. — У гапининг ростлигини исботлаш учун билакдек шохни маҳси-калишли оёғи билан бир тепган эди, қарс этиб синди. — Кўрдингиҳизми, қуриб қолган. Кузда кесиб олмоқчи эдиму вақт бўлмади. — У боядан бери бурнини тортиб турган акамга дашном берди. — Нега анқайиб турибсан? Бор, ойингга айт, чой қўйисин, меҳмонлар келди, дегин.

Акам иккаламиз тиззагача қорга ботиб, олдинма-кетин уйга югурдик. Гуржи кучугум ҳам қорда кўмилганча кетимииздан чопди. Ойим ҳамон иситмалаб ётган кичик акамнинг бошида мунғайиб ўтирган экан.

— Ойи, Далавой келди! — деди акам ҳовлиқиб.

Ойим сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Вой шўрим! Эрталабдан буён ўнг қовоғим учайтган эди-я. Бу кўргулик ҳам бор экан.

У бирпасда ҳужрадан туршак, жийда, иккита зогора олиб чиқди. Сандал устига ямоқ дастурхон ёэди.

Зум ўтмай уйга ранги ўчган дадам, кетидан Далавой билан почапўстинли меҳмон кириб келишди. Ойим Далавойга пешвоз чиқди.

— Келинг, оповси, яхши юрибсизми, келиним яхшимилар? — деди овози титраб. — Кираверинглар. Йўқ, йўқ, пиймангизни ечманг, уй совуқ.

Далавой пиймасининг қорини қоккан бўлди-да, кигиз устидан юриб, сандал четига борди.

— Ҳозир чой қайнайди, ўргилай! — Онам ташқарига чиқиб кетаётган эди, Далавой тўхтатди.

— Овора бўлманг, биз кетамиз, — у акамга юзланди.
— Сиёҳ-ручканг борми?

Акам токчадан сиёҳдон, “қурбақа” пероли ручка олди.

— Нима қиляпсиз, айланай? — ойимнинг ранги докадек оқариб кетди.

— Ўйнаяпман! — Далавой пиймасининг қори билан сандал четидаги кўрпачага чўккалади. — Кўриб турибсиз-ку, нима қилмоқчилигимни! — У остоноада турганча, папирос чекиб, уй ичини жироканиброқ томоша қилаётган почапўстинли меҳмонга қаради. — Ўзим ёзаверайми?

Меҳмон «маъқул» дегандек бош иргаб қўйди.

Далавой чарм пальтосининг ич чўнтағидан қофоз олди. Ручкани сиёҳдонга ботирган эди, қирс этган овоз чиқди. У жаҳл билан яна ботирди. Перога сиёҳ ўрнига муз илашиб чиқди.

— Қанақа ўқувчисан, ўзи? — Далавой сарғиш қошини чимириб, акамга қаради. — Сиёҳинг музлаб қопти-ку.

Тўсатдан ойим йиглаб юборди.

— Нима қилайлик, ўргилай, — деди илтижо билан. — Совуқни кўрмайсизми? Манавиниси уч кундан буён ол кет, ол қўй бўлиб ётибди. — У сандал четида ётган кичик акамга имо қилди. — Болагинамдан айрилиб қоламан шекилли.

Ўтқир ҲОШИМОВ

Далавой ручкани яна музлаган сиёҳдонга ботирган эди, онам унинг қўлига ёпишди.

— Ёзманг, жон укам, ёзманг, раҳмингиз келсин.

Далавой ижирғаниб, қулини силтаб тортди. Кулранг кўзлари қисилиб кетди.

— Тортинг қўлингизни! — деди шиддат билан.

— Ҳўв! — дадамнинг таҳдидли овозини эшишиб, бурилиб қарадиму қўрқиб кетдим. Унинг юзида бояги ялинчоқ ифодадан асар ҳам қолмаган, кўзи ғазабдан чақнар эди.

— Ҳўв, олифта! — деди яна ўша таҳдидли оҳангда.

— Тур ўрнингдан! Авлиё бўлсангам пиймангни еч. — У бир ҳатлашда Далавойнинг тепасига келди. — Еч деяпман. Тиқ оёғингни танчага! Тиқиб кўр, ўтириб кўр бирпас!

Далавой беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Эсанкираб қолган меҳмонга бидир-бидир қилиб гапира бошлади:

— Эшидингиз, ўртоқ Тошев? Гувоҳ бўласиз-а? Хизмат бурчимни бажараётганимда ҳақорат қилди. Актга шуниям қўшамиз.

— Дарахтни катта холанг экиб қўйганмас! — Дадамнинг мўйлови титрай бошлади. У қаттиқ ғазабланса, мўйлови титраб кетарди. — Қани, туёғингни шиқиллат!

— деди таҳдид билан.

— Нима, урмоқчимисан! — Далавой кулранг кўзларини йилтиратиб, ғазабнок пичирлади. — Қани чертиб кўр-чи. Етти пуштингни қуритиб юбораман!

— Йўқол деяпман! — Энди дадамнинг бутун вужуди титраб кетди.

— Эшидингиз-а, ўртоқ Тошев? Бу гапниям эшидингиз-а? — Далавой эшик томон тисарилиб бораркан,

мехмонга қараб гапини тасдиқлатиб олди. — Ёзамиз, ҳамасини ёзамиз!

Онам илтижо билан Далавойнинг елкасига осилди.

— Жон укам, кечиринг, жон укам! Илоё мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин!

Далавой бир силтаб унинг кафтини елкасидан олиб ташлади. Онам энди почапўстинли кишига ёлбора бошлади.

— Жон хўжайин, кўнглингизга олманг, адаси билмасдан гапириб юбордилар.

— Ялинма деяпман! — дадам шундай ҳайқирдики, муз босган деразалар зириллаб кетди. Боядан бери қўзини очолмай ётган кичкина акам олазарак бўлиб, атрофга жавдирай бошлади.

— Ойи, сув, — деди овози хириллаб.

Ташқарида туёқларнинг бўғиқ дукири эшитилди. Уй ичи ўлик чиққандек жимжит бўлиб қолди. Дадам ҳамон мўйлови учганча пишқириб нафас олиб, уй ўртасида турар, ойим остонаяга ўтириб қолган, катта акам дераза слидиа турганча ташқарини томоша қиласди. Бешик ғичирлаб, укам фингший бошлади. Бироқ онам ўрнидан турмади.

— Ёмон иш бўлди, — деди секин. — Энди судга беради.

Дадам уй ўртасида анчагача қотиб турди-да, индамай чиқиб кетди. Бир оздан кейин томорқа томондан болтанинг қарсилаган овози келди.

Қайрағочнинг чўғи ҳам ўрикникига ўхшаган баланд бўларкан. Сандал исиши билан жон кириб, юзимиэ қизарип қолди. Фақат дадамнинг қовоғи очилмади. Онам акамнинг бошидан жилмас, нуқул хўрсинар, «ўзинг асрар», деб қўярди. Кечки овқатни опам қиласди. Қоронги тушгандан кейин акамнинг аҳволи оғирлашди. У энди

Ўтқир ҲОШИМОВ

алаҳламас, ҳаво етишмаёттандек қисқа-қисқа нафас олар, дам-бадам чүчіб тушар әди. Онам унсиз юм-юм йиғлар, дадамга илтижоли термиларди. Охири бўлмади. Дадам эски чопонини кийди, бошига телпагини бостироди. Ойим қаёққа дегандек қараган әди, қисқагина қилиб:

- Ачинскага! — деди.
- Келмайди. — Онам зорланиб бош чайқади. — Ярим кечада қор кечиб келармиди?

Дадам эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетди. Уй ичига юракни сирқиратувчи суқунат чўқди. Ҳужрадаги соат чиқиллайди, акамнинг қисқа-қисқа нафас олиши эшитилади. Деразага қуруқ қор учқунлари зириллаб урилади. Аллақайси тешикдан ҳувиллаб совуқ киради. Иссиқ сандал элитди шекилли, ухлаб қопман. Бир маҳал ташқарида итнинг акиллаши, дадамнинг «ёт» деб бақиришидан уйғониб кетдим. Кимдир йўлакда гурсиллатиб ер тепинди. Оғзидан буғ чиқиб турган дадам кириб келди. Кетидан узун шинель кийган, қулогини шарф билан ўраб олган Ачинска кирди. Оқ халати бўлмаса ҳам, қўзойнагидан танидим. Дадамнинг мўйлови, докторнинг қоши қордан оппоқ бўлиб кетган әди.

Ойим дарров ўрнидан турди. Салом берди. Ачинска шинелини ечиб, елкасига қўнган қорни кавшандозга қоқди. Қулогини ўраб олган шарфни ечган әди, оппоқ сийрак соchlари пешонасига ёйилиб тушди.

— Настоящий Сибирь! — деди негадир жилмайиб. Сандал четига чўккалаб қўлини танчага тиқди. Дадамнинг қўлида кичкина чамадон борлигини энди кўрдим. Ачинска қўлини бир оз иситгач, музлаб қолган қўзойнагини рўмолчаси билан артди.

— Иссиқ сув бар? — деб сўради онамга қараб.

Онам самоварни янгилаш учун дарров ошхонага

юурди. Доктор акамнинг кўйлагини ечиб, «алё-алё» қилиб кўрди. Секин бош чайқаб қўйди. Қиёфаси жиддий эди. Кейин чамадондан ялтироқ қутича олди.

Укол қилиш учун дори тўлдираётганда акам ҳозир дод солади, деб турган эдим, бироқ у акамнинг иштонини тушириб, укол қилганида акам додламади. Фингшиб қўйди, холос. Чамаси, оғриқни пайқамади ҳам.

— Ничего, — деди Ачинска дадамни юпатиб. — Якши бала. Тузалади.

Чиндан ҳам кўп ўтмай, акам кўзини очди. Бироқ доктор иккинчи уколни қилаётганда йиғлаб ҳаммаёқни бузиб юборди. Ачинсканинг жаҳли чиқмади.

— Всё, всё, — деди жилмайиб — Угил бала йигламайди.

Кейин дадам икковлари сандал четида ўтириб, чой ичишди. Уруш ғалаба билан битгани, энди нон кўпайиши, яна алланималарни гапиришди. Кўзим юмилиб кетаётган бўлса ҳам доктор акамни яна нима қилишини билгим келиб, чидаб ўтирадим. Дадам гап орасида бугун бўлган воқеани ҳам айтиб берди. Ачинска қошини чимириб, бир зум ўйга толди. Кўм-кўк кўзларига жиддият чўқди. Бироқ кўл силтаб қўя қолди.

— Чепуха! Хиш нима килмайди.

Ниҳоят, у сарғиши қофозга ўралган аллақандай дорини мажбур қилиб акамга ичирди. Яна тўрт-бешта шунақа қофозлардан қолдириди. Ўрнидан тураётган эди, дадам онамга имо қилди. Онам ҳужрага илдам кириб кетди-да, зум ўтмай, оғзи боғланган чоғроқ халта кўтариб чиқди.

— Айбга буюрмайсиз, дўхтири, — деди дадам халтани Ачинскага узатиб. — Пул йўқ эди.

Ачинска шинелининг бир енгини кийган жойида туриб қолди.

— Бу нима? — деди халтага имо қилиб.

Үткір ҲОШИМОВ

— Туршак, — дадам хижолат чекиб, илжайди. — Қантак ўрикники. Қоқ-қуруқ. Бүйрада қуриганнын. Биттасиям ерга тушмаган.

Ачинска енги кийилмаган құли билан халтани нари сурди.

— Балага компот килинг. Иситма тушади. Якши бүлади.

Энди дадам астойдил ялина бошлади:

— Йүқ деманғ, дүхтири. Ўз құлим билан қуриганнын. Чодирга қоқиб қуриганнын.

Гапга ойим аралашди.

— Маржангизга оборасиз, дүхтири, падарка...

Ачинска кескин бosh чайқади.

— Балага компот килинг. — Шундай дедиу халтани деворга суюб, этигини кийди-да, ташқари чиқди. Да-дам шоша-пиша унга әргашди.

— Илоё, барака топинг, — деб қолди онам эшикдан мұралаб. — Бола-чақанғизнинг роҳатини күринг.

Яна сукунат чүкди. Аммо энди бу боягидек күнгилни ғашловчи жимжитлик әмас эди.

Әртасига кеч уйғондим. Катта акам мактабга кетган, кичик акам сандал четида ёстиққа суюниб үтирганча сутчой иchar, дадам билан ойим тумшуғидан чак-чак сув томаёттан эски самоварни үртага қўйиб гаплашиб үтиришарди. Қор тинган, ташқарида қуёш чарақлаб кетган шекилли, уй ичи ёп-ёруғ әди. Энди сутчойга зөфора нон ботириб ейишга киришган әдим, ташқарида кучугим жонҳолатда акиллай бошлади. Эшик шарақлаб очилдию останада Далавой пайдо бүлди. У кечаги чарм пальто-сида, кечаги пиймасида әди.

Дадам билан ойим бир сесканиб тушишди. Ҳозир

жанжал бўлишини билиб, менинг ҳам юрагим орқага тортиб кетди. Бироқ ҳеч қанақа жанжал бўлмади. Дала-вой оstonада туриб, негадир жилмайди.

— Ассаломалайкум! — деди баланд овозда. Шунда унинг жудаям қўрқинчли одам эмаслигини пайқадим. Дадам рангига қон югуриб, аста ўрнидан турди.

— Келинг, келинг, — деди-да, бориб кўришди. Ойим дарров дастурхонга жийда, ёнғоқ келтириб қўйди. Дала-вой бу сафар пиймасини ечиб чиқди. Онам янги қўрпа-ча бўлмагани учун сандал тўридаги қўрпачанинг орқасини ўтириб, қайтадан ёзди. Дадам меҳмоннинг орқаси-га ёстиқ қўйди. Далавой пиёлани айлантириб-айланти-риб, чой ҳулларкан, менга қараб кўзини қисди.

— Қалай, полвон!

Уялганимдан ерга қараб олдим. Шунда ундан алла-қандай қўланса хид келаётганини пайқадим.

— Ўзизам жа ҳалигидака одамсиз-да, ока! — Дала-вой дадамга юзланиб баралла овозда кулди. — Қилар ишни қип қўйиб, тағин одамни сўкиб ўтирибсиз, ока.

Дадам уэрли қиёфада елкасини қисди.

— Энди, укам, жаҳл чиққанда, ақл кетади...

— Ўзиям жа каттасини ағдарибсиз-да, ока! — Дала-вой негадир яна кулди. — Ҳа, энди шунақа экан, бир оғиз айтмайсизми, шу ишни шундоқ қилмоқчиман деб. Ахир жаҳон бедарвоза эмас, тартиб бор, закун бор...

Дадам хижолат чекиб, дастурхон четини ҳимара бошлади.

— Энди, укам, биз бир пўристой одаммиз. Бунақа қонунларни тушунмасак, бу ёқда болалар совуқда қолди.

— Шу-да энди, ока! — Далавойнинг милки қизариб кетган кулранг қўзларида самимий табассум ўйнади.

Ўтқир ҲОШИМОВ

Дадамнинг елкасига қоқди. — Бир оғиз маслаҳат солсангиэу ҳаммасини законний қилардик.

Боядан бери индамай чой қуийб узатаётган онам энди гапга аралашди.

— Бу одам билмабдилар-да, жон укам, гуноҳларидан кеча қолинг.

Далавой ойимга қарамади, дадамга тикилганча, жиддий тортди.

— Энди, ока, биз бир жойнинг одамимиз, от тепкиси отга ўтмайди.

— Раҳмат, укам, — дадам яна бошини хам қилди. — Сиз бизларни сийласангиз, сизни Ҳудо сийласин.

— Мен-ку шу ернинг одамиман, — Далавой овозини пасайтирди. — Аммо ўртоқ Тошевнинг олдида шу иш шундоқ бўлгани чатоқ бўлди. Катта одам. Қаматмагунча қўймайман деяпти. Иккаламизни аскарблят қилди, деяпти.

Ойимнинг ранги бир зумда ўзгариб кетди. Дадам бўлса, тақдирга тан бергандек ҳамон бошини қуий солиб ўтиради.

— Ўртоқ Тошевга ётиғи билан тушунтиродим, — Далавой овозини янаем пасайтирди. — Үзимизнинг одам, гуноҳидан ўта қолинг, дедим. Ҳозирча кўнмай турибдию, лекин кўнади. Кўнмай қаёққа борарди. “Қуруги”дан обкеб бераман, дедим.

Бирдан ойимнинг юзи ёришди. Дик этиб ўрнидан турди-да, ҳужрага кириб кетди. Далавой онамнинг кетидан қараб қолди. Дадам бўлса ҳамон дастурхон қатини ўйнаб ўтирас, бармоқлари билинар-билинмас титрас эди. Уша заҳоти онам халта қутариб чиқди. Бу — кечаси Ачинска олмай кетган ўша туршак тўла халта эди.

— Мана, оповси, — деди ойим халтани Далавойнинг

олдига қўйиб. — Қок-куруқ. Қантак ўрикнинг туршаги. Адаси ўз қўллари билан қуритганлар. Биттасиям ерга тушмаган.

Далавой гоҳ онамга, гоҳ халтага қараб, талмовсираб турди-да, бирдан қах-қах отиб кулиб юборди. Бир зумда кулранг кўзларидан ёш тирқираб чиқди. У кўрпачани муштлаб-муштлаб кулар, боши ҳам, гавдаси ҳам муттасил силкинар, сарғиш юзи шолғомдек қизариб кетган эди. Ойим оғзини ланг очганча бир дадамга, бир Далавойга қараб қолган, негадир нуқул кўйлагининг ёқасини фижимларди.

— Вой, вой, кеннойи тушмагур-еў! — деди Далавой кулгидан нафаси қайтиб. — Вой содда хотин-еў! “Куруғи” десам, туршак обчиқиби. Қаранг, ока! Қаранг! “Куруғи” десам... “Куруғи” десам... — У дадамга қардию кулгиси кесилди. Дадамнинг қиёфаси шиддатли, юзи қизариб-бўэарив кетган эди.

— “Куруғи” керакми? — деди овози хириллаб.

Далавой бутунлай жиддий тортди.

— Менгамас, ўртоқ Тошевга, — деди сарғиш қошини чимириб. — Мен сизга жабр бўлмасин, деяпман, ока, жўжабирдек жонсиз.

— “Куруғи” керакми! — Дадам янаем пастроқ, аммо янаем таҳдидлироқ овозда такрорлади. — Мана буни қирқиб берайми! — У киндигидан пастроққа имо қилди. Дадам бирордан қаттиқ ғазабланса, падарингта лаънат деб сўкар, аммо бирон кимсани бунчалик қўпол ҳақорат қилганини эшифтмаган эдим. Онам ҳам, ёстиққа суюнган акам ҳам, мен ҳам қотиб қолдик.

— Шунақами ҳали! — Далавойнинг кулранг кўзлари ёниб кетди. — Энди ўзингдан кўр! — Шундай дедию сақраб ўрнидан турди. Дадам ҳам салчиб туриб

Ўткир ҲОШИМОВ

кетди. Ойим дод солиб, дадамнинг йўлини тусди. Да-лавой шиддат билан чарм пальтосининг чўнтағига кўл суқди-да, аллақандай қоғозни дастурхон устига улоқтири-ди. — Индинга тегишли жойга бормасанг, милиция юбориб, оттириб ташлайман! Умрингни турмада чирит-масам, Даравой отимни бошқа қўяман!

Ойим бекорга дод соглан экан. Дадам Даравойга ташланмади. Пиймасини кийиб чиқиб кеттунча, уй ўрта-сида тураверди. Фақат ғазабдан пишқириб нафас олар, мўйлови учеб-учиб қўяр эди. Ташқарида ит акиллади. Кейин жимлик чўқди.

— Энди қўймайди, — деди онам инграб. — Қамат-май қўймайди. — . У ҳамон ғазабдан титраб турган дадамга илтижоли термилди. — Жон адаси, айланай адаси, жоҳиллик қилманг, келинг, шулар тўя қолсин. Майли, шолчани сотамиз.

Кузда опамни узатамиз, деб дадам бир шолча олиб келган эди. Ойим шуни гапирганини тушундим.

— Нега?! — дадам сандал четига чўккалаганча, ҳайқириб юборди. — Нега?! Нега мен пора беришим керак? Нега?! Порани ҳаром одам беради, билдингми! Порани ҳаром одам олади! Билдингми?! Порани иймон-сиз одам иймонсиз одамга беради! Тушундингми?! Нега мен ўз иймонимни сотиб порахўрга ялинишим керак? Нега?

У эсдан оғиб қолганга ўхшар, ҳар гал «Нега?» деганда, дастурхонни муштлар, Даравой ташлаб кетган қоғоз ҳам, жийда-ёнғоқлар ҳам ҳар ёкка сочилиб кетган эди.

— Йўқ! — деди у нафаси қисилиб. — Мен пора бермайман. Қамасин! Тўпига солиб отиб юборсин!

Бешикдаги укам чучиб кетди шекилли, чириллаб йир-лай бошлади. Ойим маҳзун қиёфада чўккалаб ўтирганча,

кўкрак тутди. Дадам тирсагини сандал четига тираб, кафтлари билан юзини тўсиб, узоқ ўтирди. Кўли ҳамон билинар-билинмас титрар эди. Нихоят, жаҳл билан ўрнидан турди. Онам вахима ичидага унга термилди.

— Каёқка? Ҳой адаси, ўзингизни босинг.
— Ачинскага бораман, — деди дадам секин. — Ариза ёэдираман.

Шундай дедиую эски чопонини кийиб, чиқиб кетди. Пешинга яқин текис қилиб ёзилган аллақандай ўрисча хат кўтариб келди.

Кейин билсам, дадам тўғри қилган экан. Уни иккича ҳафта судраб юришдию ҳаммаси тинчиб кетди. Фақат Даравор кейинроқ, налугчи бўлганидан кейин бошқа йўл билан қасдини олди. Бироқ Ачинсканинг ёрдам берганини дадам кўп йиллар ҳаммага гапириб юрди.

Менинг гўдак шууримга эса пора — дунёдаги энг ҳаром нарса, деган тушунча михланиб қолди. Тўғри, кейин ҳам, поралару порахўрларнинг ҳар хилини кўрдим. Бировга квартира бериш учун пора оладиганларни юхшироқ уйдан жой олиш учун пора берадиганларни ҳам, биронинг боласини институтга олиб кириш учун пора оладиганларни ўзининг чаласавод боласини ўқишига жойлаш учун пора берадиганларни ҳам кўрдим. Бировга камёб нарсани навбатсиз тўғрилаш учун пора оладиганларни ўша нарсани бошқаларга уч баҳосига пуллаш учун пора берадиганларни ҳам, бирони амал столига ўтқазиш учун пора оладиганларни ўша курсига ўтириб, берганини ўн ҳисса қилиб қайтариб олиш учун пора берадиганларни ҳам кўрдим. Пора олиб кия бўлиб кетганларни яна пора бериб, қутулиб чиқиши ўйини топадиганларни ҳам кўрдим. Шунда дадамнинг

Ўтқир ҲОШИМОВ

титраб-қақшаб айтган гаплари нақадар рост эканини тушундим. Ҳамма-ҳаммасини тушундим.

Фақат... «Дом»имиэнинг биринчи қаватида турадиган сўккабош Клава холанинг маъюс таъзим қилиб турганини кўрганимда, бир нарсага ҳеч ақлим етмади. Наҳотки, одам тирик қолиш учун ҳам пора бериши керак бўлса! Узоқ қариндошим бўлмиш ўша врачнинг гапини эшиттанимда, баттар ҳайрон бўлдим. Наҳотки тирик қолиш учун мажбуран бирорвга пора бериш ҳам жиноят ҳисобланса? Ҳўш, бўлмаса нима қилсин? Ўлиб кетсинми?! Наҳотки, ўлим тушагида ётган одамдан нимадир тама қилиш иймон деган тушунчага сал бўлсаем тўғри келса?!

Ҳаёлимга шундай изтиробли саволлар ёпирилиб келганида, беихтиёр ўша қаҳратон қиши, ўша изғиринли кеча, ойнагини йилтиратиб жилмайиб турган Ачинска, намат устида қолиб кетган ўша бир халта туршак хотирамга тушади.

ОПАМНИ ТОПИБ ОЛДИМ

Байрам қанақа бўлишини биласизми? Билмасангиз билиб қўйинг! Байрам дегани шуки, ҳаммамиз ясанамиз. Бу – биринчидан. Тўғри, дадам ҳаммамизга баравар бош-оёқ кийим қилиб беролмайди. Лекин ҳеч бўлмаса, биттадан оҳорлик киямиз. Ундан кейин ойим албатта палов, жуда бўлмаса, шавла пиширади. Бу – иккинчиси. Ниҳоят, байрам дегани шуки, мен онамга эргашиб албатта тоғамникига бораман. Тоғамнинг мен тенги ўғли бор. Маза қилиб обаки еймиз. Иложи бўлса, «Тарзан» киносига тушамиз. Тарзанни биласизми? Ҳудди маймундек дарахтдан-дараҳтга сакрайди. Йўлбарсдан ҳам, арслондан ҳам қўркмайди.

Жўрабошимиз эйтган, ўзи кўрган.

Мана, бугун ойим нон ёпяпти. Арпа нон унчалик оппоқмас. Аммо жуда мазали. Ана, нон иси келяпти. Ойим менга атаб атайлабдан кулча ясаган. Кулча нондан олдин пишади: кичкина-да! Ана, ойим рапидани қўлига кийиб, тўнкарилган замбил устига чиқди. Бўлмаса тандирнинг тепасига бўйи етмайди. Уша ердан туриб буюорди.

— Дўппингни оч!

Дўппимни бошимдан юлиб олдиму тутиб турдим. Шу ондаёқ чўғдек иссиқ, қип-қизил нон дўппига тушди. Жияклари титилиб кетган дўппимни чангллаганча кўчага югурдим.

— Ҳой, секинроқ, йиқиласан! — деб қолди ойим чирқиллаб.

Нега йиқилар эканман! Орқамдан кучугим ҳам югургилаб қолди. Билади-да ўзиниям улуши борлигини. Иккаламиз олдинма-кетин чопишиб, Ширин аригининг бўйига келдик. Иссиқ нонни сувга ташладим-да, ўзим пастга қараб чопиб кетдим. Гуржи кучугим ҳам оёғимга ўралашиб югурди. Эллик қадамча юргандан кейин қоқигуллар очилиб ётган қирғоқда кутиб ўтиродим. Ана, бизнинг нон оқиб келяпти! Тандирдан янги чиққан нонни оқизоқ қилиб емаган бўлсангиз, еб кўринг. Мени айтди дерсиз, маза қиласиз!

Бир оёқлаб сувга тушиб, нонимни тутиб олдиму ушатиб едим. Ана роҳату мана роҳат! Усти муздай, ичи иссиқ. Бир бурдасини ўзим ейман, бир бурдасини кучугимга бераман. Кучугим нонини мендан олдин еб бўлади. Еб бўлади-да, бошини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташлаб мўлтираб қўлимга қарайди. Думини ли-киллатиб-ликиллатиб қўяди. Иккаламиз маза қилиб ов-

Үткір ҲОШИМОВ

қатландык. Кейин шундоқ соҳилга ётиб, тип-тиниң сув ичдим. Күчугим ҳам олдинги оёқлари билан чүкка тушиб қип-қизил тили билан шапиллатиб роса ичди.

Уйга қайтсак, дадам бодом тагида туриб, энди халтасини очаётган экан. Урре!

— Манави сенга! — деди дадам ойимга қараб. Халтадан пошнаси паст ялтироқ амиркон кавуш чиқди. Ойим эски калишини ечиб, кийиб күрган эди, кавуш лоп-лойиң келди. У ёқ-бу ёққа юриб күрувди, кавуши фарчиллаб кетди.

— Ия, фарчиям бор экан, — деди ойим ёш боладек қувониб. — Барака топинг, анчадан буён шунақасини орзу қилиб юрувдим.

— Қизинг қани? — дадам ғолибона қиёфада яна халтага қўл сукди.

Тутундан бўғилган опам ошхонадан кўзини ишқалаб чиқди.

— Манавини ўраб кўр-чи! — Дадам гулдор шойи рўмолни опамга узатди. Опамнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди.

— Раҳмат, — деди уялинқираб.

Катта акамга йўл-йўл кўйлак, кичик акамга чийдухоба шим тегди. Энди бизнинг навбат! Йўқ, дадам халтасига қўл суккан эди, бу сафар укамнинг совфаси чиқди. Денгизчилар киядиган кўйлак! Четида тасмасиям бор.

— Менга-чи? — дедим ҳовлиқиб.

— Сенгаям бор, ўғлим! — деб дадам халтасидан қизил духоба дўппи чиқарди. Кўзим ёниб кетди. — Қани, — деди у дўппини бошимга кийгизиб. — Э-э, бошдан ҳам берган-да сенга, ўғлим!

Ростдан ҳам дўппи бошимни бир чеккасида қолиб кетди.

— Эйёни йўқ! — дадам дўппини тиззасининг кўзи-га кийгизиб, бир четидан тортди. Алланима «тиро» этди. Қўрқув ичидаги дўпига қарадим. Йўқ, йиртилмабди. Дадам қайтадан кийгизган эди, бошимни хиёл қиссаям, лойиқ келгандек бўлди. — Бошдан ҳам бор-да ўзи, ўғлим. — Дадам яна кулди.

Кичик акам ҳозиржавоблик билан гап сукди:

— Боши катта бўлгани билан ақли йўқ.

Опам унинг елкасига бир тушириди.

— Ёши сенга етса, сендан ақллироқ бўлади.

— Ўзингиз-чи? — Ойим дадамнинг кўзига термилди. — Ўзингизга ҳеч нима олмадингизми?

Дадам қўл силтади:

— Кейин... Кейин олинар. Нима, мен ёш боламидим...

Ака-укалар бир зумда кўчага отилдик. Бўлмаса-чи, қанақа ясаниб олганимизни ҳамма кўриб қўйсин-да.

...Эрталаб кимдир секин елкамга туртаётганини пай-қаб уйғониб кетдим. Ҳали кўзимни очмасимданоқ димомимга ўсма ҳиди урилди. Қарасам, тепамда ойим жилмайиб турибди. Коши қалин, қоп-кора (ойим пардоз қилмас, аммо “кош сув ичади” деб ўсма қўярди).

— Жим, — деди у бармоғини лабига босиб. — Уканг уйғониб қолмасин. Тез ювин.

Тушундим. Демак, тоғамникига борамиз. Укамни ташлаб кетамиз. Бўлмаса, ойимни қийнаб юборади. Беш қадам юради-да, опичинг, деб хархаша қиласди. Йўл узоқ.

Укам, боши девор томонда, бир оёғи менинг қорним устида маза қилиб ухлаб ётибди. Ҳали тургандан кейин «лўлилик» қилиб опамнинг додини беради.

Ювиниб келиб, апил-тапил чой ичдим.

— Болани эҳтиёт қил, — ойим айвон бурчагида

Үткір ҲОШИМОВ

Үтириб, тұнкарилған пиёладан үсма ботириб қошига тортаёттан опамга тайинлади.

— Хавотир олманг. — Опам бошини у ёқ-бу ёққа әгіб, бир чети синиң күзгуга қиё-қиё қарапкан, жилмайды. — Үзим қараб тураман.

Опам жуда меҳрибон. Ойим йүғида ҳаммамиз опамнинг пинжига тиқиламиз...

Гузарга чиққанимиздан кейин энг катта ниятимни секин айтдым:

— Ойи, кинога тушсам майлими? Тарзанга?

У ғарчли кавушига чанг құндырмаслик учун тупроқ күчадан авайлаб бораркан, орқасига қарамасдан сүради:

— Ким билан тушасан?

— Собир билан.

— Тогангникига бормаймиз.

Хафсалам пир бұлыб тұхтаб қолдим. Бундан чиқди, аммамникига борарканмиз-да. Аммамнида мен тенги ўртоғим йүк.

— Аммамникига кетяпмизми? — дедим қовоқ-тумшуким осилиб.

Ойим бурилиб қаради:

— Йүк, опангникига.

— Опам уйда-ку? — дедим хайрон бұлыб. — Яна қанақа опамникига борамиз?

— Үқчига. Катта опангникига.

Кизиқ, қанақа катта опам? Үзи битта опам бор-ку.

— Юр, — деди ойим шошириб. — Кун исиб кетмасидан Бешёғочга етиб олайлик.

Ойимга әргашиб борарканман, алланимани фира-шира тушунғандек бұлдим. Беш-олти кун олдин аммам келған әди. У ойим билан пичир-пичир гаплашган, “үтай...

йиғлади... Үқчи..." деган сүзлар қулоғимга чалинган эди. Демак, Үқчи деган жойга кетяпмиз.

Үқчи дегани икки томони болохонали уйлар билан үралган тор күча экан. Бизнинг томонларда аллақачон ҳаммаёқ күкариб кетган, бу ерда бўлса күча зах, икки четда қоп-қора сув жилға бўлиб оқиб ётибди. Анча юридик. Тез-тез темирчилик дўконлари учрайди. Байрам бўлсаям, баъзилари очиқ. Девордаги михларга кетмон, теша, хасқаш илиб қўйилган. Сандонда олов гуриллайди. Тарақ-турук авжида: яқинига бориб бўлмайди. Охири тагидан қорамойдек лойқа сув оқиб ётган, четидаги панжаралари лиқиллаб турган ёғоч кўприкдан ўтдик. Ойим дам-бадам тўхтайди. Ҳали у эшикни тақиллатади, ҳали бунисини.

— Ҳой, ўргилай, Башоратхоннинг уйи шуми? Эри пераводний...

Бирор йўқ, дейди, бирори елка қисиб эшикни беркитади, бир хили эшикни умуман очмайди.

Шу қадар чарчадимки, оёғимни қимирлатишга мадорим қолмади. Ҳудди, ҳов бирда, уйдаги опамга совчи келганида Қаънига борганимиздек. Келмасам бўларкан. Қайтага уйда Хўжа биланми, Вали биланми маза қилиб чиллак ўйнаб юрган бўлардим. Кун исиб кетган, сув ичгим келарди. Ойимнинг ўзи ҳам күча четидаги водопроводдан икки марта сув ичди. Сув ичиш осон бўлсаям майли экан. Одамлар пақирини кўтариб, қаторлашиб навбат кутиб туради... Байрам бўлгани учунми, ясанган-тусангандан ўткинчилар тузук-куруқ гаплашмайди. Ҳамма қаёққадир шошади.

Бир маҳал паранжи-чачвонли хотинга дуч келдик. Ойим яна ўша ялинчоқ оҳангда сўради:

— Ҳой, барака топгур, Башоратхонни танимайсиэми?

Үткір ҲОШИМОВ

Паранжили хотин тұхтади. Чачвонини юзидан олган әди, құрқиб кетдим. Бунақанги чүтир хотинни биринчи күришім әди. Негадир хаёлимга чүтирини беркитиш учун паранжи ёпиниб юрса керак, деган үй келди.

— Қанақа Башор? — деди у рұмольча билан тер босған юзини артиб.

— Башоратхон-да! — Ойим күйиб-пишиб тушунтируди. — Эри перводний. Ашхободда ер қимирлаганда касалларни поездда олиб келган.

— Үйини билмайсиями? — чүтир хотин ачиниб бош чайқади. — Дунёда нима күп, Башор күп.

— Ық. Эгачим айтудилар, — деб ойим яна тушунтируди. — Шундоқ күприкдан үтгандан кейин то-пасиз, девдилар.

— Бу күчада нима күп, күприк күп, айланай, — чүтир хотин елкасини ночор қисди.

— Ҳайронман, — деди ойим умидсізлик билан. — Нечта эшикни тақиіллатдим, хеч ерда ыйқ.

Бұлмади, чүтир хотиндан ҳам иш чиқмади. Тағин иккита катта-кичик күприкдан үтдик. Юриб-юриб, чойхона олдидан чиқиб қолдик. Байрам шарофати билан чойхона айниқса гавжум бұлиб кетган, сүриларда әркаклар чордана қуриб, сабзи тұраб үтиришар, тұрқо-воқтардаги беданалар авжига чиқиб сайрап, ҳавода жи-за ҳиди кезар әди.

— Бор, болам, — деди ойим ялиниб, — әркакларнинг олдига мен бормай құя қолай. Сұрагин, перводнийни уйи қайси, дегин, Башор деган хотини бор, дегин, хұпми?

Сүри олдига бордиму, тұхтаб қолдим. Ҳар ким үзи билан үзи овора, қайрилиб ҳам қарамайды. Асқия... Қийқириқ... Шүппайиб туриб-туриб қайтиб келдим. Ойим уришмади. Яна кетавердик.

Каттакон тилла зирак таққан, ялпок гулли кўрпабоп матодан қўйлак кийган, қалин қошли жувон дуч келганида ойим тағин сўради:

— Ҳой, оповси, Башоратхонни...

— Ман намедонам! — деди аёл елка қисиб.

Охири ойим ҳам ҳолдан тойди. Кўча четидаги япаски харсанг устига ўтириб, тугунини ечди. Кеча ёпган арпа нонидан олиб олган экан. Шундан биттасини ушатиб, она-бала едик. Тағин чанқай бошладим.

— Ойи, сув, — дедим ҳиқиллаб.

— Шошма, болам, сабр қил. — Ойим юпатди. — Топамиз. Ҳозир топиб оламиз.

Нон қувват бердими, яна аввалгидек йўлга тушдик.

Бир маҳал онам тўхтаб қолди.

— Вой, ўлсин, тағин Бешёфочга чиқиб қолибмиз-ку.

Қарасам, ростдан ҳам Бешёфоч! Бундан чиқди, айлануб-айланиб яна шу ерга келиб қолибмиз-да. Бозор олдидаги майдонда одам кўп эди. Ясанган қизлар, папирос тутатган йигитлар... Дараҳт соясида бир оёқли киши қўлтиқтаёқса суюниб турибди. Олдида эски курси, курсидаги саватда обаки. У ингичка бўйнининг томирини ўйнатиб, овози борича бақиради:

— Обаки дандон
Лаблари хандон
Чайнама, шими,
Чайнама-а-а!

Бирпастда чанқоқ ҳам эсимдан чиқиб кетди.

— Обаки оберинг, — дедим ялиниб.

Ойим бир зум иккиланиб турди-да, қўлимдан етаклади:

— Юр.

Парвардага үхшатиб кесилган обакини оғзимга солдиму маза қилиб сұра бошладим. Сақичга үхшаган юмшоқ, аммо жуда ширин.

— Сиз шу ерлиkmисиз, амаки? — деди ойим қандолатчига термилиб.

Қандолатчи құлтиқтаёғига сүяниб, чұнтағидан папироc оларкан, шубхаланиб ойимга қаради:

— Нима эди?

— Башоратхонни қидириб келувдик. Эри переводний, Ашхободда ер қимирлаганда касалларни олиб келган. Үқчидә күприкнинг олдидә туради, дейишувди.

— Номери неччи? — деди қандолатчи папироc тутатиб.

— Үшанисини сұрамабман. — Ойим айбдор қиёфада ерга қаради.

— Ия, қызық экансиз-ку, сингил! — чүлөк қандолатчи овози борича шанғиллади. — Афанди эшаги йүколганида бир құлида янтоқ, бир құлида тезак құтариб, бозор айланган экан, буни еб, буни анақа қылғанни күрган борми, деб. Сизникіям шундан бўлди-ку.

Атрофдаги ҳанғоматалаб томошабинлар хахолаб кулишди. Ойим мулзам бўлиб секин бурилди.

— Сўраб-сўраб Маккани топган экан, амаллаб топиб олармиз.

Икковлашиб яна үша захкаш, икки четида қоп-қора сув жилға бўлиб оқаётган құчага кирдик. Оёқда зўрга турсам ҳам, дам олайлик деб ойимга хархаша қилишга қўрқар эдим. Бояги одамнинг гали ойимни хафа қилганини билиб турардим. Юриб-юриб яна үша омонат панжарали ёғоч күприкдан үтдик.

Ойим рўпарадан келаётган, сумка қўтарган хотинни тұхтатди.

— Жон синглим, бир нарса сўрасам майлими? Шу ерликка ўхшайсиз. — Ойим унинг қўлидаги сумкасига, байрам бўлсаям ясанмасдан эскироқ қарғашойи кўйлак кийганига қараб, шу ерлик деб гумон қилган бўлса эҳтимол.

Хотин шошилиб турган экан шекилли, “гапингизни айтинг” дегандек қошини чимириди.

— Башоратхонни танимайсизми? — деди ойим шоша-пиша. — Эри переводний. Ашхободда...

— Нимага эди? — деди аёл ойимнинг гапини бўлиб.

Ойим унинг кўзига тикилиб қаради-да, кўнглида умид уйюнди шекилли, овози дадиллашди:

— Керак эди-да. Эрталабдан бери қидирамиз, айланай. Билмаган жойнинг кўчаси кўп, деб шуни айтар эканда.

Аёл ойимга тикилиб туриб негадир овози титраб кетди.

— Сиз... Сиз кими бўласиэ? — деди секин.

— Онасиман, айланай, онасиман!

Аёлнинг қўлидан сумкаси тушиб кетди.

— Ойижон! — деди илтижоли оҳангда. — Ойижон! Ўзингизмисиз? — Шундай дедию ойимни қучоқлаб олди. Ўша заҳоти кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. — Ўша мен... Менман... Қизингизман... Ойижон... Билувдим, топиб келишингизни билувдим. Билувдиму ишонмовдим. Аммам айтсалар, ишонмагандим!

У ҳадеб ойимни ўпар, нукул битта гапни қайтарарди.

— Ишонмовдим...

Кейинги дақиқада мени ердан даст кўтариб олди-да, кўзимдан, юзимдан ўпа бошлади.

— Ўзимнинг укамдан ўргилай, укажонимдан айланай.

Димоғимга бинафша ҳиди урилди. У бақувват қўллари билан мени маҳкам қучоқлаб олган, ёшли кўзлари билан қайта-қайта кўзимга термилиб қарап, нукул ўпар эди. Шундагина унинг катта хотин эмас, ёшги-

Ўткір ҲОШИМОВ

на эканлигини, аллақаери уйдаги опамга үшшаб кетишини пайқадим. Башор опа бир құлида мени құтарғанча әгиліб, иккінчи құли билан сумқасини ердан олди.

— Қүйинг, — деди ойим унинг билагидан тутиб. — Еш боламас, ўзи юради. Шу кузда мактабга боради-ку.

— Нега құярканман?! — Башорат опам гунафша хиди анқиб турған бошини яна юзимга босди. — Ука жонимни нега құярканман?! Ўзим зұрға топиб олдим-ку!

Кап-катта бола опамнинг құлида кетаётганимдан, ботинкам қўйлагини лой қилиб юборганидан уялиб ти-пирчиладим.

— Тушаман!

Йўқ, опам қаттиқроқ бағрига босди.

— Тушмайсан. Чарчаб қопсан, укам. Қўриб турибман.

Башорат опам шаҳдам-шаҳдам қадам ташлар, ойим унга аранг етиб борар, икковлари ҳаяжондан энтикиб, гаплашиб боришарди.

— Танимай қолганимни қаранг, қизим. Ўзиям сизни бир марта қўрувдим-да... Анча бўп кетди. Ўшанда жамалаксоч қиэча эдингиз.

— Мен ҳам аввалига танимадим... Қаранг, ойижон, сира ишонмовдим.

Опамнинг уйи чиндан ҳам кўприк яқинида экан. Бироқ яна битта тор кўчага кириш эсимиздан чиқибди. Ўша тор кўчадан ўтиб, кафтдеккина ҳовлига кириб қолдик. Ҳовли ўртасида бир туп тут бор эди. Тут ҳали пишмаган, аммо анча оқариб қолган, шохига беланчак илиб қўйилиби. Тут тагига келгандан кейингина опам мени ерга қўйди.

— Мана синглинг, — деди беланчакка имо қилиб. — Синглим десанг ҳам бўлади, жияним десанг ҳам. Синглим деявер.

Мўралаб қарасам, беланчакда атлас кўйлакча кийган
қизалоқ ётиби. Секин тебратиб кўрдим.

Опам ёшли кўзларига табассум қалқиб, яна бир марта
бошимни силаб қўйди-да, уй томонга қараб қичқирди:
— Дадаси! Ойим келдилар!

Зум үтмай ойнабанд айвоннинг эшиги шарақлаб
очилди-да, елкасига бекасам тўн ташлаган киши чиқиб
келди.

— Ойим келдилар! — деди Башорат опам тантана
 билан.

Бекасам тўнли киши ойим билан қуюқ сўрашди.
Онам унинг пешонасидан ўтиб кўришаркан, менга ўти-
рилди:

— Поччангга салом бермайсанми?

Поччам худди катта киши билан сўрашгандек, қўл
бериб кўришди.

— Отингиз нима, полвон йигит? — деди кулиб.

Пастак шифтли хонага кирдик. Тўрда Сталиннинг
харбий кийимдаги сурати илиғлиқ турар, дераза тепа-
сидаги михга илинган лаганчага ўҳшаш қора кар-
найдан музика янграр эди. Ёнбosh томонда эса зан-
жирили осма соат. Соатнинг тепаси мушукнинг бошига
ўҳшатиб ишланган. Капгир у ёқ-бу ёққа бориб келган
сайнин мушукнинг кўзи ҳам у ёқ-бу ёққа мўралайди.
Бунақа соатни дадамнинг ҳужрасида ҳам кўрмаганман.

Опам эски шолча тушалган ерга дарров кўрпача
ёзди. Хонтахта қўйиб, дастурхон безади. Пиёламга
муштдек новвот солиб чой қўйиб берди.

Кун бўйи пиёда юравериб, чарчадимми, карнайдан
ҳадеб янграётган музика элитдими, ухлаб қолибман. Бир
маҳал опам пешонамни силаб уйғотди:

— Тур, жоним, қорнинг очиб кетди-ку.

Ўткир ҲОШИМОВ

Кўзимни очсам, дастурхонда устига кўк пиёз сепилган бир лаган мошкичири турибди. Ойим, опам, поччам гангир-гунгир суҳбатлашиб ўтиришибди. Опамнинг қистови билан уч-тўрт қошиқ мошкичири едиму тағин ухлаб қолдим.

Кейин яна уйғониб кетдим. Анчагача қаердалигимни билолмай, шифтга тикилиб ётдим. Хира лампочка ёниб турар, аллақаерда соат чиқилларди. Девордаги “мушук соат”ни кўргандан кейингина Башор опамнида ёттанимни англадим. Ёнбошимга ўгирилган эдим, каравот фичирлади. Карасам, ёнимда бояги атлас кўйлакли сингилчам юмшоқкина бўлиб пишиллаб ухлаб ётибди. Уйғотиб юбормай деб, тағин кўзимни юмиб олдим. Аввал хўрси-ник, кетидан аёл кишининг ҳиқиллаган йиғиси эшитилди.

— Юзимни ёруғ қилдингиз, ойижон... — Бу Башор опамнинг овози эди. — Күёвингизнинг олдида ердан суғуриб олдингиз. Турмуш қурганимизга уч йил бўляпти. Күёвингизга нима дейишимни билмайман. Отам бор дейману боролмайман, онам бор дейману қўрсалолмайман.

— Опам яна чуқур хўрсинди. — Ойим тириклигида, отангнинг кўзига кўринма, деб тергаб турарди. Онам ўлгандан кейин нима деб боришни ўзим ҳам билмадим. Бир замонлар дадам билан ойимнинг турмуши бузилган бўлса, менинг айбим нима, ойижон... Ойим адамнинг дилини оғриттан бўлса бордир, аммо менда нима гуноҳ³

— Қўйинг, жон болам, — ойим оҳиста юпатди. — Турмуш ўлгур шунақа экан. Одам бу дунёдан нима обкетади? Борадиган жойи бўйрадек ер... Адангизни-нг жаҳли тез бўлгани билан кўнгли бўш. Уч-тўрт кундан кейин ўзингиз боринг. Күёвниям оборинг. Сиз бо-ласиз, у киши ота. Менинг келганимни айтмай қўя колинг. Эски гиналарни унутинглар.

— Бормоқчиям бўувдим... — Опам тараддуланиб жи-
миб қолди. — Тагин сизнинг кўнглингиэга келмасин, деб...

— Гапингиз қурмасин, — ойим опамнинг сўзини
кесди. — Этни тирнокдан ажратиб эсимни ебманми?
Минг қатла шукр, адангиз борлар, синглингиз, қўша-
қўша укаларингиз бор, қаддингизни кўтариб юринг, жон
болам.

Ойим билан опам ҳамон дардлашар, “мушук соат”
бир меъёрда чиқиллар, ёнимда юмшоққина бўлиб син-
гилчам пишиллаб ухлаб ётар эди. Яна кўзим илиндию
қотиб ухлаб қопман.

...Эртасига ҳовлимиэга маҳалланинг табиби — Ҳо-
жи буви, Ҳайри опа, Мўмин аканинг хотини Келинойи,
Валининг ойиси Зеби хола, Сепкилли хола, Ҳолпош
хола тўпланишди. Ойим айтиб келганми, байрам баҳона
бўлганми, унисини билмайман. Ойим гармдори гулли
пиёлада қўшниларга чой қуийб узатар экан, оғзини тўл-
дириб мактанар эди:

— Кизим берди! Қаранг, пиёласининг чиройлилиги-
ни қаранг! Вой, ўргилай сизлардан, шундоқ қизим бор
экану мен аҳмоқ билмай юрганимни қаранг! У бор-
роғлар, у оқ уй-олабаргаклар дессангиз! Қўша-қўша ги-
ламлар! Бир радиоси бор, сандикдек келади. Қизим-
нинг чаққонлигини кўрсангиз. Бирпасда бир гуруч, бир
гўшт қилиб, чигит босгандек ош дамлаб келди. Куёвим-
ни айтмайсизми, пераводнийларнинг бошлиғи экан. Уё-
фи Ашхобод, буёғи Ленинобод — етти иқлимда кўрма-
ган жойи қолмабди. Бирам одобли, бирам ақлли...

Ойим опамнинг ҳовлисидағи тутдан бошқа қайси
боғни, эски шолчадан бошқа қайси гиламни, мошкичи-
ридан бошқа қайси паловни айтаётганини билмасдиму,
лекин ҳамма гапига ишонгим келарди.

Ўткир ҲОШИМОВ

— Сиз кўпам ихтимат қўяверманг! — Келинойи оймнинг гапини оғэидан олди. — Угай барибир ўтайлигини қилади. Ундан сизга нима фойда!

— Унақа деманг, овсинжон. — Ойим унга таънали қараш қилди. — Бу дунёдан ҳеч ким ҳеч нарса орқалаб кетмайди, ўргилай. Болаларим бу ёқда отасининг бағрида яйраб юрсин-да, қизим у ёқда тирик етим бўлиб юрсин... Шуям диёнатданми? Бунака гапингизни бир айтдингиз, иккинчи қайтарманг, овсинжон.

Бошқа хотинлар оймнинг сўзини маъқуллаб чувиллашди:

— Тўғри айтасиз!

— Охиратни ўйлаган одам шундок қилади.

— Аммо-лекин... — Ойим овозини пасайтириди. — Адаси мен борганимни билмай қўя қолсиналар. Қиз бўлиб у келмайдио, она бўлиб сен борасанми, деб диллари оғрийди... Эрта-индин қизимнинг ўзи келади.

Башор опам эртасига эмас, уч кундан кейин келди. Дадам бодом соясида чўккалаб ўтирганча, арранинг тишини эгов билан қайрар, ойим ошхонада, мен эса супада укам билан кураш тушаётган эдим. Гуржи кучугим дарвоза томонга югурди. Қўкшойи кўйлак кийган Башор опамни дарров танидим. Опам кучукни кўриб, дарвозадан кирибоқ тўхтаб қолди. Дадам бир зум тикилиб қаради-да, гарангсиброқ ўрнидан турди. Кучукни ҳайдаш баҳонасида опам томон чопдим. Опам уч-тўрт қадам босди-ю, кўзида ёш билан ҳайқириб юборди:

— Адажон!

Дадам бир қалқиб кетгандек бўлди.

— Ие, ие, — деди овози титраб. Кейин ошхонага қараб қичқирди. — Ҳой, бу ёққа чиқ, қизинг келди!

Башор опам дадамнинг қучогига ўзини отди.

— Йиглама, она қизим, йиглама. — Дадам Башор опамнинг сочини силар экан, кўзлари намланди. (Унинг кўзида ҳеч қачон ёш кўрмаган эдим.) — Бормисан, оппоқ қизим.

Опам дадамнинг бағридан чиқиши биланоқ ойим қу-
чоқлаб олди.

— Вой ўзимнинг қочкоқ қизимдан айланай! — деди
Башор опамнинг юзидан ўпиб. — Вой, ўзимнинг тўн-
ғич қизимдан ўргилай!

Боядан бери нарироқда бола кўтариб илжайиб тур-
ган поччамни энди кўришди. Дадам поччам билан ҳам
қучоқлашиб кўришди. Сингилчам бирпасда қўлма-қўл
бўлиб кетди. Опам, ака-укалар биринчи жиянимизни
“хомталаш” қилиб юбордик.

Ўша куни дадам ўз қули билан ош дамлади. Ҳатто
поччам икковлари жиндай-жиндай вино ҳам ичишди.

...Ўшандан кейин биронта байрам шунчалик эсимда
қолгани йўқ.

БОЗОР

Акаларинг бўлиши ҳам яхши, ҳам ёмон. Яхшилиги
шуки, болалардан калтак емайсан. Арифметикадан икки
олмайсан. Ёмонлиги шуки, нуқул акаларингнинг кийи-
мини киясан. Масалан, мана бундай. Катта акамга
этик оберишади. Бир йилми, икки йилми ўтгандан
кейин катта акамнинг оёғи катта бўлиб кетади. Этик
кичик акамга ўтади. Кичик акамнинг оёғиям бир
жойда туравермайди-да. Ўсади, этик сифмайди. Ана эн-
ди этик бизники! Факат бизга етиб келгунча этикнинг
таги Наим сартарошнинг иягидек сип-силлиқ бўлиб ке-
тади. Аслида, буям ёмонмас. Қишида яхмалак учишга
маза. Аммо тагининг кўчиб кеттани ёмон. Чўлда бир

Үткір ҲОШИМОВ

ой юриб чанқаган түядек сув демаганни симиради. Бора-бора укамга дабдаласи чиккан этик тегади. Телпак масаласи ҳам шундоқ. Катта акамдан кичик акамга, кичик акамдан менга, мендан укамга етиб боргунча телпакмас, тақири чиққан бир парча тери қолади. Валига маза! Акаси йүқ, укаси йүқ. Зеби хола унга доим янги кийим олиб беради. Шундоқ дейману дадамга ҳам қийин. Ҳаммамизни баравар ясантира олмайды. Тұғри, гохи-гохыда биз кичкиналарнинг ҳам ғамини еб туришади. Куз кунларидан бирида шундай қувончли воқеа бўлди. Кечаси ҳамма ётганда дадам билан ойим маслаҳатлашиб қолиши. Ростини айтсам, гап пойлайдиган одатим бор. Пойламоқчи әмасдиму ўзлари гаплашиб қолиши. Эшитиш керакми, керак!

- Салқин тушиб қолди, — деди ойим ўйчан охангда.
- Болаларнинг эгнида йўқ, бошида йўқ. Айниқса, кичкиналарга қийин.

Дадам анчагача индамади. Чамаси, қаердан пул топишни ўйларди.

- Эчкини сота қоламиэ, — деди ниҳоят бир қарорга келиб.

— Таканими? — Бу ойимнинг овози эди.

- Э, уни қанчага оларди? — деди дадам ҳафсаласиз охангда. — Наригисини сотамиз. Беш юзларга обқолар.

Гушундим. Бундан чиқди, **Қоракулоқни** сотишмоқчи. Эрта баҳорда эчкимиз одатдагидек иккита түкқан эди: бири эркак, бири урғочи. Урғочисининг ўзи оқ, қулоги қора. Ака-укалар унга **Қоракулоқ** деб от қўйғанмиз. Эчкимга ачиндим. Яхши, ювошгина эди. Чамамда, ойим ҳам шуни ўйларди шекилли, секин гап қўшди:

- Кочириб олсак болаларга сут мўлроқ бўлармиди?
- Бошқа иложи йўқ-да! — деди дадам тажангроқ

бўлиб. — Жилла курса, биттасига пуфайка олиб бериш керак. Бултур ҳам мактабга акасининг чопонини кийиб борди.

Ха, демак, пуфайка меники бўлади. Негаки, укам ҳали мактабга бормайди. Енгининг учига чарм қопланганидан оламан. Синфимиизда фақат Валида шунақа пуфайка бор. Зеби хола нақд тўрт юз сўмга оберган. Валининг ўзи айтган.

— Бозор куни Тезакопга олиб тушаман, — деди дадам ишонч билан.

Бироқ дадам жума куни шамоллаб ётиб қолди. Шанба куниям ўрнидан туролмади. Кечкурун яна эчки соғишнинг маслаҳати бўлди.

— Ўзинг бора қол, — деди дадам ётган жойида.

Онам мунғайиб қолди.

— Вой, мен бозорни биламанми? — деди бўшашиб. — Бир-икки марта мол сотиб юрган бўлмасам...

Дадамнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Нима, бозорга тушадиганларнинг шох-бутоги борми? Ҳаммаям сенга ўхшаган одам-да! Жа бўлмаса, битта-яримта даллоннинг қулига ўн сўм берсанг, сотиб беради. Аммо беш юздан камига қўнга. Эотли мол, дегин!

Эртасига тонг қоронфисида ойим мени секин туртиб уйғотди.

— Қани, тура қол, болам, эчкини ҳайдашиб борасан.

“Нимага, қаёққа”, деб ўтирмадим. Биламан, акаларим ҳайдашиб борсаям бўлардию, унда пуфайкадан қуруқ қоламан-да.

Фингшиброқ бўлсаям турдим. Ойим эчкини соғиб бўлгунча тонг ёришди. Кейин у Коракулоқни етаклади, мен тол хивич олиб, орқасидан йўлга тушдим. Коракулоқ ҳам уйқусираб турган экан шекилли, индамай кетаверди. Фа-

Ўтқир ҲОШИМОВ

қат дарвоза олдига борганда онаси билан акаси томонга қараб қысқагина маъраб қўйди: хайрлашди, чамамда.

Тупроқ кўчадан боряпмиз. Олдинда ойим, кетидан эчким, унинг ортидан мен. Эчким тупроқни чангитиб, дик-дик қилиб боради. Ора-чора кўчага тўкилган ёнғоқ хазонларини чимдиб, калта думини ликиллатиб-ликиллатиб қўяди. Хивич билан урмасам ҳам ўзи кетаверади. Мен кўчага тўкилган ёнғоқларни териш билан овораман. Кечаси шамол бўлганга үхшайди: роса ёнғоқ тўкилибди. Бирпасда икки чўнтағим тўлиб чиқди. Ойим ора-чора тўхтаб, норозилик билан орқасига қараб қўяди.

— Юра қолсанг-чи, ҳали-замон бозор тарқаб кетади!

Тезакоп деганиям жуда олис экан-да! Аввал қора мой ҳиди анқиб турган темир йўлдан ўтдик. Кейин машиналар ғизиллаб бораётган кўчалар четидан юрдик. Оёғимда оёқ қолмади. Ниҳоят, бозорнинг темир панжарали дарвозасидан ичкари кирдик. Вой-бу! Шунча одам қаёқдан келган? Ҳаммаёқ қий-чув, ҳамма шошган! Ана, бир чеккада гувиллаб олов ёнгапти. Қозондан қизиган ёрнинг оппоқ тутуни чиқиб турибди. Вуй, анави балиқни! Менинг бўйимдай келади-я! Ёғоч устундаги михга жагидан илиб қўйишибди. Кир ҳалат кийган мўйловли киши капгирини ўйнатиб бакиради:

— Кеп қолинг, лаққа балиқ! Лаққа балиқ! Қатидан қовуриб берай?

Ундан нарироқда каттакон дошқозонда ош дамлаб қўйилибди. Зарчава солинган, сап-сариқ. Оғзимнинг суви кеп кетди. Ие, ана кабоб! Қоп-қора кабобпаз бидир-бидир қилиб харидор чақиради.

— Еганлар дармонда, емаганлар армонда, думба-жигар!

Қаранг, ҳидига одам маст бўлади-я!

— Ойи, ҳали кабоб оберасиз-а? — дейман ялиниб.

Ойим бўлса, нуқул битта гапни қайтаради:

— Анқайма, адашиб қоласан!

Ёймачилар тўғридан-тўғри ерга ўтириб олишган. Ангишвонадан тортиб элаккача, сичқон тутадиган қопқондан тортиб исириққача — ҳаммаси бор. Қўлтиқтаёқли аскар жиккак чол билан савдолашиб сумак оляпти. Кун салқин бўлишига қарамай, кўйлакчан бўлиб олган озғин бола бир пачка папиросни қўз-қўз қилиб, бор овози билан бақиради.

— Папироси норд, чекманглар чорт!

Шовқин-суронлару турли хидлардан бошим айланиб кетди. Униси туртади, буниси туртади, бу ҳам етмагандек, ойимга дағдага қилишади.

— Ҳов эчки! Қўзингта қара!

Ниҳоят мол бозорига келдик. Ана бозору мана бозор! Қўзига қон тўлган, бурнидан темир ҳалқа ўtkазилган буқалар, думбасининг оғирлигидан юролмай қолган, шохи қайрилиб кетган қўчкорлар, бири олиб, бири қўйиб, пайдар-пай ҳанграётган эшаклар... Айниқса, анави қораси зўр экан. Бир ҳанграшда кетма-кет улаб, етти марта ҳангради. Тағин ҳар ҳанграганда қулоқлари дик-кайиб, думи хода бўлиб кетади. Бурун катаклари керилиб, икки биқини кириб-чиқиб, кириб-чиқиб туради. Охирига борганда ўпкаси тўлгандек, овози ҳазинлашиб қоладию, аммо ўша заҳоти биро пишқириб олади-да, янги куч билан қайтадан ҳанграй бошлайди. Оёқ остини тезак босиб кетган. Шунинг учун бозорни Тезакоп деса керак-да. (Бу ном Оқ подшонинг савдогари Тезиков исми билан боғлиқлигини кейин билганман.) Кеч қолганимиз учун бизга энг чеккадан — товуқ бозорининг ёнидан жой тегди. Бироқ бу ерда ҳам кўп туролмадик. Жанжалнинг устидан чиқиб қолдик. Шундоққина ол-

Ўткир ҲОШИМОВ

димиэда тарашадек озғин, пешонаси тиришган, тажанглиги афтидан кўриниб турган киши қизил бабақ хўроznинг оёғидан боғланган ипдан тутиб, чўккалаb ўтира, дам-бадам нос отиб, ўзича аллакимни сўкар эди. Бақувват оёқлари узун-узун хўроz эса бўйини чўзиб, атрофга олазарак қарар, чамаси, бошқа хўроzлар билан уришишга баҳона қидирарди. Шу пайт айвони катта оқ каламинка шапка кийган, чўмичдек бурнининг тешигидан жуни чиқиб турган киши хўроzнинг тепасида тўхтади.

— Чўча чан пул, aka мулло? — деди оёғи билан хўроzга имо қилиб.

Тажанг киши асабийлик билан бошини кўтарди. Носини тупуриб, кафтининг орқасига лабини артди.

— Шу жўжами! — деди ингичка, тажанг овозда. — Кўзми, пўстакнинг тешигими!

Бурни чўмичдек харидор пинагини бузмади.

— Чан пул чўча? — деди яна.

— Бу жўжамас, хўроz! — Тажанг киши ўрнидан туриб кетди. — Бабақ хўроz! Бир тепса одамни йиқитади!

Бурни чўмичдек харидор яна пинагини бузмади.

— Ҳа, энду чўча-да! Чан пул ўзу?

Шунда кутилмаган воқеа бўлди. Тажанг киши бабақ хўроzни оёғидан юлқиб кўтардию харидорнинг бошига тушириди.

— Мана сенга “чўча!” — деди бақириб.

Хўроzнинг қийқириғи билан харидорнинг додлаши баравар эшитилди. Бошидаги айвони кенг шапкаси учиб, тезак устига тушди. Хўроzнинг қизил патлари хаммаёкка тўзиб кетди.

Харидор силлиқ бошини чангallаганча одамлар орасига шўнғиди. Зум ўтмай, шопмўйлов милиционерни бошлаб келди.

— Мана шу! — деди хўрзни амаллаб бути орасига тикаётган тажанг кишини кўрсатиб. — Бошимга урде! Ҳўкиздек хероз билан урде! Туядек хероз билан урде! Бош ёрилг-о-он!

— Нима гап, гражданлар? — Шопмўйлов милиционер чўнтағидан ҳуштак олиб, лунжини шиширганча чурриллатди.

Томошанинг давомини кўришни жуда хоҳлардиму ойим қўймади.

— Юр, кета қолайлик, — деди секингина. — Бизним башимиз балога қолиб юрмасин.

Одамлар, моллар орасидан ўтиб, нари кетдик. Ана, нихоят бизнинг эчкига ҳам харидор топилди. Пешонасига қийиқча танғиган киши Қорақулоқни у ёғидан ўтиб томоша қилди, бу ёғидан ўтиб томоша қилди.

— Қанча сўрайсиз? — деди ойимгамас, эчкига қараб.

— Беш юз сўм.

— Уч юз! — қийиқча танғиган киши эчкининг бўйнидан силаб қўйди. — Шошиб турибман, оламану кетаман.

— Йўқ, амаки, бу зотли мол, — деди ойим баш чайқаб. — Онаси ҳар йили иккитадан туғади, кўп сут беради. Сути ёғли, сигирникига үхшайди. Беш юздан камига бўлмайди.

Қийиқча танғиган киши савдолашиб ўтирмай нари кетди. Яна иккита харидор келди. Бири уч юз ўн сўмга чиқди, иккинчиси икки юз элликдан ошмади. Кейин эчкимизни ҳеч ким сўрамай қўйди. Туриб-туриб зерика бошладим, бир ҳовуч ёнғофимни у қўлимдан бу қўлимга оламан, бу қўлимдан у қўлимга оламан... Кун исиб борар, сув ичгим келарди. Ойим ҳам толиқиб кетди шекилли, нуқул атрофга жавдираиди.

Ўткир ҲОШИМОВ

— Даллол топмасак бўлмайди шекилли, ўғлим, — деди руҳи тушиб.

Ҳудди шуни кутиб тургандек, телпагининг қулоқчинини куя еган, пахтали шимининг тиззасигача гўнг бўлиб кетган киши пайдо бўлди.

— Ҳа, янга, улоқчага харидор чиқмадими? — деди шанғиллаб.

— Улоқчамас, эчки-ку, — деди ойим ранжиб. — Қаранг, зотли мол, онаси ҳар йили иккитадан туғади. Кўп сут беради. Сути қуюқ, сигирникига үхшайди.

— Кўриб турибман! — Телпакли киши қўл силтади. — Мушукдеккина эчки экан. Бўғоз бўлганми-йўқми?

Ойим бош чайқади.

— Унисини айтмолмайман. Ёлғон гапириб нима қилдим. Аммо онаси зотли. Ҳар йили иккитадан туғади, серсуг...

Телпагини куя еган киши бир зум ўйланиб қолди.

— Энди, янга, гап бундоқ, — деди тарин шанғиллаб. — Мен холис одамман, кўриб турибман, боядан бери туравериб сарғайиб кетдингиз. Ҳўп десангиз, молингизни сотиб бераман. Аммо чўтални олдиндан келишиб оламиз: йигирма беш сўм!

— Майли, бир гап бўлар, — деди ойим секин. — Барака топинг, инсофли одамга үхшайсиз... Аммо ўзи зотли мол...

— Қанча сўраяпсиз ўзи? — даллол онамнинг гапини бўлди.

— Беш юз.

— Нима? — даллол даҳшатли гап эшигандек кўзи ни ола-кула қилди. — Беш юз сўмга говмиш сигир беради-ку! Ҳозир бозор арzon. Қиши келяпти, янга! Қиши келяпти! Ем ташвиши бор, пичан ташвиши бор...

Онам нороэзи қиёфада елкасини қисди.

— Мана шу боламга пуфайка олиб бермоқчиман. Адаси беш юздан камига кўнма деганлар.

— Гапга пасматри! — даллол худди онам гуноҳ иш қилиб қўйгандай қўлини силкитди. — Одамлардаям диёнат қолмапти ўзи!

У энди бурилиб кетаётган эди, ойим ялинди:

— Худо хайрингизни берсин, битта-яrimta инсоғ лироқ харидор топинг. Майли, ҳақингизни бераман.

Даллол қайтиб келди. Қорақулоқнинг қорнини пайпаслаб кўрди.

— Майли, — деди тўнғиллаб. — Шошмай туринг-чи.

Чорак соатчадан кейин у эскироқ чопон кийган киши билан мендан каттароқ болани бошлаб келди. Боланинг бошида яп-янги дўпписи бор эди. Дўппи унинг узунчоқ бошида ғалати қийшайиб туради. Пуфайкадан ортган пулга ойим менгаям янги дўппи оберади, деган фикр лип этиб хаёлимдан ўтди.

— Мана! — деди даллол шанғиллаб. — Шундан яхши харидор тополмайсиз.

— Қанча сўрайсиз? — эски чопонли киши негадир онамга эмас, даллолга қаради. — Бўладиганини айтинг.

— Бўладигани икки юз эллик сўм! — Ойимнинг ўрнига даллол жавоб берди.

— Йўғ-э, — деди ойим чўчиб. — Ҳозир уч юзга бермадим-ку.

— Ўзимга эмас, мана бу болага оляпман! — эски чопонли киши уф торти. — Рангини қаранг бола бечорани! Касалдан янги турган: сил!

Ойим ҳам, мен ҳам болага тикилиб қолдик. Ҳали дўпписига қарабману ўзига қарамаган эканман. Бола чиндан ҳам рангсиз, катта-катта кўзлари одамга маъюс термилиб боқар эди.

Үткір ҲОШИМОВ

— Еңғок! — деди у құлымдаги ёнғоқларни күриб. Овози қыздарниңига үхшаган ингичка, илтижоли эди.

— Бер, бер! — деди ойим шошилиб. — Ҳаммасини бер. Құлымдаги ёнғоқларни ҳам, чұнтағимдагиларниям болага бердим. Нима қипти, ҳали териб олавераман. Күчамизда ёнғоқдан құпи борми?

— Юз сүм! — Эски чопонли киши даллонинг құлидан тутди. — Бор барака!

— Вой, нима деяпсиз, амаки? — Ойим худди бирор тортыб олаёттандек әчкининг арқонидан махкам ушлаб үзига тортди. — Бу зотли мол. Онаси ҳар йили иккитадан туғади. Сутни күп беради. Сутиям ёғли.

— Сизам инсоф қилинг-да, биродар! — даллол энди харидорга қараб құлни пахса қилди. — Яңғам рост айтяптилар. Зотли мол, әрта-индин қочиб қолса, баҳорда маза қилиб сутини ичасиз.

Ойимга жон кирди.

— Шуни айтаман-да! Зотли мол! Онаси ҳар йили иккитадан туғади. Қүп сут беради. Сути ёғли, сигирникиңига үхшайди.

Харидор ҳорғын бош чайқади.

— Үзимга қолса-қу беш юзга ҳам олаверардим. Шу болага сұраяпман. — У тағин болага имо қилди. Бола ёнғоқларни у құлидан бу құлиға олар, юпқа, қонсиз лабларини пичирлатиб санаар эди. — Ҳеч кими йүк бечоранинг, — деди харидор овозини пасайтириб. — Савоб бүлар, деб бошига дүпти обердим. Отаси фронтда үлган. Яқында онасиям қазо қилди: сил эди бечора. Етмиш яшар кампир бувиси билан қолди. Мен құшниси бұламан. Кампир бечоранинг кигиз тағига йиғиб қўйган жиндерек пули бор экан. Шунга биттагина эчки оберинг, деб ялинди. Савоб учун тушдим бозорга.

Гоҳ болага, гоҳ онамга қараб караҳт бўлиб қолдим. Бола ҳамон ёнғоқларини санар, ойим ҳам унга тикилиб қолган эди. Бирдан онамнинг кўзларида ёш айланди. Бир қўли билан арқондан туттанча иккинчи қўли билан боланинг дўпписи устидан бошини силади.

— Айнони-я! — деди овози титраб. — Ҳеч нима килмайди. Ҳали шундоқ йигит бўласанки, сен кўрганини ҳеч ким кўрмайди, болам!

— Мана, бори шу! — харидор бир сўмлик, уч сўмлик пуллардан бир ҳовучини даллонинг қўлига тутқазди.

— Қанча? — деди даллол.

— Юз эллик сўм!

Даллол ойимнинг арқон ушлаб турган қўлини кафтига олиб силкита бошлади.

— Бор барака дeng энди, янга! Бор барака дeng!

У ҳар силтаганда ойим қўли узилиб кеттудек бўлиб бутун гавдаси билан силкинар эди.

— Ҳеч бўлмаса яна эллик сўм қўшинг, амаки, — деди онам эски чопонли кишига илтижоли термилиб. — Зотли мол, онаси ҳар йили иккитадан туради.

— Нима қилай, сингил! — харидор тағин бош чайқади. — Менгамас, болага деяпман-ку. Савоб учун тушдим бозорга, бор пули шу бўлса, мен нима қилай?

— Ахир, менам боламга пуфайка обермоқчиман, — деди онам йиргламира.

— Савоб ҳам керак-да одамга, янга! — Даллол ойимнинг қўлини қўйиб юбормай шангиллади. — Дунёга келиб, нима каромат қўрсатдик?! Кўприк солдикми, мачит қурдикми...

— Тўғри-ку, лекин... Боламга пуфайка... Зотли мол...

Энди онамнинг гапини харидор бўлди.

Ўткир ҲОШИМОВ

— Худога шукур денг, сингил. Болангизни бошида отаси бор экан, сиз бор экансиз. Жаям янги бўлмаса эскироқ пуфайка оберарсиз. Бу бечоранинг кими бор?

Ойим болага бир нафас термилиб турдию арқонни секин қўйиб юборди. Бола ҳамон лабларини пичирлатиб ёнғоқ санар эди.

— Манг, янга! Рози бўлинг, — даллол пулни санаб ойимга тутқазди. — Ҳизмат ҳакимни опқолдим. Аммо рози бўлинг.

Ойим пул чанглаб турган қўли билан тагин боланинг дўпписи устидан бошини силади.

— Ҳафа бўлма, ўргилай! Бувингга мендан салом айтгин. Эчки соттан хотин салом айтди, дегин.

Даллол бир томонга, эчки етаклаган чопонли одам билан бола иккинчи томонга кетиб, зум ўтмай одамлар орасидан ғойиб бўлишди. Онам қулига туфлаб-туфлаб пулни ҳафсала билан санади, нимчасининг чўнтағига солди. Аммо кўнгли тўлмади шекилли, ўша заҳоти чўнтақдан қайтариб олиб кўйлагининг ёқаси тагига яшириди. Фуссага чўкиб хўрсинди.

— Худоданам ўргилай! Бандасининг бошига шунчагам солмаса нима қипти-я!

Иккаламиз индамай йўлга тушдик. Ойим қўлимдан тутганча бошини қўйи солиб борар, чамаси, бояги болани ҳам, ҳозир уйга бориб дадамдан сўжиш эшлишини ҳам ўйлар, ўйлаб ўйига етолмас эди. Яна ўша кабобпаз, ошпаз олдидан ўтдик. Кабоб иси сўлагимни оқизса ҳам индамадим. Биламан, энди ойим кабоб обермайди.

Бозор дарвозасига етганда онам тўсатдан тўхтаб колди.

— Вой шўрим! — деди ранги ўчиб.

Мен онам пулни олдириб қўйди деб қўрқиб кетдим.

— Эчкини арқони билан бериб юборибмиз-ку! — У шундай дедиу қўлимдан маҳкам тутганча одамлар орасига шўнгид яна орқага судраб кетди. — Ирими ёмон бўлади. Молни арқони билан сотиб бўлмайди. Вой, мени ер ютсин! Энди нима қилдик-а? Бизни кутиб ўтирамиди. Кетиб бўлди энди! — У шундай дердио одамларга урилиб, сурилиб мол бозорига шошиларди. Ана, яна бозорга кирдик. Энди моллар хийла камайган, бироқ одам қалин эди. Бояги “ўзимизнинг” жойга қайтиб келдик. Аммо энди бу ерда тойчоқ савдоси бўлаётган экан.

— Даллол шу ернинг одами-ку. Топилар ахир, — дерди ойим меними, ўзиними юпатиб. Одамлар тўдасида анчагина гарангсиб юрдик. Бир маҳал... бир маҳал мўъжиза кўргандек таққа тўхтаб қолдим. Атрофга аланг-жаланг қараётган онам қўлимдан силтади.

— Юрсанг-чи, анқаймасдан!

— Коракулоқ, — дедим секин. — Ана, Коракулоқ! Ўзимнинг эчким.

Мен эчкимни дарров танидим. Қулоғидан танидим. Йўқ, ўзи оқ, қулоғи қора бўлгани учунмас. Чап қулоғининг қийшиқлиги учун. Эрталаблари эчкини соғишдан один ойим уни ийитиш учун боласини бирпас эмизиб оларди. Улоқ онасининг елинига бир ёпишгандан кейин ажратиш қийин бўлади. Шунда мен унинг қулоғидан ушлаб тортавераман, тортавераман. Ҳар куни тортаверганим учун бир қулоғи қийшайиб қолган.

— Қани? — деди ойим аланглаб. — Қани эчки?

— Ана! — қўлим билан ўн қадамча нарида, бир тўда одам орасида турган эчкимни кўрсатдим. Бояги эски чопонли киши эчкининг арқонидан ушлаб туар, телпагининг қулоқчинини куя еган даллол эса шляпали семиз

Ўткир ҲОШИМОВ

одамга қулини пахса қилиб бир нимани тушунтирар эди. Фақат янги дўппили бола кўринмасди...

— Бу зотли мол, акам айланай! Онаси ҳар йили иккитадан туғади, — деди даллол шанғиллаб. — Қунига бир чирпитдан сут беради. Сути сигирникидан ҳам ёрли. Пулингиз ёнингизда кетади, акам айланай.

— Жудаям осмондан келаверманг-да сиз ҳам. — Шляпали одам норозилик билан бош чайқади. — Ҳеч бўлмаса олти юз денг.

— Ўзингиз ҳам жуда жаназ¹ одам экансиз-да. Қаранг, бунинг қорнида боласи бор! — Чопонли киши эчкининг иккала биқинига шапиллатиб қўйди. — Худо хоҳласа, айни қиши чилласида болаларнинг оғзи оқариб қолади, биродар!

Аллақаёқдан бояги янги дўппили, рангсиз бола пайдо бўлди.

— Дада, — деди чопонли кишига қўлидаги обакини кўз-кўз қилиб. — Мана, обкелдим!

— Бизниям бошимизда ўзимизга яраша ташвиш бор, — чопонли киши болага имо қилди. — Ўғлим ўз қули билан бир йил боқди эчкини. Энди шунинг қулини ҳалоллаб қўймоқчиман, биродар. Тўй қилиш осонми шу замонда.

Ойимга қарадим. Унинг оғзи ланг очилиб қолган, қалин лаблари пиоририар, кўзида ёш ҳалқаланган эди.

— Вой, — деди у анчадан кейин зўрға тили калимага келиб. Қизиқ, назаримда у кулгандек бўлди. Йўқ, унинг йифлаётганини кейин пайқадим. — Вой иймон-сизлар! Иккаласи битта одам экан-ку.

— Мен холис одамман! — Даллол яна шанғиллади. — Савоб ҳам керак-да одамга. Дунёга келиб нима

¹. Жаназ — зикна, қурумсоқ.

каромат кўрсатдик. Кўпrik солдикми, мачит қурдикми?..

Ойим мадори қуригандек қўлимни қўйиб юборди.

— Юр, ўғлим, — деди кўз ёшини енгининг учига артиб. — Есин-ичсин тўймасин, илоё буюрмасин!

— Арқон-чи? — дедим секингина.

— Керакмас. Юр, болам, — ойим қўлимдан секин тутди-да, одамлар орасидан туртениб-суртиниб мени етаклаб кетди.

ПЎСТДУМБАЛИ МОШКИЧИРИ

Бу одамни болалигимдан танийман. Ушандан буён унинг биттаям туки ўзгармаган, десам лоф бўлмайди. Ўёини сўрасангиз, унда тукнинг ўзи йўқ: кўса. У ҳар куни эрталаб бир вақтда дарвозамиз олдидан маҳалла гузари томонга ўтиб кетади. Қишида куя еган телпак, муштдеккина гавдасига ярашмаган узун камзул, оёғига калиш-маҳси кийиб юради. Ёзда бўлса думалоқ, қозоннусха баҳмал дўпписини бостириб олади. Қўлидаги хўжалик сумкаси ҳам камида йигирма йил сидқидилдан хизмат қилган. Фиж-фиж суриладиган занжирининг тишлари тўкилиб, яккам-дуккам бўлиб қолган. Бандининг тасмаси бир неча жойидан ямалган. Сумканинг ичидаги нима борлигини яхши биламан. Тиши тўкилган алюмин тароқ, бошингизга тегиши билан бир ҳовуч сочингизни юлиб оладиган қўл машина, қайиш билан олишавериб ихчам тортиб кетган устара. Хуллас, бутун маҳаллага донғи кетган Наим сартарошнинг жамики ашёлари шу сумкада жойлашган.

У мени яхши танимайди: ўзининг дўконига чиқадиган мижозлардан бошқа одам билан иши йўқ. Аммо онамни қаттиқ ҳурмат қилади. Дарвоза олдидаги скамейкада ўтирган ойимни кўриб, дарров тўхтайди.

Ўткир ҲОШИМОВ

— Бахай, пошша опа, бардамгина бормисиз? — дейди ингичка овозда. — Неваралар чопқиллаб юришибдими?

Кизиқ, ойим негадир уни кўп ҳам ёқтиромайди. Аммо дилини оғритмайдиям.

— Шукур, — дейди секин. — Ўзингиз яхши юрибсизми? Овсиним бардаммилар?

— Юрибмиз тупроқдан ташқари! — дейди Наим сартарош йўлида давом этиб. — Овсинингиз ҳам тузук. Бели оғриб ётибди.

Ойим сидқидилдан маслаҳат беради.

— Кепак қиздириб боссинлар. Уч кунда сан кўрман кўр бўлиб кетадилар.

— Босдим. Тупроқкайам кўмдим. Фойдаси йўқ, — Наим сартарош сумкасини бепарво силкитиб қуяди. — Ёшлигидаям беланги эди ўзи. Аслида бошқасига уйлансан бўларкан.

Онам “нотавон кўнгилга қўтиро жомашов” дегандек мийифида кулиб қуяди. Аммо индамайди. “Бир мўмин” нинг кўнглини синдиргиси келмайди.

Наим сартарошнинг эски фанерлардан ямаб ясалган дўкониям йигирма йил илгари қандоқ бўлса, ҳозир ҳам ўшандоқ — маҳалла чойхонасига ёпишиб қўнқайиб турибди. Фақат вақт ўтиши билан толиқиб бир томонга қийшайиб қолган. Беш йил бурун автобус бекатининг рўпарасида янги ойнабанд сартарошхона очилди. Аммо Наим сартарош унга ўтмади. “Ман таҳоратсиз тиф ушлайдиган ёш болалар билан ишламайман”, деб туриб олди. Махалладагилар ҳам унинг феълини билишгани учун индамай қуя қолишиди.

Шу Наим сартарошнинг денг, бирданига мени жини суюиб қолди. Бир куни эрталаб дарвоза олдидаги скамейкада ўтиросам, сумкасини кўтариб ўтиб қолди. Салом

бердим. У менга қарамай, «валей» деб ўтиб кетдию нарироққа бориб тұхтади. Сийрак сарыш киприклари-ни пирпиратиб тикилиб турди-да, янгоқ, ингичка овозда сұради:

— Хай, манга қара — ўзингмисан?

Мен индамай бош силкитдим. Наим сартарош күп йиллик қадрдонини бирдан топиб олғандек қувониб кетди. Тез-тез юриб ёнимга келди. Сумкасина скамейканиң бир чеккасига қўйди-да, қўш қўллаб сўрашди. Юзига фотиха тортиб, силиқ иягини силаб қўйди.

— Бу дайман, дўконгаям чиқмайсан, — деди яна ҳам ингичкароқ товушда.

— Энди, хизматчилик...

— Ёзувчи бўпсан, газетда ишлавотсан, деб эшийтдим, шу ростми? — Наим сартарош мени қобилиятимни чамалаб кўрмоқчи бўлгандек, бошдан-оёқ бир сидра қараб чиқди.

— Ха, шунақа, — дедим бош силкиб.

У сумкасина нарироқ суриб ёнимга ўтироди. Узун камэулининг чўнтағидан қизғиш носковогини чиқариб нос отди.

— Бу дайман, ука, газетларингта бизниям ёэса бўла-вурадими? Ё буниям “оҳони” борми?

— Қанақа “оҳони”?

Сартарош кўзини қисиб, қиқирлаб кулди.

— Ўзингни соддаликка солма, ука. Ман ҳаммасини биламан. “Оҳони” бўлмаса, Олим паровозни газета мақтаб чиқармиди? Биринчи бўлиб паровоз ҳайдаганмиш. Ёлғон! Қачон қараса, кўмирга ботиб юрадиган рабочий эди. Ха, хўп, борингки ҳайдаган бўлсин. Ха, нима қипти? Ҳаким найнов-чи! Биринчи ўқитувчилардан эмиш. Ман билмасам экан уни! Жинқўчалик отин

Ўткир ҲОШИМОВ

оининг қўлида бирга ўқиганмиз. Ўлгудай зеҳни паст бола эди. Олти ойгача “Ҳафтияк”ни туширолмаган. Тағин булар персаналний пенсанер эмиш!

Наим сартарош дунёнинг адолатсизлигидан тутакиб кетгандек жаҳл билан носини тупурди, силлиқ иягини силаб қўйди.

— Булар давлатга хизмат қилган бўлса, биззиям ўтқазиб қўйган жойимиз бор. Булар Московга борган бўлса, манам борганман. Уларни кўтар-кўтар қиласанлару мани ёзмайсанлар, шунақами? Мани суянчигим йўқ-да, а?

Қарасам, Наим сартарош ростдан хафа бўляпти. Тўғриси, унинг ўтмишига ўзим ҳам қизиқиб қолдим.

— Нега ёзмас эканман. Ёзаман. Москвага қачон боргандингиз?

— Ие, ҳозир иили эсимда қоптими, ука? Ўша босмачиларни қийратиб юрган пайтларимиэда эди-да. Ўшанда санга ўхшаган қирчиллама йигит пайтим. Паркат томонда Рустам шердай қилич ўйнатиб юрсам, камандиримиз чақириб қолди. “Чиноқ икковларинг яхши жанг қилганларинг учун Московга дилигат бўлиб борасан”, деса бўладими! Юнус чиноқ бир қулоғи йўқ бўлсаям хўп азамат йигит эди. Иккаламиз пойизга ўтиридигу қайдасан Москов деб жўнадик-вордик. Ўн кун деганда етиб бордик. Бу Москов дегани хўпам катта шаҳар экан. Қават-қават уйлар десанг, кўча тўла троллобус, автобус. Ер тагида пойиз юаркан.

— Метроми? — дедим илжайиб. — Тошкентдагига ўхшаган?

— Метромас, пойиз, — у бирдан тўхтаб, менга синчков тикилди. — Московга борганимисан?

— Йўқ, — дедим ёлғон гапириб.

— Э, Московга бормабсан — дунёга келмабсан! —

Наим сартарош қўлларини ёэди. — Шундоккина Кизил майдоннинг олдидағи гастиnisага тушдик. Енбошимизда бозор. Бизаникига ўхшаганмас. Ҳаммаси папаратка жойлашган. Қаймоқ бозор бир томонда, ширмой бозор бир томонда. Қабобпазлар десанг эрталабдан уриб жигар кабоб сотади. Аммо—лекин со-мон бозорининг мазаси йўқ экан. Қоплари кичкина-кичкина. Бир туяга элликтасини ортиб келишади. Та-ғин бир қопи фалон пул. Одам қўплигиданми, сартарошхонаси тирбанд. Босмачиларни бир ёқли қигандан кейин шу томонларга келиб дўкон очаман, деб кўнглимга тутиб қўйдим... Аммо майшат зўр бўлди. Масковда бир ой турган бўсак, шу бир ой ичида Чиноқ иккаламиз хўп хузур қилдик. Эрталаб лип этиб бозорга тушиб бир кося қаймоқ, тўртта ширмой, анжир, холва обчиқиб кўк чойни урамиз. Пешинда кабобхўрлик, кечкурун лағмон дейсизми, пўстдумба солинган мошкичири дейсизми, нима хоҳласангиз, мухайё. Кечалари чойхона-га чиқамиз. Бир жўжахўроз беданам бор эди десанг, ўзимам Исмоил калдан бир қўйнинг пулига олгандим. Шуни обкетувдим. Масковни манман деган беданала-рини қочирди. Қайтиб келишимиздан икки кун олдин майлис бўлди.

— Қаерда? — дедим ўзимни кулгидан зўрға тийиб.

— Қатта бўларди, Кизил Майдоннинг ўзида бўлди-да... Лак-лак одам. Чиноқ иккаламиз бир чеккага бориб турдик. Шу пайт десанг, минбарда турган катталардан биттаси югуриб тушиб мани қучоқлаб олса бўладими?

— Ким?

Наим сартарош сийрак киприкларини пириратди.

— Нима ким?

— Сизни қучоқлаган ким эди, деяпман.

Үткір ҲОШИМОВ

— Катталардан битгаси дидим-ку! Шундоқ қучоқлаб у юзимдан-бу юзимдан үтди. “Ия, кұса, баҳай? Сан бу ёқларда нима қилиб юрибсан?” дейди. “Мана, Чиноқ билан кеп қолдик. Босмачиларни қиірраттанимиз учун камандиrimiz үйнаб келинглар, деб юборди”. “Оббо, сан-эй, кеганингта шунча бүбдию нега ҳовлиға үтмадинг, — дейди. — Кечкүрун бизнигің үтмасанг, қаттиқ хафа бұламан, янганғта норин буюриб келғанман”, дийди. “Йұқ, шошиб турибман. Бошқа мавруди кеп қолар”, дидим. “Бұлмаса, мана бу муко-пот санға”, дип ҳалиғи одам чұнтагидан медал чиқариб чопонимга тақиб қўйди.

— Қанақа медаль?

Наим сартарош, “жудаям эзма экансан-да”, дегандек ижирғаниб афтини буришириди.

— Қаттан биламан! Бунақа керак бўлишини билганимда йўқотиб қўяромидим. — У биропас ўйлаб турди-да, қўшиб қўйди.
— Энди, ука, сан ўзимизнинг маҳаллані боласисан. У ёғини ўзинг келиштириб бир ёзгин, ҳўлми?

— Бўпти, — дедим жилмайиб.

У кафтини очиб дуо қилди.

— Илойим, омадингни берсин! — Сумкасини кутариб уч-тўрт қадам нари борди-да, тўхтаб үтирилиб қарди. — Агар-чи, ука, шу иш амалга ошиб қолса-чи, ҳар куни соқолингни ўзим оп қўяман. Текинга.

— Қайси иш?

Наим сартарош қайтиб келди.

— Ие, ҳалитдан бүён қулоғингга танбур чертдимми? Газетингда мани мақтаб чиқарсанг, Олим паровозга ўхшаб персаналний пенса оладиган бўлсам, соқолингни ҳар куни ўзим оп қўяман. Эшитдингми, оғритмасдан оламан.

Мен уч-тўрт кунгача бу гапларни эслаб кулиб юрдиму кейин унутиб юбордим. Аммо Наим сартарош унутмаган

экан. Қайси куни автобус бекатида мени кўриб қолди. Атайлаб пойлаб турган экан шекилли, маҳкам ушлаб олди.

— Ану нарсани ёздингми-йўқми? — деди очиқдан-очиқ дағдаға билан.

— Ёздим.

— Ҳа, мана, бу бошқа гап. — Наим сартарошнинг юзи ёришиб кетди, — Иигит кишининг гапи битта бўлади. Қачон чиқади энди?

— Эрта-индин чиқиб қолса керак. Ҳозир текширишяпти, — дедим ниҳоятда хотиржам оҳангда. — Агар рост бўлса, мақолани чиқариб сизга персоналний пенсия тайин қилишаркан. Агар нотўғри бўлса, судга беришаркан.

Наим сартарош бир лаҳза кўзларини пирпиратиб анграйиб қолди.

— Лаббай! Сўтга! Кимни сўтга беради?

— Сиз билан мени. Ёлғон гапирганингиз учун сизни, ёлғон ёзганим учун мени. — Шундай дедиму бурилиб кетавердим.

Бир лаҳзадан кейин орқадан Наим сартарошнинг ингичка овози эшитилди.

— Ҳой ука, тўхтанг! Ҳой, ўғлим.

Тўхтаб, бурилиб қарадим.

— Нима гап?

— Манга қаранг, ука, — деди у энтикиб. — Келинг, ўша нарса чиқмаса чиқмай қўя қолсин.

— Ия, нега энди?! Мен ёзиб топшириб қўйган мақолани қайтиб ололмайман.

Уч-тўрт қадам босган эдим, Наим сартарош пилдирраб келиб йўлимни тўсди.

— Манга қаранг, ўғлим, шу нарсани босди-босди

Ўтқиро ҲОШИМОВ

килиб юборсангиз-чи, ҳар куни соқолингизни икки мартадан оп қўяман. Шундоқ қилинг, жон ука.

— Ия, нега ахир? Персаналний пенсия олсангиз ёмонми?

— Ҳўп денг, жон ука. Оч қорним, тинч қулоғим. Шу ишни тинчтиб юборинг. Ман сўзимнинг устидан чиқадиган одамман. Айтдим-ку, ҳар куни икки мартадан соқолингизни олиб қўяман. Уйингизга бориб оламан.

Мен жуда қийин муаммо рўпарасида қолган одамдай, елкамни қисдим.

— Майли, бир уриниб қўраман. Аммо бу жуда мушкул иш-да...

Сартарош ўша куни мени уйимгача кузатиб қўйди. Кузатиб қўйдию барибир тинчимади. Кечаси аллама-халда эшик тақиллаб қолди. Чиксам, сартарош қийиқчага ўроғлик бир нарсани кўтариб туриди.

— Нима бу? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Иссиғида еб ола қолинг! — У тугунчани узатди. Мошкичири. Ўз қўлим билан пиширдим.

— Э, Москвадаги мошкичиридан денг?

— Московни мошкичириси қатта энди, ука! Унга қора қўчкорнинг пўстдумбаси солинарди. Бунисининг мазаси йўқроқ. Шундоқ бўлсаям, илиндим. Олинг, қўлим қайтмасин.

Майли, сазаси ўлмасин деб сартарошнинг совфасини олдим.

Ичкарига кириб қийиқчани очсан, устига кўк пиёз сепилган мошкичири. Инсоф билан айтганда, қойилмаком килиб пиширибди. Уч-тўрт қошиқ олган ҳам эдимки, ойим кириб қолди.

— Нима бу? — деди ҳайрон бўлиб.

Илжайдим.

— Пора!

Онам ёнимдаги стулга ўтириб колди.

— Нима?

Кулиб юбордим.

— Пора! Наим сартарош пора обкепти.

Ойим гоҳ менга, гоҳ гаримдори нусхали косага қараб бирдан ранги ўчди.

— Энди шу ҳунарни ўргандингми? — деди ростакамига ранжиб. — Аданг сенга пора ейишни ўргатган эмасдилар шекилли.

Қарасам, ойим чиндан ҳам хафа бўладиган. Иштаҳам бўғилди. Косани нари сурдим. Ойим жиркангандек, қийикчани икки бармоғи орасида қисиб ушлади-да, айвонга опчиқиб ташлади. Ўша ёқдан алланима деб ўзига-ўзи гапиргани эшитилди... Бироқ Наим сартарошнинг пораси барибир зиммамда турибди. У ҳалиям косасини олиб кетгани йўқ. Шунга қарамай, эшитишимча, энди чойхонада Олим паровоз ундоқ, Ҳаким найнов бундоқ, менам персаналний пенсия олишим керак, деган гапларни айтмайдиган бўлибди.

ОЛТИН БАЛДОҚ

Одамда ҳарчанд урингани билан ўзгартиrolмайдиган ғалати феъл-атворлар бўлади. Менинг ҳам қизиқ одатим бор: бирорни ранжитиб қўйсам (адолатли хафа қилган бўлсан ҳам) ўша одамдан кўпроқ ўзимнинг дилим вайрон бўлиб юради. Бу одат онамдан юқсан шекилли.

Ойим бизларга ҳеч қаттиқ гапирмас, мабодо хафа қилиб қўйса, бирпастдан кейин ўзи ялинар эди. Фақат бир марта мени қарғаган, ёмон қарғаган. Ўшанда айб кимда бўлганини ҳали ҳам билмайман.

Ўтқир ҲОШИМОВ

Баҳор кириб, офтобнинг илиқ нурлари елкани қизитадиган бўлиб қолган кунлар эди. Бодом тагида ўтириб варрак ясашга тушдим. Ўрикнинг елими қоғозга ёпишса, қамишга ёпишмайди, қамишга ёпишса, қоғозга... Бурнимни тортиб-тортиб уриниб ётибман. Ойим нарироқда, тагига пустак ташлаб, кир ювяпти. Дадам “камбағалбоп кийим” деб ака-укаларга чийдухоба шим олиб берган. Чийдухоба асли яхши нарсаю чиллак ўйнагандами, коптоқ тепгандами, бир думаласанг, ора-орасига лой кириб кетиши ёмон. Уч кунда бир юавериб, онамнинг эси кетади. (Худди шу чийбахмал замонлар ўтиши билан бутун Европага мода бўлишини дадам хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Унинг учун чийдухоба “камбағалбоп кийим” эди, холос.) Хуллас, ойим унисини олиб, бунисини қўйиб, шимларни ювар, ҳар силтаб ишқаганда жомашовдан кўпик сачрар, атрофни совун ҳиди тутиб кетган эди. Унинг рўпарасида Сепкилли хола тўнкарилган пақир устида ўтиради.

Сепкилли холани ёмон кўраман. Ўзинимас, қизини. “Саини сенга бераман, олсанг ҳам оласан, олмасанг ҳам, — дейди, — олмасанг, тугун-терсаги билан уйингга опчиқиб ташлайман, кичкиналигингда қулоғини тишлагансан”, дейди. Саини қулоғини тишлагандан кўра кучугимнинг қулоғини тишлайман. Саида ёмон: ўғил боладан баттар. Ланка тепаётгандан бир уриб Тойнинг бурнини қонатган.

Сепкилли хола тўнкарилган пақир устида ўтириб нуқул ҳасрат қиласат эди:

— Кечаси билан тишим ўлгур шундоқ оғриди, шундоқ оғриди, жонимни қўйишга жой тополмадим. — У сепкил босган лунжини силаб қўйди.

— Исириқ дамлаб чайқамадингизми? — деб маслаҳат берди ойим ҳамон энгашиб кирни фижимлар экан.

— Э, ҳаммасини қилдим! — Сепкилли хола яна инқиллади. — Аччиқтошгаям гарфара қилдим. Қани босилса.

Икковлари бир зум жимиб қолишиди.

— Уфф! Исиб кетдим! — Ойим кўпикли қўлини сидириб, ёқаси бўғиқ тўркўйлагини ечди-да, чеккага ташлади.

— Ўлмаган қул, баҳоргаям чиқдик, — Сепкилли хола ҳўрсинди. — Шу йил кузда Ҳакимимнинг бошини иккита қилиб қўйсак дегандик. Тўй қилиш осонми? Ҳали униси етмайди, ҳали буниси... Отасининг аҳволи бу бўлса...

Сепкилли хола эридан қўп шикоят қиласади. Чиндан ҳам Истроил мўйлов қўп ичади. Ишининг тайини йўқ. Бунинг устига ичиб олдими, тамом, уй ичини тириқтириб қувади. Сепкилли хола кўпинча Сайдани диконглатиб бизнигига қочиб чиқади. Ярим кечада, эри ухлаганидан кейин секин уйига чиқиб кетади.

— Ҳакимжон ҳали ёш-ку, — деди ойим ўйчанлик билан. — Бу йил бўлмаса, янаги йилга бўлар тўйи...

— Шундоқ дейсизу қуда томон шоширяпти. — Сепкилли хола яна инқиллади. — Шу ўлгурни олдириб ташлаб қутуламан шекилли. Кеча дадасига тиш қўйдирсаммикан, десам, отангни хумга кўмиб қўйган тиллаларини олиб келиб қўйдиравер, деб... Ҳайронман, бисотимдаги битта билагуэугимни бераман шекилли. Оғзимни ўрадек очиб юрсам уят бўлар.

...Варрагимни елимлаб бўлиб, энди қада чини тортиб боғлаган эдим, қарс этиб синди. Қамиш саса майли-я, қофозниям йиртиб юборди. Ўзим катта акамга ялиниб-ялиниб аранг олган эдим. Тамом, Ҳаммаси тамом бўлди.

Ўтқир ҲОШИМОВ

Аламимдан йиглаб юборай дедим. Варракни бир тепган эдим, ерга ёпишиб қолди.

— *Ха?* — деди Сепкилли хола. — Нима қилди, күёв бола?

— Синди.

— Аканғта айт, бошқасини ясаб бера қосин.

Ясайди-я, ясайди! Мендан бошқа иши йўқми? Мактабдан бери келмайди-ку. Алам билан варракни яна бир тепдим-да, кўчага чиқиб кетдим. Шу кетганча кун ботганда қайтиб келдим. Ҳовлидаги арқонда қатор қилиб илинганд шимлар, кўйлаклар... Бир чеккада бизнинг “қушим бош” ўйнаганда лойга қоришаверib, уннишиб кетган дўппи ҳам қийшайиб турибди. Ойим нимкоронида бодом тагида тимирскиланиб юрибди.

— Ўлсин, эчкиям соғилмади, — деди мени кўриб. — Юр, ушлаб тур.

Эчкиимиз ювош бўлгани билан бაъзан “жини” тутиб қолар, соғиб бўлгунча типирчилаб, одамни безор қиларди. Шунда кичик акамми, менми, биронтамиз чўнқайиб унинг орқа оёқларидан маҳкам ушлаб туришга мажбур бўлародик. Ҳеч ҳам ёқмайдиган бу машғулот бугун менинг зиммамга тушишини билиб, қочиб қолишини мўлжаллаб турган эдим, ойимнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Сен қачон одам бўласан, зумраша! Ёшинг тўққизга чиқибию кўчада шаталоқ отишдан бери келмайсан! Ҳеч фойданг тегмасин, хўпми!

— Тўққиздамас, саккизда, — дедим чийиллаб.

— Ўчир овозингни! — Ойим бир дағдаға қилган эди, истар-истамас бориб эчкиининг оёғидан ушладим. Эчки барибир эчки-да! Питир-питир қилгани ҳам майлию ойим соғаёттанида, ийиб кетса қиладиган хунук “қили-

ри" бор. Кейин ярим соат кўйлакнинг олдини тозалашга тўғри келади...

Ойим наридан-бери ишини тугатди-да, буюрди:

— Ечиб юбор анови савилларни!

Улоқчаларни арқондан бўшатишм билан иккаласи диконглаб онасининг елинига ёпиши. Ойим бўлса сутни товоқларга солди-да, яна бодом тагида тимироскиланиб бир нимани қидира бошлади.

— Нимани қидирояпсиз? — дедим яқин бориб.

Боя уришгани учун ўзи ачиниб турган экан шекилли, елкамга қоқди.

— Ҳеч нима. Бор, овқатингни е, қорнинг очиб қолгандир. — Кейин бирдан қаддини ростладию хитоб қилди. — Вой, қаёқдан кун чиқди?! Ассалому алайкум!

Үгирилиб қарадиму уч-тўрт қадам нарида турган аммамга кўзим тушди. Ойим меҳмонни кўрмай қолганидан хижолат чекиб кучок очиб кўриши. Аммам жуда чиройли, юзида холи бор, қош-кўзи чақмоқдек хотин. Аммо жуда шаддод. Ҳар гапини худди мих қоққандек тарсиллатиб гапиради. Ойим ундан қўрқади. Келганда ҳурматини жойига қўймасин-чи, ўзини қаерда кўраркан.

— Ҳа? — деди аммам йўғон товушда. — Тўрвасини йўқоттан гадойдек талмовсираб қопсиз, келинпошша!?

— Йўқ, опа, ўзим... — Ойим чайналиб қолди. — Зирагим ўлгурнинг бир пойи тушиб қопти. Ҳалигина қулогимда турувди.

Қарасам, ойимнинг ўнг қулогидаги зираги йўқ. Ойим каттакон олтин ойбалдоғини жуда авайлар, қайнонамдан қолган ёдгорлик, деб мақтаниб юради.

— Майли, топилиб қолар, — деди у секингина. — Шу ерга тушган бўлса қаёқка кетарди.

— Ҳмм! — Аммам шундай таҳдидли бош чайқади-

Ўтқир ҲОШИМОВ

ки, қоронғи бұлса ҳам қоши чимирилиб кетганини аниқ күрдім. — Кетса, бойдан кетибди, дeng! Белингиз қайишиб топмаганинги здан кейин жонингиз ачимайды да, келинпошта!

Аммам құлидаги тутунни менга тутқазиб, үзи ҳам маҳсили калишининг учи билан ерни титкилай бошлади.

— Қўйинг, опажон, — ойим унинг елкасига охиста кафтини қўйди. — Юринг уйга, ҳали-замон укангиз келиб қоладилар.

— Үзи шунақа бұлади, — деди аммам ердан бөш күттармай. — От топади, эшак ейди! — Кейин бирдан қаддини ростлади да, ойимнинг кўзига тикилиб сўради.

— Ким кирган эди олдингизга?

— Ҳеч ким. — Ойим бир зум талмовсираб турди да, секин қушиб қўйди. — Ҳали пешинда Шаропат опа келувди. Шу...

— Шарапатми? — Аммам “тушунарли” дегандек ис-техзо билан лабини бурди. — Бўлти, омин облоҳу акбар!

Ҳали ойимнинг олдида пақир тўнкариб ўтирган Сепкилли хола кўз ўнгимга келди.

— Қўйинг, — деди ойим ялингудек бўлиб. — Бечорани унақа деманг. Бир пой зиракни нима қиласди?

— Пишириб ейди! — Аммам жаҳл билан қўл силтади.

— Қули эгрилигини биласиз, ўласизми эҳтиёт бўлсангиз?

— Йўғ-э, — деди ойим яна минғиллаб. — Бир пой зиракни нима қиласди?

— Яна гапиради-я! — Аммамнинг овози таҳдидли оҳангда баландлади. — Мана шу бир пой зирак қанча туришини биласизми? — деди ойимнинг чап қулогидағи ойбалдоқни бармоги билан нуқиб. — Үзи-ку тўйга борса, қўлига илинган нарсани тугунига тиқади.

Ойим нима қиласини билмай, жавдираб қолди. Да-

дам иккаласи Сепкилли холанинг ғалати қилиқларини гаплашишганини эшитганман. Тўйларда лаганми, пиёлами йўқолса Сепкилли холанинг уйидан топишар, хола “эсидан чиқиб” уйга олиб кетган бўларди. Ҳозир шуни эсладиму гоҳ ойимга, гоҳ аммамга қараб қолдим. Сепкилли холани жуда ёмон кўриб кетдим.

— Укангиз эшитмай қўя қолсинглар, -- ойим яна ялинди. — Топилиб қолар.

— Гўрни топилади! — Аммам қандайдир ғолибона қиёфада уй томон юрди. Кетидан куйманганча ойим ҳам эргашди.

Эртасига эрталаб турсам, ойим яна бодом тагини синчилаб кўздан кечиряпти. Кечаси билан ухламаган шекилли, кўзлари қовжираган... Мен ҳам ёрдамлашдим. Бироқ ойбалдоқ эртасига ҳам, индинига ҳам топилмади. Ойим дадам билмаслиги учун зиракнинг иккинчи поини ҳам ими-жимида аллақаерга яшириб қўя қолди.

... Эҳтимол, орадан икки ойча ўтиб Сепкилли хола тилла тиш қўйдирмаганида, бунинг устига худди ўша куни аммам яна келиб қолмаганида, зирак ҳам, бу гаплар ҳам унутилиб кеттан бўларди.

Айни ёз чилласида аммам тағин келди. Ёз чилласи экани шунинг учун ёдимда қолганки, ўша куни аммам икки бош чиллаки узум олиб келди. Шаҳарда туришса ҳам уларнида ток бор эди. Акаларим билан бир гужум-бир гужумдан талашиб едик. Қишлоқ жойни биласиз, биронникига меҳмон келса, албатта қўшнилар чиқади. Ўша оқшом биринчи бўлиб Сепкилли хола чиқди. Аммам билан айланиб-ўргилиб кўришди. Кейин ойимга юзланди.

— Ярашибдими? — У устки лабини бармоғи билан сал кўтарган эди, иккита олтин тиш ярақлаб кетди.

Ўткир ҲОШИМОВ

Тишлиар унинг сарғиши юзига жуда ярашган, ҳатто сепкилли ҳам билинмай кетган эди.

— Ярашибди, — деди ойим секингина. — Билагузингизни бердингизми?

Сепкилли хола негадир қизарди.

— Вой, йўқ, — деди кўйлагининг енгини шимариб. — Мана! Дадаси айтдилар. “Бермагин, келинингга қўрмана қиласан”, — дедилар. — У тилла тишини кўрсатиш учун бўлса керак лабини буриброқ жилмайди. — Анча инсоф кириб қолди дадасига. Ҳакимжоннинг тўйини тезлатиб юбордик, овсинжон! Худо хоҳласа, кузда қарс-бадабанг базм қиласиз.

— Асил тилла экан! — деди аммам ачитиб. — Буюрсин ишқилиб!

Сепкилли хола хурсанд, ойим нимадандир безовта, аммам бўлса чимирилиб ўтиради.

— Эрталаб чойни бизникида ича қолинг, — деб таклиф қилди Сепкилли хола.

— Йўғ-а, мен сахарлаб кетишим керак! — аммам юзини ўгирди.

Бироқ у эрталаб кетмаган экан. Аммамнинг қаттиқ-қаттиқ гапиришидан ўйғониб кетдим.

— Бирорнинг молидан ҳазар қилмаган ноинсоф! Ҳеч бўлмаса қўшнилигингни ўйламайсанми! Тиш ясатиш у ёқда турсин, минг кўйга солсаям, онагинамдан қолган молни танийман.

— Э, бунақаларда инсоф нима қиласи! — Бу онамниг овози эмасди. Қўрпанинг бир четидан мўраласам, маҳалланинг отин холаси — семиз хотин. — Қайси куни Иной чўлоқнинг йил ошисида иккита чойнак йўқолди, — деди у ҳасрат қилиб. — Шундан бошқа ит ҳам олмайди, деб ўчоқбошисига кирсам, турибди. Тумшуғидаги чегаси-

дан танидим. “Ха?” десам, “Адашиб кириб қолгандир-да”, дейди. Ха, ер юттур, чойнакнинг оёғи бор эканми, сеникига ўзидан-ўзи адашиб кирадиган!

— Тагин эрини мақтаганига ўлайми? Инсоф кириб қолган эмиш! — Аммам жаҳл билан қулини мушт қилиб, хонтахтага ботирган эди, бармоқлари шиқирлаб кетди.

— Ўлганда инсоф киради ўша бангি мўйловга.

Ойим чой кўтариб кирди.

— Қўйинглар энди, — деди илтижоли оҳангда. — Олган бўлса олгандир. Бироннинг қўлидан тутмагандан кейин нима дейсиз? Майли, мингдан-минг розиман.

— Сиз унақа бойваччалик қилманг, келинпошша! — деди аммам шахт билан. — Болангизни кийинтиринг. Ўзингиз ҳам отланиб дарров олдимга тушинг!

Ойим чойнакни хонтахтага қўяркан, гоҳ аммамга, гоҳ отин холага ҳайрон бўлиб қаради.

— Қаёқка?

— Очик мозорга! — Аммам ҳаммасига ойим айбдор-дек пичинг қилди. — Мажалламизда фолбин бор. Суф деса, ариқдаги сув тескари оқади. Ўшанга обораман. Мана, отин ҳам гувоҳ бўладилар, қайтарма қилдирали. Қани, бўйнига олмай кўрсин-чи.

Ойим бошини қуий солганча туриб қолди. Чамаси, иккиланар эди.

— Энди, — деди чайналиб, — кўзdek қўшни бўлсак...

— Ҳо-о! — аммам ўрнидан туриб кетди. — Бели оғримаганинг нон ейишини томоша қилинглар! Онаги-намдан қолган биттаю битта ёдгорлик йўқ бўлиб кетавераркану қўшнингизга жонингиз ачиб қолдими? Менинг совунимга кир ювмабсиз ҳали. Ҳақ жойида қарор топмагунча, қўймайман. — У менга ўтирилди-да, овози-

Ўтқир ҲОШИМОВ

ни мулойимлатди. — Мана, бола билан фол очади. Нораста бола ростини айтади. Борасанми?

Ўрнимдан иргишлаб туриб кетдим.

— Бораман! Бораман! — дедим бақириб.

Бўлмаса-чи, аммамниига борсак, трамвайга тушамиз! Маза қилиб узум ейман!

Чой ичиб бўлгандан кейин аммам, ойим, отин хола, мен — тўртовлашиб йўлга чиқдик. Бешёғочга етиб борсак бўлди. У ёғига трамвайга ўтирамизу жиринг-жиринг қилиб кетаверамиз. Маза!

Мазаликка мазаку-я, бироқ Бешёғочга етиб олгунча анча гап бор-да! Дўмбрободга чиқишимиз биланоқ ботинкам оёrimни сиқа бошлади. Ечиб, қўлимга овлодим. Ёзинг тонг палласида ялангоёқ тупроқ кечиб юришнинг завқи бошқача бўлади. Ундеқ майин, салқин тупроқ бармоқларингиз орасидан билқ-билқ отилиб чиқади. Кетаверасиз, кетаверасиз, ҳечам чарчамайсиз.

Лайлактепадан ўтиб Қозирободга борганда қайнама булоқдан муздай тиниқ сув ичдик. Кейин Чилонзор келди. Йўлнинг шундоқкина бўйида оқиши япрорини чанг босган, тиканлари “тиш қайраб” турган чакалакзор — чилонжийдалар (шунинг учун бу ерни Чилонзор дейилади). Йўлнинг икки четида нок кўп — нашвати нок, тош нок, гулоби нок. Нок ҳали пишмаган. Фақат тагидан ўтаётганингизда тупроқка тўкилган барги товонингизга ёпишиб, фашни келтиради.

“Сиймонқўприк”дан ўтишнинг ўзи бир томоша. Терак бўйи чуқурликда сув қорайиб оқади. Мўраласангиз, бошингиз айланади. Ойим кўприк четига боришга қўймайди: сув чақиравмиш, одам ўзидан-ўзи тушиб кетармиш... Кўприк ўртасидан от аравалар, эшак аравалар қаторлашиб ўтади. Бир томондагиси ўтгунча иккинчи

томондагиси пойлаб туради. Аравакашлар сўкинган, эшаклар ҳанграган, оғзидан тупуги осилган, устига қоп-қоп сомон тоғдек уюлган туялар ҳам ўтиб қолади. Шу кўприкдан ўтилса, трамвайнинг фийқиллагани эшитилиб туради — ўёғи Бешёфоч.

... Аммам айтган фолбинни худди Ача холамга ўхшаган лўли бўлса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, бошқача экан. Трамвайдан тушгандан кейин икки томонидаги деворлардан пишган ўриклар мўралаб турган жинқўчалардан ўтдик. Кейин гулсафсарлар ўсиб ётган аллақандай заҳкаш, каталакдек ҳовлига кириб қолдик. Ертўла соясида ётган кучукни кўриб, тўхтаб қолдим. Худди ўэзимнинг гуржи кучугимга ўхшаш кичкина, фақат қора эмас, оппоқ экан. Негадир акилламади ҳам.

Тўртовлашиб айвонга чиқдик. Оппоқ рўмол ўраган, кенг енгли қўйлак кийган юмшоққина кампир кулимсираб қарши олди. Шу хотиннинг фолбин эканига ишонгим келмасди.

— Айновний, — деди у юзимдан ўпиб. — Мунча ширин бу бола!

Айвон вассажуфтига тўрковоқ илинган, тўрковоқдаги бедана сийрамас, аммо ҳадеб сакрар, ҳар сакраганда шолча устига аллақандай дон тўкилар эди. Беданани томоша қилиб ўтиракманман, аммам бўлган воқеани тушунтириб берди.

— Юринглар, — деди кампир ўрнидан туриб. Кейин менинг елкамга қоқди.

— Сен ҳам юр, ширин бола.

Ҳаммамиз биргалалишиб девори хомсувоқ қилинган, пастак токчаларига баркашлар, аллақандай арабча китоблар тахлаб қўйилган нимкоронги хонага кирдик. Кампир индамай чиқиб кетди. Аммам, ойим, отин хола, мен

Ўткир ҲОШИМОВ

— ҳаммамиз шапарак кўрпачага тизилишиб ўтирик. Бир маҳал кампир бир қўлида каттакон чинни коса, бир қўлида чойшабга ўхшаш оқ мато кўтариб кирди.

— Сен бундай ўтири, ширин бола, — деди менга имо қилиб. Ҳонанинг ўртасига мени ўтқазиб қўйди. — Оёғингни узатиб ўтири. Йўқ, оёғингни очиброқ ўтири.

Кампир айтгандек қилиб ўтирган эдим, у оёғимнинг орасига косани қўйди. Қарасам, коса тўла сув.

— Сувга қараб ўтири, — деди у мулоиймлик билан. — Мен дуо ўқийман, сен қўзингга ким кўринса ўшани айтисан. — Шундай дедиую устимга чойшабни ёпди. Бир зумда ҳаммаёқни зулмат қоплади. Кампир мен тушунмайдиган алланималарни гапира бошлади. Бирпасда дамим қайтиб кетди. Юрагимни ваҳима босди.

— Ойи-и! — дедим йиғламсираб.

Кимдир елкамга туртди:

— Жим ўтири, ойинг қочиб кеттани йўқ.

Аммамнинг зардали овозини эшитиб, дамим ичимга тушиб кетди. Кўзим энди фира-шира кўра бошлади. Бироқ косада хира ялтираб турган сувдан бошқа нарса кўринмас эди. Кампир ҳамон бир оҳангда алланималар дер, кўз ўнгимда хира йилтираёттан сувдан бўлак нарса кўринмас эди. Орадан анча ўтди. Кимирамай ўтирганим учун бўйним, оёғим оғрий бошлади. Мени шунча азобга қолдирган аммамни ҳам, Сепкилли холани ҳам ёмон кўриб кетдим. Сепкилли хола ойимнинг зирагини ўғирламаганида ҳозир маза қилиб ўйнаб юрган бўлардим. Шуларни ўйлаб ўтиравердим, ўтиравердим... Бир маҳал қарасам, сув ичида Сепкилли хола мўралаб турибди. Нуқул кулади. Ҳатто юқори лаби остидаги иккита тилла тишигача аниқ кўрдим. Жонҳолатда бақириб юбордим:

— Сепкилли хола! Ана, Сепкилли хола!

Бирпасда устимдаги чойшабни олишди. Кўркқанимданми, нафасим қайтгани учунми, терлаб кетгандим.

— Гумонингиз тўғри экан, — деди фолбин кампир ойимга эмас, аммамга қараб. — Худо хоҳласа, олган молини қайтариб беради, эшонойи!

— Ана, айтмадимми! — аммам ғолибона қиёфада атрофидагиларга бирма-бир қараб чиқди. — Бориб итнинг кунини бошига солмасам, юрган эканман!

Ўша куни аммамнида ётиб қолдик. У ўзи айтганидек, эртасига Сепкилли холанинг бошига “итнинг кунини солди”. Уч хотин мениям етаклаб қўшининикига чиқицди. Сепкилли хола супага бўйра ёзиб пахта саваб ўтирган экан. Савағични ҳар урганда гуп-гуп эттан товуш чиқади, чанг кўтарилади. Эшикдан кириб келаёттан меҳмонларни кўриб, савағични ушлаганча дик этиб ўрнидан турди. Энди кўришмоқчи бўлиб қучогини ёзган эди, аммам бобиллаб берди:

— Бироннинг молига тиш қўйдирадиган ҳаромхўр билан кўришмайман!

Сепкилли хола қўлидаги савағични осилтирганча талмовсираб қолди.

— Бу... бу нима деганингиз, эшонойи? — деди ранги ўчиб.

— Бу деганим шуки, ўғирлаган нарсангизни жойига қўйинг!

Сепкилли холанинг ранги баттар ўчиб кетди.

— Нимани ўғирлабман? — деди овози қалтираб. — Айтинг, нимани олибман?

— Э қўйинг-э! — Аммам жаҳл билан қўл силтади. — Келинимнинг зирагидан тиш ясатиб олиб, тағин ўзини гўлликка солиб ўтирибди. — У отин холага юзланди. — Мана, гувоҳ! Норасида бола билан фол очирдим. Аниктаниқ сизни айтди.

Ўткир ҲОШИМОВ

— Вой ўлмасам! — Сепкилли холанинг қўлидан таёфи тушиб кетди. — Бу қанақа тұхмат! — деди йифи аралаш. Кейин ойимга юэланди. — Уялмайсизми, овсин пошша! Мана, не ниятда ўтирибман. Агар нинангизга теккан бўлсан, ниятимга етмай! — Кейинги сўзлар унинг бўғзидан йифи аралаш отилиб чиқди. — Тўртта боламнинг ўлигини устида ўтирай, хўпми!

— Вой, овсинжон, вой гапингиз қурсин! — деди ойим овози титраб. — Қайтиб олинг гапингизни! Олган бўлсангиз ҳам мингдан-минг розиман!

— Э, яна, гапиради-я! Бойвучча бўлмай тусингни ел есин! — Аммам шаҳд билан бурилди-да, нари кетди. Дарвоза олдига борганида орқасига қайрилиб қаради. — Яхшиси, бўйнингизга олинг, бўлмаса, қиёматда азобини тортасиз!

Зум ўтмай аммам билан отин хола чиқиб кетишиди. Сепкилли хола ҳамон пиқиллаб йиглар, ойим супа олдида бошини ҳам қилганча мунғайиб турар эди.

— Илоё тухмат қилган тухмат балосига учрасин! — деди Сепкилли хола йиглаб. — Илоё ниятига етмасин!

— Қўйинг, овсинжон. — Ойимнинг ўзи ҳам йиглаб юборай деб турарди. — Худоё, ўша бир пой зирақ ўлсин! Кўнглингизга олманг, жон овсинжон!

— Тухмат балосига учрамаса, розимасман! — Сепкилли хола шундай дедиую йиглаганча уйига кириб кетди.

Ойим бир зум супа олдида турди-турди-да, бирдан менга ўшқириди:

— Нимага серрайиб турибсан? Йўқол кўзимдан, жувонмарг!

Ёмон бўлди. Ўша кундан бошлаб Сепкилли хола ойим билан юэкўрмас бўлиб кетди. Аммо энг ёмони яна икки ойча ўтгач, салқин тушган кунлардан бирида бўлди.

Ўша куни мактабдан қайтсам, ойим сандиқ устига мук тушиб ўтирибди. Иссиқ кийимларни сандиқдан олган шекилли, уй ичини куя дорининг хиди тутиб кетган, бумаэзи кўйлаклар, чопонлар, қулоқчинининг или узилган телпаклар ер билан битта бўлиб ётиби. Йиғлайвериб, ойимнинг кўзлари шишиб кетган. Дадам урган бўлса керак, деб қўрқиб кетдим. Секин олдига келдим. У бўлса қайрилиб қарамади. Кўлидан ушлаган эдим, ойим илон чакқандек қўлини тортиб олди.

— Сен болани ер ютса бўлмасми! — деди ғазабдан кўзи ёниб. — Шу кунингдан кўра ўлиб қўя қолсанг бўлмасми, ер юткур!

Ойим ҳеч қачон бунақа қарғамагани учунми, йиғлаб юборай дедим.

Аммо шунча ёмон гапни тўсатдан эшигтганимга карахт бўлиб қолган эдим.

— Ўшанда нега унақа дединг, бўйгинанг лаҳатда чиригур! — деди у яна дағдага билан.

— Қачон? Нима дедим?

— Фолбинникида, гўрсўхта, фолбинникида! — Ойим овози борича чинқирди. — Нега Сепкилли холамни кўрдим, дединг?

— Нима қиласми! — дедим аламдан чийиллаб. — Кўзимга кўринганини айтдим-да!

— Мана-ку, кўзгинанг тешилгур, мана-ку! — Ойим кафтидаги алланимани ерга улоқтириди. Олтин балдоқ ерга тушиб жиринглаб сакраб кетди. — Тўркўйлагимга илиниб қолган экан-ку! Йўқол, кўзимдан йўқол! Бир бегуноҳга тухмат қилгандан кўра ўлганим яхшимасми! — У бирдан мени қучоқлаб, юзимни юзига босганча ҳиқиллаб қолди. — Энди нима қила-миз, жон болам!

Ўткир ҲОШИМОВ

Ойимнинг кўз ёши бирпасда юзимни жиққа сув қилиб юборди.

— Нима қиласиз, ўғлим! Бу шармандаликка қандоқ чидайман, ўғилжоним! — Ойим мадори қуригандек, сандиқ устига мук тушиб қолди.

Орадан кўп ўтмай тўй бўлди. Сепкилли хола ойимни тўйга айтмади. Бироқ ойим бир тогора қуштили пиширди. Ҳеч нима бўлмагандек, тўйхонага чиқдию елиб-югуриб хизмат қилиб кетаверди.

Кечкурун ҳовлининг ўртасида тўнка қўйиб гулхан ёкишди. Сепкилли холанинг ўзига ўхшаб кетадиган сарғиш юэли Ҳаким акага тўн кийгишиб, салла ўратишиди, гулхан атрофини уч марта айлантиришди, карнай-сурнай чалинди... Уй ичидаги аёллар, Зеби хола дутор черттан, хотинлар тортишмачоқ қилган... Ҳўжа, Той, Вали, мен — тўртовлашиб тортишмачоқ билан овора бўлиб турган хотинлар орасига шўнгиймизу чўнтақни ширинликка тўлдириб чиқамиз... Кейин тўйхонанинг қоронғи бурчакларида роса бекинмачоқ ўйнадик.

Ўша куни кеч ётган бўлсан ҳам жуда эрта уйғондим. Энди тонг отган экан. Қарасам, уйда ҳеч ким йўқ. Демак, тўйхонага чиқишиган.

Мен ҳам юзимни “мушук ювиш” қилдиму ўша ёкка чопдим. Бўлмаса-чи, ҳозир келин салом бўлади-да.

Хайрият, келин саломга кеч қолмабман. Ҳовли бет-кайида Сепкилли холанинг қариндош-уруғлари, тўйда хизмат қилганлар тўпланиб туришибди. Эркаклар кам, хотинлар кўп. Факат ойим кўринмайди. Ҳовли этагидаги тўнкариб қўйилган қозон орқасида фўлага миниб ўтирган Валини кўриб, имлаб чақирдим.

Бир маҳал отин хола (Сепкилли холанинг қўли эгрилигидан шикоят қилган, биз билан фолбинникига борган

худди ўша семиз отин хола) оқ шолрўмод ёпинган, атлас кўйлаги устидан олдига уқа тутилган нимча кийган келинчакни етаклаб остоная олиб чиқди. Парда орқасидан келиннинг юзи яхши кўринмас эди. Бироқ яқинроқда турган нотаниш хотиннинг кўзи ўткир экан.

— Вуй, мунча чиройли! — деди қаттиқ шивирлаб. — Бир қошиқ сув билан юттудек-а!

— Бахти бор экан сарик машакни! — деди бошқаси унга жавобан.

Отин хола бир томоқ қириб олди-да, овози борича бақирди:

— Ассалому алайкум, келин сало-о-ом!

Келинчак оҳиста бош эгди. Ҳовлидагилар чекка-чеккадан маъқуллаб жавоб қилишди:

— Барака топсин!

— Раҳмат.

— Қўшгани билан қўша қарисин.

Отин хола яна бир марта томоқ қириб, овозини соз-лаб олди-да, боягидан ҳам баландроқ ҳайкирди:

— Ассалому алайкум, келин сало-о-о-м!

*Кармонни катта очган
Аямай пулни сочган,
Қоринлари ҳопдай,
Мўйловлари шопдай
Қайнотасига сало-о-м!*

Одамлар чекка-чеккадан кулиб юборишли. Исройл мўйлов ҳовли этагидаги хонадан карнайга ўхшатиб ўралган каттакон наматни қўлтиқлаб чиқди. Ҳовли ўртасидан пишиллаб ўтди-да, наматни обориб келиннинг оёғи тагига қўйди. Мўйловини ғолибона қиёфада бир

Ўткир ҲОШИМОВ

бураган эди, хотинлар қий-чув солиб кулиб юбориши. Йсройл мўйлов ували-жували бўлинглар, деб фотиха ўқиди. Отин хола яна бир томоқ қириб олди:

— Ассалому алайкум, келин сало-о-о-ом!

*Тили билан тенг айланадиган,
Хизматига шайланадиган,
Тўйдан қурук қайтмайдиган,
Сўзлари мойдай, юзлари ойдай,
Қайнонасига сало-о-м!*

Яна қахқаҳа кўтарилди. Сепкилли хола қизариб-бўзарив, одамлар орасидан ўтди-да, келин томонга талпинди. Қўлидаги бир даста чинни косани келиннинг бошига қўйди.

Отин хола тағин давом этди.

— Ассалому алайкум, келин сало-о-о-м!

*Дуторини сайратган,
Дилимиэни яйратган,
Зеби опага сало-о-м!*

Зеби хола эркакча юриш қилиб яқин борган эди, ичкаридан тугун олиб чиқиши. Зеби хола тугунни оларкан, келиннинг елкасига қоқди.

— Бахти бўлгин, қизим!

Отин хола у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, давом этди.

— Ассалому алайкум, келин сало-о-ом! Бири—биридан ширин, бири—биридан асал қайнисингилларига сало-о-ом!

Ҳаким аканинг укаси йўқ, учта синглиси бор эди. Учовлари иккита-иккитадан пиёла кўтариб қаторлашиб бориши. Бирига атир, бирига сочиқ, энг кичкина Сайдага рўмолча тегди...

Отин хола келиннинг рўмолини ўнглаб қўйди-да, тагин янги куч билан ҳайқирди:

— Ассалому алайкум келин сало-о-ом! Оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қилган, келиннинг қўлидан ишини оладиган, оғзига ошини соладиган ён қўшни-жон қўшниларга сало-о-ом!

Ойим шу ерда эканини энди пайқадим. У одамлар орасидан ранги ўчиброқ ўтди-да, қандайдир, ишончсиз қадамлар билан келин томонга юра бошлади. Ҳатто остона олдига боргандা бир қалқиб кетгандек бўлди. Қўлида ҳеч нима йўқ эди. Бироқ секин-секин зинадан кўтарилдию келиннинг юзидағи пардани қия очди. Ҳовлидаги хотинлар пичир-пичирга тушиб қолишиди.

— Нима қиляптилар?

— Вой, ўлмасам!

Отин холанинг ҳам ғаши келди шекилли, дашном берди:

— Номаҳрамлар бор-а, пошша!

— Тўхтанг, — деди ойим негадир овози титраб. Шоша-пиша келиннинг қулоғидаги эиракларни еча бошлади.— Ушланг буни! — деди сирғаларни келиннинг қўлига тутқазиб. Кейин ўзининг нимчасига қўл солдию каттакон олтин ойбалдоғини чиқарди. Қўллари титраганча иккаласини келиннинг икки қулоғига тақди.

— Ният қилгандим, — деди ойим отин холага қараб.

— Шуни ният қилиб қўювдим. — Шундай дедиую секин эгилиб, келиннинг пешонасидан ўпди. — Илоё, қўша қаринглар!

Ойбалдоқ шол рўмол тагидан ҳам ярақлаб кўриниб турар, келиннинг ҳуснига ҳусн қўшиб юборгандек эди. Чекка-чеккадаги хотинларнинг ҳайратли хитоби эшитилди:

Ўткир ҲОШИМОВ

- Вуй-й-й-й!
- Асл тилламикан?
- Нима, қалбакисини қилиб эсини ебдими?
- Мана бундоқ қўшилар бўлади жаҳонда!

Бир зум гангид қолган отин хола овози борича хайқирди:

— Қиличдек ўғилларни ўстирган, тўйда елиб-югурган, ой деса, ойдек, Хотам Тойдек пошша опасига сало-о-м!

Ойим одамлар орасидан туртаниб ўтди-да, чеккага чиқди. Шундагина келин томонга ўтирилиб, мамнун жилмайди... Унинг кўзида ёш бор эди.

ЎРИС БОЛАНИНГ ОЙИСИ

Шанба куни машинани дарвоза олдига олиб чиқишим билан мотор ўчиб қолди. Генератор ток беряпти, бензин насоси ишляпти. Таваккал қилиб карбюраторни кавлаштиришга тушдим. Очишга очдиму беморнинг қорнини ёриб қўйиб, у ёғига нима қилишини билмаган нўноқ жарроҳдек довдираб қолдим. Муштдек аппарат ичидаги шунча мурват борлигини билмаган эканман. Ҳаммасини қандоқ бўлса шундоқлигича жой-жойига қўйиб чиққан эдим, яна аллақанча винтлар, гайкалар “ортиб қолди”. Нима қилишимни билмай тажанг бўлиб турсам, орқада юк машинасининг вошиллаб тормоз бергани эшитилди. Кабина эшиги тарақлаб очилди. Қарасам, ўзимнинг болаликдан бирга ўсган “ўрис ўртоғим” Вали тушиб келяпти. (Асли оти Валентин эканини кейин билганман.) Махаллада шу боланинг олдига тушадиган шофёр йўқ. Ўзи ҳам муштдек бошидан темир-терсакка қизикади.

— Бормисан! — дедим кувониб. — Касал тузаламан деса, табиб ўз оёғи билан келади-да.

У шошилмасдан олдимга келди.

— Нима бўлди? — деди моторга мўралаб.

— Буни кўрмайсанми, — деб қўлимдаги мурватларни кўрсатдим. — Олмадек нарсага шунча лаш-лушни эринмасдан жойлашганига қара! Инженерлар ҳам овсар экан!

У “операция” бўлган карбюраторга қаради-да, ҳуштак чалиб юборди.

— Инженерлар аҳмоқмас, сен аҳмоқсан! — деди жингалак соchlарини силкитиб. — Эртадан бошлаб мен ҳам китоб ёзиб ташласам нима бўлади? Ақлинг етмаган ишга аралашиб нима қиласан?

Фарибона қиёфада илжайиб турган бўлсан керак, у кулиб юборди. Паралон курткасини ечиб, машина томига ташлади-да, буюорди:

— Отверткангни ол!

Бироқ ишга киришмади.

— Айтмоқчи, мамашкани олиб келувдим, — деди ЗИЛ томонга имо қилиб. — Сизлар гаплашиб тургунларингча бүёғини амаллаб кўраман.

Боядан бери эътибор бермаган эканман. Юк машинасининг кабинасида ўтирган Зеби холани энди кўрдим. Икковлашиб машина олдига бордик. Вали зинага сакраб чиқиб кабина эшигини очди. Бошига қалин рўмол ўраган, қора бахмал нимча кийган ойисини кўтаргудек бўлиб зинадан тушироди. Қарасам, Зеби хола муштдеккина бўлиб қолибди. Ойимнинг маъракаларида келганида ўз ташвишим билан бўлиб, разм солмаган эканман, энди пайқадим. Аввалги алп қоматли, юрганида ер гурсиллайдиган Зеби холанинг ярми ҳам қолмабди. Рўмоли остидан чиқиб турган соchlари қордек оқариб кетибди. Қоп-қора юзи янаем қорайиб, кўкимтири тусга киргандек.

Ўтқир ҲОШИМОВ

— Пошша синглимдан қолган ёдгорим! — деди у мени бағрига босаркан, бүғиқ овозда. Озғин құли билан елкамга қоқиб, оғир-оғир ҳарсиллаб нафас олди. — Үзимнинг шириң үғлимдан үргилай, яхши үтирибсанми?

Болаликдан қулогига райхон тақиб юришига күнишиб қолганим учунми, ҳозир ҳам ундан райхон иси аңқиб кетгандек бўлди.

— Юринг, — дедим уйга бошлаб. — Бирпас дам олинг.

— Йўқ, у ёқдамас, синглимнинг уйида үтираман. — Зеби хола оғир-оғир қадам босганча, ойимнинг хонасига қараб юрди. — Синглимнинг жойида бирпас үтирай, — дедиу доим ойим үтирадиган жойга, дераза тагига чўқди. Бўғиқ овози титраб узоқ тиловат қилди. — Дунё шунақа экан, жон болам, — деди ўйчан овозда. — Ҳамма бир-бир кетавераркан...

— Ўзингиз бардаммисиз, хола? — дедим сўлғин юзига, титраб турган қоп-қора қўлларига қараб. — Неваралар катта бўлиб қолдими!

— Худога шукур, болагинам ўзидан кўпайди. Олти неваранинг дусини қилиб үтирибман. Валижоним битта бўлса ҳам ўнтага татийдиган чиқди. — Зеби хола шошилмасдан чой ҳутларкан, девордаги михга илиғлик духоба филофли дуторга қараб-қараб қўйди. Ойим дуторни жуда авайлар, “адангдан қолган ёдгорлик”, деб доим кўз ўнгидаги сақларди. Шу ондаёқ болаликдаги хотиралар, Зеби холанинг дутор чалганлари эсимга тушдиу секин сўрадим:

— Ҳали ҳам чалиб турасизми?

Зеби хола маъюс жилмайди.

— Дутор чалиш қатта, болам. Қўл ўлгур титрайди. — У бир зум жимиб қолди-да, ўйчан давом этди. — Қайси куни туш кўрсам, пошша синглим билан бир жойда үти-

рибмиз. Нуқул дутор чалаётган эмишман. — У шикаста кулди. — Одамзод шунақа экан, — деди хўрсиниб. — Бола-чақам деркан, еларкан-югуаркан, энди оғзи ошга етганда йиқиларкан. — У титроқ қўллари билан тиззасининг кўзини силади. — Сал совуқ турса, оёғим шишиб кетади. Валижон маҳси обераман, ўзингиз кийиб кўриб танлайсиз, деб қўймади. Кетаётган жойимда бирров синглимниги кириб чиқай, дедим.

Яна чой қуийиб узаттан эдим, Зеби хола бош чайқади.

— Майли, болам, мен бора қолай энди.

Икковлашиб ташқарига чиқканимиизда Вали менинг машинамда ўтирас, моторни гуриллатиб синааб кўрар эди.

— Бўлди, — деди ўтирган жойида деразадан бошини чиқариб. — Иккинчи бунақа устачилик қилсанг, ўзингдан кўр.

Икковлашиб Зеби холани кабинага чиқардик. Вали нариги эшиқдан кирдию машинасини гуриллатганча ҳайдаб кетди. ЗИЛ муюлишда кўздан фойиб бўлиши билан фира-шира тонг палласида кўрган тушдек хотиралар ёпирилиб келди.

* * *

Зеби холадан ҳайиқмайдиган бола йўқ эди. Эркаклардек барваста гавдали, қоп-қора бу хотиннинг ўғон овози ҳам, узун қирра бурни, кетмонни елкасига ташланча этик кийиб фоз юриши ҳам бошқа аёлларга үхшамас, ҳатто қорамтирип сийрак мўйловигача бор эди. У қачон қараса қулоғигарайхон тақиб юрас, Дархон арифи бўйидаги ҳовлисида ёз бўйирайхонлар барқ уриб ётарди. уни биринчи марта кўрганимдаёқ қўрқиб қолганман. Ўшанда жуда кичкина бўлсам керак. Ойимга эргашиб Зеби холаниги бордим. Нимагалиги эсимда йўғу хар-

Ўткир ҲОШИМОВ

хаша қилавердим. Ойим у деб кўрди, бу деб кўрди, бўлмади. Шунда Зеби холанинг жаҳли чиқиб кетди.

— Жим бўласанми ё ҳозир иштонимга қамаб кўйими! — деди дўриллаб. Унинг важоҳати шу қадар кўркгулик эдики, овозим ўчди-қолди.

...Зеби хола сап-сариқ жингалак сочли, кўк кўз “ўрис бола”сини — Валини жонидан яхши кўради. Қайси тўйга борса, кўйлагининг енгига попукқанд, монпаси, жийда солиб келарди. Унинг енги шунчали баракали эдики, Валининг дўпписи бирпасда шириналликка тўлиб чиқарди. Вали қизғанчиқ эмас, ойиси олиб келганларни ҳамма билан баҳам кўради... Бироқ биронта бола Валини чёртса борми, ойисидан балога қолади. Зеби хола ўша заҳоти айбдор боланинг онасини юмма талайди. “Сен эчкига ўхшаб ҳар йили болалайсан, меники атиги битта! — дейди шангиллаб. — Қани, яна бир марта қўл тегизиб кўрсин-чи, қўлини синдириб ўчоққа тиқаман!”

Зеби хола боласини бунчалик авайлаганча бор эди. Дадамнинг айтишига қараганда, уруш бўлаётган жойдан келтирилган болалардан биттасини берасанлар, деб Зеби хола ҳам борибди. Аммо ўша идорадагилар кўнишмабди. “Сиз сўққабошсиз, топиш-тушишингизнинг мазаси йўқ”, дейишибди. Шунда Зеби хола курсини муштлаб чунонам тўполон кўтарибдики, ноилож мана шу Валини хатлаб беришибди.

Зеби хола сўққабош бўлсаям, Валини камситмаган. Қўй сўйиб, юртга ош бериб, тўйини ҳам қилиб берган.

Вали ҳам биринчи синфда мен билан ўқир, ҳисобдан яхши эдию она тилидан қийналарди. «Қ» билан «F»ни айтишга ҳеч тили келишмасди. Рисолат опа деган чиройли ўқитувчи опамиз буни билгани учун Валини кўп ҳам қийнамасди. У доим дераза олдидағи партада ўтиради.

Бир куни мактабга комиссия келиб қолди. Бир эмас, тўрт киши орқа партага бориб ўтиришди. Ўқитувчи опамиз дарс ўтяптию ҳаяжондан овози титрайди. Синф жимжит. Шу пайт дераза шарақлаб очилди-да, Зеби холанинг йўғон овози эшитилди.

— Вали, ма, нон!

Ҳаммамиз ўша томонга қарадик, Валининг сариқ юзи оловдек ёниб кетди. Нима дейишини билмай нуқул “кетинг”, деб имлайди. Зеби хола бўлса деразадан иккита арпа нон узатиб турибди.

— Олсанг-чи, қўлим куйиб кетди! — деди у зарда билан.

Синфхонани бирпасда иссиқ нон ҳиди тутиб кетди.

Рисолат опамиз бир зум эсанкираб турди-да, ташкарига югарди.

— Нима қиляпсиз, хола? — деди йиғлагудек бўлиб. — Мактаб-ку бу!

— Мактаблигини ўзим ҳам биламан! Мачитта келганим йўқ! — Зеби хола овозини баралла қўйиб дўриллади. — Болам эрталаб чой ичмасдан чиқиб кетувди. Оч ўтирсинми энди?

Рисолат опамиз ялинишга тушди:

— Жон хола, комиссия бор.

— Нима, камиссиянг нон емайдими! Болам бир кун кеч олим бўлса бўлар. “Камиссия келди”, деб тишининг кирини сўриб ўтирсинми?

Боядан бери сув қўйгандек жимжит бўлиб турган синфхонада тўсатдан қахқча порглади.

— Ана, камиссиянгнинг ўзиям куляпти-ку! — Зеби хола деразадан бошини сукди. — Ма, болам, еб ол, уялма!

...Бир куни жўрабошимиз сигирини қайтармагани учун Валини уриб бурнини қонатди. Эртасига қизиқ

Ўткир ҲОШИМОВ

бўлди. Тол соясида дам олиб ўтирсак, майдонча четида Зеби хола кўринди.

Той жўрабошининг елкасига туртди.

— Ўлдинг! Зеби хола келяпти, қоч!

Жўрабошининг кўзи олайиб кетди. Қаддини ростладиу кейин қўл силтаб шинелига ёнбошлади.

— Қатта уради! Ўзи зўрга келяпти-ку.

Қарасак, Зеби хола чиндан ҳам зўрга-зўрга келяпти. Қўлидаги таёққа суюниб икки қадам юради-да, тўхтайди. Оқсоқланиб қадам босади.

— Иккилиб оёғи синганга ўхшайди, — деди жўрабошимиз.

Зеби хола инқиллаб-синқиллаб яқин келди. Аммо беш қадамча қолганда бирдан чўлоқлиги тузалиб қолди. Таёқни баланд кўтарганича икки ҳатлаб жўрабошининг тепасига келди. Таёқнинг қарсиллаши билан жўрабошининг додлаши баравар эшитилди.

— Мана уриш! — деди Зеби хола дўриллаб. — Уриш мана бунақа бўлади. — У жўрабошининг гарданига тағин тушироди. — Ўзидан кичкинанинг бурнини қонатиш мана бунақа бўлади!

Жўрабоши жонхолатда думалар, аммо қочолмасди.

— Ойи! Урманг, ойи! — Вали ойисининг қўлидаги таёққа ёпишди.

— Тавба қилдим! — Жўрабоши типирчилаб, кафти билан бошини пана қилди. — Жон хола, үлай агар, иккинчи қилмайман!

— Ойи! — Вали Зеби холани кучоқлаб олди. — Керакмас!

Зеби хола таёқни улоқтироди.

— Нима, мени болам малайми сенга?! — деди дағда-

фа билан. — Сенинг молингни боқсин деб катта қилиб қўйибманни болани?!

...Ўша воқеадан кейин жўрабошимиз анча ювош тортиб қолди. Учинчими, тўртингчи куни морган каттакон қовоқ кўтариб келди. Тол соясида ўтириб қовоқни икки паллага айирди-да, қирғич билан тозалашга тушди. Кейин паллаларнинг қиррасини арранинг тишига ўхшатиб жимжимадор қилиб қирқиб чиқди. Икки паллани бир-бирига ёпган эди, ораси ковак коптокка айланди қолди.

— Нима қилмоқчисан? — деди Той бурнини тортиб.

— Бурнингта осиб қўяман! — деди тўнғиллаб жўрабоши. — Артиб овора бўлиб юрмайсан. — Кейин қовоқни бир чеккага қўйди-да, Тойга буюорди. — Коронги тушганда шу ерга келасан. Сен ҳам, — деди менга имо қилиб. — Хўжа барибир келолмайди. Дадаси чиқармайди.

— Нимага ўзи? — дедим тушунмай.

— Цирк кўрсатаман.

— Вали-чи, Вали ҳам келадими? — дедим нарироқда тол ёғочидан ҳуштак ясаётган Валига имо қилиб.

— Йўқ, — Жўрабоши кескин бош чайқади. — У ҳам ойисидан қўрқади. Эс-эс, ким келмаса пес!

Кечки овқатдан кейин бекинмачоқ ўйнаётган акаларимнинг кўзини шамфалат қилиб майдончага чиқдим. Коронфида, тол тагида Той билан жўрабоши турибди. Жўрабошининг қўлида бояги қовоқ. Фақат одамнинг бошига ўхшатиб “ориз-бурун” тешиб қўйибди. Негадир ҳаммаёқни лампамой ҳиди тутиб кеттан...

— Лайчанг нимага келди? — деб тўнғиллади жўрабоши.

Қарасам, гуржи кучугим оёғим тагида думини ликиллатиб турибди.

— Ўзидан сўра! — дедим мен ҳам тўнғиллаб.

Ўткир ҲОШИМОВ

Жўрабоши ердан кесак олиб отган эди, ит ангиллаб қочди.

— Нега урасан?

— Ҳалакит беради! — деди жўрабоши зарда билан. — Юр, бўлмаса кеч қоламиз.

Той иккаламиз беихтиёр унга эргашдик. Қаторлашиб Дархон арифининг бўйига бордик. Ариқ шу ердан бурилиб оқар, нарироқда шоҳ-шаббалар устига тупроқ ташлаб ясалган кўпrik бор эди. Жўрабоши Той иккаламизни мажнунтоллар қуюқ ўсган қоронги соҳилга олиб тушди. Негадир юрагимни қўрқув босди.

— Нима қиласмиз ўзи? — дедим овозимни баландлатиб.

— Ўчир! — Жўрабоши керосин ҳиди анқиб турган муштини бурнимга тиради. — Финг десанг, сувга отвараман.

Шу пайт узоқдан аллакимнинг қадам товуши эши-тилди.

— Келяпти! — деди жўрабоши пичирлаб. Шоша-пиша қовоқ палласини очди. Керосин ҳиди қаердан келаёттанини энди билдим: қовоқнинг ичи тўла лампамойга ботирилган латта экан. Жўрабоши ёнидан гутурт олиб чакқан эди, лоп этиб олов кўтарилиди. У чакконлик билан иккинчи паллани ёпди-да, қовоқни сувга қўйиб юборди. Сув юзасида “офиз-бурни”дан олов чиқараётган “калла” қалкиб-қалқиб сузиб кетди. Жўрабошининг ниятини энди тушундим. Бояги қадам товушлари Зеби холаники эканини ҳам энди билдим. Қоронги бўлса-да, катта-катта қадам ташлашидан, елкасидаги кетмонидан танидим. Ҳушимни йифиб олгунимча у тупроқ кўпrik устига келиб қолди. Сув юзида қалқиб келаётган оловли “калла”ни кўрдию таққа тўхтади.

— Вой,вой ўлмасам! — деди-да, кўпrik устига таппа ўтириб қолди. — Бис-бис-бисмилло... — деди дудуқла-

ниб. Ҳатто товуши ҳам ингичкалашиб кетгандек бўлди. Кейин гандираклаб ўрнидан турди-да, овози борича қичқириди. — Дод,вой-дод!

Ўрнимдан отилиб турдим.

— Кўркманг, хола! — дедим бақириб. Аммо жўрабоши билагимдан маҳкам тутиб, керосин ҳиди анқиб турган кафти билан оғзимни тўсди. Кўнглим айниб кетди.

— Кўйвор, эшак! — дедим бўғилиб. — Барибир айтиб бераман!

— Айтиб кўр-чи! — Жўрабоши яна муштини дў-лайтириди. — Жигингни эзиб қўяман!

Боядан бери анграйиб турган Той жаҳл билан қўл силтади-да, индамай нари кетди.

Эртасига чой устида ойим вахимали хабарни дадамга айтиб берди:

— Зеби опа шўрлик бир ҳолатда ётиби. Ажина кўрдим, дейди. Оғзидан олов сочиб бечорага даф қилганмиш. Ё кўэига кўринганми...

Дадам жеркиб берди:

— Ажинага бало борми? Битта-яримта худобехабар қўрқитгандир-да.

— Бечорага шу қўргилик ҳам бор экан, — деди ойим изтироб билан. — Узининг фами етмасмиди...

Ҳаммасига мен айбордек секин бошимни ичимга тортдиму мум тишлаб ўтиравердим.

Зеби холанинг нима фами борлигини бир ҳафтадан кейин тушундим. Ўша куни Ҳожи бувининг чорбоғида сумалак бўлди. Қийғос гуллаган ўрик тагига шолча ёзилган, ҳамма топганини олиб чиққан, хотинлар бир-бирига гап бермайчувиллашар, биз болалар ҳам сумалак ялашдан бенасиб қолмаслик учун атрофда ўралашар эдик. Ўшанда Вали билан янги ўйин топиб олгандик.

Ўтқир ҲОШИМОВ

Бақувватроқ симни «Ч» ҳарфига үшшатиб буклаймиз-да, эски бочкадан чиққан темир ҳалқага тираб ғилдиратамиз. Қанча тез югурсак, ғилдирак шунча қаттиқ жаранглайди. Агар овозини пасайтиromoқчи бўлсак, бунинг ҳам йўли бор: ғилдиракни сувга ботириб олсак, овози чиқмайди. Маза!

Бир маҳал Зеби холанинг олдида ўтирган ойим имлаб чакириб қолди.

— Ўртоғинг билан боргин-да, — деди секин, — адангнинг ҳужрасидаги дуторни обке.

Иккиланиб қолдим. Дуторга ҳеч ким қўл тегизолмас, дадам уни доим ҳужрасида сақлар, баъзан кечқурунлари “Дилхирож”, “Тўрғай”, “Қари наво”, яна аллақандай куйларни чалиб ўтиришни яхши кўрарди. Ойимнинг айтишича, дадам дуторни ёшлигида энг зўр устага буюортириб ясатган экан.

— Билиб қосалар уришадилар-ку, — дедим оёғим тортмай.

— Билмайди! — Зеби хола қўл силтаб дўриллади. — Нима, еб қўярмидим.

— Кетдик! — дедим Валига.

Иккаламиз ғилдиракларни жаранглатганча югуриб кетдик.

— Эҳтиёт бўл, синдириб қўйма! — деб бақирди ойим кетимиздан.

...Зеби хола филофни очган заҳоти дутор садафлари ярақлаб кетди. У дуторни черта бошлаши биланоқ, боядан беричувир-чувир қилаётган хотинлар жимиб қолишиди. Қизиқ, ўзим ҳам ўрикка суянганча бир қўлимда сим, бир қўлимда ғилдирак билан қотиб қолдим. Дутор дадамнинг қўлида қандайдир шўх, баланд овозда жаранглар эди. Ҳозир Зеби хола чертганда эса инграб

юборгандек бўлди. Гўё дуторни Зеби хола чалмас, торларнинг ўзи нола қилар эди. Аёллар ҳар хил алпозда сеҳрлангандек қотиб қолишган, баҳор чечаклари барқ урган дараҳтзор орасида, оқишиштирик гуллари қанотида, Ҳожи бувининг қизғалдоқлар ловулмаган пастак томи устидан нурдек майин куй тараларди.

Зеби хола бир-икки томоқ қириб олди-да, қўшиқ бошлиди. Унинг эркакларни кига ўхшаш дўриллаган овози ашула айтганида шу қадар ёқимли бўлиб кетганига ҳайрон қолдим. Йўқ, унинг товуши майнлашгани йўқ. Аммо у шунчалик босиқ, шунчалик ўртаниб куйлардики, баданим жимирилаб кетди.

*Ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан,
Чанги чиқса сув сепай кўздаги ёшим билан...*

Майин шамол эсар, ўрик гуллари унсиз тўкилар, дараҳтзор остида майсалар оҳиста тебранаар, аммо бутун табиат бир зум унсиз бўлиб қолган, ҳамма-ҳаммаси фақат мана шу дутор садоларию мана шу қўшиқни тинглаш учун тинчидек қолгандек эди. Уша манзарани ўйласам, хаёлимга ҳадеб бир гап келади.

Кейин, катта бўлганимдан кейин ҳам муҳаббат ҳакида, вафо ҳакида кўп қўшиқлар эшигтдим. Бироқ, аёл садоқати тўғрисида бундан яхши ашула эшигтганим йўқ...

Зеби хола энди кўзларини ярим юмганча бошқа қўшиқ айтарди.

*Жон болам, жоним болам, қайлардасан, бергил хабар,
Ғамда бошим, кўзда ёшим, ичганим бўлди эзҳар.
Заъфарондек сарғаюрман ҳасратингда қон ютиб,
Кўзларимнинг нури кетди ўйларинга кўз тутиб.*

Ўтқир ҲОШИМОВ

Ҳаммамиз қўрқадиган, қўрганда ҳаммамиз қочадиган Зеби хола шуми? Ўша қўпол, ўша жаҳлдор Зеби холами шу? Валининг ойисида шунча дард бормиди? Шунча алами бор эканми? Нимага биз билмаган эканмиз?

Зеби холанинг юмуқ кўзларидан икки томчи ёш силқиб чиқдию қирра бурнининг четида тұхтаб қолди. Дуторни ёнбошига қўйди-да, кенг енгининг учи билан қўзини артди. Ҳамма жимиб қолган, ҳеч ким биринчи бўлиб гапиришга журъат этолмас эди.

— Ҳеч бўлмаса, Кимсаним келгандаям майли эди, — деди у хўрсиниб.

— Қўйинг, опажон, — деди ойим секин. — Унақа деманг, Ҳудога шукур, мана бор-ку. — Ойим нарирокда филдирак ушлаб мўлтираб турган Валига имо қилди. — Насиб этса, тўйлар қиласиз, қўша-қўша неваралар кўрасиз.

Зеби хола ялт этиб Валига қаради. Қўзида ёш билан жилмайди.

— Сумалак едингми, ўғлим? Корнинг очиб қолгандир?

— Едим, — деди Вали секин. У ҳам ойисининг йиғлаганини кўриб ўпкаси тўлиб туради.

— Бўлмаса, ўйнай қолинглар.

Бирпастдан кейин Зеби хола бизни яна чақирди.

— Обориб қўя қол жойига, — деди дуторни филофга солиб. — Дадангдан балога қолиб юрмай тағин.

Бир қўлимда дутор, бир қўлим билан филдирак филдираганча йўлга тушдим. Вали ҳам филдирагини айлантириб ёнма-ён борар, аммо энди аввалгидек ютурмас эдик. Қулогимда ҳамон Зеби холанинг қўшиғи янграб турад, гўё филдираклар ҳам филдирак эмас, дуторнинг икки тори эди. Ана, иккови бир-бирига жўр бўлиб жаранглайти. Зеби хола бўлса ҳамон қўшиқ айтяпти:

“Жон болам, жоним болам, қайлардасан, бергил хабар...”

Четини ўт босган ариқчадан ўтаётганда фидирагим сакраб кетди. Бир ҳатлаб олдинга талпинган эдим, ўтта сирғаниб йиқилиб тушдим. Дутор ерга урилди... қарс этди. Тамом! Куй ҳам, қўшиқ ҳам тинди-қолди.

— Синди! — дедим овозим титраб.

Вали югуриб тепамга келди:

— Вой-й-й! Энди даданг ўлдиради!

Иккаламиз қўлимиз титраганча филоф боғичини ечдик. Қарасам, дуторнинг ип тортадиган қулоғи синиб тушибди.

— Энди нима қиласми? — деди Вали кўм-кўк кўзларини жавдиратиб.

Ингламоқдан бери бўлиб, елкамни қисдим.

— Юр! — Вали қўлимдан тутиб ўйига бошлади. Иккаламиз уларнинг ҳовлисига кирдик. Ҳовли этагидағи бостирмада эски қути бор экан. Вали қутини титкилаб занглаб кетган темир топди.

— Мана! — деди тантана билан. — Энди ҳеч ҳам синмайди!

Дуторнинг синган қулоғи ўрнига темир тиқдик-да, ими-жимида филофга солиб жойига илиб қўйдик.

Кечқурун ойимга нима бўлганини айтиб бергандим, ранги ўчиб кетди. Лекин нима қилишни ойим ҳам билмасди.

Ўша куни эмас-ку, уч кундан кейин сир очилди. Дадам ҳужрадан туриб жаҳл билан қичқириб қолди:

— Дуторга ким тегди?

Зум ўтмай дуторни кўтариб чиқди.

— Гарангмисанлар? Қайси биринг синдиридинг? Бу нима қилик? — деди Вали “тузатган” дуторни кўрсатиб.

Ўткир ҲОШИМОВ

Ойим айбдор қиёфада ўтирар, акаларим ҳайрон бўлиб бир-бирига қарашар эди. Ҳозир катта жанжал бўлишини сезиб қўрқиб кетдим.

— Тилинг борми?! — дадам баттар тутақиб кетди.
— Зеби опа чалувди, — деди ойим секин. — Сумалакка чиққанимизда... бир чалиб берай, девди...

Қизиқ, дадам бирдан ҳовуридан тушди.

— Майли, — деди овози пасайиб. — Зеби чалса майли. — У ҳужрага кириб кетди-да, анчадан кейин бир бўлак ёғоч кўтариб чиқди. Даңдон сопли пичоғи билан ёғочни кеса бошлади. — Дуторнинг қулоғини тутдан қилмаса синаверади, — деди секин. Ёғочнинг ўёқ-буёғини ўяр экан, уҳ тортди. — Караб туриб Ҳудонинг ишларига ҳам қойил қолмайман. Ота-боладан бир ойда “қорахат” келса-я!

— Шуни айтинг, — деди ойим жонланиб. — Тағин ҳам одамзод чидаркан. Ҳам эридан, ҳам якка-ёлғиз ўғлидан жудо бўлиб ўтирибди боёқиш. — У бир зум ўйланив турди-да, қўшиб қўйди. — Бечора, Валисига жуда суюниб қолган. Ишқилиб, орзу-ҳавасини шундан қўрсин...

* * *

Валентин тузатиб кетган машинани ҳайдаб борарканман, беихтиёр Зеби холанинг кўчасига бурилдим. Ана, Валентиннинг участкаси. Шифер томли уй олдида ЗИЛ турибди. Кабина зинасида катта-кичик уч бола оёғини ликиллатиб ўтирибди. Биро дўппи кийган, бири шапкасини бостириб олган... Машинани секин ҳайдаб ўтиб борарканман, ичкаридан дутор садолари эшитилгандек бўлди. Ким билсин, эҳтимол менга шундай туюлгандир?

ХўЖА

Болалигига ҳамманинг ҳам тиши тушади. Менини фалати бўлган: биринчи тишимни уриб туширишган. Бунга Хўжা сабабчи бўлган.

Бу болани нимага бунчалик яхши кўриб қолганимни билмайман. Эҳтимол ювошлиги учундир. Эҳтимол, кўзлари доимо жавдираб туриши учундир. Одам бир нарсани жудаям айтгиси келсаю айтолмаса, кўзи шунақа — ҳар кимга бир қараб жавдирайверади. Хўжанинг кўзлари шунақа эди.

Хордиқ кунлари дадам билан ойим нонушта пайтида «Некалай» замонидан қолган самоварни ўртага қўйиб узоқ сухбатлашиб ўтиришар эди. Бир куни дадам тажанг бўлиб гапириб қолди:

— Ўзиям жа-а-а Худо урган хотин экан-да ўша Раъно! Мана, Эгамберди омон-эсон келди-ку! Ўлармиди ликилламасдан кўмилиб ўтиrsa!

Ойим бир нуқтага тикилганча ўйга толди. Кўзларига фусса чўкди.

— Бошидаям-ку, юлдузи юлдузига унча тўғри келмасди-я, — деди секин. — Аммо барибир чатоқ бўлди. Икки орада бола бечора тирик етим бўлиб қолди.

Тушундим, Хўжани гапиришяпти. Дадаси урушда юрганда ойиси бошқа одам билан Чирчик деган жойга қочиб кетган экан...

Ойим айтган “тирик етим” деган гапнинг маъносини тушунмасам ҳам Хўжага раҳмим келиб кетди. Унга қанчалик раҳмим келса, ойисини шунчалик ёмон кўриб қолдим.

Хўжа бувиси, дадаси билан каталакдек ҳовлида турарди. Эгамберди аканинг жаҳли ёмон. Доим ялтироқ тутмачали жигарранг кител кийиб юради. Гапирганида дудукланиб қолади. Чап қули таёқдай осилиб туради. Хўжанинг

Ўтқир ҲОШИМОВ

айтишига қараганда, урушдан кейин ҳам бир йилча госпиталь деган катта касалхонада ёттан экан. Докторлар құлини кесмоқчи бұлганида, ҳамманғи отиб ташлайман, деган экан, құрқиб кесишмабди. Түпнөчаси бормиши. Онангни қаерда құрса, пешонасидан отиб ташлайман, деркан...

Ұша куни одатдагидек мен әчкимни, Ҳұжа бузогини етаклаб, үтлокқа олиб бордик. Менинг әчким серсүт, ювошгинаю, аммо бир айби бор. Құзни шамғалат қилиб, улоқчаларини түйғазиб, әмиздириб олади. Шундан құрқиб ойим елиніга халта боғлаб құяды. Ҳұжаның бузоги эса қаерда латта құрса ямлаб құяды. Ұшанда келиб-келиб жұрабошимизнинг шинелини чайнағанида олам гулистон әди. Ҳаммамиз қий-чув солиб үйнаёттан әдік, жұрабошимиз алам билан дүріллаб қолди:

— Шинелим! Шинелимни еб қўйди!

Шундай деганча каттакон таёғини күтариб тол соясида алланимани мазза қилиб чайнаёттан бузоқ томонга югурди. Ҳаммамиз турган жойимизда қотиб қолдик. Жұрабошимиз дадаси урушдан олиб келган шинелини жонидан ҳам яхши құрап, қища этагини осилтириб кийиб юрап, ёзда ҳам құлдан қўймасди. У бора солиб бузоқнинг гарданига таёқ билан бир тушироди. Бузоқ шўрлик шинелнинг енгидан тишлиганича, думини хода қилиб қочди. Жұрабошимиз жонхолатда шинелга ёпишиди. Бузоқ анчагина жойини ямлаб бұлган экан, енгининг ярмигача сўлак билан қўшилиб чўзилиб оғзидан чиқди.

Болалар етиб келганида жұрабошимиз ғалвир бўлиб кетган енгни ушлаганча бўзрайиб ўтирад әди. Ҳұжани қўрдию жазаваси қўзиб кетди.

— Нима қилдинг?! — деди ғазаб билан.

Ҳұжа, бузоқ эмас, ўзи айбдордек кўзларини жавдиратганча гоҳ жұрабошига, гоҳ шинелга тикилиб лол турарди.

— Энди нима қиласман буни! — жўрабоши шинелни ерга улоқтириди. — Молинг ҳам ўзингга ўхшайди! Ҳўжалар пешиндан кейин айнайди. Ойинг ҳам айнаб, ўйнаши билан қочиб кеттан!

Орамиздан тикроқ болалар чекка-чеккадан пиқиллаб кулиб юбориши. Той анграйганча бурнини секин тортиб қўйди.

Эрталаб дадамдан эшигтан гапни эсладиму қўркув ичида Ҳўжага қарадим. У бир зум ҳаммага жавдираф қараб чиқди-да, тўсатдан жўрабошига ташланди. Аммо ўша ондаёқ чаккасига тушган мушт зарбидан анча нарига учиб кетди.

— Нега урасан! — дедим алам билан чийиллаб. Акаларим ўргатганидек, муштимни иложи борича қаттиқроқ қисиб, жўрабошига югурдим, у бўлса, уриб ҳам ўтиромади. Кафти билан жағимга бир туртган эди, чалқанчасига ағдарилиб тушдим. Оғзим шўр бўлиб кетди. Қўзимни очсан, тепамда Той турибди.

— Тур, — деди қўлимдан тортиб. — Ёмон урдими?
— Иккаланг ҳам йўқол! — деди жўрабоши дўриллаб.
— Бугундан бошлаб молингни жийдазорда боқасан.

Бирпасдан кейин Ҳўжа бузогини, мен эчкимни етаклаб, қинғир-қийшиқ жийдалар орасига кириб кетдик. Жийдазор этагида Конқус оқар эди, қирғокка бориб ўтиродик.

— Оғзинг қонаяпти, — деди Ҳўжа юзимга тикилиб.
Кафтимни орқаси билан артсан, қўлим қон бўлди. Шу пайтгача билмаганимга ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Тупуриб ташладиму олдимдаги курак тишим илиниб турганини пайқадим. Қўлим тегиши билан тишим суурилиб чиқди.

— Тишингни синдиридими? — Ҳўжа қўзимга шундай жавдираф тикилдики, оғриқ ҳам эсимдан чиқиб кетди.

Ўткир ҲОШИМОВ

— Ўзи лиқиллаб турувди, — дедим тишимни томоша қилиб.

Энди улоқтириб юбормоқчи эдим. Ҳўжа қўлимдан ушлади:

— Шошма! Мана бундай ўтиро. — У мени сувга тескари қилиб ўтқазди. — Кўзингни юмасан-да, “Суяк тишимни ол, тилла тишимни сол”, деб уч марта айтасан. Тишиңгни елкангдан ошириб, анҳорга отиб юборсанг, янги тишинг тилла бўлиб чиқади.

Мен Ҳўжанинг айтганини қилдим.

— Энди оғзингни ювиб ол, — деди у кўзимга термилиб. — Мени айтди дерсан, кузгача тилла тиш чиқади.

Кейин икковимиз анҳорга тикилганча узоқ жимиб қолдик. Сув унсиз оқар, нариги соҳилда қамишлар қилт этмай турар, ора-чора қалдироҷолар сувга тумшуғини текизиб, “вийт” этганча, яна ҳавога кўтарилар эди. Ҳўжа жўрабошининг бояги гапини ўйлаб ўтирганини билардиму нима дейиши, нима қилишга ақлим етмасди.

— Жуда катта-а? — дедим анҳорга имо қилиб.

— Шуям катта бўлгими? — Ҳўжанинг кўзларида бирдан ўт чақнади. — Чирчиқда шунаقا катта дарё борки, ичиди акулалар сузиб юради.

— Ўзинг кўрганмисан? — дедим ишонмай.

— Биламан-да! — Ҳўжа орзумандлик билан хўрсинди. — Ўша дарёнинг бу бетидан у бетига бемалол сузиб ўтавераман.

— Сузишни билмайсан-ку?

— Ойим ўргатадилар.

— Акула еб қўйса-чи?

— Акуланг нима бўлти! Дадамга айтаман, тўппонча билан отиб ташлайдилар. — У шундай дедиую бирдан нотўғри гапирганини пайқагандек, жимиб қолди. Кўзла-

ри жавдираганча тескари қаради. Бир зум сувга тикилиб ўтириди-да, хўрсинди. — Юр, молларга қарайлик. Чакалакка кириб кетмасин...

Эртасига акаларим жўрабошининг таъзиини бериб қўйишиди шекилли, эчкимни ўтлоқда боқишига рухсат тегди.

— Лекин анови Хўжангта айтиб қўй, ялмоғиз бузогини яна олиб келса, жигини эзисб қўяман! — деди жўрабошимиз кўкарган қовоғини силаб.

Ўзимга қолса эчкимни жон деб ўтлоқда боқардиму Хўжанинг бир ўзини жийдазорда қолдиргим келмади. Нима қипти, бу ерда ҳам ўт кўп. Ҳар куни ўйнайдиган футбол билан чиллақдан маҳрум бўлдик. Аммо Хўжа билан сира зерикмасдим. Шунақанги нарсаларни била-дики! Бу ердан олисда, жудаям олисда, тоғлар орқасида Чирчиқ деган шаҳар бор. Шунақа катта шаҳарки, унинг олдида Тошкент нима бўпти! У ерда шунақанги катта дарё оқадики, ичиде уйдек-уйдек кемалар сузив юради. Хўжанинг ойиси қачон хоҳласак бизни ўша кемаларга олиб чиқаверади. Хоҳласак, баланд тоғларга чиқамиз. У ердан бутун дунё кўринади. Бизнинг уйимиз ҳам, Хўжаларники ҳам, Хўжанинг дадаси ҳам, ҳамма-ҳамма!

Булар ҳаммаси яхшию Хўжанинг бир одатини тушунолмасдим. Гапириб туради-туради-да, бирдан жимиб қолади. Анҳорга тикилганча бир нарсаларни ўйлаб ўтираверади, ўтираверади. Шунақа пайтларда зерикиб кетаман.

Бир куни уни йўқотиб қўйдим. Жийдазор ичкарисига кириб кетган эчкимни қайтариб келгунча терлаб кетдим. У ёқдан ҳайдасам, бу ёққа қочади. Чакалак ичига кириб олади-да, масхара қилгандек, думини ликиллатиб, қисқагина маъраб қўяди. Олдига борай десам, жийда тиканлари ҳаммаёфимни тирнаб ташлайди. Алам устида кесак бўрон қилиб яйдоқ жойга олиб чиққунимча кун ботди. Қарасам,

Ўтқир ҲОШИМОВ

Хўжанинг бузоғи дарахтга боғлоқлик турибди-ю ўзи йўқ. Югуриб, иккаламиз ўтирадиган сув бўйидаги дўнгликка бордим. Йўқ, у ерда ҳам кўринмайди.

— Хўжа-а-а! — дедим бақириб.

Оқшом зулмати бостириб келаётган жийдазор орасида “а-а-а” деган садо келди. Бирдан юрагимни вахима босди. Акаларим жийдазорда ажина бор, дейишар эди. Хўжани ажина чалиб кетган бўлса-чи?! Овозим борича чинқириб юбордим:

— Хўжа-а-а!

Яна ўша садо келди. Акамнинг аллақайси китобида олти қўлли одамнинг расмини кўрган эдим. Фира-ширада жийдалар худди ўшанақа вахимали маҳлуқлардек қинфир-қийшиқ “қўллари” ни чўзиб туришар, юргурган сайин устимга бостириб келаётганга ўхшар эди. Қўрқиб кетганимдан тиканларни босганча жонҳолатда югурдим. Жийда тиканлари юз-кўзимни тимдалар, оёғимга янтоқлар кираётганини билардиму, аммо тўхтай олмасдим.

Бир маҳал рўпарамда Хўжа пайдо бўлди.

— Каёқда юрибсан? — дедим овозим қалтираб.

Хўжа қўлимдан маҳкам ушлаб олди. У ҳам қўрқиб кеттан бўлса керак, нуқул титрап эди.

— Айтмайсан-а? — деди секин. — Ҳеч кимга айтмайсан-а?

Шундагина нарироқда, жийданинг панасида турган қора кўйлакли аёлни кўрдим.

— Ойи! — деди Хўжа секин илтижоли оҳангда.

Шунда ҳаммасини тушундим. Хўжанинг ойиси ҳамон қимиrolамай туар, худди сехроланиб қолганга ўхшар эди. Хўжа кўзимга термилиб, тағин ялинди:

— Айтмайсан-а?

Мен индамадим. Аммо бу сирни ҳеч кимга, ҳатто

о́йимга ҳам айтмаслигимни билиб туардим. Шу ондаёқ яна бир нарсани англадим. Бу ердан тезроқ кетишими, халақит бермаслигим керак.

— Тезроқ бўл! — дедиму **Хўжанинг** бузоги бойланган жойга югуриб кетдим...

* * *

Хўжа ваъда қилган тилла тиш кузда ҳам чиқмади. Бироқ энди буни ўйлашга вақт қолмаган, иккаламиз учун ҳам янги ҳаёт — мактаб ҳаёти бошланган эди. Бизнинг уйимиз мактаб йўлида бўлгани учун **Хўжа** ҳар куни эрталаб чақириб келарди. Зоғора нонни эчки сутига тўғраб емабсиз, дунёга келмабсиз! Эрта билан ғойим иккаламизнинг олдимиизга товокда сут билан зоғора қўяр, **Хўжа** ҳарчанд тортинчоқлик қилмасин, еб туриб кетмагунча ҳол-жонига қўймасди.

Бир куни **Хўжа** келмади.

— Сен боравер, — деди ойим. — Бугун **Хўжа** мактабга бормаса керак.

Дарсдан қайтдиму меҳмонлар келганини дарров билдим. Айвон зинасида янги амиркон туфли ярақлаб туар, ичкарида ойим аллаким билан чақчақлашиб сухбатлашар эди. Уйга киришим билан энг аввал **Хўжага** қўзим тушди. У уй тўрида ёнроқ, майизлар билан безатилган хонтахта олдида ўтиради. Ёнида эса онаси ўтирас, ойимнинг гапларига дикқат билан қулоқ солганча, ёнроқ палласидан магиз ажратиб нуқул **Хўжа**-нинг олдига суриси қўяди. Үшанда, коронгидан аниқ қўрмаган бўлсам ҳам, бу хотин **Хўжанинг** ойиси эканлигини дарров билдим. Остонада бир зум туриб қолдим. Качондир бу хотинни ёмон қўриб қолганим учунми, уни хунук, жуда хунук деб ўйлардим. Йўқ, жудаям чиройли экан. Қарғашойи қўйлаги ҳам, коп-

Үткір ҲОШИМОВ

кора сочлари, юзидағи холи ҳам, Ҳұжаникига үшшаган күзлари ҳам чиройли әди.

У мени күрдію катта одамни иззат қилгандек, дик этиб үрнідан турди. Ойимга үхшаб, бағрига босиб күришди. Пешонамдан үпаётганида димомимга атирахи үрилди. Ойим ҳеч қачон атира сепмагани учунми, бу исдан бошим айланиб кетди.

— Кел, жоним, — деди ёнідан жой күрсатиб. — Бирпас олдымда үтир. — У ёнбошда турған сумканинг занжирини гижиrlатиб очди-да, сарғыш қоғозга үрорлық алланияма узатди. — Ма, жоним!

Қоғозни очишим билан күзим чараплаб кетди. Бу — усти худди катак даftарға үхшаш шоколад әди. Қувонч билан Ҳұжага қараб қўйдим. Унинг күзларида шодлик учқунлари порлаб турар әди.

Шу пайт ҳеч кутилмаган воқеа рўй берди. Эшик шарақлаб очилди. Ҳұжанинг ойиси ярқ этиб қарадио илон чаққандек сапчиб үрнідан туриб кетди. Остонада ялтироқ тугмали кител кийган Эгамберди aka турар, ранги қув учиган кетган, нуқул титрар әди. Даҳшатдан қотиб қолдим. Ҳозир чўнтағидан тўппончасини оладио Ҳұжанинг ойисини отиб ташлайди.

— Нега к-к-келдинг?! — деди у ғазабдан тили тутилиб. — Нима к-к-керак сенга?! — Энди унинг бутун вужуди, ҳатто боши ҳам қалтираб кетди. Ҳар доим таёдек осилиб ётадиган чап қулигача титраб кеттандек бўлди. — Нима к-к-керак, айт! — деди лаблари пирпираб.

Ҳұжанинг ойиси ранги учган, бошини қуий согланича деворга суюниб турарди. Қурқув аралаш яна Эгамберди аканинг ўнг қўлига қарадим. Йўқ, тўппончаси йўқ экан. У бирдан ойимга юзланди.

— Уялмайсизми, опа! — деди ҳамон лаблари пир-пираб. — Қ-қўшмачилик қ-қ-қилгани уялмайсизми!

Боядан бери индамай турган ойим энди тилга кирди:

— Бандасидан уялмасангиш, Худодан қўрқинг, укам, — деди секин. — Она-бала дийдор кўришса, қўшмачилик бўладими? — негадир унинг кўзларида ёш қалқиди. — Этни тирноқдан ажратиб бўларканми?

— М-мен эмас, м-мана бу ажратган! — Эгамберди aka соғ қўлини бигиз қилиб, Ҳўжанинг ойисини қўрсатди. — М-мана шу ажратган!

Ҳўжа гоҳ дадасига, гоҳ ойисига жавдира бара, аммо индамас эди.

— Турмуш ўлсин, айланай, — деди ойим ўпкаси тўлиб.

— Ким шунақа бўлсин, дебди. Уруш бўлмагандан...

— Уруш! — Эгамберди aka шундай ҳайқирдики, уй ичи зириллаб кетди. — М-мен қ-қонга беланиб ётганима, бу қ-қ-қанжиқ бироннинг қ-қўйнида ётган!

Шу гапдан кейин Ҳўжанинг ойиси секин эгилиб, сумкасини олди-да, эшикка йўналди. Эгамберди aka ҳазар қилгандек нари сурилди. Шунда боядан бери индамай турган Ҳўжа онасига талпинди.

— Ойи-и-и! — деди илтижо билан.

Унинг овоз чиқармасдан, ёш тўқмасдан йиғлаб турганини ҳис этдим. Йўқ, унинг кўзида ёш йўқ эди. Факат онасига қараб жавдирарди.

Онаси секин юриб қайтиб келди. Оҳиста эгилиб, Ҳўжанинг икки юзидан ўпди.

— Дадангни хафа қилма, — деди то тез-тез юриб чиқиб кетди.

— Ойи-и-и! — деди Ҳўжа умидсиз, ожиз товушда. Бироқ орқасидан чопмади. Уй ўртасида тўхтаб қолди.

Эгамберди aka яна бир зум вужуди титраганча

Үткір ҲОШИМОВ

қараб турди-да, әшикни қарсилатиб ёпиб, чиқиб кетди. Ойим лабларини тишлиб ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Илдам келиб, Ҳұжані бағрига босди.

— Айновни-я! — деди унинг бошини силаб. — Құявер, ойинг яна келади.

Томоғимга бир нарса тиқилиб қолган, нафас олишга қийналардим. Бир маҳал құлимга нимадир ёпишаёттаганини пайқадим. Қарасам, шоколад эриб кетибди. Нима қилишимни билмай, Ҳұжага узатдим.

— Ма, ишқалад ейсанми?

Ҳұжа индамай турар, күзларида катталарникига үхашаш тушуниб бўлмайдиган чуқур маъно бор эди.

Ўша воқеадан кейин бир ойча вақт ўтгач, Ҳұжанинг дадаси уйланди. Ойимнинг таъбири билан айтганда, совуган ошдеккина тўй бўлди. Фақат Зеби хола дутор чертиб, йўғон, ширали овозда ашула айтганида тўйхона жимиб қолди.

*Шишани заргарга бердим тўтиё бўлгайми деб,
Чин кўнгилни ёрга бердим ошно бўлгайми деб...*

Ҳамма-ҳамма билан, таванхонада ўтирган ойим биз билан. Нуқул Ҳұжани чакиради, гоҳ чўнтағига қовурма чучвара солиб қўяди, гоҳ попукқанд беради.

Тўйдан кейин Ҳұжа аввалгидан ҳам маъюс, индамас бўлиб қолди. Ойим меҳрибончилик қилган сайин ўзини олиб қочади. Ўшанда бир нарсани билмаган эканман, кейин тушундим. Одам ўзининг ночорлигини қанчалик чуқур хис қиса, шунча мағрур бўларкан.

Бир куни әрталаб, одатдагидек жиілдини осганча, Ҳұжа эшиқдан кириб келди. Ойим унга кўзи тушиши билан чумчукдек чирқиллаб қолди.

— Ким урди сени?! Қайси қўлинг сингур урди?

Қарасам, Ҳўжанинг юзи моматалоқ бўлиб кўкариб кетибди.

— Нимага уради?! — деди ойим овози қалтираб. — Шунча қўргилигинг етмайдими ўзи, Ҳудо ургурлар!

— Ургани йўқ, — деди Ҳўжа ерга қараб. — Нарвондан йиқилиб тушдим.

Мактабга кетаётганимизда секин сўрадим.

— Даданг урдими?

Ҳўжа бир зум жавдираб қараб турди-да, бош ироғади.

— Опам кир ювган эди, — деди шивирлаб (у ўтгай онасини опа дерди), — ёйиб қўйган кўйлагини бузоқ ямлабди.

— Даданг ёмон-а?

— Йўқ, — Ҳўжа кескин бош чайқади. — Дадам опамни ёмон қўради. Шунга аччиқ қилиб урди. — Уҳеч кимга айтмаслиги керак бўлган сирни очаёттандек, атрофга жавдираб қараб олди-да, қўшиб қўйди. — Дадам ойимни яхши қўради...

Ўша бизнинг охириги сухбатимиз бўлди. Ҳўжа негадир икки дарс ўқиб кетиб қолди. Дарсдан қайтиб келсан, ойим йўқ. Кечқурун аллақаёқдан ҳориб-чарчаб қайтди.

Эртасига эрталаб Ҳўжани кутиб ўтирган эдим, ойим негадир жеркиб берди.

— Ҳўжа билан киндигинг биттами! Боравер мактабингга.

Индамадим. Ўша куни Рисолат опа ҳам Ҳўжанинг йўқлама қилмади.

Қайтиб келсан, ойим ҳалиям жаҳлидан тушмабди. Ҳўжанинг бузогини ҳовлидаги бодомга арқонлаб, ҳадеб кимнидир қарғаяпти.

— Ўйига обориб бер, манави ҳаром ўлгурни! — деди арқоннинг учини узатиб.

Ўткир ҲОШИМОВ

Ёмон бир нарсани ҳис қилиб, бўшашиб кетдим:

— Ўзи-чи? Ўзи қани?

— Ҳўжа кетди, билдингми! — Ойим яна жеркиб берди. — Ойиси билан кетди.

Талмовсираб қолдим. Ҳўжанинг бузофини етаклаб борарканман, уни жудаям яхши қўришимни илк бор англаб етдим. Уларнинг дарвозасига яқин келишим билан юрагимни қўркув босди. Дарвоза олдида Эгамберди ака ўтин ёрат эди. Үрик шохини бир учидан ушлаб, тўнка устига суреб қўяди-да, ерда ётган болтани олиб, чунқайганча зарб билан уради, шунда чап қўли таёқдек осилиб, ерга тегиб кетади. Кейин болтани ерга ташлаб, соғ қули билан шохни яна тўнка устига суради ю қайтадан болтани олиб, тағин чопади... Қўрқа-писа тўхтаб қолдим.

У қаддини ростлаган эди, менга қўзи тушди.

— Н-німа гап? Ҳўжа қ-қани? — деди гоҳ менга, гоҳ бузокка қараб.

— Ҳўжа кетди. — Қўрқувданми, аламданми, овозим титраб чиқди. — Чирчикка кетибди.

Унинг қўлидан болтаси тушиб кетди. Бир зум лаблари титраб, тикилиб турдию қўзларига ёш қалқиб чиқди.

— Н-нега? Н-нега кетади? — деди инграф. Кейин кафти билан юзини тўсганча, тўнка устига ўтириб қолди. Чап қўли ҳамон таёқдек осилиб турар, ўнг елкаси эса дир-дир титрар эди.

Катта одамнинг йиғлашини биринчи қўришим эди. Кеча Ҳўжани урганини эшиттанимда қанчалик ёмон қўрган бўлсам, ҳозир унга шунчалик раҳмим келиб кетди. Бузоқнинг арқонини қўйиб юбордим-да, уйга югурдим. Югуриб борарканман, йиғлардим, нимага йирлаёттанимни ўзим билмасдиму ҳеч ўпкамни тутолмасдим.

Кейин Хўжани бошқа кўрмадим. У ора-чора тушимга кириб қолар, нуқул кўзларини жавдиратиб турган бўларди. Баҳор пайтлари кунчиқар томондаги тоғлар ярақлаб кўринар, уларни ҳар кўрганда хаёл сурар эдим. Ўша тоғлар орасида Чирчиқ деган шаҳар бор. Шунақа катта шаҳарки, Тошкент унинг олдида ҳеч гапмас. У ерда шунақанги катта дарёлар борки, ичида акулалар сузиб юради. Ўша шаҳарда Хўжа деган бола бор. Дунёда ундан яхши бола йўқ. Хўжа ўша дарёларда bemalol сузади. Ўша тоғлар устига чиқиб, бутун дунёни томоша қиласи. У мени ҳам кўриб турибди. Фақат мен уни кўролмаяпман...

Анча йиллардан кейин, ўнинчи синфни битираётганимда Хўжанинг дарагини эшийтдим. Кечки овқатдан кейин дадам ойимга гапириб қолди:

— Эгамберди бечора куйиб адойи тамом бўпти. Чирчиқдан келяпман, дейди. Ўғли чўнтак кесаётганда қўлга тушганмиш.

Ойим: “А?” дедиую қўлидан пиёла тушиб кетди.

Мен каракт бўлиб қолган эдим. Йўқ, ишонмайман. Ёлғон, бу гап ёлғон! Дунёда Хўжадан яхши бола йўқ. Хўжа ёмон бўлиши мумкин эмас... Тағин ким билади дейсиз, ҳаёт қонунлари ҳар доим ҳам бизнинг хоҳишимизга бўйсунавермайди...

ОЙ ҚУЁШДАН НУР ОЛАДИ

Аталадан суяқ чиқиби, дегандек, айни саратонда шамоллаб юрганимни қаранг. Далага чиққандим, анҳорда чўмилдим. Қайтишда машинанинг тўрттала ойнасини тушириб қўйганим учунми, кечаси билан иситмалаб, ҳаммаёғим қақшаб чиқди.

Үткір ҲОШИМОВ

Эрталаб туман поликлиникасига бордим. Қарасам, одам тирбанд. Тор йүлакнинг икки четидаги қатор курсиларда бири бошини чангаллаган, бири бўйини ўраб олган bemорлар. Орадан туртиниб ўтиб керакли эшик яқинига борсам, одам айниқса тикилинч. Бошим сирқиллаганча деворга суюниб анча турдим. Нихоят, менга ҳам жой тегди. Лиқиллаб турган курсининг бир чеккасига омонат ўтиредим. Мендан олдинги ўриндиқда қурарай кўзлари катта-катта, қисқа кесилган сочи тиниқ юзига хўп ярашган кўхлик жувон ўтирас, ёнидаги рўмол ўраган ўрта яшар хотин билан гаплашарди. У бошини ҳар чайқаганда соchlари чиройли силкиниб-силкиниб кетарди. Тикилишиб ўтирганим учун беихтиёр уларнинг сухбатини эшлишига мажбур бўлдим.

Кўхлик жувон бармоғи билан бўйинидаги нафис олтин занжирони асабий ўйнар экан, уф тортди:

— Ўлсин, кеч қолиб кетдим. Муроджон акам машина юбораман, деб эдилар. Кутуб қолгандир...

— Муроджон... ўртоғингизми? — деди рўмолли аёл инқиллаб.

— Ўртоғим? — Кўхлик жувон нордон нарса еб қўйгандек бурнини жийирди. Ҳатто ойдек юзи ҳам хунуклашиб кетгандай бўлди. — Аввал автобусга осилиб юришини эпласин! Машина юбориш йўл бўлсин унга!

Рўмолли аёл бир зум ҳайрон қараб турди. Барибир аёлларга хос қизиқувчанлиги устун келди чори, қайта сўради.

— Бўлмаса ким?

— Муроджон акамми? — Кўхлик жувон жилмайди. Қурарай кўзлари сузилиб кетди. Чехрасида: “Наҳотки шундоқ одамни танимасангиз?” деган ифода пайдо бўлди.

— Бошлиғимиз-да! — деди овози товланиб. — Шунақа

яхши одам, шунақа яхши одам! Анови аҳмоқ бўлса Муроджон акамни ҳам ёмон кўради. Ўз кўнгилларида рашк қиласар эмишлар. Муроджон акамнинг служебний машинасида дачаларига борганимни одамлар кўрганмиш. Кўлинг билан ушладингми, дедим! Аввал ўзингни эпла, пиёниста!

— Эрингиз ичадими? — рўмолли аёл ҳамдардлик билан бош чайқади. — Ичкилик ўлсин! Бошида суриштиромаган экансиз-да!

— Оддин унақа эмасди, ҳозир итдек ичади. Аламларидан ичармишлар! — чиройли жувон қўл силтади.

— Муроджон акамга айтувдим, жаҳллари чиқди. “Боланг кўпаймасидан йиғиштир, разводга беравер, ўзим сенга кооперативний квартира олиб бераман”, дедилар.

Рўмолли аёл сергакланди:

— Болангиз борми?

— Кизим бор...

— Болангиз бўлса, унақа қилманг, синглим, — дея рўмолли аёл насиҳат қилди. — Ҳар қалай, умид билан бир ёстиқка бош қўйгансиз, болани тирик етим қилманг, оповси айлансин.

— Э! — Қўхлик жувон тилла занжирини яна асабий ўйнай бошлади. — Муроджон акам...

Бўлмади. Ўз эрини бемалол тупроққа қоришириб “Муроджон ака”сини оғзидан бол томиб мақтаётган қўхлик жувон кўзимга хунук кўриниб кетди. “Эҳтимол, эринг сени деб ичкиликка ружу қўйгандир, балки ростдан ҳам аламидан ичар!” Яна бирпас ўтирсам, шу гаплар оғзимдан чиқиб кетишини билиб, ўрнимдан турдим. Аввало, бироннинг гапига аралашиб одобсизлик. Қолаверса, ўзгаларнинг шахсий ҳаёти билан неча пуллик ишим бор? Лўқиллаётган чаккамни бармоғим билан босганча нари кетдим. Чекким келди.

Ўткир ҲОШИМОВ

Анчадан кейин қайтиб келсам, врач эшигидан бояги қўхлик жувон чиқиб келяпти. “Муроджон ака” сининг машинаси кутиб қолганидан озор чеккан бўлса керак, шоша-пиша йўлакка отилди. Тор хонага кирсам, дераза олдидаги оппоқ стол рўпарасида юпқа гардишли қўзойнак таққан, халатининг тутмаларини ечиб қўйган найнов врач ўтирибди.

— Ечининг, — деди у каттакон дафтарга бир нимани ёза туриб.

Хона ўртасида тўхтаб қолдим. Ўзи калта енгли қўйлак кийган бўлсан, тағин нимани ечаман?

— Ечининг! — врач асабийлашиб бошини кўтарди. Қўзойнагини йилтиратиб бир лаҳза тикилдию ўрнидан туриб кетди. — Ие, домла, бормисиз! — деди дилкашлик билан. — Телевизорда унча-мунча кўриб турамизу ўзингизни ҳеч тополмаймиз. — У чайир, узун бармоқлари билан қўлимни маҳкам сиқиб кўришди. — Бир хил одамларга ҳайрон қоласан. Ҳозир биттаси кириб яrim соат бошимни қотирди. Тайнли касали йўғу бюллетень берасан, дейди. У ёғини ишхонадагилари билан ўзи келишармиш. — У жилмайган эди, қўзойнак ортидаги митти қўзлари янайм кичрайиб кетди. — Танимадингиз-а? Мен — Орифман.

Ҳеч балони эслай олмасам ҳам, одоб юзасидан бош силкидим:

— Ҳа, бўлди-бўлди... Қалай, яхши юрибсизми?

— Ёлғон гапирманг, танимадингиз! — У самимият билан елкамга қоқди. — Мен Рисолат опанинг ўғлиман. Ўқитувчи опа бор эдилар-ку!

Энди эсладим! Ахир, бу ўзимизнинг Ориф-ку! Рисолат опанинг ўғли-ку! Ўшандаям қўзойнак тақарди. Журрабошимиз унга «Шапқўр» деб лақаб қўйган эди.

— Дунё шунақа әкан, — деди у ўйга толиб. — Бу ёқда пошша холамларни ҳам бериб қўйибсизлар, маъра-кага бормоқчи бўлдиму ҳовлингларни тополмадим. Ҳам-маёқ ўзгариб кетибди.

— Шунақа бўлди, — дедим секин. Рисолат опам тузукмилар, деб сўрагим келса-да, қандай суриштиришни билмасдим. Мабодо онаси вафот этган бўлса, нима қи-ламан ярасини янгилаб. У кўзимдаги саволни уқди.

— Биздаям шундоқ бўлган. Уч йил илгари... — деди бир нуқтага тикилиб. — Ойим: “Ҳеч бўлмаса, битта болангни кўрсам, армоним йўқ”, дердилар. Бир эмас, утасини опичлаб катта қилдилар... Кейин яна Тош-кентта келиб қолдик. Корасувда турамиз.

Касал бир ёқда қолиб ўзимиzinинг сұхбатимиэга бе-рилиб кетдик. Асакага кўчиб боришгани, онаси Ориф-нинг врач бўлишини орзу қилгани, Ориф Андижон ме-динститутида ўқигани...

Гапимиз чўзилиб кетди шекилли, ҳадеб йўталаётган соқолли киши эшикни икки марта очиб ичкарига маъноли мўралади. Сұхбатимиз чала қолди. Ориф ёзиб берган дори қоғозларни олиб чиқиб кетарканман, бола-лик хотиралари тағин ёдимга тушди.

...Ўша йили қиши қаттиқ келди. Туф деса, тупук яхлайди. Дадам менга биринчи марта пийма олиб берди. Яхмалак ўйнашга ярамаса ҳам, яхши, иссиқкина. Бироқ қор шунчалик қалин ёқканки, из тушмаган жойда юрсан, пиймамнинг қўнжиidan бемалол кириб кетавера-ди. Рисолат опаларнинг ҳовлиси бизникидан нарида бўлгани учун деярли ҳар куни дарсдан ўқитувчим би-лан бирга қайтамиз. У калиш-маҳси кийиб олган. Йўл очиб кетаверади. Мен кетидан эргашаман.

Қаҳратон тонглардан бири эди. Танчага тикилиб

Ўткир ҲОШИМОВ

ётибман. Акаларим ўқишига кетган. Мен пешиндан кейин бораман. Чопон кийған дадам тұрда сандалга тиқилиб ярим мудраб үтириби. Бир томонда бошига қалин рұмол үраган ойим. Унинг ёнида самовар. Самоварнинг қорнига ғалати тасвирлар туширилган. Ойимнинг айтишига қараганда, булар эски замонда чиққан тангалар эмиш. Жұмрак остига қўйилган товокқа самовар тумшуғидан муттасил сув томади: чик-чак, чик-чак... Деразаларга “Корбобо расм чизиб кетган”. Ташқари қўринмайди. Ҳатто эшикни ҳам қиров босган. Аммолекин танча мазза. Одам бир ётгандан кейин тургиси келмайди. Сандал устидаги эски дастурхонда уч-турт бўлак қора нон, жийда, туршак...

Бир маҳал ташқарида гуржи кучугимнинг акиллагани эшитилди. Дадам бир қўзини очиб ойимга савол назари билан қаради. Ойим энди ўрнидан тураёттан эди, эшик шахт билан очилди. Уйга аввал аммам, кетидан совук туриллаб кирди. Аммамнинг қалин тивит рұмоли, қора баҳмал пальтоси, ҳатто киприкларигача қиров қўнган эди. Ойим илдам бориб, унинг қўлидаги катта тутунни олди.

Дадам ҳам шошиб қолди.

— Ие, ие! — деди чехраси ёришиб. Аммо бошқа гапиролмади. Оғзида носвой бор эди. У шоша-пиша сандал кўрпасининг бир четини кўтарди-да, танчага тутурди.

— Тузукмисиз, опа? — деди ўрнидан туриб.

Аммам муздек лаблари билан пешонамдан ўғди-да, қўлини танчага тиқди.

— Ҳаҳ, ўлсин-а! — деди қалтираб. — Қўлим музлаб кетди-я.

Ойим чойни янгилаш учун дарров самоварни кўтариб чиқиб кетди. Дадам аммамнинг қўзига тикилиб қарадиу хавотирланиб сўради:

- Тинчликми, опа, нима бўлди?
- Дард бўлди! Бало бўлди! Сен бу ерда танчага кетингни тиқии-иб ётгин, хўтми! Опамнинг ахволи нима кечди, демагин, хўтми!
- Нима бўлди ўзи? — деди дадам муросага чакирган оҳангда.

Аммам тўсатдан йиглаб юборди:

- Не умидлар билан кутувдим бу болани! Мана, уруш битди, болам эсон-омон келди, энди яхши тўйлар қиласман, деган умидим бор эди.

Дадамнинг ранги учди:

- Афзалхонга бир нима бўлдими?

Урушдан ялтироқ тугмали шинел кийиб келган, аммамнинг ўзига ўхаш чиройли Афзалхон акам кўз ўнгимга келди. Қайтиб кирган ойим ҳам дадамнинг хавотирли саволини эшитиб уй ўртасида туриб қолди.

- Тинчликми?

— Бола эмас, бало бўлди бу! — Аммам рўмолчасига бурнини қоқиб пиқиллади. — “Келганингга икки йил бўлди, ёшинг ҳам ўттизга қараб кетяпти, билган у дейди, билмаган бу дейди”, десам, писсайиб юрганида гап бор экан. Дараҳтни бир тепсанг, юзта қиз ёғиладиую бу йигит ўлгур мана шу жувонни оламан дейди! Орқасида тайлоқдай боласи бўлмасаям гўргайди.

- Кимни? — дадам билан ойим баравар сўрашди.

— Кимни бўларди. Рисол дегани бор экан-ку! “Эрга тегмасидан олдин ҳам яхши қўрадим”, дейди. “Боласига ўзим оталик қиласман”, дейди. Вой, бироннинг итваччасига оталик қилмай тусингни ел есин! — Аммам жаҳл билан дастурхонни муштлаган эди, жийдалар сочилиб кетди. — Лой қозонга олтин тувоқ бўлмай бўйгинанг лаҳатда чиригур!

Ўткир ҲОШИМОВ

Энди кўз ўнгимга Рисолат опа келди. Ахир мактабдаги энг чиройли, энг ширинсўз ўқитувчи шу — ўзимишнинг Рисолат опамиз-ку!

— Кўзини сузиб, қошини қоқиб, жоду қилиб олган болами ни бу мегажин! — аммам алам билан яна йиграй бошлади.

— Бўлмаса, Тошкентдай шаҳри азимда қиз анқонинг уруғи бўлтими! Ҳозир ўн етти яшар қизга эр йўғу қиличдай болам шу жувон ўлгурнинг туэофига илиниб ўтирибди.

— Йўғ-э, — деди ойим бушашиб. — Рисолатхон унақа жувон эмас шекилли.

Аммам “сен жим тур” деган маънода онамга ўқрайди.

— Афзалхон ёшлик қилмасин, — деди дадам ўйланниб. — Ҳар қалай, умр савдоси-я бу.

— Ҳа, тилинг бор экан-ку! — Аммам ҳаммасига дадам айбдордек бобиллаб берди. — Гапир! Тоға бўлиб насиҳат қил. Ойда-йилда бир борсанг, думингни тутқазмайсан. Ҳеч бўлмаса, уйингга келганда гапирсанг, оғзиңг бичилиб қолмайди-ку.

Афзалхон акам кейинги пайтда бизникига тез-тез келадиган бўлиб қолган. Ҳозир шу эсимга тушди.

— Майли, — деди дадам бош силкиб. — Бафуржагаплашамиз.

— Сенинг гапингга кўзи учиб туриби! “Шунга ўйланмасам, Тошкентни суви менга ҳаром, бошим оккан томонга кетаман”, дейди. — Аммам жаҳл билан ойимга бурилди. — Нимага мулла минган эшакдек сўппайиб турибсиз, келинпошша! Кийинмайсизми?

— Қаёқка? — деди ойим талмовсираб.

— Лоҳатга! — Аммам яна бурнини қоқди. — Совчиликка битта ўзим бормайман-ку.

Ойим гарангсиб сандалнинг бир четига чўкди.

— Қандоқ бўларкин? — деди иккиланиб. — Ҳолпош

холага нима деймиз? "Келинингизга совчи бўлиб келдик", деймизми? Бечоранинг ўзи ўглидан айрилиб жигар-бағрои эзилиб ўтирган бўлса.

— Йўқ деса гўрга... Кўлидан келса келинини тийиб олсин!

Аммамнинг ҳамма гапини тушунмасам ҳам, Рисолат опани ёмонлаётганини ҳис этиб туардим. Йўқ, ўқитувчим ёмонмас. Мактабдаги энг яхши ўқитувчи — ўзимизни опамиз. Ҳатто иккинчи "Б"дагилар ҳам бизга ҳавас қилишади. Уларнинг ўқитувчиси ёмон.

Аммам наридан-бери чой ичдию онамни отлантириди.

— Сен ҳам юр! — деди менга қараб.

Ойимнинг кўзига ялиниб қарадим.

— Бормайман, — дедим секин. — Боргим келмаяпти.

— Бора қол, — деди дадам. — Ҳали мактабингга вақтли-ку.

Ўқитувчимнига боришга уялар, айниқса, ҳозир сира боргим келмасди. Дадам аммамдан ҳайиққани учун менга буюрди, мен дадамдан қўрққаним учун ноилож кийиндим.

Холпош холанинг бир кўзи кўр. Негадир афтига қарашга қўрқаман. Аммо ўзи жуда яхши хотин. Нуқул "гиргиттон" дейди. Жўрабошимиз уни "Гиргиттон хола" дейди орқасидан. Уларнинг уйи Тойларникидан нарида... Кор кечиб анча юрдик. Ниҳоят, исириқ ҳиди анқиган пастаккина уйга аввал ойим, кетидан тутун кўтарган аммам, унинг кетидан мен кириб бордим. Холпош хола сандал четида хамир қориб ўтирган экан. Мехмонларни кўриб қувониб кетди.

— Вой гиргиттонлар,вой ўзим гиргиттонлар! — деганча каловланиб ўрнидан турди. Кўли хамир юқи бўлгани учун билаги билан елка қоқиб қўришди. Пайтавани

Ўткир ҲОШИМОВ

қалин ўраган эканман, пиймамни ечгунча қийналиб кетдим. Холпош хола бир зумда дастурхон ёзди. Ҳаник четида чүнқайиб ўтириб ёнғоқ чақди, тут майиз, шинни қўйди... Ойим қизариб-бўзариб, аммам эса чимирилиб ўтиради. У таңча ичидан ойимнинг оёғига ўҳшатибгина тепди шекилли, онамнинг ихчам гавдаси силкиниб кетди.

— Кўп овора бўлаверманг, — деди баттар қизариб. — Биз бир юмуш билан келувдик.

— Вой гиргиттон, овораси бор эканми? Эшонойимнинг оёқларига қўй сўйсак арзиди.

Аммам: “Гапирасанми-йўқми?” деб қошини қоккан эди, ойим тутилиб-тутилиб гап бошлади:

— Биз... Ҳалиги... Қулчиликка келувдик, айланай...

Холпош хола бир зум довдираб қолди. Чой қуйиб узатаётган пиёласи ҳавода муаллақ туриб қолгандек эди. У ягона қўзи билан ойимга ҳайрон тикилди.

— Шундоқ бўп қолди, — деди аммам жилмайишга уриниб. Унинг табассуми йиғидан баттар аянчли эди. — Шу, Афзалхон тушмагур Рисолатхондан бўлагига кўнмаяпти... Билмадим, мабодо тақдир қўшган бўлса...

Холпош хола ягона қўзини аммамга қадаб пиёлани дастурхонга қўйди.

— Албатта, сизга оғир, — деди ойим овози титраб. — Худо шоҳид, дилингизни оғримоқчи эмасмиз. Биламиз, бу гапнинг мавриди эмас, ўзингизнинг оғзингиз тұла қон...

Холпош хола бошини хам қилиб ўйга толди.

— Рисолатни келинмас, қизим деганман, гиргиттон, — деди анчадан кейин. — Нима қилай, уруш жудо қилди ўғлимдан. Боламнинг ўрнига болам, деб этагидан тутган эдим. — Унинг овози титрай бошлади. — Майли, иложим қанча, мени деб ёш умрини ўтказса, Худо нима дейди.

Аммам бошқача гап куттан экан шекилли, ранги ўчди.

— Мен айтдим, — деди овозини баландлатиб. — “Хой, бола, ёшлиқ қилма, кейин шохинг синиб қолади”, деб неча марта айтдим.

— Албатта, тенг тенги билан деган гап бор. — Холпош хола ҳамон бошини қуи солиб ўтиради. — Үглингиз кўз очмаган йигит бўлса. Кизим... — У жимиб қолди.

— Тағин ўзлари билишади. Икковининг кўнглида шуният бўлса бизнинг қулемиздан нима келарди. — У қандайдир ички сезги билан сергакланди. — Шошманг, гиргиттон, болам келди. Орифим келди.

Чиндан ҳам эшик очилди-да, эски пальтосининг устидан елкасига жилд осган Ориф пайдо бўлди. У телпагининг қулоқчинини томоги остидан ўтказиб боғлаб олган, қошиқдек юзида кўзойнаги аллақандай кулгили ялтираб турарди.

— Келдингми, болам, — Холпош хола дарров Орифнинг жилдини олди. — Совук котиб кетибсан-ку, шакартойим.

Ориф учинчиди ўқийди. Уларнинг дарси тугаган бўлса, демак, мен ҳам тезроқ мактабга жўнашим керак.

— Ойи, кетайлик, — дедим типирчилаб.

— Ҳали вақтли, биз учта ўқидик. — Ориф елкамга қўлини ташлади. — Юр, қубба ўйнаймиз.

— Майли, нариги уйга кира қолинглар, — деди Холпош хола дарров қўниб. — Катталарнинг гапига қулоқ солса уят бўлади, гиргиттонлар.

Ориф иккаламиз қиров босган, деразасидан хира нур тушиб турган каталакдек уйга кирдик. Бу Рисолат опанинг хонаси бўлса керак, бурчакда стол, суюнчиғи баланд стул бор эди. Стол устида дафтар-китоблар тахлаб қўйилган. Кирпеч осилган деворда Рисолат опанинг чуст дўппи кийган киши билан тушган сурати. Рисолат

Ўткир ҲОШИМОВ

опа дўппили кишининг елкасига бошини хиёл эгиб жилмайиб турибди.

- Бу ким? — дедим суратдаги кишини кўрсатиб.
- Дадам! — Ориф токчадаги товоқдан бир ҳовуч ёнғоқ олди. — Ўйнайсанми?
- Менинг ёнғофум йўқ-ку.
- Қарзга бериб турман. — У ўнта ёнғоқни санаб ажратди. — Мен ган қўяман, ҳўпми?
- Бўлти.

Қубба ўйини қийин эмас. Тўртта ёнғоқ қубба қилиб қўйилади. Узоқдан пойлаб теккизсангиз, ган сизники. Теккизолмасангиз, оттан ёнғонгиз қулоғини ушлаб кетди деяверинг.

Бирпасда қарз олган ёнғофимдан бештасини ютқазиб қўйдим. Ёнроқ намат устида яхши думаламайди. Ё сакраб кетади, ё тўхтаб қолади. Бунинг устига уй нимкоронфи.

Роса берилиб ўйнаётган эдик, нариги уйдан Холпош холанинг овози келди.

— Сандиқнинг тагига ёнғоқ отманглар, гиргиттон, сичқон қўпаяди.

Кетма-кет аммамнинг зардалироқ гапиргани ҳам эшитилди:

— Майли, энди бизлар турайлик.

...Ўша куни хотинлар тағин нимани гаплашганини билмайман. Бироқ эртасига Рисолат опа жуда ғалати, хомуш бўлиб қолди. Тарава билан иситилган темир печка пешиндан кейин илимилик бўлиб қолар эди. Биз болалар чопонимизни ечмасдан ўтирамиз. Ҳаммадан ёмони сиёҳ музлаб қолади. Сиёҳдонни печка устига қўйсангиз сал эрийдию яна музлайверади. Перони ботирсангиз қирс этади, сиёҳ юкмайди. Ҳар қандай совуқда ҳам пальтосини ечиб, сочини силлиқ тараб, бош яланг ўтирадиган Рисолат

опа ўша куни негадир пальтосини ҳам, рўмолини ҳам ечмади. Ўқиши дарси эди. Доскага чиқдим.

— Ўқи, — деди Рисолат опа журнални очиб.

— “Кудук ёнига уч хотин келди. Ҳаммаси ўз ўғлини мақтай бошлади”, — деб шариллатиб ўқиб кетдим. Биттаям жойида тутилмадим. Ўқиб бўлдиму Рисолат опанинг “Ўтири” дейишини кутиб туравердим. У бўлса индамайди. Офирилигимни у оёғимдан бу оёғимга ташлаб, ҳали турибман, ҳали турибман... Рисолат опа деразага тикилганча ўтирибди. Шу ўтиришда ухлаб қолгандек эди. Охири бўлмади. Аввал секинроқ, кейин қаттиқроқ йўталдим.

— Ўқи, — деди у ҳамон деразадан кўз узмай.

— Бўлдим, — дедим секин.

— А? — Рисолат опа чўчиб уйғонгандек бошини бурди.— Бўлдингми? Ўтири, раҳмат.

Рисолат опа эртасигаям, индинигаям шундай бўлиб юрди. Ҳар куни ўқитувчим билан бирга кетишга ўрганиб қолган эканман. Мактабдан ёлғиз қайтиш аlam қиласр эди. Бултур Ҳўжа билан қайтардик. Энди уям йўқ: Чирчиқда. Бийдай кенг, кимсасиз дала ўртасидаги ипдек ингичка йўлдан ўтгунча зерикиб кетаман. Йўлдаги излар чуқур-чуқур ботган, икки чети белим баравар қор. Сал четта чиқсан, пиймам қорга тўлиб чиқади. Рисолат опам билан юрсан мазза, ҳарна шамолни тўсиб кетади.

Учинчи куни Рисолат опам билан кетдим. Факат иккаламиз эмас: Афзалхон акам ҳам бор эди.

Охирги дарсдан чиқиб юз қадамча юрган эдим, қарасам, қордан шохлари эгилиб кетган тол тагида Афзалхон акам турибди. Аскарча шинелини кийиб олган, оёғидаги этик ярақлатиб мойланган. Факат бош яланг. Яқин бордим.

— Қулоқчинингни тушириб ол. — У телпагимнинг боғичини ечиб қулоқчинни томомим остидан ўтказди. —

Ўткир ҲОШИМОВ

Қулоғинг совуқ қотиб қолади. — Кейин шинелининг чўнтағидан буқланган газета олди. Тўртбурчак килиб йиртди. Бошқа чўнтағидан ҳалтacha чиқарди. Ҳалтачадан тамаки чимдib олди-да, уни сарғайиб кетган бармоқлари билан қоғозга сепиб ўрай бошлади. — Менга қара! — деди тамаки ўрай туриб. — Ўқитувчингни айтиб чик.

— Э, уяламан! — дедим ростини айтиб.

— Хўп дегин. — Афзалхон акамнинг бармоқлари титраб кетгандек бўлди. — Битта укалик қилгин, жиян. Ўзинг катта йигитсан-ку, сенга орденимни бераман.

Афзалхон акамнинг каттакон, оғир Қизил Юлдузини ўйнашни яхши кўрадим. У бўлса, буровини бўшатиб, ечиб кўришимга ҳеч рухсат бермасди.

Ордендан кўра унинг ялиниши таъсири қилди. Пиймамдан совуқ ўтиб, оёғим музлай бошлаган бўлса ҳам орқага қайтдим. Ўқитувчilar хонасининг эшигини қўрқа-писа очдим. Бу ер ҳам совуқ, деворда хариталар. Стол устида журналлар. Рисолат опа совиб қолган печ-канинг тунука дудбуронига кафтини босиб, қулини иситаётган экан. Нарироқда соchlari оппоқ математика ўқитувчиси ўтирибди.

Рисолат опа мени қўриб негадир жилмайди:

— Уйга кетмадингми?

Индамай бош чайқадим.

— Бўпти, кетдик. — У рўмолини қайтадан ўради. Пальтосининг тугмаларини солди-да, келиб қўлимни тутди. — Вуй, қўлинг музлаб кетибди-ку. Мени кутишинг шартмиди?

Негадир ўэимни жуда ёмон қўриб кетдим. Ерга қараганча индамай кетавердик. Олдинда ўқитувчим, орқада мен. У қулини орқага чўзганча илиқ кафти билан қўлимни ушлаб олган. Ҳар қадам босганида калиш-

маҳсиси фижир-фижир қиласи. Товонидан қуруқ, муздек қор сачрайди, бир маҳал у қўлимни қўйиб юборди. Менга ўтирилиб қараганини, кўзимга тикилаётганини хис килиб турадиму бошимни кўтаролмасдим. Афзал акам қорни фижир-фижир босиб яқин келди. Шундагина се-кин бошимни кўтардим. Рисолат опа ҳамон менга қараб турар, совуқ бўлса ҳам кулча юзлари қизарган, янайм чиройли бўлиб кетган эди.

Афзалхон акам икки қадам нарида тұхтади.

— Кечирасиз, — деди секин.. — Мен илтимос қилув-дим. — У қорга ботиб Рисолат опага йўл бўшатди. Ол-динда Рисолат опа, кейин Афзалхон акам, унинг кетидан мен — тизилишиб йўлга тушдик. Анчагача жим кетишиди.
— Ўйлаб кўрдинги? — деди ниҳоят Афзалхон акам.

Уларнинг гапини эшлиши яхши эмаслигини хис қи-либ турадим. Тұхтаб қолдим. Улар ҳам ўн қадамча нари бориб тұхташиди.

— Битта ўғлингизни ўйласангиз, хавотир олманг, — деди Афзалхон акам. Бироқ Рисолат опа бир нима деб имлади шекилли, Афзалхон акам овозини пасайтироди. Қўлини кескин-кескин силтаганча алланимани қўйиб-пишиб тушунтира бошлади. Анча гаплашишиди. Оёғим-дан муз ўтиб кетди. Бурнимни тортавериб чарчадим. Ўтиб кетай десам, бир ёғи қорга ботишдан, иккинчи томони, уларга яқин боришдан қўрқаман.

Афзалхон акам шинелининг чўнтағидан яна қороз, тамаки олди. Тез-тез ўрай бошлади. Икковлари тағин юриб кетишиди. Хайрият!

Мен ҳам эргашдим. Ўттиз-қирқ қадам юриб яйдоқ даланинг қоқ ўртасида яна тұхташиди. Ўн қадамча берида мен ҳам тұхтадим. Энди оёғим акашак бўлиб қолган, пийма ичида нима бор — нима йўқ, ўзим ҳам билмасдим.

Ўткир ҲОШИМОВ

Афзалхон ака тамаки тутаб турган қўлини силкитиб яна алланималарни гапира бошлади. Шундан кейин ғадати бўлди. Афзалхон акам бирдан сирғаниб кетгандек, чўккалаб қолди. Аввалига йиқилиб тушди деб ўйлаган эдим. Йўқ, йиқилмаган экан. У Рисолат опамнинг оёғидан қучиб ҳайқириб юборди:

— Айтинг, нима қилас! Биламан, Йўлдошни яхши кўрадингиз. Мен ҳам яхши кўрадим. Дўстим эди... Лекин энди у йўқ-ку!

Рисолат опа Афзалхон акамнинг қултиғидан тутиб турғизмоқчи бўлар, аммо кучи етмасди. Беихтиёр учтурт қадам яқин бориб қолдим.

— Иккаламиз битта расчётда эдик! — деди Афзалхон акам ҳамон ўша оҳангда. — Прагада ўз қўлим билан ерга қўйдим. Мен тирик қолганим учун айбдор эмасман-ку! Нима қилас! энди, у йўқ-ку!

Рисолат опа йиглаб юборди. Афзалхон акамнинг сочини икки қўли билан ҳадеб силар экан, илтижо қилди:

— Мен-чи, мен?

— Нима сиз? Нима?! — деди Афзалхон акам ҳам илтижо билан.

— Мен борман-ку! — Рисолат опа яна Афзалхон акамнинг бошини силади. — У ўлган бўлса, мен тирикман-ку.

Шу алпозда Афзалхон акамнинг бошини силаб, кўзларидан шашқатор ёш оққанча анча турди. Кейин секин бурилдию қорли сўқмоқдан чайқалиб-чайқалиб юриб кетди.

Афзалхон акам анчагача чўккалаб турди-да, секин қаддини ростлади. Мен томонга бурилди. Шинелининг тиззаси қорга беланган, кўзларида ёш бор эди. У менга қарамади. Бир ҳатлаб четта чиқдию қор кечиб ганди-

раклаб юриб кетди. Ҳатто нарига борганда ҳам йўлкага тушиб олмади. Бийдек далада ёлгиз қолдим. Қора пальто кийган Рисолат опа бир томонга, кулранг шинель кийган Афзалхон акам иккинчи томонга кетар эди. Охири иккаласи иккита қора нуқтага айланиб оппоқ қорлиқка сингиб кетди. Нима учундир совуқни унудим, уйгаям боргим келмас эди.

...Кейин Афзалхон акам бизникига жуда кам кела-диган бўлиб қолди. Рисолат опа синфимизни ёзгача ўқитдию фойиб бўлди. Ойимнинг айтишига қараганда, Холпош холамнинг андижонлик синглиси бор экан. Ҳаммалари ўша ёққа кўчиб кетишибди.

Афзалхон акам, аммам айтганидек, “Тошкентнинг суви менга ҳаром”, деб бош олиб кетгани йўқ. Бироқ анчагача уйланмай юрди...

Бир неча йилдан кейин юқори синфда ўқиётганимда астрономия ўқитувчимииздан бир ҳакиқатни билиб олдим: ойнинг ўзи ёғду сочмас экан, қуёшдан нур оларкан. Бу дунёда офтоб борлиги учун ҳам ой ёғду сочиб тураркан.

ПИСТАЧИ

У гузардаги бозорчанинг кираверишида, тагига пастак курсича қўйиб ўтиради. Олдида иккита халта. Биттасида писта, биттасида қурут. Қишлоғи пайтлари ёнбошида таги мих билан тешилган пақирда чўғ ҳам бўлади: қўлини иситиш учун. Унинг моли худди магазиндаги сингари қатъий нарх билан сотилади. Чумчуқнинг тухумидек қурутнинг иккитаси ўн тийин, пистанинг стакани йигирма тийин. Стакан ҳам “заказной”: бир кафт писта солиши билан тўлиб чиқади. Эрталаблари унинг кайфияти ёмон бўлади. Кулранг кўзлари сийрак қоши

Ўтқир ҲОШИМОВ

остидан одамга ўқрайиб қарайди. Қурут санаётганда, стаканга писта солаётганда қўли титрайди. Билганлар у билан савдолашиб ўтиромайди. Мабодо бирон харидор молининг қимматлигини айтса, балога қолади.

— Менга ўргатма, ўв! — дейди кўзлари газабдан ёниб. Жаҳли чиққанидан сариқ мўйлов учб-учиб қўяди.

— Закунни сендан яхши биламан! Сенга ўхшаганларни деб қон тўкканман! — У гапининг исботи учун тарашадек қотиб қолган, букилмайдиган ўнг оёғининг товонини ўтирган жойида ерга уриб-урив қўяди. — Кўрдингми?!

Кечқурунга бориб сал чироий очилади.

— Жа-а-арений семичка! — дейди овозини баралла қўйиб. Ўтган-кетганга илжайиб қарайди. Силлиқроқ жувонлар ўтса сариқ мўйловини бураб бошини сарак-сарак қилиб қўяди. Яқинроқ келган киши оғзидан арzon вино ҳиди гупиллаёттанини сезади...

Бу — Далавой. Бир вақтлар дадам томорқадаги дарахтни кесгани учун қаматмоқчи бўлган, кейин пора сўраган Далавойнинг ўзи. Уни деярли ҳар куни кўраман. Ҳар кўрганда кўнглимда фалати хотиралар уйғонади.

* * *

Даравой налугчи бўлганидан кейин айниқса қутуриб кетди. Яқин атрофда “Даравой келяпти” деса, чўчимайдиган одам йўқ эди. У гижинглаган қизил жийрон миниб юрар, ярақлаб турган этиги ҳам, галифе шими, “пўрим” қилиб қўйилган сарфиш сочи ҳам ўзига хўп ярашган эди. Елкасидан ошириб ташлаб олинган чарм тасмали сумкаси, қўлидаги қамчиси кишида қандайдир қўрқувга ўхшаган нарса уйғотарди. Одамлар уни кўрганда азбаройи ҳурмат қилганидан эмас, қўрқанидан салом берарди.

Уруш энди битган, ҳамманинг ахволи ўзига маълум... Далавой налугчи солиқни ўз вактида тўлай олмаган одамларнинг ҳовлисига тўппа-тўғри отда кириб келар, ади-бади айтишиб вақтини ўтказиб ўтирмас, намат борми, самовар борми, хуллас, яроқлироқ бирон буюмни баҳолаб олиб кетарди.

Одатдаги ёз оқшомларидан бири эди. Ойим эчкини соғиб бўлиб, “насибасини” эмсин, деб улоқчаларни қўйиб юборди-да, ошхонага кириб кетди. Бири қора, бири оқ икки улоқча онасининг елинига ёпишганча олдинги оёқлари билан чўккалааб, думчаларини ликиллатиб-ликиллатиб эмишар, эчки уэун, оқиш киприкларини яром юмиб маза қилиб кавшанаар эди. Ойим ошхонада гўжа пиширар, ҳавода тутун аралаш пиёздор ҳиди кезар, акам билан мен супада туриб ким узокка сакраш ўйнаётган эдик.

Бир маҳал кўча томондан түёқ товуши эшитилди. Дарвоза шарақлаб очилди-да, қизил жийроннинг жиловидан тутган Далавой налугчи кириб келди. Акам бир зум анграйиб турди, кейин овози борича қичқирди:

— Ойи!

Ошхонадан ачишган кўзини ишқалаб ойим чиқди. Далавойни кўрдию шошиб қолди.

— Вой, вой, айланай, — деди овози титраб. — Ассалому алайкум. Яхши ўтирибсизларми, ўргилай? Келиним эсон-омонмилар?

Даравой индамай бош иргаб қўйди. Унинг авзойи бузуқ эди. Қулранг кўзлари қисилиб турар, қўлидаги илондек қамчисини ўйнатиб-ўйнатиб қўяр эди.

— Вой эсим қурсин. — Ойим энди ҳушини тўплагандек жилмайди. — Нимага қараб турибман? Ўтиринг, ўргилай. Ҳали-замон овқатим пишиб қолади. Мен ҳозир...

Ўтқиғ ҲОШИМОВ

Ойим күрпача отчиқиши учун бўлса керак, уй томонга йўналган эди, Далавой қатъий бош чайқади:

— Йўқ, мундок келинг.

Ойим тараддулланиб ҳовли ўртасида тўхтаб қолди.

— Хў-ўш, — деди Далавой маънодор қилиб. — Бу, наулуглар кўпайиб кетибди-ку, бу ёғига нима қиласми?

Ойим жилмайишга уринди:

— Билмасам, оповси. Уч кундан кейин адаси маош оладилар.

— Униси уч кун дейди, буниси беш кун дейди! — Далавой жаҳл билан сариқ қошини чимириди. — Нима, менинг жоним темирданми? Юравераманми у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб!

Ойимнинг кўзлари ташвиш билан жавдиради:

— Нима қилайлик, оповси, ўтган сафар баркашни олиб кетдингиз...

Ойимнинг гапи негадир Далавойни ғазаблантириб юборди. Кулранг кўзлари қисилиб, аллақандай кўкиш ўт сараб кеттандек бўлди.

— Нима, баркашингизни уйимга обориб қўйибманми? — деди овози жаранглаб. — Закун бор, билдингиэми?

Шу пайт осмондан тушдими, ердан чиқдими, аллақаёқдан гуржи кучугумиз пайдо бўлди. Ҳудди ҳозир ғажиб ташлайдигандек тўппа-тўғри отнинг оёғига ёпишиб овози борича акиллай бошлади. Жийрон ер тепиниб пишқирди. Бошини шиддат билан кўтарган эди, Далавойнинг жилов тутган қўли силтаниб қайрилиб кетди.

— Йўқол-э, падарингга лаънат! — у жаҳл билан жиловни тортди. Итга қамчи ўқталди. Кучук ангиллаб қочди. Бироқ нарирокка бориб баттар вовиллашга туш-

ди. — Ечинг ановини! — Даравой дағдаға билан ойимга буюрди.

Ойим бир зум күзларини пирпиратиб турди-да, секин, энтикиб сүради.

— Нимани, оповси?

— Анови говмиш сигирни! — Даравой лабининг бир чети билан истехзоли кулди. — Күтир эчкидан бошқа нимангиз бор ўзи?

— Инсоф қилинг, оповси. Ўзи болаларнинг оғзини оқартириб турган бисотимиизда бор молимиз шу. Буниям опкетсангиз ҳолимиз нима кечади? Бир жойлик одаммиз-ку, ўргилай.

— Қанақа ғалча одам булар ўзи? — Жаҳли чиққанидан Даравойнинг ингичка мүйлови уча бошлади. — Нима, сендақалардан бошқа ишим йўқми?! Давлат бор, закун бор! Мана! — У қамчисини қўлтиғига қистирдида, елкасидан ошириб тақиб олган чарм сумкасини очди.

— Мана, — деди ойимнинг бурнига аллақандай қофозни тиқишириб. — Ўттиз кило гўшт, ўн беш кило ёғ, юз литр сут... Ўқинг, савод борми ўзи?

Ойим қофозга эмас, Даравойнинг кўзига термилди:

— Күтир эчки қанақа қилиб юз литр сут берсин, оповси, — деди секин.

— Ия! — Даравойнинг қулранг кўзлари қисилиб кетди. — Ҳали давлатнинг закуни бекор экан-да! Тегишли жойда гаплашиб қўймайлик тағин.

Ойимнинг ранги қув ўчиб кетди.

— Жон укам, — деди ялиниб. — Ило мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин. Кўриб турибсиз-ку...

— Э, нимани қўраман! Мана бу ерга ҳаммасини ёзиб қўйибман-ку! Мана! Мана!

У қофозни «мана» деб шаҳд билан қўтарган эди, жий-

Ўтқир ҲОШИМОВ

рон журкиб кетди. Қаттиқ пишқирдию сувлифини шиқирлатганча бир силтаган эди, жилов Дағавойнинг қўлидан чиқиб кетди. Қўлтиғига қистирилган қамчиси тупроқка тушди. От думини гажак қилганча дарвоза томон йўртди. Дағавой жаҳолатда отнинг кетидан югурди. Бир сакраб жиловдан тутиб олди-да, судрагундек бўлиб бояги жойга олиб келди. Энгашиб ердан қамчисини олдию кучи борича жийроннинг бошига солди. От жон аччиғида бошини силкитиб олдинги оёқлари билан ер тепина бошлади. Аммо Дағавойнинг бақувват қўли жиловни бураб олган, ҳар гал қамчи визиллаганида от пишқириб сувлиғидан кўпик сағратар, қўзлари олайиб қулоғини динг қилганча ер тепинар, бироқ жиловини бушатолмас эди.

Даҳшатдан чинқириб юбордим. Акам ҳамон анграйиб турарди. Ойим югуриб келиб Дағавойнинг қамчисига осилди:

— Урманг, жониворда нима гуноҳ!

— Э, нари туринг! — Дағавойнинг кўзларида расмана ваҳший ўт ёнар, ўзининг лаби ҳам худди отиники сингари кўпириб кетган эди. У аъзойи бадани титраб турган отни жиловидан силтаб тортганча ҳовли бурчагига қараб юрди. Бир қўлида жилов туттан кўйи иккинчи қўли билан эчкининг арқонини қозиқдан еча бошлади. Ойим чумчукдек чирқиллаб, эчкининг арқонига ёпишди.

— Бермайман! — деди нафаси қайтиб. — Үлдирсанг ҳам бермайман.

Дағавой арқонни ечиб торта бошлади. Боядан бери ёнимда индамай турган акам супадан сакраб тушди-да, чопиб бориб арқонга ёпишди. Дағавой у ёкка тортди, ойим билан акам бу ёкка. Ойимнинг рўмоли ечилиб, елкасига тушди. Сочлари ёйилиб кетди. Эчки ҳам худди ҳаммасини тушунгандек тўртта оёғини ерга тираб орқага тисарилади.

Энди овози ўча бошлаган кучугимиз тағин “ишга киришди”. Кандайдир ингичкалашиб кетган товушда алам билан акиллаганча, коптоқдек пилдираб чир айлана бошлади. Факат мен даҳшат ичида қотиб турар, нима қилишимни билмас эдим. Далавой арқонни сал бўшатган эди, бўйни чўзилиб кетган эчки бошини силкитиб, бўғилиб йўтала бошлади.

Ичкарида ухлаб ётган укам шовқин-сурондан уйғониб кетди шекилли, айвонга иштончан чиқиб бурни оқканча йиглай бошлади. Ойим Далавойнинг арқонни бўшатанидан умидвор бўлиб яна ялинди.

— Ҳеч бўлмаса мана шу қора кўзларни ўйланг. Илоё, сиз ҳам шунақа қўша-қўша ўғиллар кўринг, укам,

— деди ҳарсиллаб.

Далавой арқонни қўйиб юбормади. Ижирғаниб юзини ўтироди:

— Э, шунақа қинғир-қийшиқ болалар кўрадиган бўлсам, кўрмадим-э!

Ойим тарсаки егандек бирдан сесканиб кетди. Бир зум Далавойга тикилиб турдию арқонни қўйиб юборди. Калин лаблари титрай бошлади.

— Ол! — деди овози қалтираб. Ўша заҳоти кўзлари жиққа ёшга тўлди. — Ўзимни сўксанг сўк, болаларими ни нимага ҳакорат қиласан, иймонсиз! — Кейинги сўзлар бўғиздан йиги аралаш нидо бўлиб чиқди. — Илоё, у дунё бу дунё тирноққа зор бўлгин, билдингми! Илоё, хонадонинг чақалоқ йигисига зор бўлсин!

Далавой бирпас безрайиб турди-да, фудраниб сўкинди. Арқонни қўйиб юбориб орқасига бурилди.

— Опкет! — деди ойим қатъият билан. — Эркак бўлсанг, сўзингдан қайтма!

Далавой уч қадамча юрган жойида шартта бурилди. Арқонни юлқиб олди-да, эчкини эшик томон судраб

Ўткир ҲОШИМОВ

кетди. Эчки ҳамон тихирлик қилиб орқага тисарилар эди. Боя онасини тўйиб эмиб олган, энди ҳовлининг аллақайси бурчагида юрган улоқчалар диконглаб эчкига эргашди. Акам жонҳолатда югуриб улоқчалардан бири-нинг орқа оёғидан ушлаб қолди. Улоқча аянчли маъраб типирчилар, акам қўйиб юбормас эди. Далавой дарвозага етганда иккинчи улоқчани этиги билан туртиб ичкарида қолдириди-да, бир қўлида от жилови, бошқа қўлида эчки арқонини тутганча эшикни қарсилатиб ёпиб чиқиб кетди. Рўй берган воқеанинг бутун даҳшатини энди тушунгандек бўлдим. Эчким бўлмаса, майдончага нима деб бораман? Вали билан қандай ўйнайман? Той билан-чи?

Ойим бир зум ҳовли ўртасида соchlари паришон туриб қолди. Кейин ҳамон йифлаётган укамнинг тепасига келди. Бурнини этагига артди-да, кўтариб уйга опкириб кетди.

Қош қорайганда дарвозадан юргургудек бўлиб дадам кириб келди. Ҳамма гапни кўчадан эшигтан шекилли, тўп-па-тўғри уйга кирдию қўшофиз милтигини кўтариб чиқди. Ойим дод солиб милтиққа ёпишди.

— Қамаб қўяди! — деди чирқиллаб. — Нима қилмоқчисиз, қамаб қўяди!

— Қоч! — Дадам ғазабдан қалтираб, тирсаги билан ойимни нари сурди. — Бир бошга бир ўлим!

— Керакмас, Ҳудо хайрингизни берсин, керакмас.

Ойимнинг ноласи таъсир қилди чори, дадам ҳолдан тойгандек супанинг чеккасига ўтириб қолди. Тиззаси устига милтиқни кўндаланг қўйганча кафтлари билан бошини чангллади...

— Давлатнинг одами билан ўйнашиб бўладими, — деди ойим муросага чақирган оҳангда.

— Давлат унақа деганмас! — дадам жаҳл билан тиззасига муштлади. — Давлат, бироннинг охирги молини шилиб келасан, деганмас. Бу гап ўша пиёнистанинг ўзидан чиқкан.

— Кўлида қофози бор-ку, — деди ойим ёшли кўзларини мўлтиратиб.

— Тағин гапиради-я! — Дадам ҳаммасига ойим айбдордек яна тиззасига муштлади. — Ҳеч ким унга унақа қиласан, деб ўргатган эмас! Бу аблахнинг ўзи давлатни одамларга ёмон кўрсатиб юрибди. Шунга ақлинг етадими, йўқми!

— Майли. — Ойим енгининг учи билан кўзини артди. — Унгаям боккан бало бордир... Майли, — деди хўрсиниб. — Шукр, уруш битди, бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Ҳадемай болалар катта бўлиб қолади. — Далавойнинг бояги гапи яна юрагини ўртаб юборди шекилли, ойимнинг овози титраб кетди. — Ўзимни сўкса майли эди, болаларимни нимага гапиради...

...Онам айтганидек, ўша кунлар унут бўлди. Турмуш изига тушиб кетди. Кунлардан бирода оппоқкина, дўмбоккина нотаниш хотин бир нарсадан қўрқандек хуркиб дарвозадан кириб келди. Ойим айланиб-ўргилиб унга пешвуз чиқди. Нотаниш хотин ойим билан кўриша туриб ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Кўёвингиз яна урди, — деди секин. Унинг чап юзи моматалоқ бўлиб кетганини энди кўрдим.

— Кунора уради. “Кисир сигирсан”, дейди. Бўйимда бўлмаса, нима қилай, опажон. “Сени минг талоқ қўйиб онаси ўпмаган қизни оламан”, дейди. — Нотаниш хотин ҳўнг-ҳўнг йиғлар, ўпкасини тутиб ололмасди. — “Сени деб одамларга ёмон кўриндим”, дейди. Нимани қойил қипти? Топганини ичади. Кеча маст бўлиб сизни

Үткір ҲОШИМОВ

гапириди. “Шуя� қарғаган эди”, дейди. Махаллага құшилолмасам, бирөвга ҳасрат қилолмасам. Бурчак жинниси бүлиб үтирибман. Кимга дардимни айтсам кулади. Таънадан бошим чиқмай қолди, айланай опажон.

Бу – Далавойнинг хотини эканини энди тушундим. Ҳайрон бүлиб гоҳ онамга, гоҳ Далавойнинг хотинига қараб туардим.

– Вой, гапингиз қурмасин! – ойим унинг елкасига қоқди. – Қўйинг-э, нима, мен пайғамбар бўпманми? Жаҳл устида айтган бўлсан, минг марта қайтиб олдим, ўргилай! – У чой қуийб узатди. – Шуни ўйлаб юрибсизми ҳали? Қўйинг, ўзингизни босинг. Мени айтди дерсиз, оповси, ичингиз тўла бола. Ҳали шунақа қўшаша ўғиллар қўрасизки, оғзига кучи етмаганлар уялиб қолади, айланай!

Даравойнинг хотини ойимга термилиб туаркан, ёшли қўзлари билан жилмайди:

– Айтганингиз келсин, – деди пицирлаб.

Аммо Даравой айтганини қилди: хотинини қўйиб юбориб, “онаси ўтмаган” қизни олди... Тешик мунчоқ ерда қолмайди, деганлари рост экан. Даравойнинг аввалги хотини Абди деган аравакашга тегди. Ора-чора бир боласини кўтариб, бирини етаклаб ойимнинг олдига келиб қолар, икковлари узоқ-узоқ чақчақлашиб үтиришар эди.

Даравойнинг иккинчи хотини ҳам туғмади. Лекин буниси “закунни” билиш бобида ўзидан қолишмас экан. Даравой уни ҳам “қисир сигирсан”, деб бир марта урган экан, “тегишли жой билан гаплашиб қўйди” шекилли, налутчиликдан бўшатишди. Бироқ Даравой отдан тушса ҳам эгардан тушмасди. Ҳамон жийронини гижинглатиб “пўрим” кийиниб юрар, факат энди елкасига осиб юрадиган чарм сумкаси йўқ эди.

Фалокат қош билан қовоқнинг ўтасида туради деган гап бор. Далавой бир куни масти бўлиб келаётганида от ҳуркиб судраб кетибди, деган гап тарқалди. Бели билан оёғи синиб касалхонада ётди. Узоқ ётди...

...Ҳозир уни деярли ҳар куни кўраман. Гузардаги бозорчада ўтириб писта сотади:

— Жа-а-рений семичка!

Билганлар у билан савдолашиб ўтиромайди. Билмаганлар сал жигига тегишига, таёқдек қотиб қолган ўнг оёғининг товонини ерга уриб-уриб қўяди. Фазабдан сарик мўйлови учиб-учиб хириллайди:

— Менга қара, ўв! Закунни сендан яхши биламан. Сенларни деб қон тўкканман!

Ҳар гал уни кўрганимда ғалати туйғулар қийнайди. Бир жиҳатдан ачинаман. Эҳтимол, у ўз вазифасини ба-жаргандир. Эҳтимол, ўша пайтда шундай қилиш керак бўлгандир. Аммо инсоннинг феъли ғалати. Яхши нарса эсидан чиқса-чиқадики, ёмонликни унутиши қийин. Айниқса, бу — болалик хотираси бўлса... Уни ҳар кўрганимда кўз ўнгимда онамни ҳақорат қилгани хаёлимга келаверади. Онамнинг жикқа ёш тўла кўзлари тасаввуримда жонланади.

УСТА

Ўзбекнинг отпускаси ё уй қуриш билан ўтади, ё тўй қилиш билан. Бултур ҳовли этагига меҳмонхона, айвон соладиган бўлдик. Иморат солиш ташвишини бошига тушган билади. Тахта бўлса, ғишт йўқ, ғишт бўлса, тунука йўқ, тунука топилса, бўёқ йўқ... Майли, ҳозир гап бунда эмас.

Девор кўтарилганидан кейин Абдужаббор деган уста

Ўтқир ҲОШИМОВ

ишга тушди. Гирт чапани, аммо қули гул йигит. Тўсин ташлаш дейсизми, устун қўйиш, пол қоқиши — ҳаммасини ўринлатади. Ҳалол ишлайди. Фақат битта камчилиги бор — ичади, ҳар куни ичади. Пешингача амаллаб турадиу тушлик пайтида чидолмай қолади.

— Ўв, акам, опкела қолинг анови “оқбала”дан! Томоқ жонивор бедана бўп сайраб кетди-ку!

Нима қилсаям меҳмон, бир нима деёлмайман. Ойимга сездирмаслик учун ими-жимида пиёлани тўлдириб қуйиб бераман. У ўзининг айтишича, “захарига” отиб олади-да, ашулани ванг қўйиб ишини давом эттираверади:

Боғ аро-о-лаб бораман,
Гулишан аро-о-олаб бораман...

Ойим унинг яна ичганини билиб, мени койишга тушади.

— Бола-чақали одамни пиёниста қилмоқчимисан?
Ҳар куни ичиришга уялмайсанми?

Абдужаббор тепадан туриб ҳайқиради:

— Ичганим йўқ, Пошша ойи! Ичганим йўқ! Ичган бўлсам бир қошиқ сувда чўкиб үлай! Мени масти деб ўйлајпсизми? Майли, керак бўлса бир оёқда туриб бераман. — У тўсин устида бир оёқлаб туриб “маст эмаслигини” намойиш қиласи. Ойим баттар чирқиллайди:

— Ҳой, эҳтиёт бўл, йиқилиб кетасан!

...Иш том ёпишга етганда ойим мени четга имлаб қаттиқ тайинлади.

— Агар шу болага эндијам ичирсанг, норози бўламан! Кеча йиқилиб кетишига сал қолди. Бирорвинг боласи майиб бўлиб қолса, Ҳудонима дейди!

Ўша куни тушликда Абдужабборга ётифи билан тушентирдим:

— Энди, биродар, кўнглингизга келмасину тушликда ичмай қўя қолинг.

Уста у деб кўрди, бу деб кўрди, бўлмади. Охири қовоғи осилиб томга чиқиб кетди. Кўшиқ айтиш йўқ, гаплашиш йўқ... Уч-тўрт кун ахвол шундай давом этди. Кейин мен ҳам ишга тушиб кетдим.

Бир куни тушдан кейин хабар олай деб келсам, узоқдан устанинг вадаванг ашуласи эшитиляпти. Тунукани икки марта тарақлатадио иягини ўнг томонга чўзиб чираниб қичқиради:

Боғ аро-о-олаб бораман...

Болғани яна икки марта уради-да, иягини чап томонга чўзиб қайтаради:

Гулшан аро-о-олаб бораман...

Ошхонада чой қайнатаётган ойимнинг олдига кирдим.

— Бу, яна “боғ аролаб” бориш бошланибди-ку, ким ичирди?

— Билмасам, — деди ойим менга қарамай. — Ичгани йўқ шекиlli.

Абдужаббор гапимизни эшитиб қолди чоғи, томдан туриб бақири:

— Нима деяпсиз, ўв акам! Ичган бўлсан босган изим орқамда қолсин. Нима, иссам айтишга қўрқаманми сиздан! Пошша ойимнинг олдиларида ичиб жинни бўпманми! Яххиси, битта опкеб қўйинг “оқбола”дан! Кечқурун жигарини эзамиз...

Бирорга туҳмат қилгим келмай индамай қўя қолдим. Кейин бу гаплар унутилиб кетди.

...Яқинда уйда ишлаб ўтирсам, Абдужаббор келиб қолди. Кийимлар башанг, дўппи бошга қийшиқ қўндирилган. Соқоллар қиртишланган...

Ўткир ҲОШИМОВ

— Қалай, акам, қоғоз қоралаб ўтирибсизми! — деди шанғиллаб. — Бизга хизмат-пизмат йўқми бундоқ.

Қизиқ, унинг шанғиллаши, чапаниларча “акам” деб гапириши ҳам ўзига ярашади. Қучоқлашиб кўришдик.

— Озгина оласизми? — дедим кулиб. — Ўшанда беш-үн кун сазангизни ўлдирган эдим. Энди қарзимни узай.

— Йўқ. — Абдужаббор кескин бош чайқади. — Ўзим қарзимни узгани келдим.

У шимининг пистон чўнтағини кавлаб ўн сўмлик чиқарди-да, столга қўйди:

— Мана.

— Нима бу?

— Қарзим, — деди у негадир қовоғини солиб.

Ҳеч нимага тушунмадим.

— Мендан қарзингиз йўқ.

— Сиздан эмас, Пошша ойимдан олганман.

Унинг бирдан ўзига ярашмаган маъюс қиёфага тушиб қолиши ғалати эди. Онамни эслаб, ўзим ҳам маъюс тортиб қолдим.

— Олган бўлсангиз яхши, — дедим секин. — Шуниям ўйлаб ўтирибсизми?

— Йўқ, — Абдужаббор яна кескин бош чайқади. — Мен бошқача олганман, — деди негадир тажанг бўлиб.

— Нима гап ўзи?

— Бир чеккадан гапириб берайми? — Абдужаббор ўзини ҳам, мени ҳам ёмон кўриб кетаётгандай юзини буриб тўнғиллади. — Бундоқ бўлди. Ўша, том ёпаётган куним уйга борсам, қўшниникида тўй бўлаётган экан. Олаверибмиз, олаверибмиз, хурмача ёрилиб кетишига сал қопти. Эрталаб турсам, бошим фум! Эшик қаёқда, дераза қаёқда, билсан ўлай. Бунинг устига хотин дийдиёсини бошлади. Хотинларни биласиз-ку! — У тасдиқлатиб

олиш учун юзимга қаради. — Хотин зотига “а” деганда “ма”, деб пул обкеб берсанг, латта-путтасини топиб турсанг, одамсан. Бўлмаса, ўт анови ёкка, дейди, хумгазак! Бирпас ўтиросам, жанжал чиқадиган. Чопонни елкага ташлаб чиқиб кетавердим. Падар қусур хумгазак чүнтакниям қоқлаб қўйган экан. Келсам, сиз йўқсиз. Пошша ойимга ҳасратимни айтдим. “Шундоқ, шундоқ, мазам қочиб турибди, озгина пахмель қилмасам бўлмайди”, десам, эшитишни хоҳламайдилар. Аврашга тушдим. “Жон Пошша ойи, ҳозир ичмасам ўлиб қоламан, уволимга қоласиз, беш сўмгина беринг”, дедим. Кўниш қаёқда! Қайтага уришиб бердилар. “Сенга ўз қўлим билан ич-килик обериб гуноҳга ботишга тобим йўқ, ундан кўра аччиқкина мастава қилиб бераман”, дейдилар. Үлай агар, оёқда зўрға турибман. Бошимни чанглаб ўтиравердим. Менга қараб-қараб қўядилар. Биламан, раҳмлари келяпти, аммо барибир, юшшамадилар. Охири бўлмади. Томга чиқиб амаллаб ишга тушдиму бош қизталоқ ўзимникимас. Бир маҳал мастава пишди, деб чақириб қолдилар. Маставани бошимга ураманми! Минг кося маставадан кўра юз граммгина “оқбола”дан бўлса-ку, олам гулистон! Ҳадеб чақираверганларидан кейин тушдим. Мундоқ қарасам, нарвоннинг тагида фижимланган беш сўмлик ётиби. Кўзимга олов бўлиб кўриниб кетди. Одим-у қўл қизталоқ титрайди.

— Кимники? — дедим бақириб.

Пошша ойим овқат сузиш билан бандлар. Югуриб олдиларига бордим.

— Кимники? — дедим пулни кўрсатиб.

Пошша ойимнинг жаҳллари чиқиб кетди.

— Топиб олганингдан кейин кимники бўларди, сеники-да. Нима қиласан бақириб, — деб уришиб бердилар.

Үткір ҲОШИМОВ

Абдужаббор жимиб қолди. У бир нұқтага тикилиб үтирад, күзларида одатдагидек шиддат әмас, үйчанлик бор әди.

— Кейин яна бир марта мазам қочганда Пошша ойим тағин беш сүм “тушириб қўйдилар”, — деди у секин. — мен топиб олдим.

Орага узоқ сукунат чўкди. Абдужаббор бир нұқтага тикилиб үтирад, қовоғи солиқ әди.

— Мана ўша ўн сўм! — У пулни мен томонга сурди.

— Қўйинг, — дедим сидқидилдан. — Ойим сиздан рози кетганлар.

— Олмасангиз отамнинг боласимасман! — Абдужаббор шаҳд билан ўрнидан турди, остоңага борганды тўхтаб қайрилиб қаради. — Анув куни Пошша ойимни зиёрат қилгани борувдим, — деди овози хириллаб. — Мозор дарвозасидан қайтдим: ичган әдим. — У бир зум ерга қараб турди-да, қўшиб қўйди: — Бугун пайшанба, бормоқчиман. Уч кундан буён оғзимга олганим йўқ.

У жавобимни кутмай эшикни ёпдию чиқиб кетди.

ҲАВАС

Ҳар қандай дарднинг энг яхши давоси вақт дейдилар. Билмадим, бошқаларда шундай бўлса бордир. Менда... Баъзан ҳаммасини унугтандай бўламану бирон нарсадан сиқилсам, тағин қайтадан бошланади. Кечаси уйқум ўчганча қоронги шифтга тикилиб ётавераман, ётавераман... Шунда қулогим остида онамнинг оҳиста юпатиши эши-тилади. “Кўй болам, ўзингни сиқма... Менга сенинг чи-виндек жонинг керак. Сен учун менинг юрагим ёнганида бошқаларни этагининг бари ҳам куймайди, болам. Ҳеч бўлмаса мени куйдирмагин...”

Бир вақтлар шунчаки гапдек кўринган бу сўзлар энди бошқача, жуда бошқача жаранглайди хаёлимда...

Жаҳонгир деган журналист дўстим бор. Жуда дилкаш йигит. Фақат доим шошиб юради. Бугун Тошкентда, эртага қарасангиз Самарқандда... Хотини ўзининг тескариси: бўшашгангина жувон. “Жаҳон қани?” десангиз, “бilmадим, Тожикистонга командировкага кетувдилар шекилли, янаги ҳафталарга келиб қолсалар керак”, деб қўя қолади. Янаги ҳафта борсангиз, Жаҳонгир Туркманистонга кетган бўлади.

Кайси куни шу ўртоғим келиб қолди.

— Қани, отлан! — деди одатдагидек шошилиб. — Жиззахга кетдик.

Ланжлик қилиб баҳона излай бошлаган эдим, қўлимдан ушлаб уйига судради. Дарвоза олдида «Москвич» и ярақлаб турибди. Машина ёнида кекса онаси — Мехри хола... Унинг нимасинидир ўз онамга ўхшатаман. Маъюс қиёфада бошини бир ёнга ташлаб туришими, узун, қора бахмал нимчасими, қалин рўмол тагидан чиқиб турган оппоқ соchlарими...

Мехри хола ўғлидан хурсанд. Кўзига парда тушиб кўролмай қолганида Жаҳонгир Муҳаммаджон дўхтирга обориб операция қилдириди. Мехри хола: “Жаҳоним туфайли дунёга янгидан келдим”, деб ҳар гапида дуо қилади. Кўзи-ку, яхши кўрадиган бўлган. Лекин қулоги оғир. Каттиқ гапирмасангиз эшитмайди.

У мени кўриб қувонди. Пешонамдан ўпиб кўришди.

— Бу даловша яна отланиб қолди, — деди Жаҳонгирга имо қилиб. — Ўзи кеча келувди.

Дўстимнинг феълини билганим учун индамай қўя қолдим. Жаҳонгир капот остига шўнғиб моторни текшириш билан овора эди.

Үткір ҲОШИМОВ

— Йұлда әхтиёт бүлинглар! — Мехри хола күзла-
рини жавдиратиб илтимос қилди.

— Ҳавотир олманг, — дедим уни юпатиб.

— А?

Овозимни баландлатиб яна тасалли бердим:

— Хотиржам бүлинг, индинга қайтиб келамиз.

Мехри хола бир зум бошини эгіб жим турди-да, ҳамон
моторни кавлаштираёттан Қаҳонгирнинг ёнига борди.

— Қаҳон, — деди секингина, — тоғдан әхтиёт бү-
либ үтгін.

Қаҳонгир елкаси оша онасига қаради:

— Жиззахнинг йүлида төр йүқ.

— Төр күп бүлгани учун айтапман-да, — Мехри
хола астойдил күйиниб тушунтира бошлади. — Маши-
нангни секин ҳайдагин. Шошмагин, жон болам.

— Төр йүқ десам, төр күп дейсиз-а! — Қаҳонгир
бурнини тортиб қаддини ростлади. — Құрқманг, ойи,
тоғнинг ёнига бормаймиз, четлаб үтіб кетамиз.

Мехри хола бир зум индамай турди. Ұғлнинг жа-
вобидан барибир қаноат ҳосил қилмади. Тағин менинг
олдимга келди.

— Үзингиз қараб боринг, жон болам, — деди ёлвориб.

— Айтинг, тұхтаб-тұхтаб, дам олиб-дам олиб юрсин.

— Ҳұп, ойижон. Үзим қараб тураман. Дам олиб-дам
олиб борамиз.

Мехри хола яна бир зум қараб турди-да, ҳовлиға
кириб кетди. Бироқ күп үтмай пүстакка үхаш бир
нарсаны құчоқлаб күтариб чиқди. Қарасам, каттакон
пүстин. Энди капотни ёпган Қаҳонгир ночор қиёфада
афтини буриштириди.

— Кун иссиқ-ку!

— Нима?

- Кун иссиқ-ку, нима қиласан буни?
- Йўлда совуқ қотиб қолсанг, киясан.

Дўстимнинг ночор қиёфасида ҳам, Мехри холанинг пўстин кўтариб туришидаям ҳам кулгили, ҳам қандайдир одамнинг дилини ларзага соладиган фалати ифода бор эди.

— Менга беринг, — дедим Мехри холанинг қулидан пўстинни олиб. — Жаҳон киймаса, ўзим кияман.

— Бўлти, кетдик. Кеч қоламиз! — Жаҳонгир шахт билан машинага ўтириди.

— Шошма! — Мехри хола хол-хол доф босган қулини силтаб имо қилди. — Қани, омин! — деди дуога қўл очиб. — Боламни сиэга, сизни. Худога топширдим. Ой бориб, омон келинглар. Сафарларинг бехатар бўлсин, дўстга зор, душманга хор қилмасин. Илоё, тупроқ олсанглар олтин бўлсин. Илоё...

Жаҳонгир ноилож кафтини очиб тураркан, аламини боядан бери машина атрофида айланишаётган ўғилчасидан олди:

— Нимага бош яланг чиқдинг? Совуқ-ку! Уйга кир, шпана! — Шундай деди ю бетоқатлик билан моторни юргизди. Мехри хола шоша-пиша фотиҳа тортди. Дўстим энди машинани орқага тислантириб ўнглаган эди, онасининг қўл силтаб қичқиргани эшитилди.

— Тўхтасанг-чи, ҳой!

Жаҳонгир ноилож яна тўхтади.

— Ҳа, яна нима, ойи? — деди машина эшигини қия очиб.

Мехри хола ҳарсиллаб яқин келди. Тимирскиланиб нимчасининг ён чўнтагини кавлаштира бошлади.

— Нима қидиряпсиз? — Жаҳонгир норозилик билан қошини чимириди.

Ўткир ҲОШИМОВ

— Шошма, болам, — Мехри хола ниҳоят чўнтағидан бир сиқим пахта чиқарди. — Ма, — деди қия очик эшикдан узатиб, — қулоғингта тиқиб ол. Биласан-ку, сал шамол тегса қулоғинг оғрийди.

— Оббо! — дўстим пахтани олиб бардачокка ташлади. — Ҳўп хайр, яхши ўтиринглар.

— Йўқ, ҳозир тиқиб ол. Кейин эсингдан чиқиб кетади.

— Уфф! — Жаҳонгир жиндай пахтани наридан-бери думалоқлаб қулоғига тиққан бўлди. Мотор гуриллади. Машина шиддат билан олдинга сапчиди. Бир зум жим кетдик. Дўстим йўлдан кўз узмай бораркан, хижолат чеккандек тушунтириди: — Одам кексайганидан кейин ёш болага айланиб қоларкан-да...

Мен индамадим. Нима дей? “Шу гапларни нега хотининг айтмади, нега болаларинг айтмадио онанг айтяпти, нега бу ёғини ўйламайсан?” дейми? “Сенга қанчалик ҳавас қилаёттанимни билсанг эди, нодон!” дейми?

Қизик, ўша кеча онам тушимга кирди. Қўлида оппоқ пахта кўтариб юрганиши...

КАЛТАКЕСАКНИНГ ДУМИ

Шундоқ дарвоза олдида силлиқланиб кетган эски ёғоч скамейка бор. Ҳар куни ишдан қайтишда беихтиёр скамейкага қарайман. Бир вақтлар дарвоза олди, мана шу харрак доим гавжум бўларди.

Эрталаб тонг отиши билан онам дарвозани ланг очиб қўяди: фаришта киравмиш. Ҳали уйғонмасимдан гангур-гунгур сұхбат бошланади.

— Яхши ўтирибсизми, пошша ойи?

— Шукур, айланай. Үғлингиэдан хат борми?

— Икки ҳафтадан бүён хат келмаяпти, кўнглим фаш.

— Унақа бўлса эрта-индин ўзи кириб келади. Мени айтди дерсиз. Ҳозир армиядан болалар қайтадиган вақт бўлди.

Шанба-якшанба кунлари энди ишлайман, деб ўтирасам шовқин-сурон айниқса авжига чиқади. Скамейка жонивор худди учакишгандек дераза тагида... Махалланинг ярим боласи симга тизилган қалдироҷодек харракка ўтириб олади. Ўртада ойим.

— Пошиша буви, конфет беринг.

— Пошиша буви, менгаям! Йўқ, унақасиданмас, зарлигидан.

Шу пайт, кўча бошида қарилгидан қулоқлари осилиб қолган, эчкидеккина озғин эшак кўринади. Ихчам араванинг фидиракларини фийқиллатганча секин-секин келадиую худди станциясини билиб тўхтаган поезддек дераза рўпарасида тўхтайди. Қишин-ёзин оёғига маҳси кийиб, телпагини бостириб юрадиган қоп-қора чол “Бисмилло”, деб аравадан тушади-да, овози борича бақиради:

— Кеп қолинг, шара-бара-а-а! — Муштдеккина чолнинг шунчалик жарангдор овозда қичқиришига баъзан ҳайрон қоламиз. — Кеп қолинг! Зар коптоқка кеп қолинг!

Чол кафтини карнай қилиб ҳар бақирганида деразалар зириллаб кетади.

— Ҳуштакнинг булбули ўзимизда! Сакич деганлар келаверсин!

У шу ҳайқириқ орасида ойим билан ҳол-аҳвол сўрашиб қўйишниям унутмайди:

— Қалай, Пошиша опа, бардамгина ўтирибсиэми?

— Шукр, — дейди ойим. — Кенжангиз қачон келади?

Чолнинг кенжга ўғли МГУда, аспирантурада ўқийди.

— Дилгиrom келди, йигигиричнида келаркан. Чор-

Үткір ҲОШИМОВ

шанба куни Күктеракка бориб құй опчиқдим, — дейди чол. — Үғлым келиши билан оёғига сұйман. — У яна кафтини карнай қилиб қичқиради. — Э, шара-бара-а-а!

Деразалар тарин зириллаб кетади. Ойим бир күча қора-қура болаларни әргаштириб ҳовлига киради. Ҳаммаёқни қий-чув тутиб кетади.

— Ая! Шиша беринг!

— Пошша ойи, үн тийин беринг, ҳуштак оламан.

— Менгаям!

Шара-барачи чол камида ярим соат савдо қилади. Бирөвга сакич, бирөвга шақылдоқ... Яна бирөвга резинка боғланған, учидан тортиб отилса құлға қайтиб келадиган зар коптотк... Қари әшак бұлса турған жойнда қулоқларини осилтириб мудраб ҳордиқ чиқариб олади.

Чол кетиши билан қий-чув босилади деб үйлайсизми? Йүқ, баттар авжига чиқади.

— Нилу, үлгур, нима қылдинг? Ҳа, қыз бұлмай ажални олдида кет! Шишани ёғи билан бериб юборибсан-ку.

— Ҳой, Алиш! Нима ҳунар құрсаңдинг? Ҳуштак чалмай ергина юттур, адангни ароғини түкиб ташлаб бутилкасини берибсан-ку. Ҳали құлымга тушгин, гүштингни бир бурдадан қымасам юрган эканман.

Бир тұда бола үртасида үтирган ойим охиста юпатади.

— Қүйинг, келинпошта, қарғаманг. Болалик — пошшолик-да, үргилай. Адаси бир кун ичмаса ичмас...

Баҳор пайтлари, олча гуллаганда кечасиям тинчлик йүқ. Ярим кечагача пичир-пичир, хингир-хингир... Охир иштесінде бұлмади. Бир куни скамейкани таг-туғи билан аралаб ташламоқчи бўлдим. Дастаррани кўтариб чиқсанмай ойим одатдагидек бир тұда бола орасида үтирибди.

— Ҳа? — деди қўлимдаги аррага қараб.

— Бўлди, — дедим тўнфиллаб. — Одамга тинчлик хам керак-да.

Қора-қура болалар, сочи сичқоннинг думидек диккайтириб ўрилган қизалоқлар менгамас, онамга термилиб қаравади.

— Одам бор жойга одам келади-да, ўғлим, — деди ойим секин. — Норасталар суюнса ёмонми...

Якшанба кунларидан бирида дарвоза олди яна гавжум бўлиб кетди. Аммо бу сафар болалар эмас, хотинхалаж тўпланди. Аёлларнинг ҳаяжонланиб шовқин солишидан билдимки, Ҳури сатанг келган. Ҳури сатанг ёшгина, кўхликкина жувон. Факат оғзидағи қатор-қатор тилла тишлари, бўйнидаги дурлар, айниқса, лўмбиллатиб катта-катта гапириши уни ёшига нисбатан улуғроқ кўрсатади. Бечоранинг турмуши бўлмади. Маҳаллада тўй-ҳашам бўлса, одамларнинг ҳовлисига сим тортиб “туялам-почка” қўйиб берадиган ювошгина монтёр йигитта теккан эди. Беш ой деганда бир эмас, иккита попукдек қизалоқ туғиб берди. Маҳалладаги оғзи ботир отиннинг айтишига қараганда, “шафтолини данаги билан еб қўйган” экан. Монтёр ювош бўлсаям, ориятли йигит экан — уй-жойини ташладио кетди.

Ипдеккина бўлиб юрган Ҳури эридан чиқдию семириб кетди. Ўзининг айтишича, мана, эрсиз ўлгани йўқ, қайтага бриллиантга беланиб юрибди. Унинг ҳўжалик сумкасини кўриши билан хотинларнинг кўзи ёниб кетади. Ўзиям сумкамас, хазина. Ичида билтур вазадан тортиб маҳер кофтагача, пошнаси бир қарич платформа туфлидан тортиб намозшом атласгача — ҳаммаси топилади.

Беихтиёр деразадан мўраласам, “бозор” айни авжига чиқкан экан. Ҳури сатанг семиз оёфини скамейкага,

Ўткир ҲОШИМОВ

шундоқ ойимнинг биқинига тираганча кўзни қамаштирадиган атласни кўрсатиб турибди. Атрофдаги аёллар ҳавас билан тикилиб қарашягти. Ойим Ҳурининг оёғига жой бўшаттани учунми, скамейканинг бир учиға илиниб ўтирибди.

— Бунақаси энди чиқмай қўйган. — Ҳури сатанг атласни тиззасига ёзди-да, кафти билан силади.

Аёллар ҳавас билан томоша қилишар, аммо биронтаси ақалли нархини сўрашга журъят қилолмас эди.

— Ўладиган дунёда еб-ичиб, кийиниб қолади-да одам.

— Ҳури сатанг дўмбоқ кафтини силтади. — Опчиқинг поччам сандикқа босиб қўйган пуллардан, Дилбар опа! Одам бўлиб мундоқ атлас оберсин сизгаям!

Бир этак болага ўралашиб қолган Дилбар опа секин минғиллади:

— Ҳа, насиб этса, бир кун киярмиз.

— Ҳозир киймасайиз, қачон киясиз! Икки-уч йилдан кейин чалпакка ўраб ташласа, ит қарамайдиган бўп қоласиз. Ўзиззиям ўйланг мундоқ.

Дилбар опа яна бир нима деб минғиллади. Ҳури сатанг: “Харидор йўқми?” дегандек хотинларга бир-бир қараб чиқди-да, атласни сумкага тиқди. Кейин узоқ титкилаб бир нимани қўлига олган эди, аёллар худди ўртоғининг янги ўйинчоғини томоша қилган болалардек бараварига унинг кафтига эгилишди:

— Вуу-үй! Манови зиракни!

— Тиллами?

— Қанча туради?

— Тилладан ҳам зўр! Платина деб қўйибди буни! — Ҳури сатанг бошини мағрур кўтарди. — Ўн учта.

Ойим ҳам хира тортган кўзларини унинг кафтига тиқди.

— Қани? Ўн уч сўм бўлса арzon экан-ку!

Хури сатанг овозини баралла қўйиб кулди. Унинг кулиши фалати. Одатда одам кулганида қўзидан нур порлаб кетади. Бироқ Хури сатангнинг кулиши бошқача. Ўзи эмас, томоги кулади... «Ха... ха... ха...» дейди бўлиб-бўлиб. Фақат тилла тишлари ялтирайди. Семиз, бўлиқ кўкраклари силкиниб кетади.

— Бир минг уч юз сўм, пошша ойи! Кўзини кўрдийиэми, бриллиант-ку.

У, “бўлди, томоша тамом”, дегандек бриллиант зиракни ҳам яшироди. Кейин тарин сумкасига қўл сукди. Бу сафар аллақандай ялтироқ мато чиқди. Ой-куни якинлашиб қолган қўшни келинчак Гули матонинг бир четини журъатсизлик билан ушлаб кўрди.

— Бемалол, — деди Хури сатанг. — Бемалол, келин пошша, ғижим бўладиган нарсамас бу. “Мокрий трикотин” деб қўйибди отини.

Ойим ҳам матонинг бир четидан тутиб кўрди.

— Ўзимизнинг мисқоли докага ӯхшаркан, — деди секин.

— Вой-вой-вой! Докайиз ҳаммомда бўлади! — Хури сатанг қошини чимиради. — “Мокрий трикотин”, дисам дока дийди.

— Ўзи қанча? — деди Гули Хури сатангнинг қўзи га термилиб.

— Э, от минан тую бўлармиди, оповси! Бир жойдаги одаммиз. Йигирма сўм-де! Пулийиз ёнизыва қолади.

Гули тушунмади.

— Метри йигирма сўмми?

— Метри нима қиласи? Мен метрлаб сотмийман. Бир кийимлиги бир юз йигирма сўм, тушундиэмис?

Гули секингина қулини тортиб олди. Унинг эри шоффёр. Баҳорда аллақайси совхозга тут барги олиб кетаёт-

Үткір ҲОШИМОВ

ганда авария бўлиб уч ой гипсда ётди. Ҳалиям ишга чиқиб кеттани йўқ.

— Менга тўғри келмас экан, — деди Гули секингина.
— Ҳа-ҳа-ҳа! — Ҳури сатанг оғзидан олов пуркаб томоғи билан кулди. — Эрта-индин қўчкордек ўғил туғиб берадиган хотинига битта кўйлак оберолмийдиган эр қанақа ўзи! Белида белбоғи борми?

Гулининг доғ босган юзи қизарди.
— Майли, — деди секингина. — Қўя қолинг. — У “мокрий трикотин”га жудаям ҳаваси келаётган бўлса керак, яна ушлаб кўрди.

— Этвотман-ку, пулийиз ёнизыва кетади. Асл мол бу! — Ҳури сатанг олтин узукли бармоқлари билан матони фижимлаб-фижимлаб қўйиб юборган эди, яна теп-текис бўлиб колди. — Бола ясашни билган одам гулдек хотинини ясатиб қўйишниям эпласин-де!

Боядан бери индамай ўтирган ойим гапга аралаши. — Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади, болам,. — деди совуқ оҳангда. — Нима қиласиз бечорани уялтириб.

— Вой-вой-вой! Манов одамни қарайла! — Ҳури сатанг бирдан жиддий тофтди. — Ман осин деб этагига осилвотманми?! Манам ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Бирарамас, иккита тирик етимни боқиб ўтирибман.

— Нима қипти сизга? — деди ойим қовоғини солиб. — Биноийдек юрибсиз.

Гули, ҳар қалай, шу матодан кўйлак кийишни жудаям хоҳлаёттани кўриниб турарди.

— Саксон сўмга бўладими? — деди секин.
— Саксон сўмга марожний об енг. Марожний осайиз, эрийиз билан маза қилиб ейсиз.

— Жудаям унақа ноинсофлик қилманг. — Ойим яна гапга аралаши. — Бир жойдаги одамлармиз, тобуткашмиз.

— Ўлсам, тобутим кўчада қолмас. Ким ўлади, ким қолади, худо билади! — Ҳури сатанг матони Гулининг қўлидан юлқиб олди. — Аввал бүёғини бир ёқлик қилинг. Туғиб олгунингизча ҳали нима гапу нима сўз.

Гули эсанкираб қолди. Ойимнинг ранги ўчди.

